

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ГОШКЕНТ ДАВЛАТ
УЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ



ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛАИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ


*(Республика илмий-назарий
анжумани материаллари)*

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

(Республика илмий-назарий анжумани материаллари)



Ушбу тұплам Узбекистон Республикаси Олий ва үрта махсус таълим вазирилги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат үзбек тили ва адабиёти университети томонидан ташкил этилган “ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИННИГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ” мавзусида 2016 йил 20 октябрда үтказилған республика илмий-назарий анжумани материалларидан ташкил топған.

Тұплам материалларидан филолог мутахассислар, она тили ва адабиёти үқитувчилари хамда магистратура ва бакалавриат талабалари фойдаланишлари мүмкін.

(Мақолаларнинг илмий савияси учун муаллифларнинг узлари мастьулдирлар)

ТАХРИР ҲАЙЬАТИ:

- | | |
|-------------------|--|
| Сирожиддинов Ш.С. | - ТошДҰТАУ ректори |
| Махмудов Н.М. | - ТошДҰТАУ илмий ишлар бүйича проректори (масъул мухаррир) |
| Собиров А.Ш. | - ф.ф.д., профессор |
| Йұлдошев И.Ж. | - ф.ф.д., профессор |
| Лутфуллаева Д.Э. | - ф.ф.д., профессор |
| Менглиев Б. | - ф.ф.д., профессор |
| Усмонова Ш. | - ф.ф.д. |
| Азимов И.М. | - ф.ф.н., доцент |
| Дадабоев Ҳ | - ф.ф.д., профессор |
| Курбонова М. | - ф.ф.д., профессор |
| Холмонова З. | - ф.ф.д. |
| Абдушукуров Б. | - ф.ф.н., доцент |
| Сапарниязова М. | - ф.ф.н., доцент |
| Сайдирахимова Н. | - ф.ф.н., доцент |
| Ахмедова Н. | - ф.ф.н., доцент |
| Умурзокова М. | - катта үқитувчи |

ТАКРИЗЧИЛАР:

- | | |
|-------------|---|
| Набиева Д. | - ф.ф.д., Андижон давлат университети профессори |
| Рихсиева Г. | - ф.ф.н., Тошкент давлат шарқшунослик институти доценти |

Тұплам Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат үзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг 2016 йил 17 октябрдагы 3-сонли қарори билан нашрға тавсия этилған.

ЎЗБЕК ТИЛИШУНОСЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ш.С.СИРОЖИДДИНОВ,
ф.ф.д., профессор (ТошДУТАУ ректори)

ЁЗМА НУТҚ МАДАНИЯТИ – ДАВР ТАЛАБИ

Тил ва адабиёт – миллат киёфасини белгилаб берадиган энг асосий тимсоллардан. Ўзбек тилига Давлат тили расмий мақоми берилганлигининг 27 шароитиги нишонланадиган ушбу кунларда истиклолнинг миллий тилимиз ва юғабиётимизга берган имконияти, унинг мавқеини ошириши борасида амалга оширилаётган буюк ислоҳотларни ифтихор билан эътироф этамиз. Миллатимиз ижтимоий-сиёсий, иктисадий, маданий, маънавий ҳётида тарихан жуда қисқа муддатда юз берган юксалишлар ўзбек халқи, хусусан, она тилимиз ва адабиёти тарихида алоҳида тараққиёт саҳифасини очди. Миллий тилимиз тарихида ўчмас из қолдирган 1989 йилда “Ўзбекистонда ўзбек тили ва юғабиёти университети ташкил қилинади” деган гап айтилганида, шубҳасиз, ҳеч ким ишонмасди. 2016 йилга келиб она тили ва адабиётимиз мавқеи яна бир нугона кўтарилиди. Ўзбекистонинг Биринчи Президенти, миллатимиз фахри Насрулло Каримов ташаббуси билан республикамиз пойтахтида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва юғабиёти университети ташкил этилди. Бу – юртбошимизнинг нафақат миллий тил ва юғабиётга бўлган эътибори, ошаки шу тил ва юғабиёт раҳнамоси Алишер Навоий руҳига бўлган ҳурмаги рамзи ҳам бўлди. Миллати, она тили, тарихи, қадриятларини улуғлаган шахсларнинг халқ қалбидан абадий жой олишини тарих бир неча бора исботлаган.

Ҳёйт суръатлари бениҳоя тезлашган бугунги глобаллашув даврида ўкувчиларнинг ижодий тафаккур қобилиятини ўстириш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равища тўғри, равон ва мустақил баён қилиш кўнникмасини шакллантириш, коммуникатив саводхонликни ошириш – таълим олдидаги энг муҳим вазифалардан. Университетни ташкил этиш тўғрисидаги Фармонда кўзда тутилган асосий вазифалардан бири ҳам талаба ёшларни ўзбек тили ва юғабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёкарашга эга ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашга каратилган. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб 2016-17 ўкув йилида Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва юғабиёти университети “5120101 – Ўзбек тили ва юғабиёти” ҳамда “5111200 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)” таълим йўналишларида талабаликка номзодлардан Ўзбекистон Республикаси гаълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2016 йил 8 июндаги 1-сонли ва 2016 йилнинг 20 июндаги 2-сонли баёнларига асосан тест синовлари билан бирга ижодий имтиҳон – иншо ўтказилди.

Ижодий иншолар тест синовларига қадар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда булиб ўтди. Ижодий имтиҳонлар бошлигунга қадар иншо

дастурлари, унинг мавзуй йўналишлари барчага эълон қилинди. Иншони ёзиш буйича эслатмалар тайёрланиб,abituriyentlarрга тарқатилди. Жадвал асосида мунтазам маслаҳатлар ташкил қилинди.

Имтиҳон комиссиясининг таркиби университетнинг етакчи профессор-үқитувчилари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда она тили ва адабиёти фани буйича малакали мутахассислардан шакллантирилди.

Ижодий имтиҳонни ташкил этишдаabituriyentlarнинг миллий қадриятларимизга, халқ маънавиятининг ифодаси бўлган она тили ва адабиёти фанига, аждодлар мероси, ўз Ватанига хурмат-эътибори, муҳаббати, ундан гурурланиш хисси, фарзандлик бурчи, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ёшлар учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва имкониятларга муносабати, фикр-мулоҳазаларининг қай даражада эканлигини билиш, билимларининг савиаси ва ижодий салоҳиятининг қандай шаклланганилиги, фанларнинг ўқитилиши ва ўзлаштирилиш курсаткичини аниклашга асосий эътибор каратилди.

Маълумки, иншо – саводхонлик даражасини текширишнинг синалган усусларидан бири. Иншода ўкувчининг она тилимиз имкониятларидан фойдаланиш, сўз қўллаш маҳорати, фикрий кўнижмаси, билим ва дунёкараши, саводи намоён бўлади, маънавияти ва маърифати акс этади. Шу боис уни ёзиш учун ўкувчидан мураккаб аклий меҳнат талаб этилади. Ижодий иш муаллифи ўз фикрларини зарур далиллар асосида мантиқан изчил ва бадий тарзда, грамматик ва услубий жиҳатдан тўғри изҳор этиши учун иншодан олдин кучли тайёргарлик кўрган бўлиши лозим.

Абитуриентлар умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус таълим она тили ва адабиёт фанлари дастури доирасида адабиёт дарслигига қайд қилинган муайян бадий асар ёки ундаги қаҳрамонлар ҳақидаги адабий, адабиёт дарсларида ўтилган бадий асар ва унда иштирок этувчи қаҳрамонлар тақдирини таҳлил килишда ўкувчининг ижодий, шахсий муносабати акс эттириладиган адабий-ижодий ва ўкувчининг маълум бир мавзуга оид билимлари, ахлоқий-тарбиявий, ижтимоий-сиёсий дунёкараши, фикр ва мулоҳазалари ифодаланадиган эркин мавзуларда тавсия этилган учта мавзудан бирини танлаш асосида иншо ёздилар.

Имтиҳонни ўтказиш давомида умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар таълими босқичларида она тили ва адабиёт фанидан олган билим ва кўнижмаларини ижодий иншо ёзиш жараёнида юзага чиқариш имкониятига эга бўлган, муайян мавзу буйича ўзининг мустақил фикрларини баён эта олган, мавзуни ёритища ишга ижодий ёндашган, сўз танлашда моҳир, услуби равон абитуриентларни аниклаш дикқат марказимизда турди.

Апелляциялар жараёнида абитуриентларнинг фикрлаши, дунёкараши у даражада ёмон эмаслиги, бирор ҳусниҳат, ўз фикрини ёзма баён этиши кўнижмасининг сустлиги аникланди. Комиссияга ижодий ишни кайта куриб чиқиши сураб мурожаат килган аксарият абитуриентлар ишда йўл кўйган хатоларини куриб, ҳақиқатан ҳам, ёзма саводхонликлари яхши эмаслигини тан олдилар.

Ижодий имтиҳон кўп балли баҳолаш тизими бўйича баҳоланди. Иншода тўғиш мумкин бўлган энг юкори баҳо миқдори 75,6 баллни ташкил этиб, бу билл ишнинг мазмуни ва саводхонлигига тенг – 37,8 баллдан тақсимланди. Коникарли баҳоланганд ижодий ишларнинг аксариятига асосий балл ишнинг мазмуни учун кўйилганлиги, саводхонлик бўйича кам балл тўпланганилиги маълум бўлди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, иншони баҳолаш жараёнида ҳатто айни пайтда ёзма ишларни баҳолаш учун мукаммал, ягона меъёрий-хукуқий асосга шаҳар эмаслигимиз аён бўлди. Имтиҳонларга қадар “Ижодий имтиҳон (иншо)ни баҳолаш мезонлари” университет профессор-ўқитувчилари, Республика таълим муркази мутахассислари томонидан қайта ишланди, такомиллаштирилди ва Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси, Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда ундан амалда фойдаланилди.

Натижалар, ҳақиқатдан ҳам, университетни ташкил этиш тұғрисидаги Фармонда таъқидланганидек “Айни вактда бу соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз даркор” лигини күрсатмоқда. Филология – ижодкорлик ва саводхонлик билан боғлиқ соҳа. Иншо ўкувчининг бу соҳанинг ҳар икки тармоғи – тил ва адабиёт фанлари бўйича эгаллаган билимларини бирваракайига синовдан ўтказиш имконини беради. Оғзаки савол-жавоб жараёнида ўкувчининг коммуникатив саводхонлиги, нутқий қобилияти аниқланади. Шу боис олий таълим муассасаларида миллый тилимиз ва адабиётимиз тадқики билан шуғулланадиган мутахассислар тайёрлайдиган филология йўналишларига кириш имтиҳони учун ажратилган умумий баллар ҳисобидан оғзаки савол-жавоб ва ёзма иш ўтказилишини йўлга қўйиш, таълимнинг кўйи бўғинларида ёзма ишларни ташкил этишга эътиборни янада кучайтириш давр талабига айланиб бормоқда.

Тил – миллый маънавиятимиз кузгуси экан, миллатнинг ҳар бир вакили ана шу тилдан ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг турли жабҳаларида, мулокот ва муносабатнинг барча шаклларида эркин, тұғри ва самарали фойдалана олиш кўнижмасига эга булиши лозим, албатта. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетига талабаликка номзодлардан тест синовлари билан бирга ижодий имтиҳон – иншо ўтказилиши ҳақидаги баёни ушбу талабга жавоб эканини ўтказилган ижодий имтиҳон натижалари яна бир бор тасдиклади.

Н.МАХМУДОВ,

ф.ф.д., профессор (ТошдұТАУ)

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ: АЛИФБО ВА ИМЛО МУАММОЛАРИ

Тилнинг чинакам маънодаги алоқа қуроли булишдай бош вазифасини ёзувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кишилик жамияти тарихи кўлга киритган билиму тажрибалар, инсон закоси яратган нодир кашфиётлар, инсониятнинг олис, аммо ойдин бадиий тафаккури маҳсули бўлған сўз санъати дурданалари, фозилу фузало, азизу авлиёларнинг ҳақ йўлидаги, одам боласини қобиллик, комиллик, одиллик эшикларини очишга ундаш йўлидаги табаррук қаломлари, жамиятлар тарихининг нурли ва нурсиз сахифалари ва шу каби ахборотларнинг барча-барчаси авлодлардан авлодларга, ҳалқлардан ҳалқларга, қитъалардан қитъаларга бевосита ёзув орқали етиб боради. Биз бугун ёзув туфайлигина бир неча минг йиллик кўхна тарих қаъридаги товушларни эшига оламиз. Бу ёзувнинг тенгсиз қудратидир.

Ёзувнинг кашф қилиниши инсоният маданий тараққиётининг чин маънодаги ибтидоси булиб, оғзаки тил (нутқ)нинг замон (вакт) ва макон (масофа) жиҳатидан чекланганлиги ва бу чекланганликни бартараф этишдан иборат мутлак зарурый эҳтиёж қонуний равишда ёзувнинг келиб чикишига олиб келганлиги табиий.

Ёзув товуш тилига қараганда анча кейин пайдо бўлган. Товуш тили, мутахассисларнинг аниқлашига кўра, 400-500 минг йиллар илгари пайдо бўлган, ёзувнинг юзага келганига эса атиги 4-5 минг йил бўлган (эҳтимол, ундан хам кўпдир), холос.

Ёзувнинг юзага келиши ва тадрижий ривожи жамият тараққиёти билан, муайян масофадаги кишиларнинг ўзаро алоқа қилиш эҳтиёжи, сиёсий, ҳукукий, диний ва эстетик мазмундаги ахборотларни қайд этиш, сақлаш зарурати билан бевосита боғлиқ. Жамиятнинг ривожланиб бориши, табиийки, хилма-хил ахборотларни алмашиш, қайд этиши заруриятини кучайтиради. Бу ҳол ўз навбатида ёзув такомилини такозо этади. Дунёдаги ёзувлар шу тариқа шаклланиб, такомил топиб борган.

Ҳар қандай ёзув пайдо булар экан, албатта, тегишли тилнинг товуш қурилишини акс эттиришни назарда тутган, яъни муайян тилнинг товуш қурилиши ва унинг таркибидағи товушларни тўғри ифодалаш асосий мақсад, замин ҳисобланган. Айни пайтда ўзун ҳам унутмаслик жоизки, таникли козок адаби ва туркйшуноси Олжас Сулаймонов алоҳида қайд этганидай, “ҳар қандай ёзув тарихда, энг аввало, муайян диний мағкуранинг ифодачисидир. Давлатчилик ва маданиятни ифодалашни эса у фактат кейин ўз устига олган. Энг янги динларнинг барчаси ўз ёзувлари билан дунёга ёйилган. Яхудийлик – қадимги яхудий ёзуви билан, христианлик – юнон, лотин ёзуви билан, буддавийлик – қадимги хинд ёзуви билан, зардуштийлик – авесто ёзуви билан, ислом – араб ёзуви билан...”(1)

Юксак маданият соҳиби бўлмиш туркий ҳалқлар, сунѓти маълумотларга кўра, милоддан олдинги VI - V асрлардан бошлаб Үрхун алифбосидан фойдаланганлар. Үн асрдан кўпроқ вакт мобайнида истеъмолда бўлган мазкур алифбо ўша давр туркий тилининг товуш қурилишини ниҳоятда аниқ ифода эта

ошан. Туркий халқлар ислом динини қабул қилғач, IX - X асрлардан бошлаб, араб алифбосига үтгандар. XX асрнинг бошларига қадар ана шу ёзувдан фойдаланиб келдилар. 1925 йили Бокуда булиб үтган туркийшунослар курултойида Шуролар мамлакати таркибидаги туркий халқларнинг лотин илифбосига ўтишига карор килинди. Бу даврда тиник миллый тафаккур эгалари бўлған жуда кўплаб зиёлиларимиз ўзбек тилининг мунтазам камоли учун потин ёзувига ўтиш нурли истиқбол эканлиги ҳақида қайта-айта гапирганлар. Ана шу ҳаракатлар натижасида Ўзбекистонда 1929 йилда бу алифбо жорий қилинди.

Аммо тез орада, яъни 1940 йилдан бошлаб кирилл ёзуви асосидаги илифбо мажбурий равишда қабул қилдирилди. Мазкур «ислоҳот» хукмон мағфура тарафидан «туркий халқлар миллатлараро алока воситаси бўлмиш рус тилини ўрганишга қўйналяптилар, алифболарнинг бошқа-бошқа эканлиги бунга халқакит беряпти» деган баҳона билан асосланди. Натижада рус алифбосидаги деярли барча ҳарфлар ўзбек кирилл алифбосига ҳам олинди, ҳатто тилимизнинг товуш хусусиятларига асло мос келмайдиган ҳарфлар (ъ, ь, е, ё, ю, я, ц) ҳам ўзбек алифбосидан жой олди. Биз узок вақтлар давомида кириллица асосидаги илифбога ўтишни муҳим ижобий ходиса сифатида тушунтириб келдик. Аслида бу иш, яъни миллый республикалардаги тилларнинг кириллицага ўтказдирилиши муайян мақсадни кўзлаб, зўрлик билан қилинган империячилик гўдбирларининг бири эди. Аслида кириллица нафақат ўзбек тилининг, балки бирон-бир туркий тилнинг товуш курилишини акс эттира олмас эди.

Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги барча соҳаларда бўлғани каби она тилимизнинг ҳам, унинг ифодачиси бўлмиш ёзувимизнинг ҳам ривожу тақомилини эмин-эркин белгилаш, таъмин этиш имконини туғдирди. Даъвагимизнинг Биринчи Президенти уша давр ҳақида фикр юритар экан, кўйидагиларни таъқидлаган эди: “Табиийки, мустақилликка эришганимиздан кейин халқимиз маънавий ҳаётидаги бошқа кўплаб муаммолар қатори тил ва илифбо масаласи ҳам биз учун кун тартибидаги долзарб вазифага айланди. Айниқса, она тилимизнинг халқаро майдондаги обру-эътибори ва нуфузини юксалтириш, мамлакатимизнинг жаҳон коммуникация тизимига интеграциялашувини таъминлаш, фарзандларимиз учун чет тиллар, ахборот технологияларини ҳар томонлама пухта эгалаш борасида кулад имкониятлар яратиш каби бир-биридан муҳим вазифалар бу масалани кечиктирмасдан ҳал қилишни талаб этар эди. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, бу масала қанчалик ўтқир бўлмасин, биз уни ечишда ортиқча ҳиссиётларга берилмасдан, илмий асосда, ҳар томонлама ўйлаб, кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-истакларини инобатта олиб иш тутдик.” (2)

Айтиш керакки, ўзбек миллый алифбосини яратиш хусусида жиддий тақлиф ва мулоҳазалар ўргага ташланди. Миллый ўзбек алифбосини шакллантириш юзасидан, асосан, уч хил фикр билдирилди. Булар – мавжуд кирилл алифбосини тақомиллаштириб қўя қолиш, лотин ёзуви асосидаги илифбога ўтиш, араб алифбосига қайтиш каби мулоҳазалардан иборат эди. Ҳеч бир шубҳа йўқки, араб ёзуви бизнинг бой ва мутлақо муқаддас ўтмишимиз, пири комил боболаримиз руҳини бизнинг қалбимизда событ тутиб турувчи

тengsiz робита, буни эсдан чикаришга бирон-бир кишининг ҳаққи ҳам, ҳадди ҳам йўқ. Дунёдаги энг пок ва одил дину эътиқодимиз ҳам ана шу табаррук ёзувда рақам қилинган, булар мазкур ёзувни ҳам урганиб боришни тақозо килади. Ўтмишсиз келажак йўқ. Муқаддас ва муҳтарам минг йиллик утмишишимизни теран идрок этиш, мукаммал урганишда араб ёзуви алмаштириб булмайдиган калиттир. Буни ҳамиша ёдда тутишимиз шарт.

Очигини айтадиган бўлсак, араб ёзуви туркий тилнинг, хусусан, ўзбек тилининг товуш қурилишини тұла ва холис акс эттира олмайдын. Илк араб тишлинослари, масалан, Халил ибн Аҳмад араб тилемде ундош товушларни мөхият, унли товушларни эса ўтқинчи деб қараган, бу, албатта, араб тилининг мутлақо ўзига хос хусусиятига ишора. Араб алифбоси ана шу хусусият асосида шаклланган. Бу ёзув, энг аввало, ундош товушлар ёзуви бўлиб, сўзларнинг асосини ундошлар ташкил этувчи араб тили хусусиятидан келиб чиқиб яратилган. Бу тиљда, демакки, бу ёзувда унли товушлар ифодаси мухим эмас. Туркий тиљда эса унли ва ундош товушлар теппа-тeng ахамиятга эга. Шунинг учун туркий тил унлиларининг араб ёзувидаги ифодаланмай колиши жуда кўп қийинчилликларни келтириб чиқаради.

Ўзбек тили тил оиласирига мансублиги жиҳатидан араб лисони билан қариндош эмас, улар орасида яқинлик йўқ. Ҳатто ўз вақтида улуг аждодимиз Абу Райхон Беруний ҳам араб ёзувининг туркий тил ифодаси учун мос эмаслигини таъкидлаган. Туркий сўзининг XI асрдаги фидойи ҳазинабони Махмуд Кошғарий сўзларнинг талаффузини араб ёзувидаги ифодалашнинг мушкуллигидан бир қанча қўшимча белгиларга мурожаат килишга мажбур бўлган. Алишер Навоий ёки мумтоз адабиётимизнинг бошқа атоқли намояндалари асарларида баъзи сўзларни баъзан у ёки бу тарзда ўқиш атрофидаги ҳали-ҳозир охири кўринмайдиган баҳсларнинг асл манбаи ҳам мазкур ёзувнинг ўзига (аммо туркий тилга эмас) хос хусусияти билан боғлик эканлиги тайин.

Ёзуви такомиллаштиришдаги энг макбул йул кирилл алифбосидан воз кечиб, лотин ёзуви асосидаги миллий алифбога қучиши эканлиги кўпчилик томонидан эътироф этилгач, бу масала ҳал қилинди. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Қонуннинг муқаддимасида шундай дейилган: «Ушбу қонун Узбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929 – 1940-йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-ҳошишларни инобатта олган ҳолда республиканинг ҳар томонлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади».

Мазкур қонунга кўра қабул қилинган ўзбек алифбосида айрим ҳарфлар ост ва уст белгилар ёрдамида ясалган бўлиб, улар замонавий ёзув техникаларида булмаганлиги учун бундай техникалардан қўшимча сарф-харажатларсиз фойдаланишининг имкони йўқ эди. Шунинг учун устига, остига турли ишоратлар кўйилган ҳарфлардан воз кечиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Ана шу мулоҳазаларни инобатта олган ҳолда, 1995 йилнинг 6 майида

«Узбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунiga ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди. Узгартишлар киритилгандан кейин янги ўзбек алифбоси 26 та харф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан таркиб топди. Ўзбекистон Республикаси Шигирлар Мажкамаси 1995 йилнинг 24 августида «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» қарор қабул қилди. Шу йили профессорлар Шинкат Раҳматуллаев ва Азим Ҳожиевлар томонидан тузилган «Ўзбек тилининг имло лугати» («Ўқитувчи» нашриёти) нашр қилинди.

Бугунги кунда ўзбек адабий тилини ёзма ифодалашда айни шу асосий имло қоидалари ва жами 29 ҳарфдан иборат алифбодан фойдаланиб келинмоқда. Ўзбек тилининг истиқлол йилларидағи кўламли ва жадал тиражкиёти, ундаги табиий ўзгариш ва янгиланишлар алифбо ва асосий имло қоидаларида янада такомиллаштирилиши лозим бўлган ўринлар мавжудлигини хам кўрсатмоқда. Ўзбекистон Биринчи Президентининг 2016 йилнинг 13 майидаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги тарихий Фармонида ҳам ўзбек тилининг “тovушлар тизими ва уларнинг ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар тайёрлаш” университетнинг вазифаларидан бири сифатида қўйилган. Бугунги кунда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ана шундай таклифларни тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гурӯҳи алоҳида режа асосида иш олиб бормоқда.

Хар қандай алифбонинг асосий мақсади ҳалқ шеваларидағи товуш тизимини эмас, балки адабий тилнинг товуш тизимини акс эттиришдан иборат. Ҳалқ шеваларидағи товуш тизимини акс эттириш учун маҳсус “фонетик шифбо” мавжуд, уни тилшунослик илмида “транскрипция” дейилади. Мавжуд ўзбек алифбосидаги ҳарфларнинг 29 та эканлиги ўзбек ҳалқ шеваларида ҳам 29 тагина товуш борлигини билдирамайди, ўзбек ҳалқ шеваларида товушлар бундан анчагина кўп. Шунинг учун ҳам ўзбек диалектологиясида қўлланадиган транскрипцион ёзувда белгилар миқдори сезилирли даражада ортиқ. Алифбода тилдаги мавжуд товушлар ва уларнинг вариантлари учун эмас, балки товушларнинг инвариантлари, яъни фонемалар учун тегишли белги – ҳарф танланади. Масалан, ўзбек алифбосида “и” фонемаси ифодаси учун “ї” ҳарфи танланган, бу ҳарф шу фонеманинг барча вариантларини ифодалайверади, яъни “bilan”, “qiziq” “sahifa” каби ҳолатларда бир фонеманинг уч вариантини ифодалайдики, уларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида ҳарф тайин қилиш тайрийлимийдир. Мавжуд ўзбек алифбосини такомиллаштиришдай мақбул мақсадида билдирилаётган мулоҳазаларнинг аксариятида ана шу қабилдаги фикрлар билдирилаётгани мутахассисда таассусуф тұғдирауди.

Албатта, жорий ўзбек алифбосида такомиллаштиришга муҳтож ўринлар иўқ эмас. Энг мақбул, таъбир жоиз бўлса, идеал алифбонинг бош тамойили бир фонеманинг бир ҳарф билан ифодаланиши, бир ҳарфнинг бир фонемани ифодалашидан иборат, гарчи бунга мунтазам интилиш бўлса-да, аммо ер юзида гамоман шу тамойилни намоён қиласидиган алифбо ҳали иўқ.

Хозирги узбек алифбосида учта фонема қуш ҳарф билан ифодаланган. Айникса, “ch” ва “ng” ҳарфлари ҳақида шундай мулоҳазаларни айтиш мумкин: “ch” ҳарфи кўп жиҳатдан қулай эмас, энг аввало, савод чиқаришда ортиқча қийинчиликларни келтириб чиқаради, “с” ҳарфи (ва унинг номи, демакки, “маъно”си) айни алифбо тизимида мавжуд эмас, шунинг учун ўргатувчи ўрганувчига олдин бу ҳарфни ўргатиши (бу бир жараён), кейин уни “h” билан қўшиш лозимлигини (иккинчи бир жараён) уктириб, бу қўшилма ифодалайдиган товушни англатиши керак бўлади. Ўқитувчи (албатта, ўкувчи ҳам) бир ҳарфни ўргатиш (урганиш) учун тўлиқ икки баравар куч сарфлаш мажбурияти остида қолади. Табиийки, буни макбул ҳолат дейиш кийин.

Иккинчи қуш ҳарф, яъни “ng” ҳарфиди ҳам номақбул жиҳатлар бор, аввало, у амалиётда бир товушни иккига бўлиб, янгиш талаффуз килишга йўл очади: *ko'r-din-giz* (аслида: *ko'r-di-ngiz* бўлиши керак); бу кирил алифбосида ҳам шундай эди: *кўр-дин-гиз* (аслида: *кўр-ди-нгиз* бўлиши керак). Бу ҳарфий қўшилманинг бундай ва бошқа нодуруст томонлари ҳақида тилшунослик тарихида жуда кўп баҳслар олиб борилган ва бу товуш ифодаси учун турли белгилар тавсия қилинган.(3) Алифбодаги яна бир қатор ҳарфлар ҳақида ҳам ўйлаб курилиши ва тегишли асосли таклифлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувоғик.

Алифбодан тўғри фойдаланиш ўйларини, табиийки, имло қоидалари белгилаб беради. Саводхонликни таъминлашда мукаммал имло қоидалари ҳал қилувчи омиллардандир. Саводхон бўлмаган жамиятнинг камолоти ва тараққиёти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам янги алифбонинг имлоси масаласига алоҳида эътибор берилган. Янги имло қоидалари етакчи тилшунослар ва амалиётчилардан иборат маҳсус ишчи гурӯҳи томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.(4)

Бугунги кунда мазкур имло қоидаларида ҳам такомиллаштирилиши лозим бўлган бир қанча ўринлар мавжудлиги аён бўлмоқда. Масалан, бир катор сўзларнинг ёзилиши, ўзлашма сўзлардаги айрим товушларнинг ифодаланиши, ўзак ва қўшимчалар имлоси, қўшиб ва ажратиб ёзиш қоидаларида мукаммаллаштирилиши, аниқлаштрилиши зарур бўлган жиҳатлар анча-мунча бор. Биргина мисол, “Ўзбек тилининг имло лугати” (1995) да октябрь, сентябрь сўзлари *oktabr*, *sentabr* тарзида қайд этилгани ҳолда *актёр*, *монтёр*, *самолёт* сўзларини *aktyor*, *montyor*, *samolyot* шаклида “у” билан ёзиш қоидалаштирилган, табиийки, бунда имлодаги изчилликка путур етган. Куриниб турганидай, ўзбек тили имло қоидаларини янада такомиллаштириш бўйича илмий асосланган, тилимиз қонуниятларини тўғри акс эттирадиган ва амалиёт учун қулай таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги даврнинг долзарб талабидир.

Мустакил Ўзбекистонимизнинг кундан-кунга жадал камол топиб бориши учун зарур бўлган масаланинг катта-кичиги йўқ. Маънавий комил, маданий етук кишиларгина мустакилликни мустаҳкамлаш, унинг бардавомлигини таминлаш ишига хисса қуша олади. Мукаммал тил ва унинг мунтазам либоси бўлмиш ёзувсиз эса маънавияту маданиятнинг ўзи йўқдир.

Адабиётлар:

- 1 Сулайменов О. Язык письма. Алматы – Рим: SanPaolo, 1998. –С.8.
- 2 Каимов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б.88.
- 3 Бу ҳақда батағсил қар.: Жамолхонов Ҳ., Сапаев К. Имло муаммолари. –Тошкент: ЎзИТИУ, 2008. –Б.62 – 149.
- 4 O'zbek tilining imlo lug'ati –Toshkent: O'qituvchi, 1995. –В.6 – 27.

**А.Ш.СОБИРОВ, ф.ф.д., профессор,
(ТошДУТАУ)**

СЎЗ ҚҰЛЛАШДА ХЕЧ КИМНИНГ АДАШИШГА ҲАҚИЙЎК

Бугунги илм-фан, техника ютуқлари туфайли физика, математика, биология каби аниқ фанлар тизимида инсон акли бовар килмайдиган чиңчиликлар кашф этилмоқда. Шулардан бирини организмларнинг тузилиши мисшаси ташкил этади. Фан ҳар бир организм хужайра, оксил, молекула, иммюнокислота, ген ва шу каби элементларнинг барқарор ва муайян тартиб билди жойлашувидан иборат кодлар тизимида иборат эканлигини иеботламоқда. Бундай кодлаштирилган бирикмалар нанофанда триплет ёки кодон деб аталмоқда. Улар тузилишинингтилдаги кодлар системасига үхшанилиги эътироф этилмоқда. (1)

Бугунги кунда физикавий кимё, биофизика каби фанларда фаол қўлланилаётган кодлар тизими – триплетлартил илмининг асосини ташкил этади. Бундай тузилмалар бир қанча элементларнинг мураккаб муносабатлари асосига курилади ва битта умумий майдонга тутланади. Элементларнинг фаол-нофаол муносабатлари мазкур майдон ичидаги содир булади. Майдон ичидаги муносабатларнинг сифати ҳар бир жамият тараққиётининг муайян даражасига boglik булади. Жамият қай даражада тақомил топса, тилдаги унсурлар ҳам шунчалик кўп ва унсурлараро муносабатлар шунчалик серкірра булади ёки аксинча. Бу ҳолатни тилнинг исосий бирлиги саналган атамалар мисолида кузатиш мумкин. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши арафаси ва ундан кейинги йилларда тилимизга шу қадар мул-қўл атамалар ўринли-ўринисиз қабул қилиндики, бугун уларни тириғибга солиши нафақат тиљносларнинг, балки бошқа соҳа вакилларининг ҳам олидида турган долзарб муаммолардан бирига айланди.

Мисол учун биргина *маркет* (*market*) сўзини олиб кўрайлик. Тилимизда бу сўз шу қадар фаоллашиб кетдики, кучаларимизни *mini-market*, *super market*, *market*, *giper market* деган ёзувларсиз тасаввур қилиш мумкин булмай қолди. Ҳатто *хозmarket*, *Ali market*, час пик *маркет* сингари сунъий атамалар пайдо булади. Мазкур атама *дўкон*, *магазин* сўзларини тилдан “сиқиб” чиқарди. Бундай мисолларни кўплаб олиш мумкин. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бу ишда шошма-шошарлик қилиб бўлмайди. Ҳар томонлама пухта ўйлаб, сўнгра ҳукм чиқариш керак. Бунинг учун ҳалқ томонидан ишлатилаётган сўзларнинг истеъмолига асосий эътиборни қаратиш лозим. Бир пайтлари тилимизда фаол қўлланган *адрес*, *актуал*, *альтернатив*, *архитектор*, *бюрократ*, *аренда*, *виза*, *витрина*, *группа*, *доклад*, *заказ*, *инженер*, *акт*, *кандидат*, *реформа*, *страхование* каби сўзлари ўрнида ҳозирда манзил, фаол, долзарб, муқобил,

меъмор, расмиятчи, ижара, руҳсатнома, кургазма, гуруҳ, маъруза, буюртма, муҳандис, далолатнома, номзод, ислоҳ, сугуртасингари лексик бирликларнинг ишлатилишини конуний ҳол деб қабул қилиш керак. Ҳамма нарсани ҳалқнинг ўзи, тил бирликлари ишлатилаётган ҳолат, бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсақ, триплетлар (мулоқот чоғида тил унсурларининг ўзаро муносабатлари) ҳал қиласди. Агар системага тушмайдиган бўлса, бундай тил бирликлари ўз-ӯзидан четга чикиб қолади. Буни ўзбек тилида видеохона, тижоратхона, тос, нарвонзина, тайёра, тайёрагоҳ, рӯзнома, урчитмахона, нусхакаи, машгулотбоши, гиёҳшарбат, ойнасуз, малакасинов, беморхона, қарзёрдам, хатмилд, қозозжилд, пўлатсандиқсўзларини қўллашга уриниш мисолида кўришимиз мумкин. Аслида, видеосалон, биржса, ванна, трап, самолёт, аэропорт, газета, инкубаторий, натариус, тренер, фитобар, рублика, аттестация, клиника, дотация, конверт, папка, сейф каби лексемалар аллақачон тилимизда ўз ўрнини топиб бўлган. Ёки давр талаб қилганилиги боис Мустақиллик давригача тилимизнинг фаол қатламида бўлган министр, редакция, справка текст терротория, традиция, энциклопедия, тема, репрессия сўзлари ўз ўрнини вазир, таҳририят, маълумотнома, матн, ҳудуд, анъана, қомус, мавзу, қатагон сўзларига бўшатиб берди. Уларни мажбуран бошқаларига алмаштириш, сунъий равишда сўз ясаш тилдаги тайёр колилларга – тирипетларга зиён етказади. Иккинчидан, бундай уринишлар тилни бой, гўзал қилмайди, аксинча сийқалаштиради, камбағаллашишига олиб келади. Билетурнида чипта, патта, вазаурнида гулдон, какадон, открытикаурнида очмаҳат, ойнаҳатлексык бирликларини қўллаш масаласида ҳам ақл билан иш юритиш зарур. Зоро тилнинг бойлиги ундаги сўзларнинг ишлатилиш ҳолатларига, функционал-услубий хусусиятларининг серқирралигига боғлиқидир.

Юкорида таъкидланганидек, тил жамиятнинг кўзгуси, оламнинг инъикосидир. Жамият ва табиатдаги энг кичик ўзгаришлар ҳам тилда ўз аксини топиб боради.

Умуман олганда, ўзбек тли дунёдаги энг бой ва гўзал тиллардан бири. Унинг бойлигини сунистеъмол қилиш, тўғри келган-келмаган сўзларни қўллаш бу – она тилига нисбатан жуда катта эътиборсизлик, локайдлик саналади. Мисол учун ўзбек тилида нон билан боғлиқ лочира, патир, чап-чап, ширмон, пўлати, чурек, тұмчурек, оби нон, гўштили патир, тиёзли патир, ёғли патир, ёғсиз патир, Тошкент патири, Самарқанд патири сингари гўзал ва бетакрор сўзлар турганда “нон бергер”, “лаваш центр” сингари лексемаларни ишлатиш она тилимизга хурматсизликдан бошқа нарсаэмас.

Демак, “*тил белгиларнинг мураккаб тизимидан иборат. Бу тизимга кирган белгилар реал оламдаги нарса ва ҳодисаларни чекланмаган ҳолатда ифодалай олади. Барча тил белгилари бирлашиб туриб шу тил сохиблари яшайдиган ва нималарнидирия яратадиган алоҳида умумий манзарани ҳосил қиласди. Айнан мана шу сабабга кўра инсонларнинг турмуш тарзи ва ижтимоий ҳолати рангбаранг бўлади ҳамда бир-бирларидан ўзаро фарқланади*”.(2)

Ҳимма гап мана шу ранг-барангликни топиш, ундан баҳра олиш ва боитқандарни ҳам баҳраманд қилишдадир. Бу борада адашишга ҳеч кимнинг ҳакиқи йўқ.

Адабиётлар:

1. Тепабоев А., Зайнобиддинов С., Исмоилов К., Эрматов Ш., Абдуазимов В. Нанотехнологиялар физикаси, кимёси ва технологияси. -Тошкент: Тафаккур бўстони, 2014.-11-б.
2. Напов Е.Н. Знаки. Символи. Языки. - М.: Знание.1980. – 38-б.

И.ЙУЛДОШЕВ,

Ф.Ф.д., профессор (ТошДУТАУ)

ТЕРМИНОЛОГИЯДА ДИАХРОН ТАҲЛИЛНИНГАҲАМИЯТИ

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда рўй берадиган воқеаларнинг аксарияти мустақиллик шарофати туфайли амалга оширилмоқда. Ўзбек халқи ҳаёти, маданияти ва фанидаги ўзгаришлар ҳам бевосита мустақиллик билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги Конуннинг қабул килинганига 27 йил бўлди. Ўтган 27 йил тарих саҳифасида унчалик катта давр синилмайди, аммо бу вакт ичida Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар саломги асрларга татигулиқдир. Мазкур Конун республикамиз ижтимоий-сафсий ҳаётида катта ижобий ўзгаришлар бўлишига, хусусан, миллий тилланиш, ўз-ўзини англаш каби маънавий кадриятларимизнинг янгидан тилланиши ва такомиллашувига олиб келди. Бу жараёнлар ҳануз давом ишмоқда. Эътибор беринг: XX аср Ўзбекистон маданий-маънавий тарихидаги буюк ишлардан бири «Давлат тили ҳақида»ги Конуннинг қабул қилиниш бўлган бўлса, XXI асрда эса Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги тарихий Фармони ва у асосида мазкур университетнинг ташкил этилиши бўлди. Ҳар иккى воқеаликнинг ҳам ўзбек халқи тарихи ва келажагида тутган ўрни бекиёсdir. Яна бир фикр: ўзбек тили ўзбек халкининг сунгти беш ишборни кўрмаган бўлса керак.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги ўзбек фанига, хусусан, ўзбек тилшунослиги олдига улкан ва шарафли, айни замонда, масъулиятли вазифаларни юқламоқда. Бу вазифаларни амалга оширишда ўзбек терминологларининг ҳам ўнига хос ўрни бор. Шу жиҳатдан, ҳар бир соҳа терминологиясининг тилшунослик нуктаи назаридан илмий ишланган ҳолда тадқик этилиши, терминларнинг яратилиши ва яшаб кетиши билан боғлиқ амалларнинг бижарилиши ҳозирги кун нуқтаи назаридан жуда муҳимдир.

Тилда сўзларнинг яшаси, умброкийлиги турлича бўлади. Қайсиdir сўз ўлади, ўрнига бошқа бир сўз келади. Сўзлар ҳаёти ҳам тирик мавжудод ҳаётидек, гўё. Эл севган шоиримиз, Ўзбекистон Каҳрамони Эркин Воҳидов шйтганидек, “Дунёнинг энг ажаб, энг сирли ва сеҳрли саёҳатларидан бири Сўз оламига саёҳатdir. Негаки, Сўз яралашдан мӯъжиза”(1).

Бундан ўн йиллар аввалкитобатчилик сузини термин сифатида қуллаш борасида анча мулоҳазали фикрлар юритилди. Ҳозирги ўзбек адабий тили луғат

бойлигининг тимсоли бўлган «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да бу сўз ўрин олмаган. Шунингдек, *китобат* ёки *китобатчилик* сўзларининг «Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли лугати»да берилмаслиги ҳам тушунарлидир. Демак, дастлабки вақтлардакитобат сўзига архайк сўз сифатида караб келинди. Лекин 2006 йилда “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган 5 жилдан иборат “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”дан *китоба* ҳамда *китобат* сўзлари ўрин олган бўлиб, улар изоҳланган. Демак, китобат сўзига яна жон баҳшида этилди.

Куйида мазкур сўз билан боғлик ҳолдаги айрим фикрларимизни баён қилмоқчимиз. Илмий адабиётларда китоб яратиш ишини ва у билан боғлик жараёнларни ўзида мужассамлаштирган аниқ ва катъий бир сўз мавжуд эмас эди. Агар чукуррок уйлаб қарасақ, китоб яратиш иши билан боғлик жараён бизда, яъни буғунги Ўзбекистон заминида жуда қадимдан мавжуд бўлган. Ҳатто, яқин қўшни давлатларда қоғоз ҳақидаги тасаввурлар бўлмаган даврларда ҳам ўзбек замини дунёни қоғоз номи билан аталувчи буюк неъмат билан таъминлаш имконига эга бўлган. Демак, китоб яратиш иши бизда анча илгаридан маълум бўлган. Шу боис, китобнинг аҳамиятини яхши англаган аждодларимиз китоб яратиш ишига алоҳида эътибор билан қарашган. XV-XVI асрларда Ўрта Осиёда китобатчилик хунармандчиликнинг бир соҳаси сифатида такомил топди, бу соҳа нафис санъатнинг юксак даражаси сифатида танилди. Бунда улуг соҳибқирон бобомиз Амир Темур ва унинг авлодлари, қолаверса, илм ва фан аҳлиниң ҳомийси Мир Алишер Навоийнинг хизматлари бекиёсдир. Навоийнинг бой ижодий фаoliyatiни ҳар қанча ўрганимайлик, янги-янги қирралари очилаверади. Ҳусусан, ўзбек китобатчилиги, у билан ҳамоҳанг тарзда, китобатчилик терминларининг шаклланиши ҳамда ривожланишида Алишер Навоий ва у қолдирган адабий мероснинг аҳамияти каттадир. Унинг асрлари маданий ҳаётимиз тарихини ўрганишимизда, тасаввур килиб, кўз ўнгимизга келтиришимизда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди. Демак, Алишер Навоий асрларини ўрганиш орқали ўзбек китобатчилик терминологияси шаклланиши ҳақидаги қимматли маълумотларни ҳам оламиз. Навоийнинг ҳар бир асари китобатчилик терминологияси шаклланишига оид муҳим манба вазифасини ўтай олади. Навоийнинг бирон-бир асари йўқки, унда китобатчиликка оид термин қўлланмасин.

Юқорида таъкидланганидек, бу ўлка заминида китоб яратиш ишининг тарихий илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Айни замонда, жамиятдаги ҳар бир ҳодиса учун унинг моҳиятига мос ҳолда муайян сўзлар мавжуд бўлиши ва унинг амалда қўлланиши ижтимоий талаб эканлиги ойдек равшан. Демак, утмишда китоб яратиш иши мавжуд бўлган экан, уни ҳамда у билан боғлик жараёнларни ўзида мужассамлантирувчи сўз ҳам бўлган. Бу *китобат* сўзидир. Лекин бу сўзга нисбатан доимо тарихий сўз сифатида ёндашилади ва у ҳақида фикр юритилганда, асосан, қўлёзма китоб яратиш иши тушунилади. Тўғри, қадимда *китоб* сўзи билан ўзакдош бўлган *китоба* (كتاب) ҳамда *китобат* (كتاب) сўзлари маъноларига кура бир-биридан фарқланган. Ҳусусан, *китоба* сўзи «ёзув, ёзилган, битилган; қабр тошига ўйиб ёзилган битик, бино пештоқига зайнатли қилиб битилган ёзув» маъноларини

шарифининг «Султон Абу Саид Мирзо Оқсаройни ясаганда иморатнинг шивобаси учун шуарога шеър буюрдишар»(2).

Едимда китобат сүзининг ишлатилиши доираси анча кенг бўлиб, у турли иштаконирии ифодалаб келган. Хусусан, XV –XVI асрларга оид кўлёзма китобашарда китобат термини куйидаги маъноларда кўлланган:

и) күчириб ёзиш, асар ёзиш, китоб холига келтириш: «Китобатки
бас нафис, Бирор истаса үзни мұсқағнавис. Китобатқа саъй этса
жони бор, Қаламзан бұлтурнинг не имкони бор?»(3);

б) нома, мактуб: «Бұ үккінчи нағылай Салмарқандни олғонда, Алишербек шынық әди. Бир нағылай манға китобати ҳам келиб әди. Мен ҳам бир китобат шынық әдим, ...»(4);

и) өзүвлар, ёзишмалар: «Одина куни ойининг ўн тўртида хат ва кинобатлар тайёр бўлуб, Баёнишайхқа топишуруб, рухсат берилди»(5);

1) Әзув, хат: «...бир җиндустоний: «Султон Иброҳимнинг элчисидурмен», - деб келди. Агарчи, хат ва китобати йўқ эди, биздин бир киши элчиликка шинади қилибдур»(6).

Шунингдек, «китоб ёзиши, саҳифаларни ёзиб, китоб ҳолига келтириши, очириши малакаси» маъносида китобат фани (كتاب) ҳам муомалада бўлган: «Мислино Юсуф Шоҳ - «Котиб» таҳаллус қўшур эрди, китобат фанида мутташабирин киши эрди»(7). Шу ўринда айтилиши керак булган ҳолат мавжуд, яъни Урта асрларда арабча фан (فان) сўзининг маъноюнглари доираси тунгига нисбатан анча кенг бўлган. У «билим, илм, фан» каби маъноларни бирга «хунар, санъат; ҳийла» каби маъноларни ҳам ифодалаган. Шу боис бу сўз иштирокида ясалган лексемалар турли маъноларни ифодалаб келган: икфии – ихтисосли, (уз хунарини) түлиқ эгаллаган, моҳир: аҳли фан, фан аҳли – очимидон, олим, хунар эгаси; турфан - ҳийлакор, найрангбоз ва ҳ.з. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фан сўзининг лексик маъноюнглами аввалгига нисбатан анча торайган ва у, асосан, «олалининг тараққиёт қонуниятларини очиб берувчи ҳамда атрофдаги муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар тизимида шундай билимлар тизимининг алоҳида тармоғи» маъноларида кўзлиниади. Шунга кўра, китобат фани сўз бирикмаси китобатчиликка оид гермин сифатида истеъмолдан чиқиб кетган.

Демак, китоб яратиш иши кўлда бажарилган даврларда бу жараёнлар-нинг тижмуаси китобат ёки китобат фани деб аталган. Кейинчалик, түғри-роғи, XVII-XVIII асрлардан эътиборан китоб яратиш иши тошга уйиб туширилган босма колиллар ёрдамида, яъни тошбосма ёки литография усулида амалга оширила бошланди. Бу жараёнлар йифиндисига нисбатан матбаачилик терминининг кўллангани маълум. Фан ва техника ютукларининг китоб яратишнида кенг кўлланиши натижасида бу йўналишда ҳам кескин ўзгаришлар ҳодир бўлди. Унинг маҳсули ўларок полиграфия саноати вужудга келди ва бу тоҳага нисбатан нашриётчилик, айрим ҳолларда матбаачилик терминлари ўллана бошланди.

Күриб ўтилганидек, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар натижасида китоб
жартиш жараёни доимий равищда такомиллашиб борди ва бу ҳолат айни шу
жараёнларни ифодаловчи терминларда ҳам намоён бўлди. Шу жиҳатларни

назардан кочирмаган ҳолда, китоб яратиш ишини диахрон ҳамда синхрон аспектда бир ном билан аташ хусусида анча фикр-мулоҳаза юритдиқ. Шу боис, ҳар икки аспект нуқтаи назаридан ушбу соҳани ўзида мужассам эта олувчи ном сифатида *китобат* сўзига янгидан жон баҳш этиб, уни *китобатчилик* тарзидағи янги термин сифатида мумалага киритилди. Демак, ҳар бир соҳа терминологиясида терминлар билан ишлашда диахрон таҳлилларнинг ҳам ўзиға хос ўрни мавжуд.

Адабиётлар:

- 1.Воҳидов Э. Суз латофати. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б.5
- 2.Алишер Навоий. МАТ. Йигирма жилдлик. 13-ж. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1997. – Б.50.
- 3.Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. 1-ж. Хазойинул-маоний. – Т.: Ўззадабийншр, 1963. – Б. 288
- 4.Алишер Навоий. МАТ. Йигирма жилдлик. 11-ж. Сади Искандарий. – Т.:Фан, 1993. – Б. 202.
- 5.Захиридин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 81.
- 6.Қўрсатилган асар. – Б. 243.
- 7.Алишер Навоий. Асарлар. МАТ. Йигирма жилдлик. 13-ж. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1997. – Б. 45.

А.АКБАРОВ,

(Халқаро Бурч университети)

Сараево, Босния ва Герцеговина)

ГЛОБАЛЛАШГАН ДУНЁДА ЎЗБЕК (ДАВЛАТ) ТИЛИ ВА ИНГЛИЗ (ЧЕТ) ТИЛЛАРИНИНГ МУНОСАБАТИ

Абстракт

Ушбу мақоланинг мақсади, бу глобаллашган дунёда алока воситаси сифатида давлат тили бўлган ўзбек тили ва кенг тарқалган инглиз тилининг муносабатини очиб беришдир. Бу тилларни эволюцион табиатини, айникса, бу кийин ва абадий ўзгарувчан дунёда ракобатда қолиш учун билим билан жамиятни кучайтириш жараённида воситачи сифатида бугунги кунда ва келажакка тегишли бўлиб қолишини кўрсатади. Шундай килиб, бу макола илмий изланиш ва глобал жамияг сари интеграция жараённида ўзбек тили ва инглиз тилининг муҳимлигини кўрсатиб беради. Кўп одамлар ўзлари туғилган жойидаги сўзлашув тилини ўз уйидаги ҳамкаслари билан мулоқот жараёнидаги ягона тил сифатида қабул қиласади. Улар бу тилни ўзлари колип сифатида ўзлаштириб оладилар ва натижада нафас олиш учун ҳаводек кўп кўзга кўринмайди. Буларнинг биронгасисиз улар инсон сифатда ривожлана олмайди: ҳаво этишмаслиги уларнинг жасадларини ўлдиради, лекин тили этишмаслиги, уларнинг фикрларини ўлдиради (Вудак ва Корсон, 1997)

Асосий қалил сўзлар: тил, алока, билимни мустаҳкамлаш, восита
Кириши

Ижтимоий мавжудот сифатида, одамлар бир-бири билан мулоқот қилиш йўлларини ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш учун мажбур бўлишган. Жуда қадим замонлардан бери тил инсонларнинг асосий алоказий

мунозабыт эхтиёжларини қондириш учун мавжуд булиб келган. Инсон тилинин энг асосий келиб чиқиши ҳали ҳам сирли ва тушунарсиз булиб жетекшитаси булса-да, у инсон мавжудлиги билан пайдо булиши керак бўлган шундай тили мавжудлигини инкор қилимайди. Биз тилнинг биринчи шакли қандай яхшилигини ошкор қила олмаймиз, лекин баъзи археологик тадқиқотлар ташнишаварига буйича биз тилнинг қандай бўлганини ва мақсад – маъносини информативидаган белгилар тизимини ва унинг эволюцион табиатини топиб ўқий оғамиз. Бу албатта инсон тилини тушуниш учун жуда аҳамиятли тушунча, шуниси бу - табиий тил албатта, буюк тушунча, ва уни конвертация қилиш ва тушдай сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва технологик жиҳатларга эга ижтимоий мукаддасда бутун спектр булиб шафқатсиз узгаришлар билан ўтмоқда ва ўзини ташништирилган тилида динамик табиатини тасвирламоқда. Бу динамизм тилиниңгра тилининг ҳозирги ва келажак долзарблигини таъминлайди. Шундай униси қилиш мумкинки, у яшовчанлигини ёки алоҳида тилнинг ўлимини бештиллани учун тилнинг эволюцион табиати, шубҳасиз, жуда муҳим ҳисобланади. Мисол учун, Лотин тили 17 асрга кадар юридик ва илмий соҳалинда энг таникли тил ҳисобланган эди. Лекин ҳозир, тўрт аср ўтгач, у ўлик тили сифатида идрок қилинади. Инсонлар ўртасидаги асосий мулоқот номиғатиси сифатида, тил унинг фойдаланишлари мақсадида мустахкам ва тез тарнишларни қондириш учун узгармас булиб қолмаслиги шартлиги мумкинлардир. Акс ҳолда, одамлар орасида алоқа мақсадлари янада турли – гумми булиб бораётгани ва бир вақтда вақт даври оралиғида жамиятда тарнишлар булиб ўтиши талаб қилиниши мумкин. 21 асрда, ҳозирги мулоқот этикетлари анча кенгайди ва мураккаблашди. Бизнинг замонавий алоқа этикетларимизга бир зумда хабар юбориш, маҳсулотларни сотиш, мунимотларни турли манбалардан олиш ва технологик қурилмалардан фойдаланиш ва ҳоказолар киради. Ва шу туфайли таълимимга катта эътибор бернишни жуда муҳим булиб келмоқда, ва тилнинг билим имкониятларини кенгайтириш учун илм-фан ва технология асосий восита сифатида булиб келмоқда.

Тил билим ва имкониятларини кенгайтирувчи восита

Ахборот ва технологик даврнинг келиши билан, тилнинг ўрни тобора тилида кўпроқ заруриятта айланди. Ва технология ўсиши билан олиб келинган тилибларни қондириш мақсадида, янги шартлар ёки сўзлар туфайли айникса лексик унсурларнинг ўсиши туфайли тилга улкан узгаришлар криб келди. Мисол учун, “Фотогалерея”, “мобил телефонлар”, “фастфуд” каби инглизча сўнглар юз йиллар олдин албатта танилмаган ва эшишимаган эди, лекин ҳозир унинг – умумий сўзлардир. Узбек тилида ҳам лексик унсурларни кенгайтириш чиги сўзларнинг кириб келиши ва бошқа тиллардан сўзларнинг ўзлашиши орқали содир бўлмоқда. Янги кашф қилинган сўзларга мисол сифатида “сичқонча” “компьютер маусига”га тенг ва “электрон манзил” компютер рамзи “@” ни назарда тутади ва шу тарзда рўйхатни давом эттириш мумкин; болика тиллардан ўзлашган сўзлар компьютер, виртуал, флешка ва бошқалар. Бу мисоллар, балки чекланган булса-да, бу баҳс- мунозараларнинг моҳияти эволюцион тил табиатини тасвирлаш ва айникса, ўзини ўраб турган илм-фан ва

технология талаблари мұхитида чексиз үзгаришлар учун үзларини мослаштириш ва яхшироқ ижтимоий-иктисодий ҳолатда, уларнинг макон ва вакт әхтиёжларини амалга оширишда күпроқ билимга зәғұлыштың мөрбілігінің бера олади.

Бу жараёнда, билим олиш давомийлигінде тил яна тегишли ақамият касб этади. Бунда билим ва құнікмаларни үкитища да қадрияттарни етказиб берішда асосий восита ҳисобланади. Тил билимларни тарқатып да босма материаллар, оммавий ахборот воситалари да интернет орқали ахборотнинг кең манбаларига киришни құлға киритиш учун асосий воситасыга айланади. Билим билан омманы күчтейтиришда тиленинг асосий ролини аниклашда қайси тилен танлаш юзасидан бир қанча мұхим саволлар юзага келади; билим тарқатып жараёнда ишлатылады асосий тил қайси тил, билим билан босма материаллар, оммавий ахборот воситалари да интернетде асосан қайси тилен фойдаланилади, одамлар кимнинг билим дүнекарашини, жамият қадрияттарини да мәданиятины тарғиб этмоқда. Тил табиий мөхияттың күра күплаб ижтимоий-психологик тизимларни қамраб олади, шу туфайли бу саволлар пухта музокара да таҳлиллардан үтказилади. Демек қачонки, жамиятда билим олиш учун алохидан тилен фойдаланылса, улар бу маълумотта зәғұлышаса да бу ижтимоий-психологик элементларни үзлаштиришади. Тил билан доимий алоқа, аста-секин маъносини тилемде накл сифатыда олиб қадрияттар, нормалар да әзтиқодға одамларни иқлимий мувофиқлаштиришга құнинтиради. Шунинг учун, “тил фойдаланувчысы идентификатори аксиома инъикосига күра” - бу одамларни акс эттиради аммо шахсини бера олмади деган саволга жаоб бера олмайды. Ушбу масала бүйіча Вудак да Корсон (1997) шундай түшүнтиради “фақат алоқа воситасы сифатыда тил билан мулокотда бүліш хато бүләди; тилен - ҳам шахсий да ҳиссий ифода шакллари да, шунингдек, мәданий аньянаналарини олиб борувлы манба ҳамдир”. Бундан ташқари, үзининг “мәданий қайта тақрор ишлаб чиқариш назариясы” да Бордо (1997) ҳам шуни таъкидлайды: мәданияттар да жамияттар хусусияттарини құлға киритиш да қайта ишлаб чиқынша тил асосий восита ҳисобланади, шунингдек, доминант тилемден кең фойдаланылған құлға киритиш одамлар да жамоавий гурухлар учун нағақат уларнинг үзләре устидан балки бошқалар ишләре устидан таъсир қилиш хусусиятини беради. Бу шахсларни боғловчы, шунингдек, уларнинг илдизләри билан алоқа қилиш да уларга тегишли түйғу да хукукларни таъминлашда тиленинг бойлығы да үндаги چалкашликни аник курсатади.

Шуни таъкидлаш керакки, хозирғи кунда билим тарқатып да одамларни билим билан ривожлантириш жараёнда инглиз тили бутун дүнё бүйілаб ишлатылады асосий тил ҳисобланади. Инглиз тиленинг мұхимлигінің акс эттириш учун бир қатор терминлар масалан “халқаро лингва франка”, “мұстамлака тил усталары”, «глобаллашув тили», «миллийлаштириш учун тил» да хоказолар берилген. Инглиз тилемде чөп этилган китоблар, журналлар да нашар килинген құлланмалар энг даромадлы да гуллаб-яшнаётган табдиркорлық булды (Филипсон 1990). Факталарга асосланған ҳолда, аслида унинг мавжудлиги, ҳаётнинг ҳар бир соғасыда шунингдек, сиёсий, иқтисодий да ижтимоий жабжыларда ҳис этилади. Да глобаллашув түшүнчеси орқали глобал

жонки тармоги бутун дунё бўйлаб илм тили сифатида фақат инглиз таъсири ёдидинин ёяди ва кенгайтиради. Натижада, жамиятлар инглиз тили билан шугушини учун зарур билимни кўлга киритиш учун инглиз тили устаси таълимдошлиги бўйича 4 та босқични ўтишни кўзда тутади. Буни бажара олими, у жамият орқада қолади.

Давлат тили яхлитлигини ҳимоя қилишда тил сиёсати

Давлат тилининг аҳамияти ва тўғрилигини ҳимоя қилиш мақсадида табак тилини давлат тили сифатида қадр-қумматини ва яхлитлигини ҳимоя сиёсати учун бир самарали чора сифатида тилга оид сиёсатни амалга ошириш тарбияниб қилинади. Бизда бу сиёсатни амалга оширишда мукаммал мисол тарбиянида дунёда бу борада бир ноёб муассаса сифатида эътироф этиш мумкин булган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Узбек тили ва табактиги университетининг 2016 йил 13-май ойида ПФ-4797 қарори билан Узбекистон республикаси биринчи президенти Ислом Каримов томонидан таъминотини келтириш мумкин. Узбекистон ҳукумати бу университетни яратиш тарбияни ўзбек тилининг мақоми ва даражасини оширишга муҳим қадам қўйди. Шу билан биргага, тил сиёсатини муҳокама қилиш тилни шакллантириш учун юй оғлан тилни режалаштириш дастурисиз аҳамиятсиз ҳисобланади.

Феттеснинг (1997) "тилни режалаштириш атамаси" га кўра, Даниядан мустаскил булган Норвегияда янги стандарт миллий тилни ривожлантириш тарбиянини тасвирлаш Эйнер Ҳаг (1966) томонидан қарийб кирқ йил олдин кашиф этилган эди. Бу жараён ижтимоий психологик тил стандартлари билан тарбияни аралашган, чунки тил режалаштиришда асосий ҳолатлардан бири шуки - тарбияни тарғиб қилиш учун "уз худудида биргаликда ва самарали мулокот" (Феттес, 1997) ни амалга ошириши керак. Тилнинг социологияси туфайли тилни жамият ўртасидаги ижтимоий, сиёсий ва маърифий жиҳатлари билан бу муносабатлар ушбу жараёнда шубҳасиз ташвиши ҳисобланади (Эдвард, 1976).

Феттес (1997) таълим тизимини танлашда таъсир кўрсатадиган омилиларни 2 тоифага булган – корпус режалаштириш ва статус режалаштириш. Корпус режалаштиришга асосан барча мактабларда ҳуашаш дастурлар ижросини сиптилаштириш учун жуда стандартлаштирилган тил булиши кераклиги нағирда тутилади. Масих (1997), қачон тилда ягона имло ва грамматик нормалар ёзма шаклда қўлланилганда, стандартлаштириш равshan бўлади, деб тушунтиради. Стандартлаштиришдан ташқари, яна бир таникли омил аслида тил ривожланаётган мамлакатларда асосий эътибор ҳисобланадиган модернизация омили ҳисобланади. Уларнинг тил танлаши бошқа замонавий тизиллар билан хусусан инглиз тили билан ўзаро ўзгармас алоқалари ва илмий юқори ишлаб чиқариш тезлиги ва техник атамалар билан таъминлаш юбилияти жиҳатидан баҳоланади. Бошқа томондан, статусни режалаштириш, яни кўпроқ унинг кимлиги, нуфузи идрок имтиёзлари каби муаммолар билан юғлилар, дейди McGroarty (1996). Шу нуқтаи назардан, тил муайян обру сақлаб колиши керак, ва кўпчилик одамлар томонидан фойдаланилиши керак, шунинг учун бу борада иқтисодий барқарорликни осонлаштириш ва гурухлараро муносабатларини даражасини ошириш учун таълим бир канал бўлиб

жизмат килиши мумкин. Ўзбекистоннинг тил режалаштириш таҳлили ва сиёсати нуктаи назари унинг асосий фалсафасида аниқ таъқидланган. Ўзбек тилини давлат тили сифатида фойдаланишининг тил бирлиги ва стандартлаштириш учун мухимлиги Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини кўлга киритишидан олдин ишлаб чиқилган ва миллий сиёсатида тасвирланган.

Миллатнинг қадр-қимматини юксалтиришда инглиз тили ва Давлат

тилиниң рамзий муносабатлари

Ривожланаётган халқлар жумладан Ўзбекистон инглиз тилига боғлик равишда бундай ҳаракат қилиш режими сифатида ва бир вақтда унинг маданий қадриятларни саклаб қолиш ниятида, унинг давлат тили ва инглиз тили ўртасида рамзий муносабатларини яратиши керак. Симбиотик муносабатларда ҳар иккала тиллар бир-бирига боғлиқ фикр саклайди, ва уларнинг худудий ҳукуклари аниқdir ва бир – бирига нисбатан катта ҳурмат билан карайдилар. Уларни гуллаб-яшнаши ва ўзига хос соҳалари доирасида бойиб боришлирига эркинлик берилади. Ҳар иккала томон бир-бирига боғлиқ бўлган ўйғунлаштириш таъсиридан фойда олади. Бундан ташқари, инглиз тили глобал алоқа кенг тарқалган тил воситасидир, шунинг учун бу икки тил ҳолати жиҳатидан тенг эмас. Инглиз тили осонлик билан одамлар томонидан олқишиланади ва ривожланаётган мамлакатларда миллий тил сифатида фойдаланиш ҳукукини олиши мумкин. Бундай ҳолда, энг ёмон оқибатда одамлар ўз шахсий ва маданий анъаналаридан маҳрум бўладилар. Улар ўзлари учун маълум бир мамалакат топиб, ўзларини туғилиб ўсган ъқиндик қони тўкилган” жойга нисбатан ҳурмацизлик қилишлари мумкин.

Агар одамларда ўз миллий тилига нисбатан севги ва қадр-қиммат тушунчаси бўлса бундай ҳолатни олдини олиши мумкин бўлади. Улар, “маданий урф-одат ташувчиси”, деб унинг ролини англаши ва йўлларини ўйлаб топиши ва тил сиёсатини шакллантириш орқали унинг мавжудлигини, таҳдид қилиши мумкин бўлган ҳар қандай элементлардан уни ҳимоя қилиш кераклигини англашади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати мамлакатлар ўртасидаги глобал ҳамкорлик ва дунёда рақобатбардош бўлишлик учун икки тил ўртасида симбиотик иттифоқни яратиш, шунингдек гуллаб – яшнаш ва ўз параметрлари асосида ривожланиш учун сай-ҳаракат қилмоқда. Шундай қилиб, ўзбек тилини саклаб қолиш ва унинг бой маданий анъаналарини давом эттириш ҳар бир Ўзбекистон фуқароси бурчидур.

Хулоса

Инглиз тилини кенгайтириш назарияси, бутун дунё бўйлаб ҳар қандай миллий тиллар учун таҳдид сифатида талқин қилинмаслиги лозим; аксинча, у ўз фуқаролари ўртасида миллий тилларда фойдаланишини рағбатлантиришга ундовчи бир омил бўлиши керак. Бу мақола бошида айтиб ўтилганидек, бир тилининг тадрижий табиати уни статик қилмайди; унинг ўрнига у миллат келажак эҳтиёжларини қондириш учун яшовчанлигини ва тилининг давомий долзарблигини таъминлайди. Бунга она тили тилшуннослик тизимларини янада бойитишнинг фаол жараёни орқали эришиш мумкин; мисол учун, бу асрда ишлаб чиқилган сўнгги тушунчалар ва ғоялар учун ривожланган ва жорий

мишумотларни шакллантириш керак. Шу билан бир каторда, у ҳам бониса тишлардан сўз ёки сўз мослаштириш орқали амалга оширилиши мумкин. Болалар тақдиларда одамларга, албатта, бир тилда сўзларни бойитиш жараёни туши мухим ўрин эгаллайди, шундай қилиб, одамлар ижтимоий-психологик мунисипалитетлари доирасида яшашини “маъноси” ва “қолип” ига кўра миллый тил ширинин кўп форматларини яратган деб аниқлаш мумкин бўлади. Демак, маканий ахоли бир вактнинг ўзида уларнинг хозирги шароитида санкетникларни кутиб олиш учун билим билан ўзларини мустаҳкамловчи сабакаҳиракат қилиб, ўзларининг миллый тили яхлитлигини ва миллат қадр-коммитиши химоя қилиш имкониятига эга. Бундан ташқари, қолигга солинган тили наътилим сиёсатини самарали амалга ошириш мамлакатда миллый тилнинг миссонини мустаҳкамлаш учун ёрдам беради. Бундай ҳолда, ўзбек тили ва иншалий тили, илмий ва технологик ютуқлар, шу жумладан, барча соҳаларда башанд چўққиларга халқни олиб чиқиши учун бирга ишлаци мумкин. Ҳар иккиси симбиотик иттифоқ яратиш афзалдир ва бу миллый тилнинг таъкудласлиги ва яхлитлиги мамлакатнинг ҳавфисиз тараккиёт ва ривожланиши тушигидан кўчиб ўтишига бир омил бўлади.

Адабиётлар:

1. Буюдиев, П. (1977). Жамиятда таълим ва маданиятни қайга тиклаш. Слеведон: Мултилингваал Маттерс.

2. Брумфит, С. (1995). Тил ўқитишга коммуникатив ёндапшув. Слеведон: Мултилингваал Маттерс.

3. Чрист, X. (1997). Тил нуктаи назарияси ва таълим сиёсати. Клуувер Академис Публишерс: Голландия.

4. О'двардс, А.Д. (1976). Маданиятда ва синфлар ўргасида тил: Социологик тил ва иншум. Слеведон: Мултилингваал Маттерс.

5. Феттес, М. (1997). Тил режалаштириш ва Таълим. Клуувер Академис Публишерс: Голландия.

6. Грабе, W. (1994). Тил сиёсати ва режалаштирилиши: оддинга. Клуувер Академис Публишерс: Голландия.

7. Ҳауген, Э. (1985). Мустамлакачилар тили. Клуувер Академис Публишерс: Голландия.

8. Келлий, Г. (1969). Тил ўқитишнинг йигитрма беш асри. Тил ва таълим Энциклопедия. Клуувер Академис Публишерс: Голландия.

9. МсГроартий, М. (1996). Тил муносабатлари, мотивация ва стандартлар. Тил ва таълим Энциклопедия. Клуувер Академис Публишерс: Голландия.

10. Пхильпсон, Р. (1990). Лингвистик Империализм. Оксфорд Университий Пресс.

Ричардс, Ж.С. (2001). Тил таълими ўкув дастурлари ишлаб чиқиши. Америка Қўшима Штатлари: Кембриж Университий Пресс.

11. Водак, Р. анд Сорсон, Д. (1997). Тил ва таълим энциклопедияси. Клуувер Академис Публишерс: Голландия.

Д.ЛУТФУЛЛАЕВА,
ф.ф.д, профессор (ТошДУТАУ)

ТИЛ ЭГАЛАРИ ЛИСОНИЙ ЗАХИРАСИНИ ҮРГАНИШДА АССОЦИАТИВ ТАЖРИБА МЕТОДИННИНГ АҲАМИЯТИ

Тил бирликлари ортида турган лисоний онг фаолияти, унда вокелик образининг ҳосил булиши, олам манзарасининг турли маданиятлардаги киёфаси, инсоннинг лисоний хотираси ва тафаккури фаолияти механизмини амалий тажрибалар орқали үрганишга имконият яратувчи методлардан бири ассоциатив тажриба методидир. Сунгти йилларда турли фанларда антропоцентрик парадигманинг қарор топиши натижасида ассоциатив тажриба методи нейролингвистика, нейрофизиология, психолингвистика, лингвокультурология каби фанларда ҳам методологик аҳамият касб этди.

Маълумки, ассоциатив тажриба методини илк марта инглиз психологи Френсис Гальтон 1879 йилда «ғоялар ассоциацияси»ни үрганиш муносабати билан ўз тажрибаларида қўллади. Ф.Гальтондан сунг дунёда биринчи экспериментал психология лабораториясини тузган немис психологи, физиолог ва философ В.Вунт 1892 йилда вербал ассоциациялар тезлигини аниқлаш мақсадида эркин ассоциатив тажриба методидан фойдаланди. Ассоциатив тажриба методи В.Вунтнинг укувчиси М.Траутшольдт томонидан ҳам ривожлантирилди.[1]

Ўз вактида машҳур психолог ва психиатрлар Ж.Локк, Д.Юм, Т.Браун, К.Г.Юнг, К.Марблар ҳам инсоннинг вокеликни идрок этиши ва хотирасини текшириш мақсадида ассоциатив тажриба методидан унумли фойдаланишди. XX аср бошларига келиб ассоциатив тажриба методи психоаналитик амалиётларда кенг қўлланди. «Аналитик психология» йўналиши асосчиси машҳур психолог, философ, психоаналитик К.Г.Юнг (1875-1961) инсон шахсиятини аниқлаш мақсадида эркин ассоциатив эксперимент методидан фойдаланди. Я.В.Осиповнинг қайд этишича, XX аср бошларида психоаналитик тажрибаларда инсон психикаси катламларига, унинг онгли ва онгсиз жиҳатларини камраб олувчи ассоциациялар оқимиға кириш воситаси сифатида эркин ассоциатив методнинг қўллана бошлаганлиги бевосита К.Юнгнинг ассоциатив тажрибаси билан боғлик.[2. 124]

Бу даврда ассоциатив тажрибалар амалий психологияга ҳам татбиқ этилди. Амалий психологида американлик психологлар Х.Г.Кент ва А.Ж.Розановлар ассоциатив тажриба муаллифлари сифатида тан олинади. Улар 1910 йилда инглиз тилининг Америка вариантига асосланган илк ассоциатив меъерини эълон қилишиб.

Ассоциатив тажриба методидан экспериментал психологияда ҳам фойдаланилди. Манбаларда қайд этишича, экспериментал психологида ассоциатив тажрибанинг қуйидаги турлари қўлланди: 1) жуфт ассоциациялар (парные ассоциации); 2) серияли ассоциациялар (серийные ассоциации); 3) вербал дифференциация (вербальная дифференциация); 4) эркин ассоциялаштириш (свободное ассоциирование). [3. 740.]

Психологияда кўп йиллар давомида инсон онги ва тафаккури фаолиятини үрганишда қўлланиб келинган ассоциатив тажриба методи кейинчалик

жонни функциялашув хусусиятларини психик феномен сифатида индивидга
имтиёз маданий алоқаларда күплөб ташки ва ички омиллар таъсириининг
хисобга олган ҳолда тавсифлаш ва тушунтириш мақсади»ни амалга
шурӯчи психолингвистикага татбиқ этилди. [4. 26]

Психолингвистикада ассоциатив тажрибалар инсоннинг лисоний онги, тил
оғизи, тафаккурида сўзларнинг ўзаро боғланиши, тил эгаларининг нуткий
түшмишлари хосил қилиши, инсонда лексик заҳиранинг хосил бўлиши каби
кулномицарни тадқиқ этишда асосий таҳлил воситаси сифатида кўпланди. Рус
оғизаси А. Залевскаяининг маълумот беришича, ассоциатив тажрибалар сўз
бўлати боялиқ кўйидаги масалалар ечимида ўзини оклади: сўзнинг психологик
майноси (Доценко, 1998), сўзнинг категориал ва предметлик маъноси (Мискальня,
1989; Соловьев, 1989), болаларда сўз маънолари
шундекинининг ўзига хос хусусиятлари (Рогожникова, 1986; 1988; Соколова,
1996, 1997), алоҳида категориядаги сўзларнинг маъно хусусиятлари (масалан,
кисметлар номлари (Перфильева, 1997); қиёс конструкцияларда тиргак сўзлар
(Панкекская, 1997; Шмелева, 1988), сўзлар орасидаги алоқалар (Лебедева,
1991; Медведева, 1989; Новичихина, 1995), инсон лексиконининг шаклланиши,
тинг «ядро» кисмининг ажратилиши (Залевская, 1977; 1981; Золотова,
1989). Олиманинг фикрича, ассоциатив тажрибаларни турли тиллар ва
маданиятлар тадқиқига татбиқ этиш орқали муҳим натижаларга эга бўлинди
(Димитров, 1985; 1998; Салихова, 1999; Этнопсихолингвистика, 1988),
ассоциатив тажрибалар турли тил эгаларининг ассоциатив портретини тузишда
(Григорова, 1998; Мруд, 1998), нутқ хосил бўлиши жараёнининг айрим жиҳатлари
и ассоциатив структураларнинг матн хосил қилишдаги ролини урганишда
(Сорчинникова, 1994; 1996а; 1996б), тилларнинг бир-бирига таъсири
хусусиятларини аниқлашда (Грабска, 1996) самарали натижалар берди. [5.106]

Психолингвистикада турли тиллардаги лексик бирликларнинг миллий-
маданий, ижтимоий, шунингдек, гендер хусусиятларини урганишда ҳам
ассоциатив тажрибалар муҳим аҳамият касб этди. Ассоциатив тажриба методи
имконида муайян халқнинг миллий-маданий харитасини яратиш имконияти
юнга келди. Бу йуналишдаги иш сифатида олима С. Г. Тер-Минасова қайд этган
Москва давлат университети чет тиллар факультети талабалари томонидан
тушишган Европанинг маданий харитасини кўрсатиш мумкин. [6.42-45]

Ассоциатив тажриба методининг имкониятларига юқори баҳо берган рус
оғизи А. А. Леонтьевнинг қайд этишича, луғавий бирликларнинг «маданийлик»
имконини ҳаққоний очиб беришга имконият яратувчи, сўзга хос семантик
имкониятларни умумлаштириш, унинг «семантик обертонлари»ни очиб бериш
учун имкон берувчи метод бу – ассоциатив тажриба методи, бу йуналишдаги
муҳим манба эса ассоциатив сўзлар луғатидир. [7.14] Бироқ бу уринда шуни
танд этиб ўтиш лозимки, ассоциатив тажриба методи лингвист учун қанчалик
имкониятлар эшигини очмасин, илмий хуносалар чиқаришда тажриба
натижаларига таъсир кўрсатувчи айрим ташки омиллар (сунъий тарзда нуткий
филологиянинг ташкил этилиши, тажриба ўтказувчининг синалавчиларга
таъсир, синалавчиларнинг бир-бирига таъсир, синалавчилар устида ноодатий
тажриба ўтказилиши, уларнинг руҳий ҳолати, лексик бирликларнинг баъзи

синалувчиларга тушунарсиз булиши ва ҳоказо)ни ҳам эътиборга олиш лозим бўлади.

Психолингвистикада ассоциатив тажриба методининг бир неча тури: эркин ассоциатив тажриба, йўналтирилган ҳамда боғли ассоциатив тажриба фарқланади. Эркин ассоциатив тажриба методига кўра тажрибада синалувчилар (бъзи манбаларда улар *респондентлар*, *информантлар*, *суралувчилар* терминлари билан берилган) ўйлаб ўтирмай хотирасига келган ягона ассоциацияни ёки чекланмаган микдордаги ассоциацияларни ифода этадилар. Йўналтирилган тажриба методида маълум грамматик бирлик ёки семантик ифода бўйича тил эгаси хотирасига келган ассоциациялар қайд этилади. Боғли ассоциатив тажрибада эса стимул сўзга маълум микдордаги ассоциацияларни ифода этиш талаб этилади. Ассоциатив тажриба методининг қайд этилган барча турлари инсоннинг лисоний онги ва хотираси, руҳиятининг тилга таъсири, тил ва тафаккур, тил ва маданият муносабати каби масалалар бўйича кимматли хулосалар чиқариш имкониятини яратади.

Психолингвистик тадқиқотларда кўп ҳолларда ўтказилиши анча қулай бўлган эркин ассоциатив тажриба методи кенг қўлланилади. Эркин ассоциатив тажриба методининг ўзига хос жиҳати шундаки, унда қўлга киритиладиган асосий манба – чекланмаган микдордаги лексик бирликлар ва сўз бирикмалариdir. Баъзан паремиялар, фразеологик бирликлар, турли оккозионал қўлланишлар ҳам ассоциатлар вазифасини ўтайди.

Эркин ассоциатив тажрибалар бир неча босқичда олиб борилади. Дастрраб стимул сўзлар ажратилади, тажриба учун синалувчилар танланади, сурвнома (сўров анкеталари) ишлаб чиқилади. Кейинги босқичда синалувчилар устида оғзаки ёки ёзма тарзда тажриба ўтказилади. Сунгра олинган натижалар жамланади. Сунгги босқичда олинган натижалар таҳлил қилинади ва муайян хулосалар чиқарилади.

Ассоциатив тажрибалар ундан кўзланган максад асосида оммавий ёки якка тартибда ташкил этилади. Оммавий тарзда ўтказиладиган ассоциатив тажрибаларда камида 10-20 та синалувчи иштирок этади. Ассоциатив лугатларни тузишда оммавий тарзда ўтказиладиган тажриба материалларига таянилади. Оммавий ўтказилган тажриба материалларигина муайян тилнинг лексик таркиби, шу тил эгаларининг лисоний хотираси, лексик заҳираси ҳакида маълумот бера олади.

Ассоциатив лугатларни яратиш учун кўпинча ёзма тажриба методи қўлланилади. Оғзаки тажриба методини ўтказишга кўп вақт сарф этилиши сабабли тилшунослар, асосан, ёзма тажриба методидан фойдаланишини маъкул кўришади. Эркин ассоциатив тажрибанинг ёзма шаклида синалувчилар стимул сўз бўйича хотираларига келган ассоциацияларни ёзма тарзда баён этадилар. Бунинг учун тажриба ўтказувчи томонидан стимул сўзлар ёзилган сўров анкеталари тузилади. Сўров анкетасига ассоциациялар чекланмаган микдорда ёзилиши мумкин. Стимул сўз ёки ассоциацияларни муҳокама килиш, улар устида мулоҳаза юритиб ўтиришга вақт берилмайди. Синалувчи хотирасига келган дастлабки ассоциацияни зудлик билан стимул сўз қаршисига қайд этиши лозим бўлади.

Ассоциатив тажрибаларни ўтказишида синалувчиларнинг миллати, ишонишнинг тили, жинси, ёши, маълумоти, касб-кори, яшаш жойи кабиларга таълими ютибор қаратилади. Манбаларда бу белгиларнинг ассоциациялар индивидуалларни сезиларни тасъир курсатиши эслатилади. Ассоциатив тажрибаларга таълими тил эгаларининг лугат захираси кенг, лисоний қобилияти тўлиқ инсоний онги ва тафаккури қобилиятини намойиш эта олади. Ю Н Карауловнинг фикрича, ассоциацияларда синалувчилар онгига таълими тил эгаларининг дунё қиёфаси ўз аксини топади. Ўз навбатида, кўпчилик одамларда таълими қобилияти мундарижасининг кенгайиб бориши (лугат захираси, инсоний тартибларнинг иеархик структураси, прагматик ўрнашуви) ва унинг формал-комбинатор имконияти умрининг охирига қадар нисбатан ўзгармас ҳолда таълими тил эгаларининг лугат захираси таълими тил эгаларининг дунё қиёфаси ўз аксини топади. [8. 192-193]

Ассоциатив тажрибаларга синалувчилар сифатида кўпинча олий маълумотли тил эгалари ёки талабалар (кўпинча филолог талабалар) жалб этилди. Баъзан тажриба учун ҳар хил касб эгалари ҳам танланади. Лексик таълими тил эгаларининг гендер хусусиятларини ўрганишда ассоциатив тажрибаларга таълими тил эгаларининг лисоний захирасини тўлиқ акс этиради.

Бу уринда синалувчилар билан боғлик куйидаги саволларнинг туғилиши таълими: «Ассоциатив тажрибалар учун танлаган синалувчилар муайян тил инсоний қатламишининг умумий ҳолати ҳакида тўлиқ маълумот бера оладими?», «Бир гурӯҳ синалувчилардан олинган натижалар барча тил эгаларининг инсоний хотираси ҳакида тўлиқ маълумот берадими?», «Маълум сонли синалувчилар шу тил эгаларининг лисоний захирасини тўлиқ акс этирадими?», «Синалувчилардан олинган натижалар тилга хос қонуниятларни берилаш учун хизмат қила оладими?».

Лингвистик тажрибалардан кутиладиган натижалар ҳакида мулоҳаза юритар экан, тилшунос олим А.Мустайоқи ҳам ҳакли равишда куйидаги синонимни ўртага ташлайди: «Агар лингвист «бир бутун тил тизими» («язык в целом») ҳакида маълумот олишга ҳаракат қиласа, вазият ўзи-ўзидан равшан. Ким «ҳамманинг» фикрини намойиш этиш ҳуқукига эга? Бунда тадқиқотчи биносита «тил эгаси» ёки «адабий тил эгаси» тушунчаси билан тўқнапт келади». [157] Шубҳасиз, бир гурӯҳ синалувчилардан олинган натижалар барча тил инсоний қобилияти, тил захираси ҳакида тўлақонли маълумот бера оладиди. Бирок кўп йиллар давомида ўтказилган ассоциатив тажрибалар шуни кўнгилади, синалувчиларда вербал ассоциациялар, асосан, такрорланади, кам мингдордаги ассоциацияларгина индивидуал характеристерга эга булади. Ассоциатив тажриба натижаларининг кўпсонли тил эгаларида такрорланиши ҳисобга олинса, муайян тил ва унинг эгаларига хос энг умумий хусусиятлар ҳакида мулоҳаза юритиш мумкин булади.

Ассоциатив тажрибалар муайян мақсад асосида ташкил этилади ва у ўтказилгач, олинган маълумотлар ўрганилади. Тажриба натижалари ҳам сифат, ким миқдор (статистик) жиҳатдан таҳлил қилинади.

Статистик таҳлилда асосий эътибор ассоциатларнинг умумий миқдори, кўлланиш частотасини аниқлашга қаратилади: юкори ва паст частотали ассоциатлар аниқланади, якка ассоциатлар, бир хил ёки турли ассоциатларнинг сони белгиланади. Г.А.Мартиновичнинг қайд этишича, жавоб реакциялари миқдорий тавсифига кура стереотип (нисбатан кўп учрайдиган, стандарт) ва якка (индивидуал, стандарт бўлмаган) турларга ажратилади. Стереотип жавоб реакциялари ёндошлик ёки үхашашлик асосида юзага келувчи хамда инсон тафаккурида ўқилган ёки эшилган сўз натижаси сифатида урин олувчи автоматик тарзда актуаллашадиган алоқаларга асосланади. Якка жавоб реакциялари эса тасаввур ва тушунчаларга ёндошлик ёки үхашашликка кура индивидуал ёндашув асосида шаклланади, бундай ёндашув натижасида янги, типик бўлмаган ассоциатив жуфтликлар ҳосил булади. [10. 93-99]

Ассоциатлар сифат жиҳатидан таҳлил этилганда ассоциатив майдон структураси, майдон ядроси, ассоциатив алоқани ҳосил қилган омиллар, синтагматик ва парадигматик алоқа турлари урганилади.

Тажриба маълумотларининг сифат ва миқдорий таҳлили асосида нафақат тил эгаларининг лисоний онги, хотираси, тил заҳираси, миллий-маданий кадриятлари, руҳияти кабилар ҳакида; тилдаги лексик бирликларнинг кўлланиш даражаси, сўзлар орасидаги семантик алоқа тури, алоқа кучи буйича лингвистик маълумотларга хам эга бўлиш мумкин бўлади. Албатта, бу масалалар юзасидан якуний хуносалар тажриба материаллари таҳлилига қай тарзда, қандай мақсадда ёндашув асосида чиқарилишига боғлиқ. Ассоциатив лингвистиканинг машҳур вакилларидан бири А.Залевскаяининг маълумот беришича, утган асрнинг 50-60-йилларида машҳур бўлган тажриба материалларининг таҳлил усули эскирган бўлиб, факат юкори частотали ассоциатив реакцияларни эътиборга олишни назарда тутган, бироқ якка жавоб-реакцияларнинг стимул сўз билан муносабати масаласининг таҳлили белгиланган қонуниятлар ҳакидаги умумий тасаввурни маълум даражада ўзгартириши аллақачон асослаб берилди. [11.40] Демак, олинган материалларнинг тажрибадан кўзланган мақсад асосида ўрганилиши жуда муҳим. Жумладан, тадқиқотчининг максади индивидуал ёки жамоавий, юкори ёки паст частотали ассоциатларни ўрганиш бўлса, асосий эътибор шу мақсадга ўйналирилиши ва умумий хуносалар шу доирада чиқарилиши лозим.

Хуллас, ассоциатив тажриба методи тилдаги лексик бирликларнинг семантик алоқаси, ассоциатив боғланиши ва биргалиқда нутқий тузилмалар ҳосил қилиши, уларнинг ижтимоий, маданийлик, гендереологик хусусиятлари каби муаммоларни инсон омили билан боғлик ҳолда ўрганувчи метод сифатида амалий аҳамиятга эга.

Адабиёлар:

1. А.Н.Ждан.История психологии. От Античности до наших дней // <http://www.psycholog-ok.ru>
2. Я.В.Оисов. Методологическое значение ассоциативного эксперимента К.Юнга в разработке А.Р.Лурии основ реактологической теории аффективного поведения // Вестник

- Горного (Арктического) федерального университета. Серия: Гуманитарные и социальные науки. – 2011. – №1. – С.124.3.¹
- ExperimentalPsychology. Vol. II. / Ed. by J.W. KingandL.A. Riggs. Holt, Rinehart and Winston Inc., 1972. - 740 p.
- 1 А.А Залевская. Введение в психолингвистику. - М.: Российский государственный гуманитарный университет, 1999. – С.26.
- 2 А.А Залевская. Введение в психолингвистику. – М.: Российский государственный гуманитарный университет, 1999. – С.106.
- 3 Гер-Минасова. Языки межкультурная коммуникация. – М.: Слово/SLOVO. 2000. – С. 44-15.
- 4 А.Леонтьев. Общие сведения об ассоциациях и ассоциативных нормах. - Словарь ассоциативных норм русского языка. - М.: МГУ. 1977. – С.14.
- 5 Ю.Н. Караполов. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга I. – М., 1994. – С. 192-193.
- 6 А.Мустайко. О лингвистических экспериментах // Язык – система. Язык – текст. Текст – способность. (К 60-летию члена-корреспондента Российской академии наук Ю.Н. Караполова). Российская академия наук. инс.рус. языка им. В.В.Виноградова. – М.: Наука. 1995. - С.157.
- 7 Г.А. Мартинович. Опыт комплексного исследования данных ассоциативного эксперимента // Вопросы психологии. - 1993. - № 2. - С. 93-99.
- 8 А.А. Залевская. Психолингвистические исследования. Слово. Текст: Избранные труды. М. Гнозис, 2005. - С. 40.
- И.АЗИМОВ, ф.ф.н., доцент (ТошДУТАУ)
ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА
ЖАДИД НАМОЯНДАЛАРИНИНГ ЎРНИ
(Элбекнинг “Бошлангич мактабда она тили” рисоласи мисолида)
- Ўтган аср бошларида яшаб ижод этган жадид мутафаккирларининг фаол ижтимоий фаолияти, ўз халқи баҳт-саодати, ёрқин келажаги йўлида олиб бергани курашлари тарих зарваракларидан муносиб ўрин эгаллади. Улар ташкил миллат жонсуярлари сифатида халқни маърифатли килишга, уларнинг опиги миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришга уриндилар. Узбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Юқсан маънавият – енгилмас куч” асарида шундай сатрлар бор: “Чиндан ҳам, тархимизнинг қайси даврини олмайлик, юртимизда илму маърифат ва юксак тимсалиятта интилиш хеч қачон тұхтамаганини, халқимиз даҳосининг үлмас тимсоли сифатида энг оғри ва мураккаб даврларда ҳам яққол намоён булиб келишини яққол куришимиз мумкин.
- Масалан, чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд күтириб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга яна бир ёрқин мисол бўши олади. Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Искокхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий

топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло үчмайды”[1, 31].

Худди шу каби сатрлар биринчи Президентимизнинг 2016 йил 13 майдаги ПҚ – 4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш түгрисида”ги Фармонида ҳам учрайди: “Мустамлака тузумининг тазийкларига қарамасдан, уз ҳаётини халқимизнинг маънавий камолотига, она тилимизнинг равнақ топшишига бағишилаган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чулпон, Абдулла Қодирий каби улуғ маърифатпарварларнинг улкан хизматларини, бу йулда ҳақиқий ватанпарвар, юртпарвар, миллатпарвар сифатида из қолдирган зиёли инсонларнинг номларини эл-кортилиз доимо ҳурмат билан эслайди”.

Маълумки, уша жадид мутафаккирлари саъй-ҳаракатлари билан янги мактаблар учун кўплаб дарслик, қўлланмалар, дастурлар яратилган. Мактабларда ўқитиши усули тубдан ўзгартирилган, она тилининг қандай ўқитилиши хусусида қўлланма, йўл-йўриқ, кўрсатмалар тайёрланган. Лекин ўзбек тилини ўқитиши методикаси бўйича ёзилган адабиётларда жадид намояндаларининг мазкур фаолияти етарли даражада ёритилмаган ҳамда қисқагина маълумот билан чегаралангани ачинарли ҳолатдир. Масалан, олий ўкув юрти талабалари учун ёзилган “Она тили ўқитиши методикаси” китобида 1940 йиллари Узбекистонда С.А.Фессалонискийнинг “Она тили ўқитиши методикаси” қўлланмаси нашр қилингани, бу ўз даври учун катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлгани айтилади[2, 22]. Ваҳоланки, миллий тилимизни қандай ўқитилиши бўйича 20-йилларда ёзилган.

Куйида ана шундай миллият фидойларидан бири бўлган Элбекнинг миллий тилни ўқитиши методикаси бўйича олиб борган фаолияти хусусида сўз юритилади. Бу жиҳатдан унинг “Бошлангич мактабда она тили” рисоласи уша давр она тили таълим тизими учун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур асар қозок шоири ва адиби М.Жумабоевнинг “Бошлангич мактабда она тили” китобининг таржимаси ҳисобланниб, билим кенгашининг педагогика комиссияси ўзбек мактаблари учун ҳам зарурий қўлланма сифатида эътироф этади ва уни таржима килишни Элбекка топширади. Рисола оддий таржима бўлмасдан, адибнинг ўзи эътироф этганидек, “...мисоллар ва қайси бир жумлалар ўзбек шевасининг истагича, бутунлай бошқа бир тусфа солинди” [4, 259].

Асарнинг кириш қисмида адиб асарни ёзишдан асосий мақсад мактаблар учун жуда кўплаб дарслик, қўлланмалар ёзилаётгани, уларнинг аксарияти ўқитувчилар учун ҳам қийинчилик туғдираётгани, зеро ҳар бир муаллимнинг қўлига тушган асарни бирданига текширтирмасдан ўқитиши ёхуд уни болаларнинг қўлига бериб қўйиб, узининг кўнглини тинчитиб, вазифасини адо этган булишилик кўп янгилишликларга олиб келишини айтади.

Унинг фикрича, “Ёлғиз китобдан ўқутиши билан масала ҳал бўлмайди. Балким, ул китобдаги ёзилган нарсаларни жонлантириб, англата билиш ва ўкутган нарсаларини амалга ошириш керакдир. Албатта, бу иш учун ўқитувчиларнинг оз бўлса-да, мана шул китоблар каби ўқутиши йўлларин курсататурғон бир асарни куздан кечиришлари тегишидир”[4, 259]. Кўриб

турганимиздек, мазкур рисола она тилини үқитишида үқитувчилар учун зарур туубиң құлланма вазифасини бажарган.

Мібек дастлаб, бошланғич синфда – тұрт үйл мобайнида боланинг билиши лозим бұлған билим, күникма, малакалари йигиндисини белгилаб беради, ҳозирғи таълим тизимимиз атамаси билан айттанда, таълим тицертини ёзіб беради. У тұрт үйл давомида бола қуидаги талабларга жавоб берини шартлигини белгилаб берган:

Биринчи үйлде боланинг билиши лозим бұлған билимлар йигиндисі:

Боланинг тилин үстартиши ҳам малакалантириши, яғни, бола нуткенинг малакасини шаклантырыши. Бунда:

Берилған асарни әркін сұзлаб бера олиш, оғзаки ёдлаган шеър ва мәселеңдерни равон айтиб бера олиш.

Үкіншінде күникма хосил қилиш. Үзи чизган суратларнинг остига отини ёза берини.

Үкіншінде ҳикояларни үқитувчининг күмаги билан қайта айтиб бериш. Трикотажни, ҳикояларни тұла айта олиш, яғни, қайта ҳикоя қилиб бера олиш.

Текшінекишириши да имло.

Күмештарни сұзларга, сұзларни бүтінларга ва ҳарфларга ажратса олиш.

Харф шарни товушларни бир-бираидан фарқлай олиш.

Иккінчи үйлде боланинг билиши лозим бұлған билимлар йигиндисі:

1 Нұтқ үстеришиши малакаси.

Эшитгани ёки күрган бүйіча тұлароқ ҳикоя қилиб бериш. Эшитган, үрген еки үкіншінде нарсаларни тұлароқ ижодий қайта айтиб бериш. Бирор топқын равон ва тұғыр сұзлаша олиш.

Берилған сурат бүйіча матн тузиб, гапириб бериш.

Берилған матн мазмунига мос мустақил матн тұза олиш. Тугалланмаган үшін мустақил фикри билан яқунлай олиш. Китобдан, құләзмадан маттерири күчеріб ёзиш.

Езиш күнінде араб түзіліш, кундалик режа тұза олиш, үқишиңдерни түрларындағы зерттеулерге зерттеу олиш.

Текшінекишириши ҳам имло, яғни, билим олиш.

Сүйиғарнинг турларындағы караб булуниши.

Түбі, күшма, құшма сұзлар ва құшимчалар.

Түк қарфлар, яғни, араб ёзувидаги бир томондан қүшилувчи ҳарфлар. Құшма түрлінінг ёзилиши. Ясалма сұзларнинг намуналари. Уларнинг үзгариши ва оныннан.

Үчинчи үйлде боланинг билиши лозим бұлған билимлар йигиндисі:

Нұтқ үстеришиши малакаси

Бондандың үтгандың өзінде араб түзіліш, әркін сұзлардағы үз фикрини түпнек, равон билдириш. Үз фикрини мантиқий изчиллікда түлиқ билдира олиш.

Бағыттар асарға баҳо бера олиш. Кундалик режа тұза олиш.

Ўзи чизган расмлардан альбом ясаш, журнал чиқариш, йиғилишлар, турли саёҳатлар бўйича оғзаки ва ёзма ҳисобот бера олиш.

2. *Тилни текшириши ҳам имло, яъни, билим олиши.*

Турли мураккаб жумлаларни ёза олиш. Атоқли сўзлар, феъл, олмош, кўшма сўзларнинг ясалиши, ўзгариши ва ёзилиши тўғрисида, суроқ, хитоб белгилари ҳамда нукталар ҳакида тушунчага эга бўлиши.

Тўртингчи йилда боланинг билиши лозим бўлган билимлар йигиндиси:

1. Нутқ ўстириши малакаси.

Бирор бир матнни режаси билан тулиқ айтиб бера олиш ва ёзиш.

Адабий асарларни сурат, жой, ҳикояларига караб ажратади олиш. Адабий асарлардан олинган бадий парчаларни ифодали айта олиш. Ўқиган матнларни тасвирлаб бера олиш.

Оғзаки, ёзма нутқининг равон бўлиши, йиғилишларда чиқиб, ўз фикрини баён қила олиши. Журналларни тушуниб ўқий олиши.

Спектаклларга катнашиши. Синфни бошқаришга қўмаклашиш.

2. Тилни текшириши ҳам имло, яъни, билим олиши.

Гапни бўлакларга ажратади олиш. Сўзларнинг ва гапларнинг бир-бирига боғланишини тушунтириб бера оларлик даражада синтаксис бўйича маълумотга эга бўлиш.

Тиниш белгиларини ажратиб бера олиш.

Сўнгра адаб она тилининг мактабдаги ўрни, уни ўқитиш масалалари ҳакида сўз юритади. “Бир элнинг мактабин тиргизадирган нарса у элиниг она тилисиadir, - дейди у, - Тили бўлак эл тури бўлак мактаб излайдир. Бир элнинг мактаби ўшал элнинг ўз тилининг негизига қурилғон бўлмоғи тегишидир. Эл тили эл мактабиға она бўлмоғи тегишидир. Чиндан, у шундай бўладир. Бирок, бир элнинг тарихида турли сабаблар билан эл мактаби бир даврларда онасидан айрилиб етим бўлиб қолиши мумкиндири. Шундай давр биз – узбекларнинг мактабининг бошидан-да кечди, кечиб турибди”[4, 264]. Ҳакиқатан ҳам, ўша давр мактаб-мадрасалардаги таълим-тарбия оғир аҳволда эди. Адаб таъкидлаганидек, мактабларда араб ва форсларнинг ҳижжалаб ўқитадиган “Ҳафтияк”, “Чор китоб”лари қуруқ ёдлашга ўргатадиган булиб, болалар ўз она тилидан бутунлай бегона бўлиб тарбияланар эди. Ҳожи Муиннинг “Мехнаткашлар товуши” газетасининг 1918 йил 20 августдаги сонида эълон қилинган “Тил масаласи” мақоласида шундай фикрлар бор: “Биз туркча қоидаларни билмаганлари учун ҳозирги мирзо ва таржимон биродарларимизни айблай олмаймиз, алар бу тўғрида маъзурдурлар. Чунки алар ва бизларнинг хеч қайсимиз мунтазам мактабларда ўкуб чиқмағон. Тил қоидаларининг таълими мунтазам мактаблarda бўладирки, мундай мактаблар ҳануз Туркистонимизда очилғон эмас. Ҳозиргача давом этиб келган янги мактабларимизда бўлса туркий тилимизнинг сарф ва нахви ўқутила бошлагони йўқ. Бизнинг туркий тилимиз ишланмағон бир тил бўлиб, мунинг сарф ва нахвиға оид ҳануз бирор турли рисола босилиб чиқғон эмас. Бизнинг муаллим афандиларимиз тил қоидаларини яхши билмайдиларки, ушбу кунгача бაзилари тарафиндан ёзилғон мактаб китоблариндин маълумдир”[5, 92]. Ҳатто мадрасаларда ҳам шундай аҳвол давом этмоқда эди. Боймирза Ҳайит “Туркистонда жадидчилик

“жонни тугатилиши” мақоласида Бухоро мадрасаларида XVI аср охирларигача шооппиллар билан бирга, дунёвий билимлар ҳам ўқитилгани, лекин XVI аср орнинин бошлаб Абдуллахон даврида фақат диний илмларгина ўқитиладиган боланини, бу ҳол бутун Туркистандаги мадрасаларга ҳам тарьсир килганини ишленини. Манн шундай мураккаб шароитда жадидларнинг ўкув тизимини ислоҳ этиши типдаги мактабларни очиш, халкни маърифатлаштиришга дастур билан чишиллари, жадид мактабига пойдевор қўйишлари тарзини улкан фуқаролик жасоратлари эди. Жадидларнинг саъй-харакатлари буони бутун Туркистан буйлаб жуда кўплаб мактаблар очилди, лекин улардаги тизими ҳам ҳали талааб даражасида эмас эди.

Бу диврда Туркистанда очилган аксарият жадид мактабларида турк тили гонгоматиаси ўқитиларди. Мактабларимиз, ёзувимизни усмонлича таъсирида Фитрат ўқинч билан таъкидлайди. У 1921 йил Тил ва имло тарзинида сўзлаган нуткида Тошкентда очилган курсларда она тили учун берилган соатларнинг куб қисми усмонличага берилгани, сўнгимизда очилган биринчи муаллимлар курсида эса, она тили деган нарса ўқитилишгани, 18 йилдаги Маориф шуросининг бир мажлисида ҳам, ўтган тарзиду муаллимларнинг қурултойида мактабларимизнинг ибтидий уч йилида она тили ўқитилсин, ундан сўнг умумий турк тили (усмонлича турк тили) ўқитишни деган карор қабул қилингани, мазкур курсларга ўзбекча сабоқларни кирган муаллимларимиз усмонли туркларидан Шайх Восифийнинг кўтарилиган “Қавоиди лисони усмоний” сидан изофаи ламия, изофаи бағият, изофаи ташбехиядан баҳс қилаётгани, буларнинг ҳаммаси тилмизни таъкид этиш, тилимизга хурматсизлик эканини айтаб ўтади [3, 134-135].

Бу каби ҳолатларга тушиб қолиш эса, биринчидан, ёш муаллимларнинг тарбиятсизлиги бўлса, иккинчидан, муаллимларнинг кўлида ўқитиш тарзини курсатадиган бир китоб йўклигида, деган хulosага келади ва мазкур сабаби бу йўлдаги илк тажриба эканигини айтади.

Сўнг бошланғич синфда она тилини қандай ўқитиш лозимлиги хусусида юриттади. Бошланғич синфнинг энг асосий вазифаси болани атроф олам болани, одамлар билан ҳамда меҳнат қуроллари билан таништиришдан иборатидир, дейди. Таништирганда ҳам, соддадан мураккабга, билган оғизлардан билмаган нарсаларга томон бўлиши лозимлигини айтади. Муаллимларга шундай тавсия беради: “Билимнинг барчаси она тили орқали таништиришади. Сабаби, оғзида сўз оз, миясида билими оз ёш болага яратилиш ҳам оғим боласининг турмуши тўғрисида билим беришга она тилидан бошқа тарзини – мисоли: ҳисоб, сурат солиш, чолғу-музыка кабилар она тилидан-да тутукроқ қурол була олмайдур. Ёлғиз булар орқали олинган билим қаттиқ тубини билим бўлмайдир. Мисоли, болага бир ишга рағбат этиш одатин тинглатириш учун ёлғуз бир totли куй тинглатиш етмайдур, балки этдан ўтуб сунгаги егатурғон ва рағбатни ҳосил эттиратурғон бир сўз керақдур, яъни она тили керакдир. Шунинг учун она тили – борлик билимнинг негизи ҳам босқичидир”.

Сунгра адид муаллимларга она тилини қандай ўқитиш бўйича йўл-тўрликлар курсатади. Она тили ўқитиш дегани болага фақат ёзишни ургатишдан

иборат деган янглиш фикрдан йироқ булишни, мактабнинг асосий вазифаси бир томондан, болага ёзувни ўргатиш бўлса, иккинчи томондан, унинг нутқини ўстиришдан иборат эканлигини, муаллимнинг бундан-да улуғ вазифаси болага яхши тарбия бериш учун уни гўзал адабиёт билан таништириш ҳамда тушуниб, англаб ўқишига ўргатиш эканлигини айтади.

Бу вазифаларни тўкис бажариш учун 4 йил мобайнида она тили ўқитиш тартибини белгилаб беради:

1. Ўқиш, ёзишга ўргатиш.
2. Имлоға малакалантириш, ёзма саводхонлик.
3. Оғиз ҳамда ёзма сўзни юклатиш, яъни, оғзаки ва ёзма нуткни ўстириш.
4. Боланинг тушунишига мос оғзаки ва ёзма адабиёт турлари билан таништириш.
5. Тушуниб ўқишига одатлантириш.

Ўқиш, ёзишга ўргатиш овоз йули билан ўргатилади. Бунда муаллимнинг роли жуда катта булиши керак. Бола китобга боғланиб колмасдан, ўқитувчининг тушунтириб, ўргатиб бериши асносида ўқиш, ёзиш малакасини шакллантириши керак.

Имлоға малака ҳосил этдиришда икки жиҳатга эътиборни қаратиш керак:

1. Болани тўғри ёзишга ўргатиш учун ёзилаётган жумладаги нотаниш, қийин сўзларни тўғри, хатосиз ёзишга малакалантириш керак.
2. Болани янглиштирадиган нарсалардан муаллимнинг ўзи қочиши керак, яъни муаллим сўзни нотуғри айтиб ўкувчини чалғитмасин. Яна шогирднинг ёзувидағи хатоларга бефарқ булмасин, хатоликлар албатта тузатилиши ва ўкувчига тушунтирилиши керак. Яна бола ўқийдиган, кучирадиган китобларининг ўзи хатолардан холи булиши керак.

Боланинг оғзаки нутқини ўстиришдаги муҳим омиллар сифатида узини куршаб турган олам ҳақидаги билимларга эга булиши ҳамда санъат асарлари билан танишишни тавсия қиласди. Теварак-атрофдаги нарса-ҳодисалар ҳақида билимларни бойитиш учун болаларни табиат қўйнига саёҳатларга олиб чиқиш, нотаниш нарса-жисмлар хусусида маълумот туплаш, ўрганган нарсаларини гапириб беришга одатлантириш болага ижобий таъсир кўрсатишини айтади. Болаларга турли овқатларнинг қандай пиширилишини, турли кийимларнинг тикилишини кўрсатиш уларнинг дунёқарашини ўсишига олиб келади, дейди. Санъат ҳам бола нутқий фаолиятининг шаклланишида энг муҳим восита эканлигини таъкидлайди. Куй тинглаш, турли суратларни томоша қилиш, сахна асарларини куриш, бадиий асар турлари билан танишиш унинг сўз бойлигини ривожланишига, эстетик тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишини, шунинг учун муаллимлар шу жиҳатларга жиддий эътибор қаратишига маслаҳат беради.

Боланинг ёзма нутқини ўстиришнинг кўйидаги воситаларини айтади:

1. Жумлачалар тузиш. Бу биринчи синфдан бошланиб, болалар дастлаб қисқа жумлашлар тузиб, уни тўғри ёзишга одатланиб борадилар.
2. Эркин имло. Бунда ўқитувчи қисқа бир адабий асарни ўқийди (дастлаб 15-20 йўлдан ошмайдиган булиши керак). Иккинчи мартасида бўлимларга булиб ўқийди. Сунг болалар эсда қолганини ёзади. Эркин имлонинг фойдаси

Узбеки уқиғиган матнни эсда сақлаб қоғозга туширади, ўз сўзлари билан баён киравчи киракат қилиб, ёзма нутқини ўстириб боради.

1 Күнириш. Бунда бола муаллим томнидан белгилаб берилган матн ёки олинганинг исардан олингандарни парчани шундайинча кўчирмасдан, маъносини тушуниб, тушунилмаган сўзларни муаллимдан сураб, кейин кўчириш керак.

1 Суратга қараб матн тузиш. Сурат боланинг ўй-хаёлларини уйготишга килишини таъқидлайди. Бунинг учун муаллим мазмун жиҳатдан бирорин тўлдирувчи бир неча суратларни олиб киради. Навбатма навбат тасвирларни тасвирлар бўйича жумлалар туздиради.

Юқоридагилардан шундай холосага келиш мумкинки, маърифатпарвар мажкур рисоласи билан миллый тилни ўқитиш методикасига тамал кўйган, мажкур соҳа бўйича дастлабки қадамни қўйган миллат сифатида эътирофга лойик. Жадид адабиёти намояндадарининг гапниги гапниги ўқитиш бўйича олиб борган фаолиятини тадқиқ қилиш, улар тасвирларни жиддий урганиш асосида зарурий холосалар чиқариш, она ўқитишнинг миллый методик тизими ва тамойилларини ишлаб чиқиша самарали фойдаланиш, янгидан яратилажак дарслик, ўкув таъсисларида бу давр тарихини қайта кўриб чиқиш кун тартибидаги мухим инцидентлардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Кафимов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Гужинев Б., Шамсисева М., Зиёдова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамгармаси нашриёти, 2006.
3. Фиграт Абдурауф. Танланган асарлар, IV жилд. –Т.: Маънавият, 2006.
4. Ўзбек. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ, 1999.
5. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 2010.

М.РАҲМАТОВ, ф.ф.н., доцент (ТошДЎТАУ) АЛПИШЕР НАВОЙЙНИНГ “НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ” АСАРИДАГИ АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАРНИНГ СИНТАКТИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ташуносликка оид адабиётларда ажратилган булакларнинг кўшимча ташиб ташиб имконияти мавжудлиги, яъни мазмуний мураккабликнинг келишига кўра мураккаблаштирувчи восита сифатида қаралади. Ажратилган булаклар ўзининг семантик функцияси ва шунга мувофиқ ўзига интонацияси билан ажralиб турувчи, гап булакларидан бирини сиптидагисига қараганда кучли, ифодали, таъсирли қилиб тасвирловчи, булакни мазмун жиҳатидан кучайтириш, изохлаш, грамматик жиҳатдан мустакил ҳолга кўнглини учун хизмат қилувчи алоҳида синтактик конструкциядир. Ажратилган булакларнинг синтактик хусусиятлари ҳозирги ўзбек тили мисолида Абдураҳмонов, Ҳ.Болтабоева, услубий хусусиятлари эса Р.Сайдоловлар томонидан ўрганилган. Тарихий манбалар тилида қўлланган ажратилган булаклар, уларнинг синтактик тузилиши ва мазмуний хусусиятларини ўрганиш, хос жиҳатларини аниклаш, тарихий тараққиётини белгилаш мухим инцидентлардан саналади. Эски ўзбек тилида қўлланган ажратилган булаклар

махсус тадқикот объекти сифатида үрганилмаган бўлса-да, С.Аширбоевнинг Алишер Навоий асарларидағи содда гапларнинг мураккаблашиши юзасидан олиб борган тадқикотларида унинг содда гап таркибини мураккаблаштириши масаласига маълум даражада ойдинлик киритилган. У эски ўзбек тилида ажратилган гап бўлакларнинг гапдаги бошқа бўлаклари билан синтактик алоқасига ва жойлашган ўрнига кўра “*гапдантонация жиҳатидан фарқланаб турадиган бўлаклар ва гап бўлакларининг терс ўринлашиши туфайли юзага келадиган ажратишган гап бўлаклари*”(1) каби икки турга бўлган.

Хозирги ўзбек тилида гап таркибида ажратилган бўлак бошқа синтагматик бўлаклар: ундалма, кириш ёки изоҳ бўлаклар каби кенг қўлланган ва гапни семантик жиҳатдан мураккаблаштирган. Мураккаб гап таркибида икки хил предикатив бирлик, ҳукм бўлиб, буларнинг бири асосий бўлиб, иккинчиси тўлик бўлмаган ҳукм, ярим предикативликдир. Асосий ҳукм асосий гапнинг умумий мазмунидан англашилса, тўлик бўлмаган ҳукм, ярим предикативлик бу хил гапнинг ажратилган бўлаклари, ундалмалари ёки кириш сўзлари орқали ифодаланади(2).

Ўзбек тишинослигидаги кейинги тадқиқотларда гапдан ифодаланган объектив мазмун билан боғлиқ таҳлиллар бош масала килиб қўйилган. Гап таркибидаги маълум бир гап бўлагининг аҳамиятлилик даражасини бошқаларидан ажратиш мақсадида ажратилиши, лекин унинг гапнинг шаклий тузилишидаги синтактик вазифаси ўзгармаслиги, ажратилган бўлак гапнинг синтактик шаклига эмас, мазмунига таъсир кўрсатиши ва ажратилган бўлак шу гапнинг таркибида мазмун томондан энг аҳамиятли бўлакка – ремага айланиши ҳакида мулоҳазалар юритилмоқда.(3)

Маълумки, рема тема ҳақида маълумот беради. Реманинг типик ифодалаш усули кесим ёки кесим гурухи ҳисобланади. Лекин ажратилган бўлаклар ҳам асосий ахборотга қўшимча ахборот юклаш вазифасини бажаради. Натижада бундай бўлаклар иштирок этган гаплар мазмуний мураккаблик касб этади. Масалан: *Мен Тусқа, онинг хизматига, бордим* (437). Гапда мен – тема, *Тусқа бордим* – рема, онинг хизматига бордим – рема (янги ахборот). Демак, ажратилган бўлак иштирок қилган гаплар икки ремали (дирэмматик) гап ҳисобланади.

Ажратилган бўлаклар синтактик тузилиш сатҳи учун фарқловчи белги эмас, балки актуал тузилиш сатҳи учун фарқловчи бўлиб, иккинчи дараражали реманинг актуаллаштирувчиси ҳисобланади (Нурмонов, Маҳмудов, Солиҳужаева, 1992, б. 109). Куйидаги гап таҳлилига эътибор қаратсан: *Ҳар қачон Гозургоҳга, Шайх ул-ислом қ.с. Зиёратига, борса эрмиси ...* (524). Юкорида таъкидланганидек, мазкур содда гапда ҳам иккита рема ифодаланган. Бошкacha айтганда, гапдан иккита ахборот узатиш кўзланган: биринчи ахборот – *Ҳар қачон Гозургоҳга борса эмиси...*, иккинчиси ҳар қачон *Шайх ул-ислом қ.с. Зиёратига борса эмиси...*. Гапда ажратилган бўлак *Шайх ул-ислом қ. с. Зиёратига* – иккинчи ахборот ташувчининг қўллаш билан гапнинг таркибидаги бошқа синтактик шаклларининг тақрор қўлланишининг олди олинган. Натижада нутқда семантик жиҳатдан мураккаблашган содда гап шакллантирилган. *Шайх ул-ислом қ.с. Зиёратига* ажратилган бўлак мантикий

уруга эга булиб, нуткнинг акуал булинишдаги ремани – иккинчи ахборотни ифодалаш вазифасини бажарган.

Алишер Навоийнинг “Насойим-ул-муҳаббат” асарида ажратилган бўлакларнинг ҳозирги ўзбек тилида бўлгани каби боғловчисиз ва боғловчили тури мавжуд эканлиги адабиётларда қайд қилинади (Абдураҳмонов, Шукурев, Махмудов, 2008, б. 365-366):

1. Боғловчисиз тури: Содда гап таркибидаги рема булиб келган ижратилган бўлаклар (иккинчи ахборот) маъноси изоҳланяётган (ажратилаётган) сўздан фақат ажратувчи оҳанг ёрдамида ажратилади. Масалан: *Иур кун мадрасада, ўз хужрамда ултуруб эрдим* (437). *Ва қабри Ҳирот шиҳрининг шарқий хаддидা, Шоҳ Абулғаъс сўристонида дуруп* (662).

2. Боғловчили тури. Ажратувчи интонациядан ташкари боғловчи восита иштирок қиласди. Масалан: *Анинг кенти, яъни Маъдободни, замон подиоҳи Шайхи Шерозга суюргол бериб эрди* (602). ...*Дедики, менинг пирим, яъни хизр Алайхиссалом Абдуллоҳни кўрди*... (403)

Маълумки, яъни аниклов боғловчиси тобе алокани таъминловчи грамматик восита саналади. яъни боғловчисининг синтактик ўрни ажратилган бўлак олдида булиб, унинг ажратилаётган бўлак билан синтактик ва семантик алоқасини таъминлайди. Масалан: ...*Эй Робиа, эшииттилики, абушиқанг, яъни Аҳмад б. Абулҳаворий сенинг устуннга яна хотун оладур эрмиши* (746).

Мавжуд грамматик асарларда кесимнинг ажратилган бўлак сифатида ажратиш кенг тарқалмаган бўлса-да, айрим тилшунос олимлар унинг ажратилган бўлак сифатида қўлланиши ҳакида маълумот беришади (4). Алишер Навоийнинг насрый асарларида, хусусан, “Насойим ул муҳаббат” асари тилида ажратилган кесим кенг қўлланган. Масалан: *Маккага борди ва анда Суфён Ҷаврий ва Фузайл Аёз ва Абу Юсуф Фасулий сұхбатига етишити ва Шомда ҳалол рӯзи учун нозирбонлиг, яъни даштбонлиг қилур эрди* (22). Ажратилган изоҳ бўлак: *нозирбонлиг, яъни даштбонлиг қилур эрди (нозирбонлиг, яъни кузатувчилик қўймоқ; даштбонлиг, яъни дала қуриқчилик қўймоқ)* булиб, гапда иккита пропозиция – ахборот қўлланган. Ажратилган бўлакларнинг бири иккинчини изоҳлагани учун уларнинг бирини қўллаш орқали мазмун, яъни кузланган ахборот англашилаверади: *Фузайл Аёз ва Абу Юсуф Фасулий сұхбатига етишити ва Шомда ҳалол рӯзи учун нозирбонлиг қилур эрди; Фузайл Аёз ва Абу Юсуф Фасулий сұхбатига етишити ва Шомда ҳалол рӯзи учун даштбонлиг қилур эрди*. Демак, ижодкорнинг мақсади – жумла таркибида қўлланган *нозирбон* сўзининг *даштбон* сўзи ифодалаган маънога тўғри келишини кўрсатиши. Маълум буладики, таркибли феъл кесим ўз ичидагапнинг ажратилган бўлаги орқали изоҳланган. Кесим вазифасидаги таркибли феъл, гап охирида, ажратилган изоҳ бўлак ундан кейин қўлланиб, унинг маъносини аниқлаштиришга, уни изоҳлашга, луғавий маъносини очишига (тушунтиришга) хизмат қилган. Бундай бўлаклар грамматик жиҳатдан ажратилган изоҳ бўлак деб қаралади. Бу ажратилган изоҳ бўлак изоҳланмиш, яъни феъл кесимнинг мазмунини ўзида ташийди ва сўз лексик маъносининг маълум семасига кўра тенг келади. Шу хусусиятига кура бу турдаги гаплар уюшиқ кесимлардан фарқланиб туради.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул мұхаббат” асарида от кесимли гапларнинг ажратилиши күпроқ кузатилади. Бундай гапларда ажратилган бұлак оркали ажратилаёттан бұлак томонидан ифодаланаётган мазмунга аниклик киритиш, изохлаш масадида құлланған: *Қабри ҳам Зиёратгоҳда, отаси ёнидадур* (647). Бу гапнинг мазмунига күра кабри Зиёратгоҳда эканлиги, кабри отаси ёнида эканлиги хақидаги ахборотлар мавжуд. Куйидаги жумлаларда ҳам айни шу ҳодисани – ажратилган бұлакнинг құшымча ахборот (рема)ни ифодалаши құриш мүмкін: *Иккаласининг қабрлари ҳам Бобо Сунгу жисорида, Андхудадур* (648). Яна бир мисол: *Қабри Пойи Ҳисорда, үзи сокин әркан ердадир* (702).

Алишер Навоийнинг “Насойимул мұхаббат” асари тиلى үзиге хос синтактик курилишга әгалиги ва табиати билан ажралиб туради. Үнда ҳозирги үзбек тилининг синтактик курилишіга үхшамайдыган жумлалар, гап қолиплари күпласпайды. Бундай гапларнинг синтактик-семантик түзилиши ва макомини белгилаш мұхим масалалардан саналади. Бу турдаги гапларнинг таркибида баъзан ҳозирги үзбек тилида мавжуд бўлмаган, факат эски үзбек тилида құлланған грамматик шакллар ёрдамида шаклланғанлигини құриш мүмкін. Гап таркибида құлланған үзлашма грамматик шакллар олд позицияда қўлланиб, қўлланишига күра үзбек тилидаги маънодошларидан фарқ қиласди. Бу ажратилган гап бўлакларнинг айрим турларида ҳам учрайди.

Ҳозирги үзбек тилида ёйик ҳолда келган құмакчили курилмалар билан ифодаланған ҳоллар ажратилганда *сингари*, *каби*, *ҳолда*, *туфайли*, *яратса*, бўйича құмакчилари құлланади (Б. Үринбоев. 2001, б. 94). Эски үзбек тилида эса ҳудди шу синтактик вазифани аксарият ҳолларда мисли құмакчиси бажаради. Масалан: *Ва Шайх сулук ва саёҳат замонида Хуросон ва Ироқ машойихининг кўти сұхбатига, мисли Шайх Шиҳобуддин Сұхравардий ва Шайхи олам Шайх Сайфуддин Боҳарзий ва Сарийи Сакатии ва Шайх Авҳа-дууддин Кирмоний ва Ҳинд машойихидин Шайх Баҳоуддин Закариё Мултоний қ. с. сұхбатларига етибдор* (527). Жумла таркибидаги мисли *Шайх Шиҳобуддин Сұхравардий ва Шайхи олам Шайх Сайфуддин Боҳарзий ва Сарийи Сакатии ва Шайх Авҳа-дууддин Кирмоний ва Ҳинд машойихидин Шайх Баҳоуддин Закариё Мултоний* қ. с. нинг синтактик вазифаси ажратилган ҳол гап булаги саналади. Бунда иккита пропозиция ифодаланганиша шубха йук. Жумла таҳлилида яна куйидагиларни таъкидлаш үринли. Ажратилган бұлак жумла таркибидаги *кўти* сўзи – қаратқичли аникловчининг маъноси ва унинг изохи билан боғлиқ эканлигини сезиш кийин эмас. Гап таркибидаги *кўти* отлашган равиш номаълум миқдор маъносини ифодалагани учун унинг маъносини ойдинлаштириш, тўлдириш вазифаси мисли ёрдамчиси ажратилган уюшик бўлакларга юклатилган. Жумла таркибидаги *сұхбатига* гап булаги синтактик тавталогияга учраб саналаётган шахсларнинг сонига боғлиқ ҳолда күплиқда *сұхбатларига* шаклида құлланған. Аналитик шаклдаги мисли форсий грамматик шакл уюшик бўлакларнинг олдида келиб санаш, шунинг билан бирга, үзбек тилидаги *каби* құмакчинининг маъносига мувофиқ келади ва уларнинг синтактик алоқасини таъминлашпа хизмат қиласкан. Агар изоҳ мазмундаги уюшик бўлакларни *кўти* қаратқичли аникловчиси үрнида құлласак, куйидаги қўринишга эга булауди *Ва Шайх сулук*

та саъҳат замонида Ҳурисон ва Ироқ машойхининг, Шайх Шихобуддин Султанинг ва Шайхи олам Шайх Сайфуддин Бахаорзий ва Сарийи Сакатии ва Шайх Абха-дуддин Кирмоний ва Хинд машойхидин Шайх Бахоуддин Закариё Муининий к. с. қабиларнинг судбатларига етибдур.

Ажратилган булак иштирок килган гап синтактик тузилишига кўра содда синтактик курилма саналади. Актуал булакланиш сатҳида маъноси тиқиқланаётган ажратилган булак рема – кўшимча аҳборот ташиш вазифасини биояврари.

Ажратилган булаклар ҳар доим икки ремали (дирематик) гаплар сифатида кирилди ва содда матнда мазмуний мураккабликни вужудга келтиради. Бундай гаплар икки мазмуний марказдан иборат бўлади.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоийнинг насрй асарларида мураккабланинг содда гаплар. Док дисс. автореф. – Ташкент. 1990, б. 38-39.
2. Ахмедова Н. Тилшунносликнинг долзарб масалалари. – Ташкент, УзМУ. Илмий маколалар тўплами III. – Ташкент. 2006. 234-б.
3. Қаранг' Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Ташкент, Ўзкитувчи. 1995. 106-б.
4. Уринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Самарканд. 2001, 94-б.

**Р.У.МАДЖИДОВА,
ф.ф.и., доцент (ЎзДЖТУ)**

ТИЛ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ ВА ПСИХОЛИНГВИСТИКА

Тил эгаси бўлиш тушунчаси таркибига умумий ва маҳсус адабиётларда қўлланилганидек, учта ўзаро туташувчи, бироқ бир бирига мос келмайдиган тушунчалар киради. Бунда она тилини билиш, шунингдек, уни иксиламчи илпроқ этиш яъни мактабда ўқиш давомида тилга оид билим олиш, бундан ташқари, бирор бегона тилни эгаллаш тушунилади. Бу ҳодиса ўз-ӯзидан рўй бериши ҳам мумкин, масалан, икки тилли оилада ва умуман икки тилли ёки кўп тили мухитда кузатилиши мумкин (масалан, Тбилисида болалар кўчада ўз тенгдошлари билан ўйнаб юрган пайтда ҳам рус, ҳам грузин, ҳам арман, ҳам курд, ҳам ассирий тилини ёки бу даражада эгаллаб оладилар), лекин бу холат маҳсус режалаштирилган, назорат остига олинган ва бошқариладиган бўлиши ҳам мумкин – масалан мактабда чет тилини ўрганиш. Айнан шу ҳолатда “тилга ўргатиш” ёки “тилни ўқитиш” түғрисида гап боради.

Она тили – бу “тұгма” тил эмас (бундай бўлиши мумкин ҳам эмас – бирор миллатга оид болалар бошқа миллатга хос оиласарда тарбияланиш жараённида бошиданоқ шу оила тилида гапиришни бошлашган). Бироқ бу ота-она тили ҳам эмас, айниқса агар оила аралаш бўлса. Она тили умумий ҳолатларда – бу боланинг биринчи бўлиб талаффуз қилган сўзлари ҳисобланади. Шу ўринда она тили ифодасининг турли тиллардаги куринишини солишибтириб кўриш мумкин. Ўзбек тилида она тили(ота тили эмас!) яъни оилада бола тарбияси билан купроқ она шуғуллангани сабабли доминант тил она тили ҳисобланади. Рус тилида ҳам *родной язык* ибораси ишлатилади. Бу ҳам мантиқан юқоридаги фикрни ифодалайди.

Бироқ она тили тушунчасини доминант тил тушунчасидан фарқлаш лозим – боланинг катта булиши ва руҳий ривожланиши шахснинг ва боладаги руҳий жараёнлар ривожланиши, айниқса, тафаккур билан узвий боғлиқ. Она тили ва доминант тил бир бири билан мос кепмаслиги мумкин. Масалан, она тилиси рус тили бўлган бола кейинчалик бошқа тилга ўтиб кетиши ҳодисаси фикримизнинг исботи бўла олади.

Бола эгаллаган бегона тил ўз ўрнида икки хил булиши мумкин. Агар бола вояга етадиган жамоада ишлатилса, иккинчи тил дейилади. Бу миллат ёки элат тили, давлат ёки расмий тил, миллатлараро алоқа тили булиши мумкин. Агар ушбу тил эгалари тил мухитида мавжуд бўлмаса ёки амалиётда қўлланмаса, бу тил чет тили ҳисобланади.

Иккинчи тилни маҳсус ўрганмасдан унда ўз-ўзидан гапириб кетиш психологияси ва психолингвистикаси масалалари етарлича ишлаб чиқилмаган. Ваҳолангки, ушбу масалани ёритишга қатор ишлар бағишиланган: И. Бялысток, Б. Маклафлин, Д. Синглтон. Энг сўнгти нашр эса Олли Кууренинг китоби ҳисобланади (Kuure, 1997). Рус тилшунослигида ҳам ушбу масалалар буйича чоп этилган жиддий ишлар кам (“Психология билингвизма” 1986). Мактаб, олий ўкув юргуларида чет тили тилига ўқитиш масалалари эса анча қўпроқ тадқиқ қилинган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар қандай фаолият, шунингдек, нутқий фаолият ҳам (тилга боғлиқ бўлмаган ҳолда) психолигик жиҳатдан бир хилда “курилади”. Чет тилидаги нутқ билан она тилидаги нутқ нимаси билан фарқ қиласди? Биринчидан, нутқий ифода тузиш учун турли тил эгалари вазиятни, мақсадларни, нутқий мулоқот шароитларини ва бошқа жиҳатларни ҳар томонлама таҳлил қилишлари керак. Масалан, ифода тузиш учун япониялик сұхбатдошнинг ёши, ижтимоий мақоми ва бошқа хусусиятлари түғрисида қўпроқ маълумотларни ҳисобга олиши керак. Иккинчидан, асосий ҳисобланган нарса – ифоданинг (нутқ фаолиятининг) операцион таркиби, яъни айнан бир хил мазмун ва бир хил йўналишдаги нутқ фаолиятига мос матн тузиш лозим.

Бу нутқий операциялар, бошқа ҳар қандай операциялар каби икки хил усулда шаклланган булиши мумкин. Ё тақлид усули билан ёки “уринишлар ва хатолар”, яъни изланиш фаолияти билан, ё ушбу операцияни актуал идрок даражасида онгли, мақсадли равища амалга ошириш йули билан. Ўзга тилнинг барча нутқий операцияларига фақат биринчи ёки фақат иккинчи усул билан эришиш мумкин эмас: амалиётда ҳар икки усул ҳам қўлланилади. Қайси усул доминант эканлиги эса бошқа масала. Айниқса, ёш болаларни тилга ўргатиш жараёнида ушбу доминантни танлаш яққол акс этади. Бундай ўқитишга ёндашишнинг иккита қарама-қарши тури бор: анъанавий (“мослашиш” ва тақлид усули) ва фаолиятли. Умумий психологияяда операция ва фаолият деб номланувчи тушунчалар дидактика ва методикада *куникма* ва *малака* дея аталади.

Бир тилдан иккинчи тилга (чет тилига) ўтиш психолингвистик нутқи назардан умумий ҳолатларда дастурдан унинг амалиётига ўтиш қоидаларининг ўзгариши дейиш мумкин. Бу ўзгариш эса бирданига, яъни эски қоидаларининг янгисига бир вактда алмаштириш йули билан рўй бермайди: киши янги тилда

Бирдан гапириб кета олмайды. У чет тили ўрганишнинг воситаланган боскичларидан ўтиши лозим. Она тили қоидалари тизими эса бошланғич боскичда асосий восита ҳисобланади. Сунгги боскичларда эса янги қоидаларни штотоматлаштириш чет тилини нисбатан түлиқ үзлаштиришга ёки ажойиб психолог Б.В. Беляев ибораси билан айтганда, “чет тилида фикрлаш” діражасига олиб боради [1, 1965].

Хулоса қилиб айтганда, чет тилига ўргатища боскичма-боскичлилікка шамал қилиниши ва она тили қоидалари системаси билан яхши таниш булиш мұхым омыллардан ҳисобланади.

Адабиётлар:

- 1 Беляев Б.В. Очерки по психологии обучения иностранным языкам. Изд. 2. М., 1965.
- 2 Залевская А.А. Вопросы теории овладения вторым языком в психолингвистическом аспекте. Тверь. 1996.

М. ҲАКИМОВА, ф.ф.н. (ТошдұТАУ) АБСТРАКТ СИФАТЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ГҮРУХЛАНИШЫ

Маълумки, абстракт лексиканы нафақат баҳт, қувонч каби от, балки ақпли, одобли каби сифатлар ҳам ташкил этади. Шу тарзда тилшүносликда абстракт отлар билан бирга абстракт сифатлар ҳам ажратилади.

Абстракт сифатлар сезги органларимиз ҳис құлмайды, фикран шығанады «доно», «ақпли», «эътиборли» каби белгиларни ифодалайды.

Абстракт сифатлар бир предметнинг бошқа бир предметдан ажратып түрувчи ақлан англанады, белгиси, хусусияти, үзиге хослиги, қобиляти кабиларни ифодалайды. Ушбу гурухни ташкил этувчи лексемаларнинг иксаияти инсоннинг сифатини номлады: *безубор, ботир, вафосиз, виждонсиз, доно, зийрак, мазгур, тұғри, уятчан, фаол* каби. Абстракт сифатлар гурухи моментларидан айримлари инсоннинг сифатлари билан бирга ҳайванларнинг белгисини ҳам номлаб кела олади: *айёр, ақпли, беозор, безубор, ювош, құрқоқ, құрқұмас, вафодор* каби.

Инсонға хос белгини абстракт мөхият сифатида номловчи лексик-семантик гурухни қуидаги таснифлаш мүмкін:

1. Инсоннинг характеристики ифодаловчи сүзлар
2. Инсоннинг қобилятины ифодаловчи сүзлар
3. Этик тушунчаларни ифодаловчи сүзлар
4. Эстетик тушунчаларни ифодаловчи сүзлар

Инсоннинг характеристики номловчи сифатларга қизиқувчан, құрқұмас, ботир, жасур, қатъий, кескин, ландовур, құнгылчан, оққұнгыл, содда, камтар, софыл, құнноқ, мазгур, фахмисиз, камсуқұм, одми, гайир, аблаж, уятчан, тортынчоқ, үшкөлаптараст, манман, худбинлик, димогдор, эркатор, дангаса, меҳрибон, шидгумон, раҳмдиң, берахм, құрқоқ, каттиққұл, шафқатсиз, ёлғончи, ростгүй, пафосиз, жиiddий, бефарқ, билимсиз, хушомадгүй, тилөглана, қобилятсиз каби пексемалар мисол булади.

Инсоннинг кобилиятига оид белгиларни номловчи сифатларга билимдон, билагон, ишибшармон, моҳир, устакор, зийрак, фаол, чидамли, серқирра каби лексемалар мисол бўлади. Мазкур гуруҳдаги лексемалар инсоннинг бирор бир фаолиятга мойиллигини билдиради. Масалан, зийрак лексемаси ўта сезгирилик қобилиятини номлайди. Биз ушбу гурухга билим билан боғлиқ билимдон, билагон лексемаларини киритдикки, ҳар бир билимли инсонга нисбатан билимиши, ўқиган инсонга нисбатан ўқимиши, зиёли лексемаларини кўллаш мумкин. Лекин, бизнингча, пухта, мукаммал билимга эгалик: билимдон, жуда кўп билимга эгалик: билагон ҳамма инсонларда ҳам учрамайдиган қобилиятидир.

Инсонга хос сифатлар таркибида этик тушунчаларни номловчи сўзлар алоҳида гурухни ҳосил қиласи ва ушбу гурух элементлари инсоннинг ахлоқий белгиларини номлайди: яхши, ёмон, эзгу, ёвуз, жоҳил, комил, баркамол, одил, ҳалол, пок, тўғри, маданиятсиз, ахлоқли, одобли, хушимуомалали, маданиятсиз, ахлоқсиз, одобсиз, қўпол, айбсиз, гуноҳсиз, душман, золим, қабиҳ, иймонсиз, маънавиятсиз.

Мазкур гурух элементларининг абстракция даражалари жуда юқори булиб, улар номлаётган белги ташувчисидан тўла ажралган ҳолатда моддийлик билан алоқаси мавжуд бўлмайди. Масалан, яхши лексемасида «яхши» белгиси субстанция сифатида номланар экан, унинг ташувчиси билан, моддийлик билан ҳеч қандай боғлиқлиги мавжуд эмас. Яхши лексемасининг семантик мундарижасида ҳам белгининг обьекти ҳакида маълумот мавжуд эмас.

Инсонга хос сифатлар гурухи таркибида эстетик табиатли белгилар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу гурухни қуйидаги лексемлар ташкил қиласи: гузал, латофатли, назокатли, нафис, нозик(кўчма маънода), жозибадор. Мазкур гурух элементларининг абстракция даражаси этик тушунчаларни номловчи сўзларга нисбатан пастроқдир. Чунки эстетик сўлар ифодалайдиган белгини ақлий билиш билан бирга улар ҳис ҳам қилинади. Масалан, гузалликни кўз орқали кўриш мумкин.

Инсонга хос белги ифодаловчи абстракт номларнинг бошқа абстракт номлардан асосий фарқларидан бири шундаки, мазкур гурухнинг ҳар бир элементи коннотацияга эга. Абстракт белги номлари кўп аъзоли коннотатив даражаланишлар ҳосил қиласи: яхшилик - ёмонлик, қўрқоқлик - қўрқмаслик, ботирлик, жасурлик каби.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсонга хос белги номловчи абстракт сўзлар ўзбек тилида катта лексик-семантик гурухни ташкил қиласи ва бу гурух ўз навбатида ички тузилишига ва таркибланишига эга.

Абстракт сифатлар гурухи таркибида яна жонли ва жонсиз предметларнинг белгисини номловчи ҳақиқий, асл, бенуқсон, серқирра, аниқ, мураккаб, оддий, нуқсонсиз, яроқли, керакли, қайтарилмас, соҳта каби умумий белги номлари ҳам алоҳида бир гурухни ташкил қиласи. Умумий белги билдирувчи номлар жонли ва жонсиз табиат элементлари учун бирдай кулланиши мумкин: нуқсонсиз сурат ёки нуқсонсиз инсон, инсон лойиҳа ёки оддий қиз каби.

Инсоннинг сифатини номловчи абстракт сўзларда белги соғ ёки коришик ҳолатда ифодаланиши мумкин(1). Белгини соғ ҳолатда ифодаловчи абстракт сифатларга айёр, безубор, дангаса, димогдор, доно, ёлғончи, зийрак, зукко,

китабин, камтар, камтарин, ростгүй, софдил, фаҳмсиз каби сұзлар мисол бұлда олади.

Инсонға хос белги ва ҳолат оппозициясынинг нейраллашувини қизықуучан, фиал, айбиз лексемалари англатаёттан маңноларда қуриш мүмкін. Мазкур лексемалар ҳам инсоннинг белгисини ва шу белги асосида мавжуд ҳолатни номлайды. Масалан, *фаол* лексемаси кишининг фаол характеристики номлаши билан бирга, шу характеристика асосида хосил бўлган ҳолатни ҳам номлайди. *Муслима* *фаол* қиз каби боғланишларда характеристика, яъни белги бирламчи нозицияда бўлса, *Муслима яна* *фаол* бўлди гапида эса ҳолат белгиловчи мавқеда бўлади.

Биз абстракт сифатларни ономасиологик-семасиологик нұктай назардан тәсніф қылғанимизда белги билдирувчи сифатлар каби муносабат билдирувчи сифатларни ҳам алоҳида ажратганимиз. Предметнинг бошқа объектлар тъсирисиз «факат үзида» мавжуд хусусиятлари билан унинг бошқа объектлар билан шартланган «үзидан ташқаридаги» белгиларининг семантик үсусяятлари, абстракция даражалари фарқланиши табиий. Ушбу фарқликлар «белги»(бу үринда «белги» атамаси тор, хусусий маңнода қўлланмоқда) ва «муносабат» тушунчаларини оппозициялаш имконини беради. Лекин бир катор абстракт лексемалар мавжудки, уларнинг семантикасида белги ва муносабат оппозициясынинг нейраллашувини шафқатсиз, вафосиз, қаттиқұл, меҳрибон, үшомадгўй, тилёглама, лўттибоз лексемалари англатаёттан маңноларда қўриш мүмкін. Ушбу сұзларни белги билдирувчи лексик-семантик гурӯх таркибида беришимизга парадигматик ҳолатида улар англатаётган муносабат инсонға хос характеристика, хусусият билан белгиланаётгани сабаб бўлди. Лекин синтагматик реаллашувда вазиятдан келиб чиқиб, белги ёки муносабат семаларининг юқори мавқе эгаллашини кузатиш мүмкін.

Абстракт сұзлар ўртасида нафакат иккى аъзоли, балки уч аъзоли белги+ҳолат+муносабат оппозитив муносабатларнинг нейтальлашувини кузатилади. Масалан, *вафосиз* лексемаси «вафосиз» белгисини, вафо қылмаслик ҳолатини, муйаян бир объектта нисбатан ваъдани бажармаслик муносабатини билдиради.

Хулоса килиб айтиш мүмкінки, ўзбек тилида абстракт отлар билан бир каторда абстракт сифатларнинг ажратиш лозим. Факат гносеологик табиатли белгиларни ифодаловчи сұзларнигина абстракт сифатлар дейиш мүмкін.

Адабиет:

1.Ҳакимова М. «Белги» маңноли абстракт номлар // Илмий хабарлар. Фарғона, 2011 №3, 36-39 б.

Х.ЁДГОРОВ, доцент,

Ш.ХУДОЙҚУЛОВА, катта үкитувчи (ГулДУ)
ҚАРИНДОШЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ АЙРИМ ТЕРМИНЛАРНИНГ
ЭТИМОЛОГИЯСИ ХУСУСИДА

Ҳар бир халкнинг асрий тажрибаларини үзида мужассам килган она тилидаги лисоний бойпикларни асрраб қолиш, уни илмий таҳлил қилиш,

кейинги авлодларга етказиш ҳозирги фан олдида турган мухим вазифалардан биридири.

Ҳозирги, яъни илмий-техник тараккиёт даврида, ахборот технологиялари ҳаётнинг барча соҳаларига жадал суръатлар билан кириб бораётган XXI асрда адабий тилнинг халқ тилига, диалектларга таъсири катта бўлади.

Бу, ўз навбатида, халқ тилида мавжуд бўлган баъзи воситаларнинг унтутилиб кетишига, уларнинг аста – секин йўқола боришига сабабчи бўлади. Шундай лексик қатламлардан бири, шубҳасиз, ўзбек тилидаги қариндошлиқ терминлариидир (номлариидир).

Тилнинг луғат таркибида шундай қатламлар борки, улар қардош тиллар, шеваларнинг ички тараққиёт қонунлари асосида бирдай ривожланади. Бу хил қатламни ташкил этувчи сўзлар авлоддан-авлодга мерос тарзида ўтади (1). Мана шундай лексик қатламлардан бири қариндош-уруг номлариидир. Агар биз энг қадимги ёзма манбаларга мурожаат қиласак, ҳозирги туркий тилларда ҳамда уларнинг шеваларида учрайдиган қариндошлиқ номларидан энг асосийлари шу манбаларда мавжуд эканлигини курамиз. Масалан, ата, апа, (катта қариндош) aka, еча (ота ёки онанинг онаси), ечу, эр, ини, келин, қатун, қиз, ўғил каби номлар жуда узоқ даврлар оша бизга етиб келган (2).

Қариндошлиқ терминларининг этимологияси ҳакида гап борар экан, уларнинг илдизлари жуда чукур эканлигини “сингил” терминининг этимологияси буйича тадқиқотлар олиб борган тишлинуос М.Сайдованинг бир мақоласидаги фикрлари хам тасдиқлайди:

Д.А.Ольдероггенинг таъкидлашича, қадимги Хитойда қабилалар катта-катта кишлокларни бирлаштирган. Матриархал даврда у қабилалар бирлигини аёллар бошқаргани учун уни си деб атаганлар.

Демак, дунё тиллари учун умумий бўлган бобо тил даврида, яъни тиллар ҳали ҳинд-европа, хитой-корея, тунгус-манжур, мўгул, фин-угор, олтой тилларига ажрамасдан аввал уша умумтил базасида си - аёл, сингил маъносини англатган. Хитой тили базасида эса си шаклида сакланган ва қиз, аёл маъносини англатган. Туркий тиллар тизимида эса си-и сўзига -и-л кичрайтириш аффикси кўшилиб, си-и -и-л > сингил шаклида ўзидан кичик кизларни англатиш маъносини касб этган (3).

Ўзбек адабий тили ва унинг диалектлари қариндошлиқни ифодаловчи терминларга бойлиги ва ранг- баранглиги билан бошқа туркий тиллардан ажралиб туради. Шуниси ҳам борки, уларнинг бир қисми умумдиалектал ва баъзилари маълум бир шева, диалектга хос булиб, адабий тилга ўзлашиб кета олмаган.

Ўзбек тилининг шева ва диалектларида қариндошлиқ терминларининг нақадар бой эканлигини тишлинуос А. Ишаев томонидан эълон қилинган бир ишдаҳам куриш мумкин(4). Мана шу ишга ва ҳозирги ўзбек адабий тилидаги фактларга назар солинса, она тилимизда қариндошлиқни ифодаловчи терминларни тартибга солиш, этимонини аниқлаш борасида ўз ечимини кутаётган масалалар талайгина эканлиги маълум бўлади.

Энди ўзбек тилидаги аёлларга хос бўлган айrim қариндошлиқ терминларининг этимологияси хусусида фикрларимизни баён қиласиз.

Қайнона термини синхрон нұқтаи назардан туб деб каралса-да, диахрон нұқтаи назардан у “қайн” ва “она” кисмларидан иборат эканлиги маълум бүләди. Қадимги уйғур тилида *қай* термини “терс” деган маънени ифодалаган. Олтой тилида *қай* орқага қарамок (обратиться назад), чуваш тилида *қай* термини “орқага қайтиш” (идти обратно), қирғиз, ұзбек, қозок, татар ва бошка биізи туркій тилларда “кайт”, “қайтмок” (вернуться) маъносида ишлатилади. Үемак, *қайн* терминининг үзаги “қай”дир. Келин ва күёвга янги “она”нинг қайтиши (эга булиш маъносида) *қайнона*, аканинг қайтиши *қайнисиака*, опанинг миңжудлиги *қайнисопа*, янги сингилнинг пайдо булиши *қайнисингил*, укага эга булиш *қайнисука* терминнларининг вужудга келишига сабабчи бүлган. *Қайн* терминига -и әғалик құшимчаси қүшилганды, бу лексема *қайн* шаклица тилиде ва үқилади. Айтиш мүмкінки, лексема таркибидаги -ин сұз ясовчи құшимчы: *қай+ин* (5).

Бошқа туркій тилларнинг лугат қатламини күздан кечирап эканмиз, қабардин-балқар тилида бу термин *къайн ана* (тёща, свекровь), туркман тилида *гаайын эне* (свекровь и тёща), бурят-мұғул тилида *хадам ежы* (тёща), қылым тилида *хадм* эк шаклица эканлиги маълум бүлди.

1981 йылда нашр этилган “Ўзбек тилининг изохли лугати”ни күздан кечирап эканмиз, мазкур лексемага шундай таъриф берилгандыгын гувохи бўламиз: *Қайн она* (эрнинг онаси унинг хотининг нисбатан ва хотиннинг онаси унинг эрига нисбатан). *Фотиха ўқилиб, күёв қайнонага узр айтди*. (А. Қодирий. Ўтган кунлар).

Бугунги кунда туб лексема деб каралаётган бир қатор қариндошлиқ терминлари борки, уларнинг илдизлари ўрганилганды, бу лугавий бирликлар ким ясама эканлиги маълум бўлди.

Жумладан, келин лексемаси кел феълига -ин ясовчи құшимчаси құшилишидан ҳосил бўлган. Ўрхун-Енисей ёдгорликлари тилини тадқик қилган В.В. Радлов ва П. Мелиоранскийлар келин лексемаси кел феълига -ин сұз ясовчи құшимчасини қүшиш орқали ясалғанлигини таъкидлайдилар. Шу билан ынгра, Ўрхун-Енисей ёдномалари тилида, қирғиз, ұзбек, уйғур тилларида *келин*, туркман тилида *гелин*-“сноха приходящая или тот, кто приходит в дом мужа” деб изохладилар(6).

Мазкур термин кабардин-балқар тилида *келин*, нұғой тилида ҳам *келин*, қылым тилида *келсн* шаклица ифода қилинар экан.

Туркман тили тарихи бўйича тадқиқотлар олиб борган тиљшунос олим Ғ. Мухамедова “Исследования по истории туркменского языка XI-XIV веков” номли китобида “*келин*” лексемаси ҳақида шундай ёзади: *Келин* –“невестка”, “үгилнинг хотини”, “*келин*”, чөвдур диалектида жарангиз үндош билан тиляффуз қилинади: *келин*. Салыршевасида келапа-*келин апа-тётушка*. Ҳозирги туркман адабий тилида гелинеже-жена старшего брата(7). Қариндошлиқ терминлари бўйича тадқиқотлар олиб борган тиљшунос Л. Покровскаяянынг мазкур термин бўйича фикрлари қуйидагича: *гелин*-<гел+ин “приходит”(8).

Л.Покровскаяянынг тадқиқотидан ҳам кўриниб турибидики, *келин* лексемаси кел феълига -ин ясовчи құшимчасини қүшиш орқали ҳосил бўлган.

Шу ўринда кыргиз тилшүнөсү Б.Юнусалиев феълдан от ясовчи күшімчалар ҳақида фикр юритар экан, шундай дейди:

“Именной аффикс –и. Мы не имеем достаточных фактов, чтобы подробно останавливаться на истории этого аффикса, но не ошибемся, если скажем, что он в качестве имАОобразующей отглагольной основы морфемы встречаются в первых письменных документах, какими являются енисейские, а также в позднейших памятниках письменности. Это подтверждается тем, что в них, как и в современных живых языках, наряду с живыми глаголами имеем образованные от них с помощью аффикса –и производные имена”.

Шундан сүнг Б. Юнусалиев ўз китобида ҳозирги кыргиз, уйғур, туркман тилларидағи “келин” термини “кел” феълига –ин күшимчасини қүшишдан хосил бұлғанилигини мисол тарықасида курсатади.

Тилшүнос Г. Садвакасов «Язык уйголов Ферганской долины» китобида феъл асослардан от ясовчи күшимчалар ҳақида фикр юритиб, шундай ёзади: «Непродуктивным является образование имен существительных посредством аффиксов (9):

- 1.-вул: йасавул «рассыльный, посыльный; қаравул “караул”.
- 2.-ин: келин “сноха”.
- 3.-ш: таныш «знакомый».

Маълум бұладики, “келин” термини феъл асосга –ин ясовчи аффиксини қүшишдан хосил бұлған.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам қатор лексемаларнинг –ин ясовчи аффикси ёрдамида ясалғанини сезиш қыйин эмас: эк+ин, ёғ+ин каби.

Юқорида айтилған фикрларга күра, қариндош-уруг ва яқынликка оид номлар тилнинг ички тараққиёт қонунлари асосида ривожланадиган, тилларнинг яқынлигини ва қариндошлигини белгилашда мухим ахамиятта эга бўла оладиган, авлоддан-авлодга мерос тарзида ўтадиган барқарор лексик катлам ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тилдаги қариндошликни ифодаловчи терминларнинг келиб чиқишини, этимонини аниклаш тилшүнослик фани олдида турган вазифалардандир.

Адабиётлар:

1. Дж. Клоусон. Лексикостатистическая оценка алтайской теории. ВЯ, 5, 1969.
2. Айдаров Г.. Язык орхонских памятников VIII века. -Алма-ата. 1971.
3. Сайдова М. Сингил терминининг генезиси ҳақида. Ўзбектилшүнослигига оид тадқиқотлар. IV тўплам. - Тошкент, 1994. 61-62 б.
4. Ишаев А. Ўзбек шеваларидағи қариндошлик терминлари. -Ўзбек халқ шевалари луғати. - Ташкент, 1971.
5. Юнусалиев Б. Киргизская лексикология. - Бишкек, 1967.
6. Радлов В.В. Die Altürkischen Inschriften.. СПб., 1897, С. 59.
7. Мухамедова З. Исследования по истории туркменского языка. -Ашхабад, 1972.
8. Покровская Л. Термины родства в тюркских языках. - М., 1961.
9. Садвакасов Г. Язык уйголов Ферганской долины. - Алма-ата, 1976. С.137

Х.Джаббаров, доцент (КарГУ)

СИНОНИМЫ В ЗЕМЛЕДЕЛЬЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

Как известно, одним из основных требований к термину является исключение синонимических вариантов в переделах определенной научной терминологии. Наличие варианта ослабляет дефинитивную значимость терминов в этой системе. Однако в языке профессиональных групп часто возникают народные термины, синонимичные научным. Без основательного изучения их невозможно составление научной терминологии в определенной области науки. С этой точки зрения большое значение имеет выявление синонимов, определение синонимических рядов, их доминантных вариантов и исследование путей их образования в земледельческой лексике узбекского языка.

Изучение одной из подсистем лексики узбекского языка – земледельческой лексики – важно провести во всем её объеме. Оно будет полезно, в частности, для анализа языка художественной литературы. Диалектизмы, образующие стилистические параллели, жаргонизмы, архаизмы и терминологические слова являются важным средством для передачи особенностей эпохи, своеобразия языка действующих персонажей с его действительными лексическими нюансами.

Образование синонимических рядов объясняется не только стремлением избегать повторов, но и сложными историческими и социальными условиями, в которых находились узбекские племена и формировался их общенародный язык.

Синонимы, используемые в профессиональной среде, служат для обозначения одного конкретного понятия. Каждый такой термин имеет свой предел употребления, свою территорию. При этом, однако, они не выходят за пределы узбекского языка, являясь его принадлежностью; это обстоятельство позволяет объединить их в один синонимический ряд.

При исследовании лексики, связанной с земледелием, выясняются пути обогащения синонимов за счет внутренних ресурсов языка и за счет заимствований из других языков.

Синонимы, возникшие **морфологическим** способом. При морфологическом способе синонимы образуются путем прибавления аффиксов чы//чи, -каш, хана к лексически синонимичным и несинонимичным словам: хашарчы – казувчи – люди, очищающие или проводящие канал прыка; меваламоқ – мева тугмоқ – образование плодов у фруктовых деревьев.

Аффиксы – хана, -кеш и др., заимствованные из персидского языка, участвуют в образовании синонимических рядов: жувозхана – жувозтом – помещение маслобойни; зейкаш – зейканал – захкаш, захариқ – дренаж, коллектор.

Синонимы, образованные **сintакcическим** способом, представлены следующими типами терминов: синонимичные сложные имена, составленные из двух именных компонентов: тагсув – күчат сув – экин сув – предпосевной полив; киш суви – яхоб сув – зимний полив для обезсоливания почвы; кумок

ер – кумли ер – глинистая почва; кулакчӯп – кулакчӯп – дощечка, служащая для соединения сохи, борны с ярмом;

В результате изучения лексических синонимов, относящихся к земледельческой лексике, можно утверждать, что синонимические ряды в основном образуют слова узбекского языка и его диалектов. Некоторые из них включают заимствования из арабского, таджикского и персидского языков, а также русские слова. Рассмотрим их подробнее:

1. Синонимические ряды, состоящие из терминов узбекских слов: қўйи – кудук «колодец», гузар – сувлат «водоем, брод», дамлов – қўтарма – межа, служащая для удержания воды, чтобы полить участок повыше; кунде – омач «лемех сохи».

2. Синонимические ряды, состоящие из таджикско-персидских слов:

Пайноб//пайнав//пайонав-вода, идущая самотеком после перекрытия воды; бадак //дарак -оба эти слова употребляются в значении «арык» в некоторых говорах кипчакского диалекта; нов//новхана //новбур «большой арык, канал».

Основные слова синонимичных сложных глаголов панжачикармак, шохайирмақ //хачча айирмоқ являются по происхождению персидскими, а вспомогательные слова – исконно узбекскими.

3) Синонимические ряды, состоящие из узбекских и персидско-таджикских слов: гузар – сувлат – «брод», чашма – булоқ «источник»; урок – качкар// кичкирт (ккалп. узб.).

При исследовании лексических пластов рассматриваемый терминологии в диахроническом плане выясняется, что синонимические ряды образовались из элементов родственных и неродственных языков. Причем лексические элементы, перешедшие из неродственных языков, в современном узбекском языке полностью ассимилировались и употребляются наряду с исконно узбекскими словами. Только при диахроническом исследовании можно установить что основы таких слов восходят к другим языкам. Они появились в результате многовековых контактов с другими народами и племенами. А это явилось одной из причин появления синонимических рядов в земледельческой лексике.

Р.ДАВЛАТОВА,

ф.ф.н., доцент (Навоий ДПИ)

УЗБЕК ТИЛИДА МАКОН ДЕЙКСИСИ ВА УНИНГ

ИФОДАЛАНИШИ

Маълумки, фалсафада макон борликнинг умумий яшаш шакларидан бири сифатида дунёни ташкил этувчи объектлар ва улардаги таркибий нуткапарнинг ўзаро жойлашиш тартиби, кўлами ва миқёсини ифода этиши таъкидланган. Ўзбек тилишунослигига борликдаги макон тушунчасини ифодаловчи тил бирликлари локаллик семантик майдони, маълум бир предметнинг жойлашган ўрнини аниқлаш учун восита бўлган макон ёки предмет локум сифатида ўрганилган. [1; 2] Шунингдек, нуткий мулокот иштирокчиларининг жойлашган

муайян ўрин-жойига ишора килиши макон дейксиси сифатида баҳоланади.
[3.171-174]

Нутқ жараёнида макон дейксисининг бошланиш нуктасида сўзловчи, яъни «МЕН» туради, у ўзи турган ўринга нисбатан оралиқ масофани, йўналишни белгилаш орқали мулокот иштирокчилари турган ўрнига ишора қиласди. Макон дейксиси кўйидаги тип бирликлари орқали ифодаланиши мумкин:

- 1) кўрсатиш олмошлари: *мана, ана, ўша, ҳов ана...*;
- 2) ўрин равишилари: *узоқда, чапда, ўнгда, пастда, тубандা, олдинда, орқада ...*;
- 3) масофа семали сифатлар: *узоқ, яқин, йироқ...*;
- 4) ўринга муносабат билдирувчи белги ифодаловчи сифатлар: *ички, ташқи, сиртиқи, устки.*
- 5) масофа семали сонли бирикувлар: *уч чақирим, бир-икки қадам...*;
- 6) айрим феъллар: *кел, кет, кир, чиқ...*;
- 7) маконга ишора килувчи синтактик қурилмалар.

Маконга ишорани англатувчи кўрсатиш олмошлари предмет, обьект ёки субъектнинг жойлашган ўрнига ишора килиши билан бирга сўзловчининг ўринини ҳам кўрсатиб туради. Бунда ишора қилинаётган предметдан ўйловчининг қай даражада «узок» ва «яқин»далигига ҳам ишора кузатилади. Мисалан: *Мана, ўзимизнинг скамейка.* (Ў.Хошимов. «Тушда кечган умрлар»)

Ушбу гапда ишора обьекти сўзловчига якин ўринда жойлашганилиги *мана* оимошининг ишоравий семасидан англашилади.

Кўйидаги гапда эса кўрсатиш олмоши орқали сўзловчига нисбатан узоқроқда жойлашган предметга ишора англашилади: *Хув ана, бир дона лола оқиб келяпти.* (Ў.Хошимов. «Тушда кечган умрлар»)

Шунинг учун тилшуносликда макон дейксисининг яқин (проксимальный) ишузоқ (экстремальный) дейксис оппозицияси амал қилиши таъкидланади. [4] Кўринадики, маконнинг узоқ ва яқинлик ўринини белгилаш сўзловчининг ўрнига нисбатан белгиланади.

Шунингдек, *тепада – пастда, чапда – ўнгда, ичкарида-ташқаридан* ришишларининг зидлик оппозициясига киришиши натижасида кўрсатилган предметнинг ўрни билан бирга сўзловчининг турган ўрнига ҳам ишора қиласди. Мисалан: *Пастда, чамаси сой томонда вақти-вақти билан автомат тарилаб кўяр эди.* (Ў.Хошимов. «Тушда кечган умрлар»)

Ушбу гапда *пастда* равиши муайян вокелик юз берётган маконни кўрсатиш билан бирга нутқ эгасининг юқорида эканлигига ишора қиласди.

Ёки «*Ичкаридан дўкончи чиқди*». (Ў.Хошимов. «Тушда кечган умрлар») гапидаги сўзловчининг *ташқаридан* эканлигига ишора кузатилади.

Кўринадики, мазкур равишилар зидлик оппозициясига киришиши асосида цинктик хусусият касб этган.

Ўзбек тилида ишоравий равишилар макон маъносининг 3 хил кўринишини ифодалайди: «турган ўрни» (*шу ерда, ана у ерда*), «ҳаракатнинг бошланғич нуқтадан йўналишини» (*бу ердан, у ердан*), «ҳаракатнинг тугалланиш нуқтасини» (*шу ерга, у ергача*). Албатта, бу ўринда келишик қўшимчаларининг грамматик маъносини ҳам инобатта олиш лозим.

Ўзбек тилида масофа семали сифатлар ҳам муайян ўрин-жойнинг белгисини ифодалаш билан бирға нутқ иштирокчиларининг турган ўрнига ишора қиласи. Масалан: «*Комил узоқ Англияда ўқыйди*» гапида сўзловчи Комилнинг ўқиши жойи ҳақида ахборот бериш билан бирға ўзининг турган макони Англиядан узокдалигига ҳам ишора қиласи. Бунда *узоқ сўзининг «оралиқ масофаси (нисбатан) катта, нисбатан нарида жойлашган» маъноси орқали юзага чиқади.*

Айрим феъл туркумига оид сўзлар ҳам ҳаракат ва ҳолатни ифодалаш билан бирға сўзловчи ва тингловчининг ўрнига ишорани ифодалари мумкин: Масалан: «*Гезда бу ёққа етиб кел*» гапида кел феъли орқали нутқ иштирокчилари ўртасида муайян масофа борлиги, яъни тингловчининг сўзловчидан узокда, янада аникрофи унинг сўзловчи кўриш майдони доирасида эмаслиги англашилиб макон дейксисини юзага чиқаради.

Куйидаги «*Бери кел!-деди она. -Бери кел, мана нон!*» (Т.Мурод.); «*Бу ёққа кел, ши бор! – деб қўл силкиди Замонали*». (П.Қодиров) гапларида эса «*кел*» феъли тингловчи ва сўзловчи ўртасида муайян масофа борлигига, бироқ бу масофа сўзловчининг кўриш майдони доирасида эканлигига ишорани юзага чиқаради. Бунда, албатта, сўзловчи ва тингловчининг кўриш майдонидаги предмет ёки ҳаракатни ифодалаётган (*мана нон, қўл силкиди*) бирликларининг кўлланилиши ҳам аҳамиятли.

Айрим феъллар семаси орқали ҳам предметнинг ўрнига ишора кузатилади. У *дарвазадан инқишилаб кирди*. (Т.Мурод. «Бу дунёда ўлиб бўлмайди»). Ушбу гапда кирди феъли «*сўзловчининг ташқаридан ичкарига ҳаракат қўлмоқ*» маъноси асосида ҳаракат бажарувчисининг киргунга қадар турган ўрнига, яъни *ташқарида* эканлигига ишора қиласи.

Шунингдек, айрим синтактик курилмалар ҳам муайян маконга ишора қилиши мумкин. Масалан: *Она итдан эллик-олтмиши қадам беридан ўтди*. (Т.Мурод. «Бу дунёда ўлиб бўлмайди»)

Ушбу гапда *эллик-олтмиши қадам беридан* синтактик курилмаси она ва итнинг ўрнига ишора қиласи.

Ёки «*Собит ака қўшини ҳовлида яшайдилар*» гапида «*қўшини ҳовлида*» синтактик курилмаси орқали ҳам Собит аканинг ўрнига ишора қилиш бирга сўзловчининг муайян ўрнига яъни *Собит аканинг ҳовлисига қўшини ҳовлида яшашига* ишора кузатилади.

Шунингдек, нутқда матннинг олдинги қисмida қўлланилган маконга ишора қилувчи контекстуал макон дейксиси ҳам амал қиласи. Масалан: Эрингиз *Афғонистонда хизмат қилган байналминал жангчи сифатида ўзига берилган имтиёзлардан фойдаланган... Навбатсиз уй олган...*

-Рустам акам ўёққа борганиларини дастак қилганиларидан менинг хабарим ўйк. (Ў.Хошимов. «Тушда кечган умрлар»)

Ушбу матнда ўёққа дейктика бирлиги матннинг олдинги қисмida қайд этилган *Афғонистон* маконига ишора қиласи.

Хуллас, макон дейксиси мањбаларда кўрсатилганидек, нафакат кўрсатиш олмошлари орқали, балки равишлар, феъллар, сифат, от туркумига оид сўзлар ҳамда синтактик курилмалар орқали ҳам юзага чиқади. Бу эса ўзбек тилида

микон дейксиси масаласини прагматик нұқтаи назардан янада чукуррок үргешши лозимлигini күрсатади.

Адабиеттегілер:

1. Курбонова Б.Қ. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланышы. Филол.фен. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2007.
2. Эргашова М.В. Ўзбек тилида локум ва локализация муносабати. Филол.фен. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2011.
3. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Тошкент, 2008. –Б. 171-174.
4. <http://cyberleninka.ru/article/n/prostranstvennyy-deyksis-v-russkom-i-erzyanskom-yazykakh-sopostavitelnyy-analiz>

А.ПАРДАЕВ, доцент (СамДУ)

ДИСКУРС ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

«Дискурс» атамаси прагмалингвистиканинг асосий тушунчаларидан бири үшін обланади.

Прагмалингвистик дискурснинг формал ва структурал (жумладан, субстанциал) тильтуносликлирида көнг истемолда бўлган нутқ тушунчасидан фиқри нимада? Дискурс талкинида тильтуносликда хилма-хил карашлар минжуд. Аксар тильтунослар дискурсни (французча*discourse*, инглизча*discourse*, лотинча *discursus* – ҳаракат, узлуксиз алмашиниш, сухбат, сұзлашиш) нутқий фаолият жараёни ҳамда сұзлашиш услуги каби мазмунларда түшунтиришга ҳаракат қиласи (2). Дискурс ҳақида қимматли фикрлар өтпилтогол тильтунос Ш.Сафаров томонидан билдирилган (4, 216). Олим матн шарты дискурс муаммолари хусусида қўйидагиларни ёзган: «Агарда матн ва дискурснинг ҳар иккаласи ҳам инсоний фаолиятининг натижаси бўлса, уннинг фақаттана зоҳирий – формал кўрсаткичга асосан «оғзаки» ва «ёзма» сифатлари билан фарқлаш имконига гумоним бор. Худди шунингдек, уларнинг биринчи моддий куринишли ҳодиса, иккинчисини бу хусусиятдан холи үришишда тасаввур килиш қийин масала. Ахир буларнинг иккаласи ҳам натижали фаолият маҳсулни буладиган бўлса, эришилган натижада моддий куриниш олиши керак-ку?!» (4,223). Биз Ш.Сафаров томонидан келтирилган А.Кибрик, В.Плунгянларнинг «дискурс – бир пайтнинг үзида ҳам инсоний фаолият жараёни, ҳам унинг (фаолиятининг) маҳсулларидир» мазмундаги фикрига ташланган ҳолда дискурсни көнг маънода, аммо оддийроқ, соддароқ тушунишга кирикат қиласи. Дискурс, бизнингча, ёзма ва оғзаки нутқ жараёнини қамраб оғувчи ҳодиса, мулокот тизими ёки қисқача айтганда, инсоннинг нутқий фаолиятидир. Зоро, «матн дискурсив фаолият кечайтган пайтнинг үзидаёк үргитла бошланади. Маъқули, киёсланаётган бу икки ҳодисани «гипероним» – «типоним» муносабатида үрганишdir. Дискурс инсон онгли фаолиятининг миътум бир тури, туркуми бўлса, матн унинг бир куринишидир»(4,226; 3, 307-123).

Демак, дискурс - сұзловчи ва тингловчининг үзаро фикр алмашиш, бир-бiriнга таъсир күрсатиш максадида инсоний ва нолинсоний воситалардан үзлари ишамаралы деб ҳисоблаган шакл ва турда амалий фойдаланиш жараёни.

Дискурс бу – жараён, инсоний фаолият тури. У лисоний ва юзлаб нолисоний омилларнинг муштарак шаклда бир мақсад йўлида вокеланишидир. Мана шу билан дискурс анъанавий нутқ тушунчасидан фаркландади – анъанавий нутқ тушунчаси остида, одатан, лисоний бирликкнинг оддийгина вокеланиш шаклу кўринишлари тушунилди, холос. Бу масала, унинг билан боғлик равишда нутқ бирлиги (нутқий бирлик) ва мулоқот бирлиги (дискурсив бирлик) тушунчалари Ш.Сафаров ва Г.Тоировалар томонидан жуда муфассал тавсифланган (5,44). Жумладан, муаллифлар ўзбек тилида кўришиш/саломлаш ибтидосида қўлланиладиган «Ассалому алайкум ва рахматуллоҳу баракотух» ёки «Салом» ёки «Ҳелло» шаклининг қўлланилиши сўзловчи ва тингловчининг мақсади, миллати, ёши, тарбияси, маълумоти, маданий савияси, хулиқ-атвори, кийиниши, овоз тембри, тана аъзолари ҳолати ва ҳаракатлари, муайян нутқий шароит каби деярли сон-саноқсиз шароит қўрсаткичлари билан боғланганилиги, мана шу турли соҳа ва сатҳ бирликлари мажмуя сионий (ситуатив) тизим сифатида талқин этилувчи мулоқот бирлигини (дискурсив бирликни) тузиши очиб берилган. Албатта, мулоқот бирлиги сифатида талқин этиладиган бу оний дискурсив (ситуатив) тизим марказида нутқий бирлик (лисоний бирликкнинг маълум шаклда вокеланиши) туради, лекин оний тизим фақат нутқ бирлигидангина иборат эмас – у жуда кўп таркиблидир. Сузловчи ҳам ўз нуткини баён этишдан аввал уни ичида грамматик жиҳатдан шакллантиради. Аввал онгда ифодаланмокчи бўлган фикр жамланиб, сараланади ва оний тезлиқда керакли воситалар ташланаб бир тизимга келтирилади ҳамда шу вактнинг ўзида кўшимича маъно жилосини бериш учун матн/шароиту мақсадга мос керакли воситалар – ифодаланаётган фикрга бевосита жонли (ҳаракатдаги) мулоқот руҳини ва безак, зеб-зийнат берувчи бирликлар – дискурсив маркерлар ташланади. Дискурсив маркерлар сўзловчи ёки матн тузувчига (ижодкорга) ифодаланаётган нутқий вазиятнинг – реал мулоқот, ҳаракатдаги фаолиятни табиий чиқишини таъминлашга хизмат қиласи ва коммуникатив стратегияни белгилашда муҳим аҳамият қашф этади. Демак, дискурсив маркерлар сўзловчи ёки ёзувчининг прагматик мўлжалини воқелантиришда ҳамда мулоқот субъекти бўлган тингловчи ёки ўқувчига таъсир ўтказиш жараёнида ўзига хос - нутқка дискурс руҳини беришдек вазифани бажаради. Мулоқот ёки матн орқали муаллиф ўқувчига таъсир ўтказишнинг турли усусларидан (эпистемик, денотик, аксиологик) фойдаланиши жараёнида, албатта, матн структурасига «жонлантирувчи маркер»ларни тиркайди, киритади. Натижада, улар матн композициясини шакллантиришда хизмат қилувчи муҳим воситалардан бирига айланади.

Адабиётлар:

1. Баранов А.Н., Плунгян В.А., Рахилина Е.В. Путеводитель по дискурсивным словам русского языка. М., 1993.
2. Кибрик А.А., Паршин П.Б. Дискурс // Электронная Энциклопедия Кругосвет. <http://www.krugosvet.ru/articles/82/1008254/print.htm>:
3. Кибрик А.А., Плунгян В.А. Функционализм и дискурсивно-ориентированные исследования / В.кн.: Фундаментальные направления современной американской лингвистики. – М., 1997, -С.307-323.
4. Сафаров Ш. Прагмалингвистика – Тошкент: УзМЭ, 2008. -Б.216.

N.AHMEDOVA, f.f.n., dotsent (ToshDO'TAU) SINTAKTIK BIRLIKLARDA MO'TADILLASHUV

Til sistemasida muayyan ziddiyatda bo'lgan ikki lisoniy birlik nutq jarayonida ma'lum sharoitda zidlanishga asos bo'lgan belgilarini yo'qotib, bir xil bo'lib qolishi mumkin. Ma'lum nutqiy sharoitda ikki lisoniy birlikning zidlanish belgilarining yo'qolishi mo'tadillashuv (neytralizatsiya) sanaladi.

Mo'tadillashuv tushunchasi dastlab faqat fonologik sath birliklari uchun joy haqilgan. Keyinchalik tilning boshqa sath birliklari, xususan, sintaktik sath birliklari uchun ham bu termin qo'llanila boshlandi. Sintaktik neytrallashuv fonologik neytrallashuvdan farqli ravishda ikki xil ko'rinishga ega ekanligi tilshunos olim A.Nurmonov tomonidan ilgari surilgan. Bular: oppozitiv a'zolarning mazmunan bir sil bo'lib qolishi va bir oppozitsiyaning inkor a'zosi bilan ikkinchi oppozitsiya tasdiq a'zolining mazmunan bir xil bo'lib qolishidir (1,47).

Sintaktik sathda, xususan, sodda gap sathida darak, so'roq, buyruq gaplarning shukli va mazmuni o'rtasidagi zidlanish belgilarining yo'qolishi natijasida ham neytralizatsiya hodisasi yuz berishi haqida ma'lum izlanishlar mavjud (2,50). Ma'lumki, qo'shma va sodda gaplar to'liq predikativlikka ega birliklar miqdoriga ko'ra farqlanadi, ya'ni sodda gapda bitta to'liq predikativlikka ega birlik, qo'shma gapda esa ikki va undan ortiq predikativ markaz mavjud bo'ladi. Bundan tashqari, sodda va qo'shma gaplar denotativ voqe - propozitsiya ifodalashiga ko'ra ham u'zaro zidlanishga ega. Chunki mohiyatan sodda gaplar muayyan bir voqealarni ifodachisi sifatida, qo'shma gaplar esa ikki yoki undan ortiq voqealar o'rtasidagi munosabat ifodachisi sifatida mavjuddir. Ma'lum nutqiy qo'llanishlarda sodda va qo'shma gaplar orasidagi zidlanishlar mo'tadillashishi mumkin.

Sodda va qo'shma gaplar orasidagi mo'tadillashuvni 2 turga ajratish mumkin:

1. Sodda gapning polipropozitiv xarakteriga ko'ra yuzaga keladigan mo'tadillashuv. Sodda gaplar ba'zan mazmunan murakkablashib, ikki va undan ortiq propozitsiya ifodalashga xizmat qiladi. Bunday holda qo'shma va sodda gap orasidagi propozitsiya ifodalash miqdoriga ko'ra zidlanish mo'tadillashadi. Masalan: *Hoch nimaga hayron qolmaydigan odamdan olim chiqadi. Sham yonmasa, parvona yuqin kelmaydi.* (О'.Hoshimov). Ushbu misolda birinchi gap sodda gap bo'lib, ikkita propozitsiya ifodalashga xizmat qilyapti, chunki sifatdosh o'ram gapni mazmunan murakkablashtirib, propozitsiya ifodalashga xizmat qilyapti. Ikkinchi gap esa qo'shma gap bo'lib, u ham ikkita propozitsiya ifodalashga xizmat qilyapti. Shu nutqiy qo'llanishda sodda va qo'shma gaplar propozitsiya ifodalashiga ko'ra zidlanish belgisini yo'qotib, neytralizatsiyaga uchraydi. Ikki obyektiv mazmun bir sintaktik shakl orqali ifodalanib, sodda va qo'shma gap o'rtasidagi mo'tadillashuvga tabab bo'ladi. Murakkab mazmunning murakkab shaklda emas, balki sodda shaklda ifodalanishi til vositalarini tejash tamoyilining tilda yaqqol namoyon bo'lish shakllaridan birdir. Tildagi ortiqchalik tamoyili esa qo'shma gaplarda sodda mazmunning ifodalanishiga olib keladi.

2.Qo'shma gapning monopropozitiv xarakteriga ko'ra yuzaga keladigan mo'tadillashuv. Bunday mo'tadillashuvda qo'shma gap ikki va undan ortiq emas, bitta propozitsiya ifodalashga xizmat qiladi. Qo'shma gap tarkibidagi sodda gaplarning biri denotativ voqeа emas, modus ifodalashga xizmat qilishi natijasida gapda bitta propozitsiya ifodalanadi. Bunday holatni asosan ergashgan qo'shma gaplarda uchratamiz. Bunday nutqiy sharoitda bitta obyektiv mazmun ifodalayotgan qo'shma gap va sodda gap orasida mo'tadillashuv yuzaga keladi. Bunda ortiqchalik tamoyili asosida bosh yoki ergash gap propozitsiya emas, modus ifodachisiga aylanadi.

Ortiqchalik tamoyilining amal qilishi, ya'ni bosh gapning faqat modus voqeа ifodalashiga olib keladigan holatlar gap tarkibidagi so'zlar ma'nosi bilan bog'liq. Ko'p hollarda bosh gapning egasi vazifasida *qizig'i, to'g'risi, ochig'i, quvonchlisi, yaxshisi, yomoni* kabi modallik, baho mazmuniga ega bo'lgan so'zlar kelganda, bosh gapdagi denotativ voqeа modus «voqeа» maqomini oladi, qo'shma gap faqat ergash gapda ifodalangan bir denotativ voqeа ifodachisiga aylanadi (3,173). Masalan: *Gapning qizig'i shundaki, xolam hamma gapdan xabardor ekan* (O'.Hoshimov) gapida bosh gapda *qizig'i* – modal ma'no ifodalaydigan so'z ega vazifasida kelgan, natijada bosh gap orqali faqat modus voqeа o'z ifodasini topgan. Asosiy axborot esa (*xolam hamma gapdan xabardor ekan*) ergash gap orqali ifodalangan. Demak, qo'shma gapda ikkita emas, bitta propozitsiya ifodalanib, sodda gap bilan bo'lgan zidlanish mo'tadillashgan.

Mo'tadillashuvga olib kelayotgan turli asoslar mavjud. Bunday holatni bosh gapning kesimi vazifasida bilmoq, ko'rmoq, aytmoq, ta'kidlamoq, esda tutmoq, esdan chiqarmoq, payqamoq, ishonmoq, qo'rromoq, fahmlamoq, tushunmoq, ogoh bo'lmoq, o'yalamoq, sezmoq, qaror qilmoq, aniqlamoq, tan bermoq, his etmoq, mo'ljallamoq, shubhalanmoq kabi his-sezgi, idrok, nutqiy va fikriy faoliyatni bildiruvchi so'zlar kelganda ham kuzatish mumkin. Bunday ma'nolar modus «voqeа» ifodasi uchun juda muvofiq keladi (3, 181). Masalan: *Ona shuni sezdiki, o'g'li faqat gornini o'yldi* (S.Ahmad) gapida kesim vazifasida sezdi – modus ifodalashga xoslangan so'z kelgan bo'lib, bosh gapni yaxlitligicha kirish so'z shaklida ham qo'llash mumkin: *Ona shuni sezdiki – Onaning sezishicha*. Bundan ko'rish mumkinki, ta'kid ma'nosini kuchaytirish maqsadida alohida gap sifatida shakllangan bosh gap hosil bo'lgan. Ma'lumki, "modus ifodalovchi tizim ixchamlashishga moyil bo'ladi" (4, 234).

Ko'rinadiki, mo'tadillashuv hodisasi faqat fonologik sathdagina emas, balki barcha sathlarda amal qiluvchi universal hodisadir.

Adabiyotlar:

1. Nurmonov A. Sintaktik konstruksiyalarda tasdiq va inkor oppozitsiyalarining neytrallashushi // O'zbek tili va adabiyoti, №1, b.47-51.
- 2.Nurmonova D. Sintaktik sathda neytralizatsiya hodisasi. O'zbek tilshunostligining dolzarb masalalari. №3. 2009.
- 3.Mahmudov N., Nunnonov A. O'zbek tilining nazariy grammatikasi. -Toshkent, 1995.
- 4.Nurmonov A. ba 6. O'zbek tilining mazmuniy sintaksisi. - Toshkent: Fan, 1995.

Ф.ИБРАГИМОВА, ф.ф.и. (ЖДПИ) “ТИЛИМИЗНИНГ ТИЛЛА САНДИГИ” ҲАҚИДА МУХТАСАР МУЛОҲАЗА

Миллий маънавиятимизнинг шаклланиши ва ривожланишида миллий тилимизнинг ўрни нақадар буюк ва бекиёслигини эътироф этган, ўзбек тилининг борлигию бойлигини кўз-кўз қилган, халқимизга маънавий озука тартиби тилшунос олим, профессор Н.Маҳмудовнинг “Тилимизнинг тилла сандиги” номли китобни ўқиб баъзи мулоҳазаларимни баён этишни лозим тоғидим.

Халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов сўзнинг қурдатини шундай таърифлайди:

*Беш асрким назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шер.
Темур тиги етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер.*

Сиз ҳам “Тилимизнинг тилла сандиги” китобини ўқир экансиз, сўзнинг қулдритию қувватининг буюклигига гувоҳ буласиз ва таҳсин айтасиз.

Мазкур китобда касбу кори, ёши, дунёқарашидан катъи назар ўзбек тилини менинг она тилим деб фахрланувчиларнинг барчасини қизиқтирадиган, ўнгни жалб этадиган, керак булса уларга ҳаётий сабоқ бера оладиган мавзуларни иммомга олинган.

Китоб “Аждоду авлодни аллаган тил”, “Она тили битта булади”, “Сўз шинхларининг мӯъжизалари”, “Нутқингиз кулоқни қийнамасин” номли китоблардан иборат. Китобнинг мавзу қамрови жуда кенг, хусусан, тил ва маънавият, тил ва жамият, тил ва тафаккур, тил ва оила муносабатлари, тилга, ҳунарни ҳурмат масалалари, “Ўзбек тилига Давлат тили” мақоми берилишидек ишниг амалга оширилиш тарихи, тил ва кино санъати, тил ва қўничилик санъати, ўзбек лугатчилиги тарихи, бугуни, истқболи масалалари, миллий тилимизда яратилган дурдона асарларимизнинг лингвопоэтик таҳлили, шунгиче маданияти каби масалалар ўз ечимини топган.

Китобдаги мавзулар қамрови қанчалик кенг булса-да, улар мантиқан бир-бирига боғланган, бир-бирини тулдириб келган.

Муаллиф ўзи таъкидлаганидек, айтмоқчи бўлган фикрига мусаллам ва мутлақо мос либос кийдира олган, мақсадга мувофиқ лисоний ифодаларни ишлаб, сўз билан ўқувчининг факат кулогини эмас, балки қалбини ҳам забт этишга эришган десак муболага бўлmas.

Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Мустақиликка эришиш остонасида” номли китобини ўқиб, халқимиз тилимизнинг осонликча кўлга киритилмаганлигининг гувоҳи бўлган бўлсак. “Тилимизнинг тилла сандиги”ни ўқиб ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ҳам нақадар қийинчиликлар билан бўлганини, Юртбошимиз тилимизнига фидойи инсонларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида “узимиз каби сўзимиз ҳам озод” этилганини билиб олдик. Устоз ана шу жараённинг беносита иштирокчиси бўлган, “Давлат тили ҳакида”ги Конуннинг ишлаб чиқилишида ва унинг ҳаётга татбик этилишида жонбозлик кўрсатган бўлсалар,

она тилимизнинг обру-эътибори, тақдири, равнақи учун чинакам жонкуярлиги фаолиятининг ҳар бир киррасида намоён булади.

Китобдан қуйидаги сатрларни ўқиймиз: 1989 йилнинг 23 июнида Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сифатида Ислом Каримов иш бошлади. Ўша пайтдаги вазият қанчалик мураккаб, калтис, қанчалик таҳликали бўлмасин, нафакат марказ, балки ўзимиздаги икки тиллиликнинг иккисозламамачи тарафдорлари қанчалик бўлар-бўлмас шовқин-сурон қилишмасин, жасур тафаккур эгаси бўлган И.Каримовнинг ташаббуси ва кўрсатмаси билан янги қонун лойиҳаси тайёрланди, унда икки тиллилик гояси бартараф этилди. Фақат ўзбек тилига давлат мақомини бериш қоидалаштирилди, шунинг учун қонун лойиҳаси тўғридан-тўғри “Давлат тили ҳакида” деб номланди.

Ҳар қандай одамнинг тили оиласа шаклланади. Китобда тил ва оила муносабати масалаларига жиддий эътибор қаратилган: “Она тили ва у билан баробар миллий шуур, миллий онг, миллий рух, энг аввало, оиласа шаклланади, аждодлар қони билан авлодларга ўтиб келадиган руҳнинг омонлиги, барҳаётлиги учун, энг аввало, ота-она масъулдир”. Бу фикрларни ўқиган ўқиган ёки эшигтан ота-оналар ўзларига тегишли хуносани чиқариб олишлари муқаррар. Шунингдек, китобда ҳозирги замон ота-оналарига “оиласаги маънавий, маданий, кўйингки, тил мухити ҳам фарзанднинг инсоний камолотида белгиловчи аҳамиятга эга” эканлиги таъкидланган ҳолда буюк алломаю, шоирларимиз униб-ӯсган оила мухити ибрат-намуна сифатида кўрсатилган.

“Табиатни рангин сўзлар-ла тирилтира олиш, тонг эпкинининг эрка шивирини-да тилга киритиш, умуман, бадий тасвирга тенгсиз тиниқлик баҳш эта билиш бобида якто сўзчи Ҳамид Олимжон болалик тасавурига эртак шаклида муҳрланган соҳир сўз изларини қуйидагича ифодалаган:

*Болалик кунларимда,
Үйкусиз тунларимда
Кўп эртак эшиштгандим,
Сўйлаб берарди бувим”.*

Фарзанднинг тил тарбиясида, умумий камолотида мантиқий тафаккур малакаларининг ўрни бениҳоя катта эканлиги маълум, шунинг учун энг ками, яхшининг яхши, ёмоннинг ёмонлигини мантиқан фарқлап йўллари ҳақида ўйтитлар бериш ҳам ота-онанинг бўйнидаги бурчdir.

Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий “Ҳар ишни-ки қилмиш одамизод, тафаккур бирла билмиш одамизод” дейдилар. “Тилимизнинг типла сандиги”да ҳам тил ва тафаккур бирлиги бот-бот уқтирилади: Ҳусусан, Ҳар бир ҳалқнинг ўзига хос миллий тафаккур тарзи мавжуд. Ҳар бир ҳалқ ўзича кўради, эшигади, завқланади. Мисол учун читтак деган қуш номини олайлик. Бу қушини номлашда ўзбек унинг ҳаракатини асос қилиб олган. Бу қуш тез ҳаракат қиласи. ўзбек шу ҳаракатни дастлаб кўрган бўлса, рус кишиси бу қушиning рангини дастлаб кўрган. У ана шу рангин номга асос қилиб олиб, айни қушини синица деб номлаган. Ҳар бир ҳалқнинг дунёни ўзича кўриши ва эшигтиши, идрок этишии беҳад мураккаб тарзда кечади.

Китобда айтилаётган фикрларни ўқувчи тез англаши, тушиниши учун яқин бўлган ифодалардан, халқона иборалардан фойдаланилганлиги унинг халикимиз маънавий мулкидан жой олишини таъмин этади.

Китобдан куйидаги сатрларни уқир экансиз, беихтиёр сўзнинг сехрига сарнигандай бўламиз. “Сўзнинг сирли садоларини тингламоқ, ундаги инжса имконларини турфа товланишларидан ҳузур туя олмоқ-она тилимизнинг шинисига сехру синоатидан тугилгувчи покиза ҳайратни қалбга жойламоқ бўлганига ноил бўлиши учун туркй сўз имконларини тугал намойиш этувчи туркам асарлар билан дилдан ошно бўлмоқ лозим”.

Бу фикрлар Сизни бадиият оламига етаклаб олиб кириб кетганини сезмай сонасиз ва миллий тилимизда яратилган “Алпомиш”нинг алп тилидан, Напишининг навосидан, “Ўткан кунлар”нинг гузаллиги ва шафқатсизлигидан, Шайхзоданинг шайхона шеърларию Абдулла Қаҳхорнинг зарофатли сўзидан, Отабекнинг уҳшашсиз уҳшатишларидан боҳабар бўласиз, узбек тилининг таъриғсиз гўзаллигидан бир суур ҳиссини туясиз.

Бадиий асарни ўқиганингиздаги тасаввурингиз, унинг таҳлилини ўтишнингиздан сўнг батамон ўзгариб кетиши ҳам мумкин, айниқса Сиз ўқиган таҳлили бадиий адабиётнинг тили таҳлили бўлса. Китобнинг учинчи қисми тилининг эстетик ҳодиса сифатидаги вазифасини ёритишга бағишлиланган, яъни тоқориидаги ўзбек тилининг баркамоллигини кўз-кўз қилган асарларнинг лингвопоэтик таҳлилига бағишлиланган. Синчи олимнинг эътиборидан ёзувчи ва шундайларимиз тилида кўлланган ҳеч бир сўз, ибора, тасвирий ифода, қўйингки, тоғунилару, қўшимчалар ҳам четда қолмаган.

Фикримизнинг далили учун, “Ўткан кунлар” асарининг лингвопоэтикаси ёритилган “Мухаббатга қўйилган ҳайкал” номли мақоладан куйидаги сатрларни ўтишимиз: *Соҳир сўзчи ҳар бир сўзнинг ботиний эркини идрок этиши билан унинг шимиридаги имконларини зухур эттира олади. Биргина мисол. Тилимиздаги шутуриқсиз ва совга сўзлари маънан ўзаро боғланишга мойил эмас, лекин романда шундай биримма бор, у бениҳоя оҳорли, янги, мазмуннинг фавқулодда мунофиқ ифодаси. Отабек зайнабга уйланган* (Отабек учун ҳам, Кумуш учун ўзм озорли воқеа!), энди у Маргилонга –Кумуш олдига кетмоқда, совгагатомлари бор ҳар галгидек. Аммо бу совгалар ёнида Кумушебиби учун “совук кундоши совгаси” ҳам бор, шунинг учун ҳам бу қимматбаҳо совгалар энди шутуриқсиз совгалар” бўлиб туюлади. Отабекка: “... Чор-ночор бу шутуриқсиз совгани кўтариб йўлга тушишига мажбур бўлди”.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”идаги нозик бир эрка оҳангни сенмаслик мумкин эмас, бу оҳангни баҳмал оҳанг дегим келади. Бу, айниқса, Кумуш ва Отабек муносабатлари тасвирида яна ҳам тугал кўринади. Мана, романдаги минглаб жумлалардан бири: *Бу хабарни эшиштубчи –Кумушебининг қора кўзлари жисқ ёшига тўлиб, киприклари ёш билан беландилар. Туркй сўзнинг бокира қиздай ҳаёп пардасига бурканган нозик сирларини покиза оҳанг ва улкан симимият билан инкисиоф эта олишидай чўнг маҳорат эгаси бўлмиши* Абдулла Қодирий бадиий матнидаги тинши белгиларидан тортиб, жумла оҳангигача мирича, магзи тўқ маъно бера олади. Келтирилган жумладан ҳам бу хол

она тилимизнинг обрў-эътибори, тақдири, равнаки учун чинакам жонкуярлиги фаолиятининг ҳар бир киррасида намоён булади.

Китобдан куйидаги сатрларни ўқиймиз: 1989 йилнинг 23 июнида Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сифатида Ислом Каримов иш бошлади. Ўша пайтдаги вазият қанчалик мураккаб, калтис, қанчалик таҳликали бўлмасин, нафақат марказ, балки ўзимиздаги икки тиллиликнинг иккисозламамачи тарафдорлари қанчалик бўлар-бўлмас шовқин-сурон қилишмасин, жасур тафаккур эгаси бўлган И.Каримовнинг ташаббуси ва кўрсатмаси билан янги қонун лойиҳаси тайёрланди, унда икки тиллилик ғояси бартараф этилди. Фақат ўзбек тилига давлат мақомини бериш қоидалаштирилди, шунинг учун қонун лойиҳаси тўғридан-тўғри “Давлат тили ҳакида” деб номланди.

Ҳар қандай одамнинг тили оиласа шаклланади. Китобда тил ва оила муносабати масалаларига жиддий эътибор қаратилган: “Она тили ва у билан баробар миллий шуур, миллий онг, миллий рух, энг аввало, оиласа шаклланади, аждодлар қони билан авлодларга ўтиб келадиган руҳнинг омонлиги, барҳаётлиги учун, энг аввало, ота-она масъулдир”. Бу фикрларни ўқиган ўқиган ёки эшигтан ота-оналар ўзларига тегишли хуносани чиқариб олишлари муқарар. Шунингдек, китобда ҳозирги замон ота-оналарига “оиласадаги маънавий, маданий, қўйингки, тил муҳити ҳам фарзанднинг инсоний камолотида белгиловчи аҳамиятга эга” эканлиги таъкидланган ҳолда буюк алломаю, шоирларимиз униб-усган оила муҳити ибрат-намуна сифатида кўрсатилган.

“Табиатни рангин сўзлар-ла тирилтира олиш, тонг эпкинининг эрка шивирини-да тилга киритиш, умуман, бадиий тасвирга тенгсиз тиниқлик баҳш эта билиш бобида якто сўзчи Ҳамид Олимжон болалик тасаввурига эртак шаклида муҳрланган соҳир сўз изларини куйидагича ифодалаган:

Болалик кунларимда,
Үйқусиз тунларимда
Кўп эртак эшиштандим,
Сўйлаб берарди бувим”.

Фарзанднинг тил тарбиясида, умумий камолотида мантиқий тафаккур малакаларининг ўрни бениҳоя катта эканлиги маълум, шунинг учун энг ками, яхшининг яхши, ёмоннинг ёмонлигини мантиқан фарқлаш йўллари хақида ўйтитлар бериш ҳам ота-онанинг бўйнидаги бурчdir.

Улуг бобокалонимиз Алишер Навоий “Ҳар ишни-ки қилмиш одамизод, тафаккур бирла билмиш одамизод” дейдилар. “Тилимизнинг тилла сандиги” да ҳам тил ва тафаккур бирлиги бот-бот уқтириллади: Ҳусусан, Ҳар бир ҳалқнинг ўзига хос миллий тафаккур тарзи мавжуд. Ҳар бир ҳалқ ўзича кўради, эшиштади, завқланади. Мисол учун читтак деган қуши номини олашлик. Бу қушни номлашида ўзбек унинг ҳаракатини асос қилиб олган. Бу қуши тез ҳаракат қиласи, ўзбек шу ҳаракатни дастлаб кўрган бўлса, рус кишиси бу қушнинг рангини дастлаб кўрган. У ана шу рангин номга асос қилиб олиб, айни қушни синица деб номлаган. Ҳар бир ҳалқнинг дунёни ўзича куриши ва эшишиши, идрок этиши беҳад мураккаб тарзда кечади.

Китобда айтилаётган фикрларни ўкувчи тез англаши, тушиниши учун олиқка яқин бўлган ифодалардан, халқона иборалардан фойдаланилганлиги унинг халқимиз маънавий мулкидан жой олишини таъмин этади.

Китобдан қўйидаги сатрларни ўқир экансиз, беихтиёр сўзнинг сехрига сокрлангандай буламиз. “Сўзнинг сирли садоларини тингламоқ, ундаги инъека манъиоларнинг турфа товланишларидан ҳузур тую олмоқ-она тилимизнинг ботнимисол сехру синоатидан тугилгувчи покиза хайратни қалбга жойламоқ баҳтига ноил бўлиши учун турккий сўз имконларини тугал намойиш этиувчи туркам асарлар билан дилдан оинно бўлмоқ лозим”.

Бу фикрлар Сизни бадиий оламига етаклаб олиб кириб кетганини сезмай коласиз ва миллий тилимизда яратилган “Алпомиш”нинг алп тилидан, Нипонийнинг навосидан, “Ўткан кунлар”нинг гўзаллиги ва шафқатсизлигидан, Шайхзоданинг шайхона шеърларию Абдулла Қаҳҳорнинг зарофатли сўзидан, Ойбекнинг ўхшашсиз ўхшатишларидан боҳабар бўласиз, ўзбек тилининг фикрорсиз гўзаллигидан бир суур ҳиссини туясиз.

Бадиий асарни ўқиганингиздаги тасаввурингиз, унинг таҳлилини ўқиганингиздан сўнг батамом ўзғариб кетиши ҳам мумкин, айниқса Сиз ўқиган тарзи бадиий адабиётнинг тили таҳлили бўлса. Китобнинг учинчи қисми тарзининг эстетик ҳодиса сифатидаги вазифасини ёритишга бағищланган, яъни токоридаги ўзбек тилининг баркамоллигини кўз-кўз қилган асарларнинг тилимопоэтик таҳлилига бағищланган. Синчи олимнинг эътиборидан ёзувчи ва шонирларимиз тилида кўлланган ҳеч бир сўз, ибора, тасвирий ифода, қўйингки, тонуплару, күшимчалар ҳам четда қолмаган.

Фикримизнинг далили учун, “Ўткан кунлар” асарининг лингвопоэтикаси тилилган “Мұхаббатга қўйилган ҳайкал” номли мақоладан қўйидаги сатрларни ўқишимиз: Соҳир сўзчи ҳар бир сўзнинг ботиний эркини идрок этиши билан унинг тимридаги имконларини зухур этитира олади. Биргина мисол. Тилимиздаги шутуриқсиз ва совга сўзлари маънан ўзаро боғланишга мойил эмас, лекин романда шундай бирикма бор, у бениҳоя оҳорли, янги, мазмуннинг фавқулодда шунопиқ ифодаси. Отабек зайнабга уйланган (Отабек учун ҳам, Кўмуши учун ҳам озорли воқеа!), энди у Марғилонга –Кўмуши олдига кетмоқда, совгагонлари бор ҳар галгидек. Аммо бу совгалар ёнида Кўмушибиби учун “совук кунидони совгаси” ҳам бор, шунинг учун ҳам бу қимматбаҳо совгалар энди шутуриқсиз совгалар” бўлиб туюлади. Отабекка: “... Чор-ночор бу шутуриқсиз совгани қўтариб йўлга тушишига мажбур бўлди”.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”идаги нозик бир эрка оҳангни симаслик мумкин эмас, бу оҳангни баҳмал оҳанг дегим келади. Бу, айниқса, Кўмуши ва Отабек муносабатлари тасвирида яна ҳам тугал кўринади. Мана, романидаги минглаб жумлашардан бири: Бу хабарни эшиштубечи –Кўмушибибининг кўри кўзлари жисқ ёшга тўлиб, киприклари ёш билан беландилар. Туркий сўзнинг тарзира қиздай ҳаёл пардасига бурканган нозик сирларини покиза оҳанг ва улкан омилнинят билан инкишиоф эта олишидай чунг маҳорат эгаси бўлмаси Абдулла Қодирий бадиий матндан тинини белгиларидан тортиб, жумла оҳангигача тартича, магзи туқ маъно бера олади. Келтирилган жумладан ҳам бу ҳол

куриниб турибди. Үнда моҳир сўзчининг биргина –лар қўшимчаси орқали бу қадар эрка тасвир имконини топганидан ҳайратга тушииласликнинг имкони йўқ. “Уткан кунлар” романи лингвопоэтикасига бағишланган мақолада бу каби чиройли таҳлилу талкинларни кўплаб ўқийсиз, ҳайратга тушасиз.

Китобнинг охири қисмида домланинг илмий фаолиятининг асосий йұналишларидан бири - нутқ маданияти масалаларига бағишланган. “Бизнинг қадимиюртимизда ахлоқ бениҳоя серқамров, мұтабар тушиунча сифатида ардоқлаб келинади. Маънили ва бејсирим гапира билиш, нутқ дарёсидаги мақбул ва иомақбал тұлкынларни илгай олиш, сўзининг орқа-унгини, муносиб ўрнини фарқлай бишиш, нутқий фаҳму фаросат, тархли нутқ одоби каби фазилатлар Туронда инсон умумий ахлоқининг, маънавий расолигининг таянч устунларидан саналған”-деги шартни китобда. Дарҳақиқат, үзбек оиласында сўз тарбиясига алоҳида эътибор берилади. Нутқ маданиятини шакллантириш, нафақат, оиласынг балки узлуксиз таълимнинг барча босқичларида эътибордан четда қолмаслиги лозимлиги, доимо вазиятга мос сўзлардан фойдаланиш ҳақидаги фикрлар айтилган.

Тилдаги сўзларнинг бутун бойлигини билдирадиган манба бу –луғатлар хисобланади. Домла луғатларни сўзларни ўзида жамлаган тилла сандиққа менгзайди. Бу ўхшатиш – бежирим ўхшатиш. Ахир үзбекларнинг яхши кунларига, тўй-томушаларига йиғинганини жамлаб қўядиган, фарзандаларига бешикаст етказадиган нарсаси бу үзбекнинг сандиги хисобланади. Демак, ҳалқимизнинг маънавий бойлиги бўлган сўзларимиз ана шундай тилла сандиқда сақланса, авлодларга бешикасту безиён етказилади. Үзбек тили луғатчилигининг бошланиши Маҳмуд Қошғарийдан бошланган бўлса, мустакиллик йилларида бошқа кўплаб луғатлар билан биркаторда 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” яратилди ва бу луғат – үзбек тилшунослигидаги, хусусан, үзбек луғатчилигидаги ўзига хос бир тараққиёт босқичини тайин этадиган, тилимизнинг сўз бойлигини кўз-кўз қиладиган мұтабар манбадир, айни пайтда у мустакиллик шароитида тилимизнинг табиатига тамомила мос тарзда яратилган тилло сандиқ сифатида маданий-маърифий ҳаётимиздаги чинакам тарихий воқеа бўлди.

Китоб муаллифи юкоридаги мавзуларда қалам тебратар экан, үзбек тилидаги сўзларни ниҳоятда танлаб ва сайлаб ишлатганлиги билан, тилимиздаги сўзларнинг гавҳарларини териб, чертиб-чертиб қуллаганинг гувоҳи бўлдик. Сўз юритилган ҳар бир мавзу юзасидан буюк алломаларимизнинг фикрлари, ҳалқимизнинг бебаҳо дуру жавоҳирлари бўлган маколу маталлардан намуналарнинг берилиши, шунингдек, қизиқарли илмий далилларнинг келтирилиши ўкувчининг китобга бўлган қизиқишини оттурса, домланинг тилимиз, миллий маънавиятимиз, нутқ маданияти, ахлоқий тушунчалар борасида айтган ҳикматли гапларини ўқиб сўз куйининг селига мафтун бўлиб унинг охирига етганини ҳам сезмай коласиз.

“Ўзбекистон Қаҳрамони” Абдулла Орипов “Она тилим” шеърида
Она тилим сен борсан шаксиз,
Булбул куйин тилга соламан.
Сен йўқолган кунинг шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан дейди.

Ушбу китобда айтилган фикрлар бизни нафакат тути бўлиб қолишдан
чиқпайди, балки она тилимиздаги энг гўзал, тақорорланмас сўзлар билан
бунбулнинг ҳам қуйини тилимизга ўтиришни ўргатади.

Адабиёт:

Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиги. Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт
мактаба ижодий уйи, 2012, 149 б.

**Ғ.ИСМОИЛОВ, ф.ф.н., КИХИ
(ТошДУТАУ)**

ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРДА “МАЊНАВИЙ КОД”ЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

(ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ тиллари мисолида)

Тилни семиотик аспектда тадқик қилиш замонавий тилшуносликнинг
шуншиларидан бирига айланиб бормокда, чунки семиотик сатҳда “тил”
бонтилар тизими сифатида маданиятнинг муҳим элементларидан бири
сифатида қаралади. Семиотикада белгилар ва уларнинг комбинацияси орқали
тил эгалари онгода борликни ва ундаги воқеа ҳодисаларни акс эттиради ҳамда
бунда “тил” тушунчаси “код” тушунчаси билан бевосита боғлик бўлади. Демак,
тил эгалари борликдаги ўзига нотаниш бўлган нарса-ҳодисаларни олдиндан
уни маълум бўлган борликдаги нарса-ҳодисалар орқали тасаввур қилиши
иккисиамчи семиотик тизимда миллий-маданий “код”ларнинг (соматик,
иқоний, вақтга доир, предметли, биоморф ва мањнавий) шаклланишига
турткি бўлади. Демак, маданият кодларининг асосий модели бу аналогия
хисобланиб, “иккита предмет уртасидаги алокалар ўхашлиги, яъни мана шу
предметларнинг алоҳида хусусиятилари ёки қисмларига эмас, балки
хусусиятлар ва қисмлар ўртасидаги ўзаро алокага асосланадиган ўхашлик
сифагида белгиланади. Мазкур ўзаро аюка иккита шаклда намоён бўлади:
илюморфизм (оригинал ҳамда модель хусусиятлари ва қисмлари ўртасидаги
унпро бир мањноли мутаносиблиқ) ва гомоморфизм (унчали аник бўлмаган,
яъни улар ўртасидаги тахминий мутаносиблиқ)” [4, б. 10]. Айтиш жоизки,
ўтмишда инсоният томонидан яратилган жамики нарса-ҳодисалар албатта, ҳар
бир тил эгаларининг онгода акс этиб, ҳар бир индивидга таъсир қиласи ҳамда
унинг тилида дунё ҳақидаги тасаввурларини юзага келтиради. Бу, албатта, матн
билин боғлик бўлиб, «айниқса фразеологизмлар маданий ахборотларни ўзида
хисловчи манба ҳисобланади» [5, б. 87]. Айнан матнда инсоннинг мањнавий
опими ҳамда муайян бир ҳалкнинг тарихи, маданияти, миллий хулк-автори
қибилар акс этиши ҳам бунинг исботидир. Шу аснода ҳар бир матн, шу билан
бирга фразеологизмлар ҳам ўзида маданий кодларни мужассам этган бўлади.

Маданият кодлари бу – тил вакилларининг моддий ва маънавий оламини маданий маконда тасвирлаш ҳамда борликни концептуаллаштириш усули булиб, инсоннинг қадимий архетипик тасаввурлари билан уйғунлашган. Ҳолбуки, код ўзида белгили бир функцияга эга бўлган белгилар системасини намоён этса, ушбу белгилар системасининг турли жамланмаси лингвомаданиятда рамз (символ)ни шакллантириша муҳим воситадир. Рамз (маданият коди) фразеологизм таркибида “белги (-лар йигиндиши) сифатида нафақат муайян бир обьектни тасвирлайди, балки ўзига қўшимча маъно юклаб, ушбу обьектни изоҳлаш билан боғлиқ бўлган гоя ва тушунчаларни ифодалайди” (Ф.И. – яримой, хумо ва x)” [1, б. 38].

Лингвокультурологиянинг асосий маданий кодларидан бири маънавий код булиб, ушбу кодда, аввало, юқорида кўрсатиб ўтилган барча маданият кодлари акс этади ҳамда “маънавий кодда ахлокий кадрият, эталонлар ва улар билан боғлиқ маданиятнинг таянч оппозициялари ташкил қиласи, яъни “жхин – ёмон”, “баланд – past” ва x” [3, б. 19]. Демак, инсон фаолияти ва воқеликка бўлган муносабатида ушбу код мужассам этган булиб, бунда баҳо категорияси мужассам этган булади. “Баҳолаш тафаккурнинг инъикос фаолияти тузилмасидаги муҳим кисмларидан биридир. Баҳолаш тил билан чамбарчас боғлиқ булиб, унинг аксарият жабхаларида оламни кадриятлар сифатида идрок этиш хусусияти акс эттирилади”[6]. Чунки ҳар бир ҳалқ муайян борлиқдаги обьект (воқелик)лар ҳақида ўз тасаввурларива унга нисбатан берилган “баҳо” категориясига эга булиб, уларнинг барчасида бошқа тил вакилларига нисбатан универсалликка эга бўлавермайди. Ушбу нафақат сўз, балки фразеологизмларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, ўзбек, қозок ва қорақалпок тилларида ушбу кодни шакллантирган кўйидаги фразеологизмлар инсон фаолиятига қаратилган “баҳо” категориясини, яъни маданиятнинг базавий оппозицияларни реаллаштирган, яъни инсоннинг бирон бир хусусиятига берилган баҳо кўйидаги маданиятлар кодлари асосида маънавий кодни шакллантирган:

Ўзбек тилида: *бурнидан ип ўтказмоқ*(УТИЛ, II, 222)- Болагинамга эга чиқиб, бурнидан ип ўтказиб олди бу дозгули. (С. Ахмад, Чўл бургути).

Қозок тилида: *бўйдалаган туйедей* (ФС, 164) – Ол көнсे, ол бастаса бўл елде ениким шылбырынан кетпейді. *Бўйдалаган туйедей ереди.* (Д.Әбілев);

Қорақалпок тилида: *биреудин ёжетегине ериў* (КТТС, II, 201).

Демак, инсоннинг “айтганига, айтган иўлига юрадиган” ҳолатини ифодалашда учала лингвомаданиятда турли хил обьектлар орқали идрок қилиб баҳо берилган. Турли усуллар билан кодланадиган мазмун у ёки бу маданий социумнинг дунёкараши очиладиган оламнинг манзарасини ташкил этади. Маданият кодлари вазифасига кўра – унинг маконини таърифлаш усулидир. Шаклига кўра – бу моддий ва маънавий оламларнинг субстанция жиҳатидан турлича белгилари. Мазмунига кўра бу белгилар эстетик ва этик категорияларда қайта идрок этилган, маданий гоя ташувчиларига айланган олам реалияларини намоён этади [2, б. 22].

Хулоса қилиб айтганда, *тил, код ва маданият кодлари* ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳодисалардир.“Маданият коди маълум түр булиб, маданият уни атрофдаги оламга “улчаб” куради, уни қисмларга ажратади,

енториялаштиради, тизимлаштиради ва баҳолайди” [3, б. 297]. Шу билан бирга миңдигийт кодлари моҳиятнан универсалликка эга бўлиб, муайян шингвомаданиятда тил вакилларининг ушбу кодга нисбатан идроки ва баҳоси туфайли маълум бир воқеликни реаллашувида қатнашиб идиоэтниклик касб гиди ҳамда маданият кодлари асосий кодлари сифатида олтига бўлинган бўшиб, улар ҳам ўз навбатида субкодларга бўлинади. Бу эса фразеологизмларда иккота ифодаланиб, тилнинг фразеологик фонди образли равишда ўзида катор миңдигийт кодлари ва субкодларининг лисоний ифодаланишларини намоён тушти.

Адабиётлар:

1. Кармин А.С. Культурология / А.С. Кармин, Е.С. Новикова. – СПб.: Питер, 2004.
2. Ковшова М.Л. Семантика и прагматика фразеологизмов (лингвокультурологический аспект). Автореф.дисс. канд.филол.наук. - Москва, 2009.
3. Красных В.В. Коды и эталоны культуры (приглашение к разговору) // Язык, социение, коммуникация: Сб. статей / Отв. ред. В. В. Красных, А. И. Изотов. . М.: МАКС Пресс, 2001. Вып. 19.
4. Мартынов В.С. Символика лингвокультурных кодов в составе англоязычного художественного текста: Автореф. дисс... канд.филол.наук. – Москва, 2009.
5. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб.пособие для студ. высших учебн. заведений / В.А. Маслова. — М.: Издательский центр «Академия», 2001.
6. Чернова М.А. Оценочный потенциал коллоквиальных прилагательных в современном английском языке (американский вариант) // Журнал научных публикаций университетов и докторантов. – Курск, 2007. - №10. <http://jurnal.org/articles/2007/fill5.html>

М.А.ҚУРБОНОВА, ф.ф.и.,
КИХИ (Тошдўтау)

ЎЗБЕК БОЛАЛАР НУТҚИННИГ ДЕЙКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Тилнинг ўзига хос хусусиятлари нутқининг шаклланиш боскичидага якқол намобди бўлади. Бунда прагматиканинг тадқиқ объекти сифатида хизмат қиливчи дейксис ходисаси мухим ўрин тутади. Дейксис юонча сўз бўлиб, “курсагиц, ишора” маъносини англатади [1]. Ишора бирликларининг ўзига хос шинклиари болалар спонтан нутқида кўп кузатиласиди. Болалар нутқига оид лингводейктик тафовутни аниқлашда тилнинг ички структураси ва нутқи субъектигининг миллий хусусиятлари билан бир қаторда, коммуникантларнинг очи жиҳатига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки дейксис ходисасининг ҳар бир тури, айниқса, кичик ёшдаги болалар нутқида ўзига хос тарзда акс этади.

Рус тилшунослигига болалар нутқининг дейктик хусусиятлари [1] Доброва томонидан маҳсус ўрганилган бўлиб, унинг тадқиқотида нутқининг шинклиланиш боскичидаги персонал дейксис (шахс дейксиси)ни хосил қиливчи шинклиик олмошлиари ҳамда қариндошлик терминларининг ўзлаштирилиши ва ифодаланиши хусусида сўз боради [2]. В.Каралевнинг ишора бирликлари тадқиқига оид мақолосида эса локатив ва темпорал дейксис (замон ва макон дейксиси)нинг болалар нутқида намоён бўлиш хусусиятлари ёритилган [3].

Кейинги йилларда лингводейктик ўзига хосликлар ўзбек болалар нутқи мисолида ҳам тадқиқ этила бошланди [4]. Ўзбек тилшунослигига бу йўналишда имага оширилган ишларда таҳсилга тортилган ишора бирликлари асосан

болаларга хос персонал ва предмет дейксиси сифатида нуткнинг айрим лингвопрагматик жиҳатларини ёритишга хизмат қилади. Бироқ ҳозирга қадар узбек болалар нуткининг дейктик хусусиятлари монографик планда тадқиқ этилмаган.

Кузатувларимизга кўра, узбек болалар нутқида дейксиснинг ҳар бир тури ўзига хос шакл ҳамда ифода усулига эга булиши мумкин. Болалар коммуникатив фаолиятида кузатиладиган лингводейктик ўзига хослик улар томонидан ҳосил қилинганди ишора бирликлари катталар нутқидаги мұқобилига қиёсланганда аниқ кўзга ташланади. Масалан, узбек тилида бир ота-онадан туғилган катта ўғил (узидан кичикларга, укаларига нисбатан)га *ака* сўзи орқали ишора қилинади. Абдуазим Абдужабборов (1 ёшу 3 ой) нуткини бевосита кузатиш жараённида эса бу дейктик вазифа факат *а* товушига юкланганинг гувоҳи бўлдик. Нутқ субъекти акасига биринчи марта бу товуш орқали ишора қилганда прагматик мақсадни кўзда тутмаган, балки у дейктик бирликни ўзига кулай тарзда талаффуз қилиш учун интилган. Кейинчалик бола *ака* сўзини тўлик талаффуз қилиш имконига эга бўлса-да, баъзан нутқ адресати (акаси)га нисбатан яна *а* товуши орқали ишора килаверган. Бунда у муайян прагматик интенцияни ифодаламоқчи бўлган. Бола акасига биринчи марта “*а*” товуши орқали ишора қилганда бу ҳодиса мулоқот вазиятини кузатиб турган катталарни бефарқ қолдирмаганини англаб етгани учун яна уларнинг эътиборини жалб қилиб, биргина “*а*” товуши (“ака” сўзидаги биринчи бўғин) орқали мурожаат бирлигига прагмасемантик юқ ташламоқчи бўлган.

Кичик ёшдаги боланинг индивидуал нутқида темпорал дейксиснинг ўзига хос шаклларини ҳам учратиш мумкин. Узбек тилида “утган кун (и)” тарзида ҳосил қилинганди темпорал дейксис кечадан аввалги кунни ифодалашга хизмат қилади. Абдулазиз Абдужабборов (4 ёш) эса утган кун(ига нисбатан) кечани(иғ) кечасида тарзида ишора қилган. Албатта, бу ҳолатнинг юзага келишига кечадан аввалги кунга ишора қилувчи дейктик бирликнинг бола лугат заҳирасида мавжуд эмаслиги сабаб бўлган. Бироқ бу каби ҳолатлар болада лисоний қобилиятнинг ривожланганлик даражасини аниқлашда мухим ўрин тутади. Чунки ушбу вазиятда бола ишора объектини “кечаги кунга нисбатан кеча” деган мантиқдан келиб чиқсан ҳолда ифодалаган. Бунда адресант томонидан сўз-ижод асосида кашф этилган индивидуал неологизм шаклан ноузул ҳисобланса-да, унинг нутқий тафаккур махсуси бўлган мазкур прагматик воситадан зукколик билан фойдаланиши учун хизмат қилган. Натижада замон дейксиси ифодачисига айланган ушбу нутқий инновация адресатни фикрлашга ун dagan. Чунки бу вазиятда нутқ адресати юкоридаги каби окказионализмларга юкланганди прагматик маънони тўғри идрок этишга уларнинг юзага келиш сабаби ҳақида мантиқий мушоҳада юритиш орқали эришиши муқаррар.

Баъзан бола темпорал дейксис орқали предмет дейксисини ҳосил қилади. Масалан, узбек халқ оғзаки ижодиётидаги эртак сюжети баёнидан олдин ифодаланадиган “қадим-қадим замонда” шаклидаги дейктик элемент Абдуллоҳ Мухиддинов (1 ёшу 9 ой) нутқида вокелик юз берган замонга эмас, балки унинг ўзига, яъни эртакка ишора қилган. Нутқ субъектининг мулоқотдошига *Қадим-*

қандиң замонда этиб (айтиб) *беринг* деб илтимос килиши бизга бу ҳодисанинг юнага келиш сабабини аниқлаш имконини берди.

Айрим ҳолатларда бола бир катор ишора объектларининг номини билсалаш, метафора ёки метонимия орқали уларни ягона дейктик майдонга бирлаштирувчи прагматик воситани кашф килади. Масалан, Абдулбосит Абдужабборов (1 ёшу 6 ой) дастлаб товушга таклид асосида отасининг мишинасига, у билан бир хил русмдаги бошқа автомобилларга, кейинроқ отасининг ўзига, орадан яна муайян вақт ўтгандан сунг отасининг машинаси билан бир хил рангли ликопчага ҳам *ада гинна* тарзида ишора қилган. Бу каби ҳолатларнинг юзага келишига экстралингвистик омиллар, хусусан, кичик шиддаги нутқ субъектининг гендер хусусияти билан боғлик қизиқишлари кучли шынсир кўрсатади.

Демак, бола томонидан ҳосил қилинган мазкур прагматик босита бир үринда предмет (отасининг машинаси ёки шу машина билан бир хил русмдаги автомобиль)га ишора қилса, бошқа нутқий вазиятда ассоциатив дейксис инфодачисига айланган. Чунки бола мазкур нутқий ҳосилани отаси, ликопча юни ишора объектларига нисбатан қўллаганда дастлаб улар билан муайян шинги-хусусиятига кўра ўхшаш ёхуд алоқадор бўлган предмет (машина)ни кўз оғидига келтирган. Шу тариқа кичик ёшдаги нутқ субъекти ҳали лисоний хотирасидан мустаҳкам үрин олмаган воқелик парчасининг номи (ликопча)ни инфодалашда онгода пайдо бўлган дастлабки ассоциацияга таянган. Бу ассоциация эса ўз навбатида сўзловчининг гендер хусусияти билан боғлик қизиқиши натижасида ҳосил бўлган. У эркак жинсига мансуб бўлгани учун обьектга ишора қилиш жараёнида дастлаб ўзини қизиқтирадиган предмет, яъни иномобилни тасаввур қилган.

Баъзан коммуникатив-прагматик фаолиятда лингводейктик хусусият касб шунчли вербал ассоциацияларнинг юзага келиши лексик бирликларнинг шаклий түшшишига боғлик бўлади. И. Азимованинг бу борадаги карашларига асосланниб шундай айтиш мумкинки, стимул сўзга шаклан ўхшаш ассоциациялар шаклий түшшилик асосида юзага келади. Уларнинг ўзаро алоқасида маъновий эмас, бунки шаклий ўхшашликка асосланган ассоциатив боғланиш мавжуд булиб, бунда маъно хусусидаги информация етарли бўлмагани учун шакл муҳим омилга айланади [5, 64].

Болалар нутқида шаклан ўхшашлик асосида ҳосил бўладиган ассоциацияларнинг аксариятини кундалик ҳаётда фаол қўлланадиган дейктик ғифар ташкил қилади. Масалан, Р. Мұҳаммаджонов сценарийси асосида суратга олинган “Сехрли қалпокча” кинофильмидаги акс эттган эпизодлардан бирида ўқитувчи дарсга эътиборсиз ўтирган ўкувчидан аввалги дарсда қайси мавзу ўтилгани ҳақида сўрайди. Ўкувчи саволга жавоб топа олмай ўйланиб турганда синфдошларидан бири унга ёрдам бериш учун “Диффузия ҳодисалари” деб шиннирлайди. Шунда синфдошининг ёрдамидан фойдаланган ҳолда мураккаб шиниятдан чиқишини максад қилган ўкувчи шошқалоклик билан *Дилфузия ҳодисалари* деб юборади. Чунки синфдоши томонидан шивирлаб айтилган ҳодиса номи (диффузия) бу ўкувчига ўзига шаклан ўхшаш бўлган, нутқий мунюкотда куп ишлатиладиган шахс исми (*Дилфузя*)ни эслатади. Ушбу

ассоциатив-дейктик бирлик тингловчидаги кулги уйғотиши билан прагматик ахамиятта эга бўлади.

Болалар нутқига хос муайян дейктик восита унга номи маълум бўлмаган бошқа турдаги ишора бирликлари ўрнида ишлатилиши ҳам мумкин. Масалан, Абдулбосит Абдужабборов (1 ёшу б ой) номи сўз захирасида мавжуд бўлмаган барча нарса-бюмларга бу курсатиш олмоши орқали ишора қилган. Мазкур коммуникатив вазиятда кул ҳаракати орқали ифодаланган имо-ишора ҳам морфодейктик бирликка ёрдамчи восита вазифасини ўтаган. Чунки ушбу новербал восита “бу” сўзида акс этган дейктик дазифага аниклик киритган.

Айрим ҳолатларда кичик ёшдаги бола “бу” курсатиш олмошини имо-ишора билан бирга кўллаш орқали локатив дейксис ҳодисасини юзага келтириши мумкин. Масалан, Абдулбосит Абдужабборов (1 ёшу 7 ой)нинг коммуникатив фаолиятида бундай ҳолат кўп кузатилган.

Хулоса килиб айтганда, дейксис серқирра ҳодиса бўлиб, тилшуносликда унинг талқини ва таснифига доир қарашлар турличадир. Бу маҳсулдор ҳодиса ҳар бир тилнинг барча сатҳларида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бу ўзига хосликни болалар нутки мисолида талқин килиш антропоцентрик тилшуносликка оид янги тадқиқотларнинг юзага келиши учун янада кенг йўл очади.

Адабиётлар:

1. Матвеева Г., Петрова Е., Ленец А. Основы прагмалингвистики <https://books.google.com/books/about/>
2. Доброда Г.Р. Онтогенез персоонального дейктика: личные местоимения и термины родства. <http://www.dslib.net/izvyko-znanie/ontogenez-personalnogo-deiktsisa.html>
3. Королев В. Стадии освоения детьми средств выражения локативного и темпорального дейктикаса. <http://cyberleninka.ru/article/n/stadii-osvoeniya-detmi-sredstv-vyrazheniya-lokativnogo-i-temporalnogo-devksisa#ixzz2K6sLGDIP>
4. Курбонова М. Болаларга хос нуткий инновацияларнинг прагматик таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – №2.
5. Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол.фан. номз. ... дис. – Тошкент: ЎзМУ, 2008.

С.УСМОНОВА (Қўкон ДПИ)

ҚЎКОН ШАҲРИ МАДРАСАЛАРИ НОМЛАРИ

Ўрта Осиёнинг қадими шаҳарларидан бири бўлмиш Қўкон шаҳри Ўрта аср шаҳарсозлигининг барча анъаналарини ўзида мужассамлаштирган эди. Бу жиҳатдан Қўкон, Самарқанд, Хива ва Бухородан кейин туради.

«XVIII асрнинг охирига келиб, Қўкон хонлигининг ташкил топиши шаҳарда мадраса ва масжидларнинг купайишига сабаб бўлди, чунки бу даврда ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида диний мафкура хукмон эди». (1)

Қўкон мадрасалари ҳакида бир неча тадқиқотчилар иш олиб борган. Жумладан, Х.Бобобеков, Р.Шамсуддинов, Б.Расулов ва Р.Арслонзодалар ўз тадқиқотлари натижасида Қўконда 40 га яқин мадрасалар бўлғанлиги ҳакида маълумот берадилар.

Лекин, Қўқон ўлкани ўрганиш музейи илмий ходими Я. Дадабоев мутсій фондидағи маълумотларга асосланиб, бу ерда 52 та мадраса бўлганилиги ҳақида маълумот беради. Қўқон мадрасалари рўйхати 1914 йилда Фарғона область Маориф бўлимни ходими Егоров ва «Садойи Фарғона» газетаси ходимлари томонидан тайёрланган булиб, унда 39 та мадраса номи кўрсатилади холос. Қолган мадрасалар номлари шу ишга бел боғлаган фидойи инсонлар томонидан аниқланган.

Қўқон мадрасаларини қўйидағича таснифлаш мумкин:

I) мадраса асосчиси номи билан аталувчи: *Султонмуродбек мадрасаси, Мирбўтабек мадрасаси, Мадалихон мадрасаси, Аминжонбой мадрасаси* ва бошқалар.

II) мансаб-амал номлари билан аталувчи мадрасалар: *Тунқатор мадрасаси, Ҳистурхончи мадрасаси, Зинбардор мадрасаси, Ҳожа Доддох, мадрасаси, Нирмуҳаммад Ясовул мадрасаси* ва шу сингарилар.

Тунқатор - хонлик даврида тунги пойлоқчи, қоровул мъяносини анилатган амал номи. *Дастурхончи* - хон саройидаги иккинчи даражали мансаблардан булиб, саройда ўtkазиладиган зиёфатлар, қабул маъросимларини бошқарувчи мансаб-амалнинг номидир. *Зинбардор* - форсча «зин» -эгар-жабдуқ «бардор»- келтирувчи, олиб юрувчи мъяносини анилатиб, хон саройи ва қушинини эгар-жабдуқ билан таъминловчи амалдор номи. *Доддох* - одамлар арзини хонга етказувчи мансабдор.

I) объектнинг курилиш услуби ва вазифасидан келиб чиқадиган мадрасалар номи: *Мадрасаси Хишигин, Мадрасаси Жомеъ, Мадрасаси Хуржун, Мадрасаси Чалпак, Мадрасаси Ҳаммом, Харифона мадрасаси* ва шу кабилар.

Хишигин мадрасаси - гиштдан курилган мадраса, Мадрасаси Хуржун - куриш учун жой кичик бўлганилигидан йўлнинг икки четига курилган, Чалпак мадрасаси - бу ерда очларга, гарибларга чалпак пишириб улашилганлиги сабабли халқ бу мадрасага шу номни берган.

I) хонларнинг аёллари номига берилган титулдан келиб чиқсан мадраса номлари: *Мингойим мадрасаси, Ҳоким Ойим мадрасаси, Моҳларойим мадрасаси, Офтобойим мадрасаси* ва шу кабилар.

II) яътик хусусиятига кўра номланган мадрасалар: *Сўфиён мадрасаси, Арки Олий мадрасаси, Мадрасаси Олий* ва бошқалар.

Сўфиён - дастлаб бу ерда сўфийлар хонақоҳи булиб, кейинчалик мадрасага айлантирилган. *Арки Олий* - Олий Арк хонларга тегишлилик мъяносини берувчи сифат. Хонзодалар ва юкори амалдорларнинг фарғандлари учун маҳсус қурилган мадраса. *Мадрасаси Олий* - Олий мадраса ҳисобланиб, хозирги аспирантура вазифасини бажарган. Мадрасани ётирган муллаваччалар ўқиши давом эттиришни исташса, шу ерда давом ётирганлар. Бу ерни тугаллаган муллаваччалар муфтий, аълам, қози, раис ва бошқа амалларни сўзсиз эгаллаганлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкини, Фарбий Фарғона топонимияси барқибига киравчи Қўқон шаҳридаги мадрасалар номлари ҳам ўзининг лексик-семантик хусусиятлари билан алоҳида илмий тадқиқотни тақозо этади.

Адабиёт:

I. Құқон асрлар сиссиласыда. Республика илмий-назарий конференцияси. Я. Дадабоев ва бошқалар. Ҳұқаиди латиф мадрасалари. -Құқон, 2004. 255-б.

С.Б.АБДУНАБИЕВ (ТошДУТАУ) АРАБ ТИЛИДАН ҰЗБЕК ТИЛИГА ҰЗЛАШГАН СҮЗЛARНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ватанимиз мустакиллиги йилдан-йилга анъана ва қадриятларимизни әззозлаш, уларни замон талаблари асосида бойитиш ва ривожлантириш, үзлигимизни англаш, дунё ҳамжамиятида муносиб үрин әгаллашдек, әзгу мақсадимизни амалға ошишида улкан имкониятларни яратиб келмоқда.

Мустакиллик биз учун әркін ва озод ҳаёт, мардлик ва матонат тимсолига айланды. Дархакиқат, 25 йил давомида мамлакатда ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий, таълим соҳасида тубдан үзгаришлар ислоҳ этилди. Албатта ұзбек тилининг янада ривожланиши, жаҳон ҳамжамиятидаги үрни янада ошиб бормоқда.

Ушбу мақолада биз араб тилемден ұзбек тилига ұзлашган сўзларниң ҳам лексик, ҳам грамматик жиҳатдан үрганиш максад қилиб олинган.

Үрта Осиёдаги халқлар, шу жумладан ұзбек халқи жуда қадим ёзув маданиятига эга халқлардан биридиirlар. Улар үтмишда турли ёзувлардан фойдаланиб келгандар. Бу ёзувлар үз тизимиға кура, асосан фонографик-харфтовуш ёзувлардан иборат бўлган. Бунда сўғд, пахлавий, урхун-энасой (рунник), уйғур, араб ёзувлари аҳамиятларидир. Юқоридаги ёзувлар деярли оромий ёзуви билан боғлиқ ҳолда шаклланган.

Араб ёзуви сомий ҳарф-товуш ёзувининг энг ёш, нисбатан кейин юзага келган тармоғидир. Бу ёзув ислом динининг пайдо бўлишидан бир оз аввалроқ кўллана бошлаган. Форслар ва туркий халқлар араб ёзувини қабул қилиб, араб тилемда бўлмаган, лекин үз тилларида бўлган товушлар – п, ч, ж («гижда» сўзидаги каби), г товушлари учун алифбодаги муайян ҳарфларга тегишли белгилар кўйиб, янги ҳарфлар яратиб, алифбодаги ҳарфлар сонини 32 тага етказганлар. Үзбек халқи ҳам асрлар давомида ана шу мослаштирилган араб ёзувидан фойдаланиб келди(эски ұзбек ёзуви). Үрта Осиёдаги яшаб ижод қилган буюк алломалар бу ёзувда битилган улкан ва бетакрор илмий маданий мерос қолдирганлар.

Хозирги ұзбек адабий тили лугат таркибида араб тилемден ұзлашган сўзлар грамматик жиҳатдан асосан, от туркумига хосдир: Масалан, مهندس (муҳандис), لغة (лугат), شريعة (ширкат), ستار (мумтоз), رئيس (раис), نائب (ноиб), وزير (вазир), جمهورية (жумхурият), كتيبة (куллиёт), طلاب (толиб), مشروع (мавзу) (худуд) ва бошқалар. Бу сўзларниң айримлари феъллашиш ходисаси таъсирида кўмакчи феъллар қабул қилиб, феълга хос қиймат касб этган: маъруза қилмоқ, ваъда бермоқ ва бошқалар. Шуниси ҳам борки, араб лугавий ұзлашмаларниң феъллашиш хос лисоний қиймат касб этиши – ұзбек тили фразеологик системасини салмоқли бойитгади, чунки араб лугавий бирликларининг феъллашуви туфайли фразеологик иборалар ҳам вужудга келади: вафо қилмоқ, ваъда бермоқ.

От туркумига хос айрим арабча сўзлар араб тилида грамматки жиҳатдан бирлик ва кўплик шаклларига эгадир. Улар ўз шаклий хусусиятлари билан сон категориясининг парадигматик қаторларини ҳосил килади. Араб тилидаги ғунишнинг бирлик сондагиси ўзбек тилига ўзлашган. Кўплик сондаги сўзларни ўзбек тилига мутлако ётдир. Масалан, – وطن “вatan” сўзи ўзбек тилига шунгайлигича кириб келган, унинг кўплик шакли эса – “автон” ушбу тилда муомалага киритилмаган. Шунингдек, – امر “амр”, кўплиги کتب – اسناد “иномир”, – طلب “толиб”, кўплиги کتاب – “китоб”, кўплиги کутуб” Ёки аксинча баъзи араб сўзларининг кўплик шакли ўзбек тилига ўзлашган. Масалан, – کبار “кибор”, бирлиги ایام – کبیر “кабир”, – ایام “айём”, бирлиги ایام – قربیب “йавмун”, – اقربیه “акрабо”, бирлик шакли – اسلحہ “қарийб”, – اسلحة “аслаха” бирлиги ایام سلاح – “силах”, – الون “алвон” бирлиги ایام – “лавн” ва бошқалар.

Арабча луғавий ўзлашмалар ўзбек тили грамматик қонун-коидаларига амал ишинган ҳолда, бир катор жуфт сўзлар ҳосил қилган. Араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзларда арабча сўзларнинг ўзбек тилида бошқача маъно касб ишнини куриш мумкин. Масалан, араб тилида صاحب – соҳиб сўзи ўзбек тилида қўжайин”, “бирор-бир жойнинг эгаси” маъносини бериши мумкин. فانہ – کомат” сўзи ўзбекчада буй маъносида келади. ایام – айём сўзи эса ўзбек тилида қўнлар”, – نوج “завж” сўзи “эр” маъносида қўлланилади.

Баъзи моносемантик сўзларнинг маъноси эса ўзлашган тилда бутунлай бошқа тусга кириб, ўз тилдаги маъно хусусиятини йўқотади. Масалан, – غلیان – ғилаён” сўзи араб тилида сувнинг қайнаш жараёнини англатади. Ўзбек тилида иш норозилик максадида кўтарилиган исён, қўзғолон, туплон маънолари билан биргаликда кўчма маънода киши ички дунёсидаги туғён маъноларида ҳам қўлланилади.

Арабча кўп маъноли сўзларнинг икки ёки ундан ортиқ маънолари билан ўзбек тилига ўзлашганлиги ҳам кўзга ташланади. Масалан, – استاذ “Устоз” сўзи ишлаб тилида: ўқитувчи, профессор каби маъноларга эга. Ўзбек тилида эса: касб-қуяр, илм ўргатувчи мураббий, раҳнамо маънолари билан ўзлашган. تاریخ – тарих” сўзи ҳам шундай маънога эга. Бу сўз араб тилида вакт, сана, давр, ансоя каби маъноларни англатса, ўзбек тилида эса, ижтимоий тараккиёт билан юнага келган воқеалик, ҳаёт, ўтмишга оид факт ва ҳодисалар мажмуаси, воқеа-ходиса ёки нарсанинг изчил тараккиёт йули, жамият тараққиёти ҳақидаги фан, бирор-бир воқеа-ходисанинг қачон бўлиб ўтганини курсатувчи аниқ бир сана, шикт каби маънолари билан кириб келган.

Ўзбек тилига ўзлашган арабча сўзларнинг бир гурухи ўзбек тили заминида ўз маъно қийматини бутунлай йўқотиб, этимологик маъно ва тушунчаси билан шоқадор бўлмаган бошқа семантик бирлишка айланган. Бундай характердердаги сўзлар асл фонетик ва морфологик қиёфаларини ўзгартиргмаган. Шундай булсалар, улар араб ва ўзбек тилида семантик яқинликка эга бўлмайди. Сўзнинг ўз тилдаги маъноси билан ўзлашган тилдаги маънолари орасида боғликлек иштиллади.

Масалан، بیساط – “бисот” сўзи араб тилида моносемантик характерга эга. Бу ўз фактат ўзбек тилида “гилам” маъносини ифода этади. Ўзбек тилида эса бу ўз араб тилидаги маъно билан алоқаси бўлмаган тушунчаларни англатади.

Аёлларнинг ўзига тегишли бўлган моли, кишига, оиласа, хўжаликка қарашли мол-дунё, бойлик демакдир. ~~Манс~~ сўзи кўчма маънода жонли тилда ҳам ишлатилинади. Масалан, бирор-бир кимсада, бор бўлган, ёки саклаб кўйган буюм ёки нарса (Бисотимда битта узун бор эди, уни ҳам сенга бердим).

Араб ўзлашмаларининг лексик-семантик хусусиятлари ҳақида шуни айтиш мумкинки, уларнинг маънолари ўзбек тили заминида маълум ва муайян ўзгаришларни бошдан кечирган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўзбек тилига нафақат араб тили, балки форс ва бошқа тиллардаги сўзлар ҳам ўзлашиб келган. Бу сўзларни ўрганиш тадқиқотчилар учун муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

- Сулаймонова Н., Абзалова М. Ўзбек тилидаги арабий сўзлар имлоси. –Тошкент: Фан ва технология. 2009. Б.115.
- Араб лексик ўзлашмаларининг баъзи маъно хусусиятлари. –Тошкент, 1992. Б.120.

М.УМУРЗОҚОВА,
катта ўқитувчи (Тошдўтау)

СЕГМЕНТ ҚУРИЛМАЛАРНИНГ ШЕЪРИЙ АСАРЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Гапни булакларга булиб, энг муҳим қисмини ажратиб, алоҳида булак сифатида кўрсатиб ифодалайдиган экспрессив усуллардан бири тилшуносликда сегментация номи билан аталади. Тилшуносликда сегментация тушунчаси француз тилшуноси Ш.Балли номи билан боғлик. Бу тушунча фикр ифодалашнинг бир куриниши сифатида намоён бўлган. Француз тилшуноси Ш.Балли сегментациядан бошқа тилда фикр ифодалашнинг яна икки турини фарқлайди: сочинение (боғланган), связанный (эга-кесим муносабатига тенг келадиган «Бу қуш учади» типидаги гаплар.) «Сегментланган гаплар деб икки боғланган қисмдан ташкил топган, аммо бу боғланиш тулиқ бўлмай икки қисмни ажратиш мумкин бўлган гапларга айтилади. Биринчи қисм (A) фикрнинг темаси функциясини бажарувчи, иккинчиси (Z) ремаси (повород) функциясини бажарувчи хисобланади.» (1.70) Сегментланган гапларнинг пайдо бўлишини Ш. Балли биринчи гапни эксплицит ҳолда такрорлаш натижасида пайдо бўлган бўлиши мумкин деган фикрни билдиради: «Ёмғир ёғаятти. Биз чиқмаймиз. Бу ҳол сұхбатдошни иккита деб тасаввур килганда янада ойдинлашишини таъкидлайди. A- Ёмғир ёғаятти? B- Ёмғир ёғаятти? (Сизнинг айтишингиизча, ёмғир ёғаятти?) Биз чиқмаймиз. Бу ҳолат бизга уша ҳолатни, яъни В сұхбатдош биринчи гапни такрорлаш жараёнида айтмоқчи бўлган гапни эслаб олиш имконини берганлигини тасаввур қилишга ёрдам беради.» (1.71) Тилшунос олим сегментланган гапни шакл жиҳатидан боғланган (связанной) гапга қарама-қарши қўяди. 1. Бу хат, мен уни олмадим. 2. Бу хатни мен умуман олмадим. Биринчи гап функцияси, иккинчи гап шакл жиҳатидан фарқ қилади.

Сегмент қурилмаларни тадқиқ қилган А.М.Пешковский оғзаки нутқка хос бўлган, кейинги гапда у кўрсатиш олмоши билан алоқаланган бош келишикдаги сўзларни ҳам шундай синтактик қурилмалар сирасига киритиш мумкинлигини таъкидлайди. Унингча, бундай қурилмаларга нисбатан шундай фикр билдириш

мумкин: сўзловчи бош келишикдаги сўзларини айтганда гап тузишни мўлжаллаган, бу сўз унга эга ёки эганинг аломати сифатида керак бўлишини билади, сўз кейинги ўринда олмош билан алмашади. А.М.Пешковский тингловчининг дикқатини каратишга хизмат киладиган бундай курилмалар мингуруза ўкийидиган ўқитувчилар нутқида фаол қўлланилишини айтиб, уни «лекторским» именительный деб атайди, бундай курилмалар сўзловчининг шинан шу тасаввур номини ажратиб кўрсатиш истагининг натижаси сифатида шийдо булишини таъкидлайди. Фикр икки усулда етказилади: аввал ажратилган предмет номи келтирилади, тингловчига хозир шу предмет ҳакида нимадир шигилиши маълум бўлади, хозирча унинг дикқатини қаратмоқ лозим, кейин эса фикр айтилади. Маърузачи нутқида тингловчига енгиллик туғдирилади, оғзаки нутқда эса сўзловчи ўзига енгиллик туғдиради. (2.405)

Сегмент курилмалар иштирок этган гаплар икки қисмдан иборат бўлади: буни келишик шаклидаги от ёки отлашган сўзлар-тема ва уни изохлаб, тўлдириб келаетган, темага коррелят сифатида олмош иштирок этган асосий қисм.

Сегмент курилмаларни кенг ва тор аспектда ўрганган А.С.Поповнинг фикрича, “сегментация торроқ ва маҳсус тушунча сифатида бу- тасаввур номларининг мужассамлашган, такомиллашган кўринишга келган ёзма адабий тилдаги экспрессив синтаксиснинг усулидир..» (3.302)

Ўзбек тилида шеърий матнларда сегмент курилмалар кўп қўлланиллади. Бундай курилмалар бадиий услубни оддий сўзлашув услубига яқинлаштириш, шиљқчиликни таъминлашда асосий восита сифатида иштирок этади.

Момонинг- ҳали у ўттиз ёш жувон-

Кучоги йиги ва нурга тўлади.

Момо, шу чақалок-шу бир парча жон,

Қирқ бешда Берлинга бориб ўлади. (У.Азим.)

Келтирилган шеърий парчада момо-сегментланган булак булиб, у ҳакидаги миълумот уни изохлаётган кейинги гапда берилади. Тингловчининг дикқатини кирадиган учун шоир атайлаб гап бошига алоҳида ажратиб чиқаради. Тема сифатида ажратилган сўз гап таркибидағи шу олмоши коррелят бўлиб, уни изохлаб, тўлдириб келган.

Шеърий матнларда қўлланилган сегмент курилмалар куйидаги кўринишларга эга:

1. Сегмент булак бош келишикда булиб, ундан кейин вергул қўйилади, уни изохлаётган коррелят бу олмошидан иборат бўлади:

Хаёт иси келар исмидаң,

Хаётингни кесса-да зиндан.

Мұхаббат, бу күй тұла зиндон,

Атіргулдан қафас дегани. (И.Мирзо)

Келтирилган шеърий парчада сегментланган булак-мұхаббат булиб, шеърнинг кейинги ҳар бир мисраси уни изохлаш учун келтирилади. Сегмент курилмали гапларда сегмент булак шеърда тасвириланаётган асосий фикрни, образни ўзида мужассам этади. Буни келтирилган шеърнинг кейинги бинодларида сегмент булакнинг такрор қўлланилганлигига кўриш мумкин.

У қүёйдір тұта олмассан.

Мұхаббат, бұ кета олмасдан

Жон талаңған нафас дегани.

Субхидамда күйлаган кантар,

Эсда турмас чироғли гаптар.

Мұхаббат, бұ титраган лаблар,

Арз, дегани, араз дегани.

Тарихларни бузған құдрати,

Ёргөлікдан үзған суръати.

Мұхаббат, бұ баҳтнинг сурати,

Баҳтнинг үзи әмас, дегани. (И.Мирзо)

2. Эмоционаллык кучли бұлған ҳолаттарда сегмент бұлакдан кейин ундов белгиси күйилади.

Құрғон! Үзим-құрғон, ҳей, баланд құрғон!

Собит деворларинг нечун толмайды?

Дүшман киролмайды сенга ҳеч қачон,

Аммо дүстларим ҳам кира олмайды. (У. Азим)

Келтирилған шеърий парчада сегмент бұлак сифатида ажратылған сүз құрғон булиб, битта гап таркибида уч марта құлланған: бириңчиси сегмент бұлак, иккінчиси уни изохлаб келаёттган гап таркибидаги кесим, учинчисида сұзловчининг нұтқи қаратылған объект, янын ундалмадыр. Бундай ҳолатда құлланилиши таъкид маъносини кучайтиришга хизмат қылған.

3. Эмоционаллык кучли бұлған ҳолларда сегмент бұлакдан кейин күп нұкта ҳам күйилади. Бундай ҳолларда тингловчининг дікәті маълум бир объектта қаратылади. Сегмент булакка коррелят бұлиб келған олмош бир неча гапда бир неча вазифада келиши мүмкін.

Ибтидоий, үткір коялар...

Бу тоғларнинг осмони мовий,

Бунда ғуллар фаринитасимон,

Бунда хатто тошлар самовий. (Ш.Рахмон)

Келтирилған шеърий бандда сегмент бұлакка коррелят бұлған күрсатыши олмоши бир үринде аникловчи, иккі үринде үрин холи вазифасида келған. Ҳол вазифасида келған коррелят таъкид маъносини яна-да кучлирок ифодаланиши учун хизмат қылған.

Сегмент бұлак тақрор құлланилиши мүмкін. Бундай ҳолаттарда ҳам күп нұктанинг қүйилиши таъкид маъносини кучайтиради. Тингловчи күз үнгіда тасвирланаёттган объектнинг яққол намоён булишига хизмат қылади, оқанға сокинлик бағишлайды.

Дунё...

Дунё...

күп қадим дунё...

на туби бор, на чегараси.

Сомон йули бузилған зиё-

Сайёранинг тиілло зарраси. (Ш.Рахмон)

Сегментация фикрнинг мантиқан ажратилган бўлагининг сон жиҳатидан үйнишигага хизмат қиласди: битта ўрнига иккита мантиқий-мазмуний марказ ташкил қилинади. Сегмент булак биринчи мантиқий-мазмуний марказ бўлса, унинг коррелияти иккинчи марказдир.

Сегмент курилмали ва боғланган гапларнинг сигнификатив ва детотатив итифаси бир хил, прагматик ва структура жиҳатидан фарқ қиласди. Ҳар иккала олда ҳам бир хил ахборот берилади, лекин сегмент курилмали гапларда тендерессивлик, сўзловчининг муносабати ҳам ифодаланади.

Адабиётлар:

1. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. И-Л.Издательство Иностранный литературы.-М.1955.
2. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении М:Учпедгиз,1956.
3. Попов А.С.Сегментация высказывания //Русский язык и советское общество. Морфология и синтаксис современного русского языка. -М.Наука.1968.

Г.Т.ИСКАНДАРОВА (ТошДУТАУ)

ОНТОГЕНЕЗ ЖАРАЁНИДА ЛИСОНИЙ ОНГ ТАВСИФИ ХУСУСИДА

XXI асрга келиб тилшуносликда тилга мулоқот қилиш ва билиш итифаларидан ташқари миллатнинг маданий белгиси сифатида қараш ҳам қиддиқ суръатда ривожлана бошлади. Тил билан маданиятнинг ўзаро шикоқдорлиги муаммосини ҳал этиши борасидаги илк уринишлар Вильгельм фон Гумбольдт асарларида ўз аксини топган эди. Унинг концепциясининг асосий концептлари шундан иборатки, биринчидан, моддий ва маънавий маданият тилда мужассамлашади; иккинчидан, ҳар қандай маданият миллийдир ва унинг миллий тузи тилда ифодаланади; учинчидан, ҳар бир ҳалқ учун хос буладиган ички шакл – “халқ руҳи”, унинг маданиятининг ифода этилиши тилга ҳам хос бўлади; гўртингидан, тил шахс билан унинг атрофидаги оламни боғлаб турувчи бўғин ҳисобланади. Олим тил – бу шунчаки ҳаракат, руҳ ишининг тугалланган, пишовард маҳсули эмас, балки у фаоллик, бунинг устига, руҳнинг узоқ давом ишлайдиган ва яна қайта тақрорланадиган ишидир, деб ҳисоблайди: “Тил – бу инсонлар руҳининг гўёки ташки кўринишидир: ҳалқнинг тили унинг руҳи ва ҳалқнинг руҳи унинг тилидир, бундан ҳам кўпроқ айнан бир хил бўладиган биника нарсани тасаввур қилишимиз қийин” (2. Б. 67).

Замонавий тилшунослик, хусусан, психолингвистикада лисоний онг тушунчаси ижтимоий-маданий жиҳатдан ёндашиб тавсифланади. Чунки инсон лисоний онгининг шаклланишида мулоқот жараёнидинг ўрни катта. Мулоқот фиолияти орқали миллати, ирқи, диний мансублигидан қатъни назар, ҳар бир бона тафаккурида нутқ шакллари муайян жамиятда маълум маданий белгилар поситасида мустажкамланиб боради.

Тилшуносликда лисоний тафаккур инсон онгостида тил тизимини ўзига ўсса инъикос эттириши; тил қонуниятларини ўз ақлий қобилияти даражасида ифодалай олиши; мулоқот жараёнида лисоний воситаларни тұғри танлаш ва құлайлай олиш салоҳиятидир (4. Б. 39). Бошқа фикрга кўра, лисоний онг – бу пүткій фаолиятни бошқариш механизми бўлиб, у тафаккур шаклларининг

мавжудлиги ва тараккий этиши учун бош омил сифатида намоён бўлади (З. Б. 49).

Психолингвистикада лисоний онг тил белгилари билан боғлиқ ижтимоий билимларнинг намоён бўлишида қулланадиган тафаккур тизими мажмуаси деб қаралади (7. Б. 10). А.А. Леонтьев эса бу тушунчани замонавий психологияда “дунё манзараси” ифодасига яқин тушунча деб изохлайди. “Дунё манзараси” инсон руҳиятида предмет маънолари ва у билан bogлиқ когнитив схемалар ҳамда онгли рефлексияга мувофиқ юзага чиқади (6. Б. 188). Шундай экан, лисоний тафаккур тушунчалик маълум маънода инсон руҳияти ва онгости механизмларининг бевосита нутқий фаолият жараёнига таъсири сифатида намоён бўлади. Ички шакл иккиласми чархи номинация ёки алоқалар тизимини (яхлит вазиятни) етказиш мақсадлари учун муҳим бўлган муайян боғланишининг тилда муқим ўрин олишига қаратилган бўлиб, у яна тил эгалари онгидаги бир қатор ассоциатив алоқаларнинг ҳосил бўлишига ёрдам беради. Бундан ташқари, ботиний шакл ифодалайдиган типиклаштирилган вазият ушбу шаклда бундан олдинги аждодларнинг индивидуал онгидаги карор топган, мазкур жамиятнинг тарихий тараккиёти жараёнинда ижтимоий амалиёт томонидан ишлаб чиқилган муайян қадриятили йўналишни ўз ичига олади.

Оламнинг онгдаги мантиқий инъикоси тил ва тафаккур муносабатида мувофиклашиб, фоят турли хилдаги билвосита идрок этиш шаклларига боғлик ҳосилалар мажмуини ўз ичига олади. Масалан, ҳар бир тилдаги фразеологик бирликлар ёки идиомалар ўзига хос бўлиб, у тил эгаларининг фонли билимлари, меҳнат фаолиятининг анъанавий шакллари, умуман этнос турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир. Этник маданият негизига айланадиган ва тилдан ташқари воқеликка кўничиш хусусиятларини олдиндан белгилаб берадиган базавий андазалар, базисли когнитив тузилмалар айнан шу тил бирликлари мазмунини ҳосил қиласди.

Коммуникатив жараёни, яъни мулоқот – шахсга таъсир кўрсатишнинг муҳим воситаларидан бўлиб, инсоннинг теварак-атрофга ва ўз-ўзига бўлган муносабатини намоён қиласди. Шу восита болаларнинг 2 ойлик давридан бошлаб яқин одамини таниб қолишга ва унга нисбатан турли товушлар чиқариб, қаршилашига сабаб бўлади. Демак, айни шу пайтдан боланинг коммуникатив эҳтиёжи ривожлана боради. Бу жараён болада когнитив функцияларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Болада мулоқотнинг фаолиятга айланishi мулоқотга бўлган талабни келтириб чиқаради. Катта ёшли одамларнинг ёрдамисиз, албатта, гўдак буни ёлғиз ўзи амалга ошира олмайди.

Болаларда нутқ маҳсулининг пайдо бўлиши ва шаклланишига асосий омиллардан бири сифатида хотиранинг роли ва ўринини алоҳида эътироф этиш зарур. Хотира – бу биз илгари укиб олган, бошдан кечирган ва бажарган ишларимизни ёдда саклаш ва кейинчалик уларни эслаш ёки хотирлаш жараёнидир (5. Б. 147). Хотиранинг шаклланишида сўз ва унинг маъноларини ёдда саклаб қолишнинг роли ҳакида фикр юритилганда, албатта, болаларнинг образли хотираси ҳакида батафсил тұхталиш мақсадга мувофик бўлади. Катта ёшли инсонларда хотира лисоний-мантиқий тафаккур орқали ҳосил қилинади ва түлдириб борилади. Гўдак эса атроф-муҳитдаги исталган нарса-предметни

шашки белгилари орқали қабул қилишга ва хотирасида мустаҳкамлашга уринади. Шу ўринда айтиш жоизки, гўдак мажозий-моддий фикрлайди. Бунинг неботи сифатида, боланинг тафаккур жараёнини кузатиш мақсадга мувофиқ: кичонки бола ниманидир ўйлар экан, у, албатта, овоз чиқариб гапириб ёки ниҷирлаб ўтирганини кўриш мумкин. 5 ёшгача бўлган болаларда фикрлаш жираёни сўзлар ёки лаб ва тил ҳаракатланиши билан бирга кечиши кўп олимлар томонидан қайд қилинади. Нутқиз фикр мавжуд эмас, дейди педагог ва психолог олим П.П.Блонский (1. Б. 288).

Хар бир кишининг хотираси умумий ривожланиш қонуниятлари ва физиолиги билан бирга ўзининг хусусиятларига ҳам эгадир. Хусусан, гўдак таърак-атрофни ҳар хил усуллар орқали эсида олиб қолади. Хотиранинг кўргазма тасвир типи боланинг илк ривожланиш даврида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда бола ташки кўриниш, ранг, товуш, сурат кабилар орқали бирор ўзни ёки унинг мазмунини яхши эслаб қолади. Маълум даражада ижтимоийлашган ҳамда лугат бойлиги шаклланган болаларда хотиранинг оғзаки мавҳум типига эга бўлган хоссалар, масалан, нутқий таъриф, тушунча, тисиғ орқали хотирини тулдириб ва мустаҳкам бориши кузатилади. Кейинчалик эса болаларда хотиранинг ҳар иккала типи: ҳам кўргазма-тасвир, оғзаки-мавҳум эслаб қолиши қобилияти ривожланади.

Болаларнинг илк нутқ ўзлаштириш даврида хотиранинг қандай таъсирлар ишитасида шаклланиши ҳам аҳамият касб этади. Бунда кўриш, эшлиши, ҳаракат ва аралаш (кўриш-эшлиши, кўриш-ҳаракат, эшлиши-ҳаракат) типлар икратилади. Болаларда хотира қобилияти, аввало, кўриш орқали физиолашибини қайд этиш лозим. Гўдак теварак-атрофда содир бўлаётган ҳодисаларни куз орқали кузатиш натижасида унда борлиқ ҳақида тасаввур қосил бўлади. Кейинги ўринда эшлиши ҳамда ҳаракат орқали муайян нутқий физиолигат амалга оширилади. Шу ўринда аралаш типдаги хотира шаклланиши оғзаки энг фаол тарзда болаларда дунё ҳақидаги тасаввурларнинг лисоний онгда ишқеланишига ёрдам беришини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Хотира типлари боланинг ёши ёки ижтимоий-маданий курсовнинг таъсири натижасида ўзгариб туриши мумкин.

Кичик ёшдаги боланинг хотираси жуда кучли бўлиб, у бир марта курган ёки эшигтан нарсасини узоқ вақтгача унутмайди. Одатда, хотиранинг симарадорлиги боланинг ақлий фаоллигига, яъни унинг маълумотни ишитириш жараёнинда вужудга келадиган масалаларни қандай тушунишига боғлиқ.

Боланинг хотираси ривожланишида нутқий фаолиятнинг қанчалик ишмийатга эга эканлигини текшириш мақсадида кичик ёшли болалар билан министабгача таълим ва тарбия муассасасида эксперимент-тажриба ўтказилди*. Эксперимент-тажрибада 4,5-5 ёшлардаги 8 бола иштирок этди. Улардан ўртгаси қиз бола, турттаси ўғил болалардир.

*Тоинкент шаҳри Олмазор туманинда жойлашган “Камол авлод” номли боғча-мактаб мажмуаси тарбияланувчилари нутқи асосида

Тажрибанинг биринчи турида болаларга турли нарса-буюмлар, асосан, егуликлар (нон, печенье, конфет, олма, кока-кола ичимлiği) ва ййинчоқлар (машина, құғырчок, айикча, копток, пухак) болаларга бирма-бир намойиш этилди ва уларнинг номлари баланд овозда айтиб эшиттирилди. Болалардан шу күрган нарсаларни уларнинг олдидан олиб қўйган ҳолда курсатмай туриб, нималарни кўргани ва эсда колганини айтиб бериш сўралди. Берилган жавоблар бўйича олинган натижаларни таҳлил қилас эканмиз, қиз болаларнинг кўриш орқали эслаб қолиши қобилияти ўғил болаларнига нисбатан кучлироқ эканлиги аниқланди: қизларнинг ҳаммаси курсатилган нарса-предметлар номларини қайта тақорорлаб айтиб беришиди (жами 38та жавоб олинди); ўғил болаларнинг ҳаммаси ҳам кўрган нарсаларини эсда яхши саклаб колмаганини сабаб қилиб кўрсатишиди ва жами 31 та жавоб олинди.

Экспериментнинг иккинчи турида болаларнинг ҳар бирига турли ранг (ок, қора, қизил, яшил, сарик) ва руҳий ҳолат (хурсанд бўлиш, хафа бўлиш, жаҳли чиқиши, аразлаш, ўйлаш) номлари бирма-бир баланд овозда айтиб эшиттирилди. Болалардан шу эшитган ранглари ва руҳий ҳолат номларини тақорорлаб айтиб бериш сўралди. Ушбу тажриба натижаларидан маълум бўладики, ҳар иккала жинс вакиллари ҳам эшитган сўзларини тақороран айтиб беришларида маълум кийинчиликлар юзага келди. Берилган жавобларда айнан ўқиб эшиттирилган ранглардан бошқа ранглар ҳам учрайди. Масалан, ўғил болалар “кўк” рангини араплаштириб айтган бўлсалар, қизларда “иусти”, “ҳаворанг”, “тилларанг” каби жавоблар кузатилди. Яна шуни таъкидлаш керакки, болалар мазкур рангларни айтаётгандаридан шу рангни буюмни (кийимлари, атрофдаги нарса-предметларни) ушлаб ёки ишора қилиш орқали жавоб бердилар. Руҳий ҳолатни ифодаловчи сўзларни ҳам бошқа шундай сўзлар билан алмаштирган ҳолда кулладилар. Натижалар хуносаси сифатида айтиш мумкинки, қиз болалар ҳам, ўғил болалар ҳам факат эшитилган сўзни эслаб қолиб, тақорорлаб айтиб беришлари кийин ва шундай ҳолатда болалар эшитилган сўзларни айнан эслай олмаса, уларга яқин бошқа сўзларни жавоб тариқасида келтиришлари мумкин. Бу, ўз навбатида, болаларнинг кўриш орқали хотираада саклаб қолиши қобилиятининг эшлиши орқали ёдда сақлаш қобилиятига нисбатан илдамроқ ривожланганидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. Блонский П.П. Память и мышление. – М., 2001. – С. 288.
2. Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкоznанию. – М., 1984. – С. 67-68.
3. Дейк Т. А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. М.: Прогресс, 1989. - С. 49.
4. Залевская А.А. Национально-культурная специфика картины мира и различные подходы к ее исследованию // Языковое сознание и образ мира: Сб. ст. / Отв. ред. Н.В. Уфимцева. – М., 2000. - С. 39–54.
5. Игнатьев Е.И., Лукин Н.С., Громов М.Д. Психология. – Тошкент: Ўқитувчи. 1970. – Б. 147.
6. Леонтьев А.А. Язык и речевая деятельность в общей и педагогической психологии: Избранные психологические труды. - М.: Московский психо-социальный институт, 2001. – С. 188.
7. Тарасов Е.Ф. Межкультурное общение – новая онтология анализа языкового сознания // Этнокультурная специфика языкового сознания.- М., 1996. - С. 7-22.

Н.САДИНОВА,

мустақил изланувчи (ЖИДУ)

БАДИЙ МАТНДА КОНТРАСТНИНГ ҚҰЛЛАНИЛИШИ

Үткір Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романыда персонажлар нутқини ишенимді аллаштиришда контраст ҳосил құлувчы воситалар мухим үрин тутады. Романда зид маъно ифодаловчи сұз ва иборалар персонажлар нутқининг үзига чөслиги, аник, таъсирчан, ифодали бұлишини таъминлашга хизмат қылған. Гүлчилар воқеликни, нарса ва ҳодисаларнинг сифат ва хусусиятларидаги фәрқиң күрсатында, бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирлашда – контрастлар ҳосил қилишда антонимлардан фойдаланадилар”(1). Чунки һаџианиш ҳар кандай нарса ва ҳодисанинг ички тараккиёт негизидир. Шундай шаш, даврлар үтиши билан парадигма аъзолари ўргасида микдорий үзгариш рүй бериши мумкин. Айрим аъзолар эскириб, истеммолдан чиқиши, янгиси кириб келиши мумкин. Бу эса тип системасининг очиқ система эканлигини ўрсатади.” (2)

Асар мазмун-моҳиятидан унинг контраст асосида юзага келғанлиги сенінб туради. Үнда иккінчи жаҳон урушининг юртимиз халқлари ҳаётига күчли таъсир күрсатған даври тасвирланған. Асарда иштирок этувчи бир катор персонажлар ижобийлик ва салбийлик нұқтаи назаридан икки гурухга акрилади. Уларнинг үзаро муносабати, хатти-харакатларида намоён бұлувчи аюл ва ҳаром, ҳақ ва ноҳақ, адолат ва залопат каби азалий зиддиятларнинг мазмун-моҳияти, яхшилик ва ёмонлик ўргасидаги курашлар контрастни юзага көлтирувчи воситалар ёрдамида үз бадиий ифодасини топған.

Романда персонажлар нутқида контраст ифодаловчи лексик бирликларни берип орқали уларнинг рухияти, ички кечинмалари очиб берилади. Бу *ган* мүнчимга түсатдан келди. *Раъно янгам-ку, майли...* Ҳар кимнинг гуноҳ-савоби тиши. Урушда юрган тогамда нима гуноҳ! Нима кераги бор маломатта қолдиріб.

Юқорида көлтирилған мисолда гуноҳ ва савоб сұзларини үзаро контраст үзүнни орқали персонажнинг үзини танишириш роли кучайтирилған ва шу орында ифодаланаётган фикрларнинг таъсирчанлиги таъминланған.

Муаллиф садокат ва хиёнат тушунчаларини үзаро зид қўйиш орқали персонажнинг атрофдагиларга муносабати ва воқелик фактларига берган бәхесини ҳам акс эттирган: *Майли, чироқ үчса ўчандир. Закунчи Олимжонни бери сүмон қиласа қилгандир. Алмо ҷала-чулла йигиштирилған тұшак-чи? Ҳонтахтадаги вино шишиаси-чи!* *Раъно янгамнинг довдириб қолғаны, эшикка шілдесінізде «қандай күнларга қолдым» деб ишегләгани-чи!* *Шүрлік тогам!..* Җағын тогам олиб берган күйлакни, зрининг оёгига тиз чўкиб ёлборганида синап күйлагини ҳаром қилишга уялмайдими! Садокат билан хиёнатнинг ораси шунчалик яқинми?

Муаллифнинг романда контраст ҳосил қилишда нафақат лексик бирликлар, балки иборалардан ҳам фойдаланғанлиги кузатилади. Контратнинг бундай ифодаланиши асарда бадиий -эстетик таъсирчанликни кучайтириб, персонаж рухиятида булаётган үзгаришларнинг үкүвчи томонидан тез ва осон широк этилишини таъминлаган. Персонаж коммуникатив максадининг амалга

ошишида контраст ҳосил қилувчи бирликларнинг мухим вазифа бажариши Умар закунчининг ички нуткида яққол кўзга ташланади:

Нари борса эридан уч-тўрт ёш каттадирман. Нима китти? Унгаям яхии, менгаям! Шунақа-ку, дунёда бундан нозик масала йўқ. Агар ўзи жон деб турган бўлса ҳеч кимга чурқ этиб, оғиз очмайди-я! Бордю эшикдан киришим билан дод солиб, оламни бошига кўтарса-чи! Ана, шармандалик! Ҳаммаёқча дўмбира қиласиганлар озми?

Асарда контраст ҳосил қилишда сўзламаслик маъносига эга бўлган “чурк этиб оғиз очмаслик” иборасининг сўзламоқ маъносини билдирувчи “оламни бошига кўтармоқ” иборасига зид қўйилиши ҳамда шу ўринда “дўмбира кимлек” ибораси билан янада кучайтирилиши ҳам бадий тасвирининг ўта жонлилигини таъминлаган. Романда тасвиранг Умар закунчи ўта зиддиятли шахс. Муаллиф унинг тавсифини беришда тўғридан тўғри хикоячилиқдан қочиб, бошка образлар воситасида унинг характерини ёритиб беришда “мехрибон” сўзини “юзидан заҳар томмоқ” иборасига контраст қўйиб тасвирилади. Қизик, бу одамнинг қанақатигини ҳеч билиб бўлмайди. Бир қарасанг юзидан заҳар томоди. Қўйиб берса, ҳаммани қамчи билан савалагудек бўлади. Бир қарасанг — бундан меҳрибон одам йўқ.

Ўткир Ҳошимов романда контраст ҳосил қилишда ирреал лексик бирликлардан ҳам мохирона фойдаланишга интилган. Айниқса, асарда персонажлардан бири — Раъонинг хатти-харакатлари одоб-ахлоқ меъёrlарига мос келмаслиги туфайли илонга қиёсланиши ва унинг ўз наубатида бегунохлик тимсоли бўлган фариштага қаршилантирилиши контрастнинг ўзига хос бадий кўринишини юзага келтирган: *Наҳотки? Шундай кўҳли, шундай доно Раъно келинойим наҳотки илон бўлса? Шумурод тогамни урушга кузатётган куни оиҳона деворининг орқасида уксис-ұксисиб йиглаганини ўзим эшигандим-ку!* Эрининг оёғига тиз чўкиб штижко қылганида оиюқ қўйлаганинг этаги лой булиб кетганини ўзим кўрган эдим-ку! Ўшанда кўзимга оппоқ фаришта бўлиб кўринган Раъно янгам шу эмасмиди! Бугун ҳудди ўша қўйлаганини кийиб олиб, Умар закунчи билан... Фариштанинг илонга айланини шунчалик осон экан-да!

Тилимизда мавхум тушунчаларни ифодаловчи ирреал бирликлар ҳисобланган жаннат ва дўзах сўзлари мавжуд. Романда Умар закунчи тиляда бу сузлар контраст ҳосил қилишдан ташқари унинг Раънога нисбатан субъектив муносабатини ҳам ифодалашга хизмат қилган:

Тоғам, донишманд тоғам бир гапни кўп қайтараради. «Бу дунёнинг жаннати ҳам хотин, дўзахи ҳам. Хотин кишига жисловингни бериб қўйдингми, тамом! Жаннатда юрибман деб, дўзахга тушиб қолганингни ўзинг билмайсан». Тўғри айтган экан. Мана, дўзахга тушибим. Бугун дўзахнинг накд ўзига тушибим-қолдим!

Шуниси характерлики, ирреал лексик бирликлар асарда контраст ҳосил қилишда қатнашар экан, персонажлар хулқ-авторини ифодаловчи воситага айланади. Тилимизда “алвасти” сўзи ҳалқ оғзаки ижоди ва сўзлашув нуткида нутқ қаратилган шахсга муносабат ифодалашда ёмонлик тимсоли сифатида фаол ишлатилади. Асарда бу сўз Умар закунчининг Раънога бўлган муносабатини кўрсатища “хурлиқо” сўзига зид қўйилган. *Илтимос, Раъно!*

Сен боравергин. Бүёгни ўзим тұғрилайман. Ҳавотир олма. Ҳұпми, жоним! «Жоним» эмши! Муроди ҳосил бұлған әркакқа бориб турған хурилиқ алвасты бұлиб күринаади. Қизиги шундаки, согинганингда алвасты тағин үүрлиқога айланади. Яна «жоним» дейсан, «азизим» дейсан. Минг лаңнат бу шынчы дүнега!

Хурлиқо жисмоний ва маънавий камчиликлардан холи бұлған ніхоятда ғүшіл қызы, хүр күринишили, хүр чехра, хүр юзли маъноларини билдиради.(3) Үткір Ҳошимов лексик ва фразеологик бирліктернің зид күйіб, контраст ҳосил күшінде уларнинг нутқнинг турлы күринишиларига қай даражада қосланғанлығы ҳам ҳисобға олған. Тилемиздеги миллий-маънавий қылыштарымыз билан боғлік “жалоп” ва “жаром” тушунчалари асарда контраст ҳосил қилишдан ташқары персонаж хулқ-авторини ахлоқ мөъерлари шосида баҳолаш вазифасини ҳам бажарған:

Тапқарыда кетма-кет чақмок чақар, лампанинг нури яшин ёлқинида шыралашында, үй ичи оттоқ ёришиб кетар, мен бұлсам, ҳамон унинг сарпойчан шынни қүйіб юбормасдым.

Олинг мени, Умар ака, ҳалоғлаб олинг! Ахир яшии күрасиз-ку мени, ўзингиз шынгасиз-ку!

Халол ва ҳаром тушунчалари орасында контраст қүйіндеги күринищда яққол ақс жетан:

Бирор ёқамдан бұғиб олаётгандай, Олимжонни судраб ҳовлиға отилдім. Ұша заҳоти Раъно келинойм ыұлымни тұсады.

Бұны нимаси, озіб-ёзіб бир келганды... Шундоқ ёмғирда қаекқа борасылар! У Олимжоннинг елқасига құл құзған әди, болани силтаб тортдім.

-Тегманг! Нораста болани ҳаром қылманг. Коронеи бұлса ҳам Раъно келинойм бир сесканиб тушганини пайқадам.

Романинг асосий персонажларидан бұлған Раъонининг үз хатти-трактларини таҳлил қилишида бу тушунча маъносига янада аниклик күрителади:

Мен ахмоқ, мен уятсиз нима қилиб қүйдім үзи? Ҳамма құрқадиган, бир кишаңда ҳаммани зир титратыб юборадиган Умар закунчи менга шунчалик шурибонлигини, лозим бұлса, оғемінде тиз چүкіб ялнишишини құриб қүйинглар, демім келдім! Сенлар Закунчини күрганда титрайсан. Закунчи эса менинг шында қалтыраб қолади, демекчи бұлдімми! Билемдім! Балки мен ҳалиям боладырман. Онаси құлғыға урган сайн шириналық баттарроқ шынадиган гұдақдан фарқым ішкідір. Бироқ биламан, бу шириналық ҳаром! Нында заҳар бор! Шунақанги атчық заҳарки, Умар ака билан мени ұлдирса мишло, иккі орада Шомурод аканы ҳам жувонмарг қилаади. Энг аввал энг белгінен өдемни ұлдирауди — Шомурод акамни!

Хулоса қилиш мүмкінкі, Үткір Ҳошимов “Иккі эшик ораси” романында күләмнілган контраст ҳосил кипувлі бирліктер асар тилининг эстетик тиисирчанлыгын таъминлашынан хизмат қылған.

Адабиётлар:

1 Шомақсұдов А., Расулов И., Құнғуров Р., Рустамов Х. Узбек тили стилистикасы. - Ташкент: Ўқитувчы, 1983. -248 б.

2. Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшуннослик назарияси. - Тошкент, 2008. -Б.36.
3. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. - Тошкент: Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси. I жилд, 2008. -571 б.

Т.ВАЛИЕВ,

мустақил изланувчи (Қарши ДУ)

АВТОЙЎЛСОЗЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ТИЛ ЛЕКСИК СИСТЕМАСИДА ТУТГАН ЎРНИ

Борлиқ ҳодисаларининг онгдаги маҳсус ифодавий шаклга кириши ва турғуналашуви терминларни вужудга келтиради [1; 2; 4; 6; 5]. “Термин касбий маъно билдирувчи, касбий тушунчани ифодаловчи ва шакллантирувчи айрим обьектлар ва улар ўртасидаги алоқаларни муайян касблар нуқтаи назаридан билиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида ишлатиладиган сўз ёхуд бирикмадир” [5]. Терминологик адабиётларда таъкидланганидек:

“1) *термин* – умумадабий тилнинг маҳсус вазифа бажарувчи бир тури бўлган ишлаб чиқариш, фан ва техника тилига мансуб лисоний бирлик, сўз ёки бирикмадир;

2) *термин* – аниқ нарса-предмет, ашё, мавҳум тушунчаларнинг маҳсуслаштирилган номидир;

3) *термин* учун муайян таъриф (дефиниция) зарурки, унинг ёрдамида тегишли тушунча мазмунини аниқрок ифодалаш, тушунчадан бирини иккинчисидан чегаралаб ажратиш имконини берувчи, айни маҳалда маълум тушунчани муайян таснифий қаторга жойлаштиришга йўл қувочи, фарқловчи белгиларини равшанрок кўрсатиши мумкин. Тил терминологик системалари бирликлари умумий хусусиятларга эга бўлиши билан бирга, соҳавий хосланганлиги билан ҳам характерланади. Айниқса, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий-сиёсий, табиий, аниқ фанлар ва техник-технологик соҳаларда кўлланувчи терминлар алоҳида белгилари билан ажралиб туради. Биз буни автомобиль йўллари ёки автомобильсозлик соҳасида кузатамиз.

Автойўлсозлик терминлари тизими автомобиль мазмуний майдонининг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади. Улар ўзбек тилининг маҳсус соҳа лексик тизими таркибига кириши билан характерланади. Автойўлсозлик терминларининг барчаси учун “автомобиль йўлига хос” интеграл семаси бирлаштирувчи унсур вазифасини ўтайди. Масалан, қуйидаги мисолларда сўзларнинг барчаси учун “автомобиль йўлига хос” денотатив семаси архисема мақомидадир:

автомагистраль – автомобильлар тез ҳаракатланадиган, кўп сонли автотранспортга мўлжалланган, қарама-қарши ҳаракат қаторлари ўртасига чегара қўйилган ва бошқа йўллар билан бевосита кесишибайдиган узок масофали кенг йўл.

автойўлсоз – автомобиль йўли қурилиш ишлари билан шуғулланувчи шахс, мутахассис.

пой-автомобиль йўлининг тўшама тагидаги табиий тупроқ кисми.

Автойўлсозлик терминлари бевосита автойўл тизимиға хос бўлиши ҳам, бинса гизимдан автойўлсозлик лексемалари тизимиға ўзлашган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, куйидаги терминлар факат автойўлсозлик тизимида ишлатилади: *тупроқ автомобиль йўли, тошиб автомобиль йўли, асфальт-бетон автомобиль йўли, цемент-бетон автомобиль йўли, халқаро автомобиль йўли, шинадалий йўл, битумланган шебенъ, корхона ихтиёридаги автомобиль йўли, инжинерийский автомобиль йўли, ёрдамчи автомобиль йўли, иккинчи даражали автомобиль йўли, асосий автомобиль йўли, халқави автомобиль йўли, кўп қонкорни автомобиль йўли, йўл қоши, йўл киргоги кабилар шулар фумласидандир.*

Автойўлсозлик терминлари тизимида шундай бирликлар борки, улар бинса соҳаларда ҳам кенг қулланилади, лекин автойўлсозлик соҳасида “автомобил йўлига хос” умумий бирлаштирувчи семаси билан характерланади. Мисалан, улар сирасига йўл курилишида ишлатиладиган анорганик моддаларни қартиши мумкин: *тоз жинслари, базальтлар, бренчлар, брускчатка, висевки, абюро, гипс, шагал, шагал аралашмаси, активатор (кимёвий реакцияни ишлаттирувчи ва ферментларнинг таъсирини кучайтирувчи модда), матенгаал boglovchilar, органик минерал boglovchilar, глинит-цемент ти тупроқ, мойли гилли тупроқли цемент), присадки (қўшимчалар), оҳак кукуни, пушонка (сундирилган оҳак кукуни), туйшган карбонат оҳаги, кипелка (сундирилмаган оҳак (қайнатма)), хлорли кальций, синтетик каучук.*

Тил умумистеъмол лексикасида мавжуд бўлиб, автойўлсозлик соҳасида “автомобил йўлига хос” терминологик семасига эга бўлган ва маҳсус терминологик луғатларда ушбу семасига ургу берилган ҳолда тавсифланадиган ишлаттирилган сўзлар ҳам талайгина. Улардан айрим мисоллар келтирамиз: *тук, тупоқ, тошиб, сув, намгарчилик, сизот, куприк, қувур, гипс, дарё, ариқ, чишқ, мой, лой* каби бирликлар шулар жумласидандир. Масалан, “Узбек тилининг изоҳли луғати”¹да *тошиб* умумистеъмол лексик бирлик сифатида қўйилдигича изоҳланади:

ТОШ I. 1 Яхлит масса ёки бўлак-бўлак ҳолда учрайдиган, сув корнивчидиган, каттиқ, мурт тоғ жинсларининг умумий номи.

2 Шундай тоғ жинсларининг зийнат буюмлари ясаш ёки уларни безатиш учун ишлатиладиган навларининг умумий номи.

3 Баъзи сўзлар билан қўлланиб, шу сўзлар англатган нарсанинг тошиб каби ошишувчи (отилувчи) нарса сифатида билдиради.

4 *кучка* Жуда каттиқ; тошдек (каттиқ).

5 Нарсаларнинг вазнини ўлчаш, тортиш учун белгиланган, турли шаклни оғирлиқдаги юқ, қадоқ тошиб.

6 Оғирлик, вазн.

7 *този* Касаллик туфайли баъзи аъзоларда юзага келадиган қаттиқ модда. *този. Тонни оғидирмоқ*

8 Тошиб (эрраклар ва хотин-қизлар исми) [8, б. 159].

Куринадики, автойўлсозлик терминлари тизимида берилиши мумкин мушта маъно – семемалардан бирортаси бу ерда қайд этилмаган. Зоро, луғат

оммабоп бўлганлиги сабабли ундаги ҳар бир лугат мақоласидан терминологик маънони қидириш маъкул эмас, албатта.

Тои сўзи автойўлсозлик терминлари тизимида ўзининг кенг қамровли ва кўп қўлланувчан эканлиги билан характерланади. Масалан, автойўлсозлик терминлари тизимида тошнинг турларини ифодаловчи катор терминлар бор: *шагал*, *шебенъ*, *грави*, *чақилган тош* каби. Уларнинг ҳар бири ушбу тизимда “автойўлга хос” умумий семасига эга. Шу боисдан *тош* лексемаси ҳам мазкур тизимда уларнинг маъноларини умумлаштирувчи, бирлаштирувчи доминанта лексема сифатида намоён булади ва унинг семантик структурасида ҳам ушбу ҳолат рўй-рост намоён булади:

тош – автомобиль йўли курилишида ер пойи устига тўшаладиган, каттиқ тоф жинси.

Термин-лексеманинг бу маъноси *тош* полисемантик лексемасининг биринчи маъносидан ўсиб чиқсан ҳосила семема, яъни терминологик семемадир. Терминологик маъно денотатнинг автойўлсозлик соҳасида бажарадиган вазифасига урғу бериш асосида шакллантирилган ва умуистеъмол *тош* лексемасидаги биринчи семема ушбу семантик структурада оддий бир сема даражасига тушган, семема сема даражасида торайган.

Аvtойўлсозлик терминлари семантик структурасида “автомобиль йўлига хос” семаси етакчи ҳам, иккинчи даражали ҳам, чекка даражали ҳам бўлиши мумкин.

Айтилганлардан маълум бўладики, автойўлсозлик терминлари тил лексик системасида ўзига хос үринга эгалиги билан характерланади. Шунингдек, *йўл* ва *автойўл* лексемалари ўзаро умумийлик-хусусийлик, тур-жинс муносабатида бўлганлиги сабабли, бунда *йўл* лексемаси кенг қамровли бўлганлиги, *йўлнинг курилиш иншооти* сифатида жамият ҳаётида катта аҳамиятга эгалиги, ижтимоий ҳаётнинг бирор соҳасини, кишилик фаолиятининг бирор киррасини усиз тасаввур килиб бўлмаганлиги сабабли автойўлсозлик соҳасида қўлланадиган терминларни кўп ҳолларда бошқа соҳавий лексика, шунингдек, умуистеъмол бирликлардан қатъий чегаралаш кийин масала ҳисобланади. Бу эса мазкур тизимда ҳам қўлланиладиган умуистеъмол ва бошқа соҳавий терминларни автойўлсозлик терминлари сифатида талқин қилиш ва лексикографик тавсифини беришда чукур лингвистик билим билан бир қаторда, автойўлсозлик соҳасига доир билим эгаси ҳам бўлиши лозимлигини тақозо қиласди.

Адабиётлар:

1. Агадова Г. Н. Английская химическая терминология как совокупность трех семиотических систем. Дис. ... канд. филол. наук. - М., 1976.
2. Дегтярева И. А. Исследование современного содержания и развития терминов литературоведения. Дис. ... канд. филол. наук. - М., 2002.
3. Дорожная терминология. 1985. «Транспорт» справочник под редакцией М.И. Вейцмана.
4. Кожанова Е. А. Лингвистические особенности терминологии нетрадиционной медицины английского языка. Дис. ... канд. филол. наук. -М., 2001.
5. Кўчимов Ш. Дипломатик тил асослари: Маъзуза матни. 2-маъзуза.

- 6 Могченко И. В. Основные тенденции в формировании английской медицинской терминологии. Дис. ... канд. филол. наук. - М., 2001.
- 7 Справочник дорожных терминов. - Москва: Экономико-консультационный центр ИКОНР, 2005.
- 8 Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдлик. IV жилд. - Т.: ЎзМЭ, 2008.
- 9 Ўзбекистон Миллый энциклопедияси. 1-том. - Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2000.

**Ф.МУСАЕВА, илмий ходим
(Тошдўтау)**

ЖИНС МАЪНОСИНИ ИФОДАЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ

Тил, унда кечадиган турли-туман жараёнлар тилшуносларни азалдан кигижириб келган. Тилга оид дастлабки қарашлар қадимги юнонлар, римликлар, хитойликлар, араблар, туркйлар ва бошқа халқларда шаклланган. Гин доим тадқиқчиларнинг ўрганиш объекти булиши билан баробарида, унга бўлган ёндашувлар узгариб бораверган. Бу ҳол илмий парадигмалар ашманинишида ҳам кўзга ташланади. Тилларни ўзаро қиёслаб, улардаги фарқли иш умумий жиҳатларни ёритиб беришга қаратилган қиёсий-тариҳий инрадигмада асосий лингвистик хулосалар қиёс орқали олинган. Узоқ вакт мобайнида тилшунослар қиёсий-тариҳий парадигма асосида иш курдилар, “бобо тил” назарияси ҳам айнан тилларни ўзаро қиёслаш орқали яратилган. Айнқ фанлардаги ривожланиши ва синергетика назариясининг яратилиши сўзсиз гуманитар фанлар, жумладан тишшуносликка ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади ва натижада янги – систем қараш шаклланди. Янги парадигмага кура тил яхлит тизимдан иборат бўлиб, уни ташкил этувчи барча бирликлар ўзаро боғликларда ва ўзаро таъсирида ривожланади. Систем тилшуносликда ҳар бир инсоний бирлик уни ташкил этувчи кисмларга ажратиб ўрганилди; ҳудди физикада зарралар ядро, протон, нейтрон каби элементлардан ташкил топган бўлса, ҳар бир сатҳ бирлиги ҳам уни ташкил этувчи (морфема, семема, фонема каби) элементлардан иборат эканлиги таъкидланди. Қиёсий-тариҳий парадигма ўрнига келган систем тилшунослик XX аср адогида антропоцентрик парадигмага буштаб берди. Шаклланган янги парадигмага кура тил ривожланишининг марказида инсон туради – барча ўзгариш ва янгиланишлар инсон учун ва инсон гаъсиридадир. Систем тилшуносликнинг тил ўз-ўзини ташкил этади ва ўзича ривожланади деган гоясига қарши бўлган мазкур қараш кейинги пайтларда барча тиллар тилшунослигига жадал суръатлар билан ривожланаб бормоқда. Айниқса, унинг лингвокультурология соҳасига эътибор унгача. Лингвокультурологиянинг шаклланиши ва ривожланишида XX аср ўрталаридан бошлаб дунё ҳаритасида рўй бера бошлаган кескин ўтиришларнинг роли катта дейиш муумкин. Гегемон давлат қарамлигига бўлган аксарият давлатлар мустақилликка эришиб, ўз иқтисодий йўлига чиқиб олдилар. Мана шундай шароитда миллый ўзликни англаш, асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларга эътибор кучайди. Тилнинг бевосита маданияти, ҳалқ тарихи унинг этнографияси билан боғликлиги ҳакидаги қарашлар ривожлантирилди.

Албатта тилнинг маданият билан боғликлиги ҳакидаги қарашлар бугун пайдо бўлгани йўқ. Немис олими В.фон Гумбольдт ўз асарларида тил ва тафаккур, тил ва маданият яхлитлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, тил астасекин соддадан мураккабга қараб ривожаландиган тизим бўлмай, инсонда азалдан мавжуд яхлит ва мураккаб тизим сифатида бирданига пайдо бўлади. Олимнингэтироф этишича, фикрлаш бевосита тилга боғлик булиб, тил ташки олам билан тафаккурни боғловчи оралиқ дунёдир. У дунёда нечта тил бўлса, шунча дунёқараш бор деб таъкидлайди [1].

Биз оламни тил орқали қабул қиласиз. Тафаккуримизда оламнинг яхлит маназараси шаклланишида тил курол эканлиги шубҳасиз. Австралия тарихига оид машхур “Австралия” фильмида бош қаҳрамонлардан бири Дровер ёш дурагай (метис) болага унга ҳомийлик қилган инглиз аристократ аёли Сара Эшлининг вафот этганигини тушунтириш учун болакайнинг миллий тафаккурига мос равища: “Энди унинг исмини айтиб бўлмайди” – дейди. Чунки, Австралия аборигенлари тилида вафот этган одамнинг номини кайта тилга олиш мумкин эмас, ва табиийки, улар ўлимни “исмни қайта айтмаслик” деб тушундилар. Ёки, яна бир мисол. Хоразмда келин узатилаётганда куёв хонадонига маҳсида боради ва шу боис Хоразм шеваси вакиллари турмушга чикишни “маҳси кийиш” ибораси билан номлайдилар [2, б. 54].

Ўзбек тилидаги “аёл” ва “эркак” концептларининг шаклланишида ҳам айтиш мумкинки, асрлар давомида шаклланиб борган миллий қадриятлар, миллий қарашларнинг акс-садоси бор. Ўзбек ҳалқида “аёл” ҳамиша она тимсолида идрок этилади. Шу боис аёл қадимдан ўзбекларда “бешик”, “беланчак” каби тил реалиялари билан ассоциация қилинган. Бу ҳолат ўзбек тилининг энг қадимги луғатларидан бири бўлмиш Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ўз ифодасини топган. Масалан, луғатда фарзанди бор, эмизикли аёл маъносида *бэшикlig урагут* сўзи қайд этилган. Ундан ташқари ўзбеклар фарзанд туғилганда киз ёки ўғил туғилганлигини билиш учун “үтилми, ҳолвами?” деб сурайдилар. Нега қиз бола айнан ҳолва билан ассоциация қилинади? Аёл доим ширин, тотли нарсаларга ўҳшатилганлиги боисми? Йўқ, аслида бундай номлаш ўзбекларнинг миллий урф-одатлари билан боғлик. Маълумки, ўзбекларда киз унаштирилганда куёв томон келин томонга ҳолва юборади. Киз улғайиб, унга ҳам ҳолва жунатилсин деган маънода ўзбеклар киз чақалоқни “ҳолва” деб номлайдилар [5, б. 550]. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам келин, ҳам куёв маъносида ишлатиладиган “қаллик” сўзи этимологияси ҳам ўзбекларнинг қадимги урф-одатлари билан боғлик. Сўз этимологиясига назар ташласак, мазкур сўз ясама эканлиги ва узак “қалин” ва қўшимча “-лик” дан ясалганлиги аёнлашади. Яъни “қаллик” сўзи этимологик жиҳатдан “қалини тўланган” деган маънени англатади. Ўзбекларнинг қадимги урф-одатларига кўра куёв томон келин томонга маълум миқдорда пул – “қалин” тўлаган. Шунинг учун унаштирилган киз “қалинлик” (қалин пули тўланган) сўз билан юритилган. Сўз маъно тараққиёти натижасида узак ва аффикс ўртасидаги чегара йўқолиб, у яхлит сўзга айланниб кетди. Ҳозирда “қаллик” сўзи ясама сўз сифатида талқин қилинмайди.

Ўзбекларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолатлар ишлаптит “аёл” концептини ифодалашда, балки “эркак” маъносини ифодаловчи тартифларда ҳам ўз ифодасини топган. Маълумки, ўзбекларда ўғил фарзанд оила тартифи ҳисобланади. Миллий урф-одатларимизга кўра, катта ўғил оила куриб, оила ўйидан алохида яшаса, кенжা фарзанд ота ўйида қолиб, кексайган ота-онага тартифи ҳисобланади. Шу боис, ота-она ўғилни тартифларда ҳисобланади. Миллий урф-одатларимизга кўра, катта ўғил оила куриб, оила ўйидан алохида яшаса, кенжা фарзанд ота ўйида қолиб, кексайган ота-онага тартифи ҳисобланади. Шу боис, ота-она ўғилни тартифларда ҳисобланади. Чинор сўзининг метафорик “ўғил фарзанд” маъноси [4, б. 489] ҳам айнан шу одат билан боғлиқ дейишимиш мумкини.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тилни ўрганишда антропоцентрик тартифлар тил жамоасининг оламни қай тарзда идрок этаётганлигини янада чукурроқ англаш, оламга уларнинг нигоҳи билан боқиши имконини беради. Н. Махмудов таъкидлаганидек: “Оламнинг лисоний манзараси тегишли тил жамоаси онгига тарихан шаклланган ва унинг тилида барқарорлашган дунё тартифидаги тасаввурлар, дунёни англаш ва бўлаклаш усусларининг жами булиб, у тартиф тил соҳибларининг барчаси учун одатий, табиий ва мажбурийдир. Айни шу одатийлик, табиийлик ва мажбурийлик олам лисоний манзарасининг бирданомлигини, тарихий даврлароро тил жамоасида (кавм, халқда) тириклиги ва порисийлигини, авлоддан авлодга ўтиб келаверишини таъминлайди [3, б. 6-11].

Адабиётлар:

- 1 <https://sites.google.com>
2. Норбаева Ш. Хоразм шеваларидағи соғавий лексика. – Тошкент, 2014.
3. Махмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлантисиши // Ўзбек тили ва мактуботи. №3. – Б.З-12-бетлар.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008.

Д.ТУРАЕВА (ТошДУТАУ) ТОПИШМОҚ - ШЕЪРЛАРНИНГ БОЛАЛАР ЛЕКСИКОНИГА БЎЛГАН ТАЪСИРИ

Умумадабиётимиз ўз хазинасини халқ оғзаки ижоди намуналари таъсирида яратилган асарлар билан кундан-кунга бойитиб боргани сингари, унинг ажралмас қисми бўлган болалар адабиёти ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбек болалар адабиёти ривожида эртаклар, мақоллар, топишмоқлар билан бир ўтторда ўйин-қўшиқларнинг ҳам аҳамияти бенихоя самаралидир. Ёш китобхон ўтрак, мақол, топишмоқлар таъсирида ўз дунёқарashi, тафаккури, билим цопрасини шакллантиради, ота-боболаримиздан мерос қолган ўйинлар билан танишади, ўйин жараёнида ҳам маънавий, ҳам жисмоний озуқадан баҳраманд бўлади, энг асосийси уларни ёдлаш натижасида боланинг нутқи, сўз бойлиги таъса бойиб боради.

Болалар адабиётининг ривожланишида ёш китобхон онгига таъсир ўтказиши, унинг дунёқарашини бойитиш, илм-маърифатга ундаш вазифалари устувор бўлар экан, болалар шоирлари бу йўлда ҳормай-толмай изланишда цивом этганлар. Шундай изланишлар самараси бўлган топишмоқ шеър жанри ҳам кичик ёшдаги болалар онгига, хотирасига самарали таъсир этувчи жанрdir.

Топишмоклар халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган жанри булиб, «топишмок ёки чистонда маълум бир ҳодиса ё нарсанинг белгиси, сифати ва хусусияти атайин очик эмас, балки рамз ва ишора билан айтилади. Тингловчи (ёки китобхон) уша рамз ва ишора асосида топишмокда яширинган ҳодиса ва предметни топади. ... Топишмок, одатда болаларга аталган бўлади. У болаларни ҳаёт ҳодисалари ва предметни яхши кузатишга ўргатади, уларнинг хотирасини мустаҳкамлайди, хаёлини кенгайтиради» [8,225]. Демак, болаларга мулжалланган жанрлардан ҳисобланмиш топишмоклар ёш болаларда фикрлаш, топкирлик, ҳозиржавоблик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилиши баробарида улар нутқининг ривожлаши, предметларни энг характерли хусусиятига кўра бир-биридан ажратишга ўргатиши нуқтаи назаридан ўзига хос маърифий-тъалимий аҳамият ҳам касб этади. Айнан шу сабабли топишмок жанри болалар шеъриятида ҳам ўзининг мустаҳкам ўрнини топди. Fafur Ғуломнинг мевалар ҳақидаги «Буни топинг, қизларим» топишмок-шеъри фикримиз далилидир:

- Тұни силлиқ, туки йүқ,
Ҳаммаси түқ, пүкі йүқ.
Ичи қизил, күкі йүқ,
Уни чүқолмас чұмчук,
Бу нима, қизим Кундуз?
- Буми, дадавой? Тарвуз.

- Малла түкли, сап-
сарық,
Мураббоси мазалик.
Паловга босса бўлар,
Подвалга осса бўлар.
Тишлаб кўриб айт,
Мехри?
- Буми, дадавой? Беҳи.

- Маржон-маржон юмалоқ,
Япроқлари шапалоқ,
Қора, қизил, сарық, оқ,
Еб кўрмасдан ўйлаб боқ.
Сен айт, Мамлакат қизим?
- Буми, дадавой? Узум.

- Майда ёқутдай қизил,
Ширин, нордон, хилма-хил,
Қалин, тахир пўсти бор,
Ҳамма ерда дўсти бор.
Сен айт-чи, қизим Гулнор?
- Буми, дадавой? Анор [7,57].

Жавобида тарвуз, узум, беҳи ва анор кўзда тутилган бу топишмок-шеърда шоир, даставвал, ҳар бир сабзавот ва меванинг ташки бош хусусиятларини ёш боланинг фикрлаш даражасидан келиб чиққан ҳолда яратса олганлиги диккатга сазовор. Чунончи, тарвузнинг ташки кўринишида тўнининг силлиқлиги, туксизлиги, пўсти қалинлиги сингари белгилар асосий ўрин тутса, ичи қизиллиги навбатдаги белгисидир. Халқ оғзаки ижодидаги тарвузга бағишиланган топишмок - «Хўппа семиз, бир туки йўқ»дан шоир биргина туки йўқлик белгисини олган булса-да, аслида, шунинг ўзиёқ жавобни топишни осонлаштиради. Ҳар бир топишмок-тўртлик охиридаги топишмок айтилаётган бола номининг номи топилиши суралаётган мевага қофиядошлиги, бир жиҳатдан, шеър бадииятини таъминлашга хизмат қиласа, иккинчидан, жавоб топилишини осонлаштиради, ҳатто мева номи ўрнига уч нуқта кўйилганида ҳам жавоб осонгина топилиши мумкин эди [6,23].

Кулрат Ҳикматнинг “Бу қайси фасл?” шеъри ҳам топишмок-шевр жанрига ишсуб бўлиб, юкоридаги шеърда F.Ғулом мевалар номини яширин тарзда писирлаган бўлса, мазкур шеърда юртимизнинг гузал фасллари тарапнум ташди. Шеърнинг хар банди бир фаслга бағишлиланган бўлиб, фаслларнинг ташни хос зийнати, хислати шоир томонидан маҳорат билан тасвириланганки, шеъри ўқиган китобхон куз олдида йил фасллари навбатма-навбат намоён бўлинеради:

*Яшнар кўк майса, / Эҳ, қандай маза!
Кўкда кун кулар, / Ўриклар гуллар.
Колхозчи дехқон / Экар чигит, дон.
Қувнай-қувнай юрт / Боқар пила қурт.
Қуши учар тир-тир, / Гоҳ қуяр ёмғир.
Билсанг, айт, Сайд, / Бу қайси пайт? [2,20].*

Геранроқ назар ташланса, ушбу шеър китобхон зехнини чархлади, чунки шоир фаслларнинг барча хусусиятларини тасвирилаб туриб, китобхондан таърифланган фасл қайси эканлигини сўрайди. Ушбу усул стилистик угулардан бири бўлиб, аслида риторик сўрок, яъни поэтик нутқда инфоданланган фикрни сўрок шаклида тасдиқлашдан иборатдир (чунки таърифлар қайси фаслга тегишли эканлиги шеърнинг ўзида якъол акс этган). Шеър жонлантириш ва уҳшатиш усуллари билан бойитилганлиги билан ҳам ўнга хосдир. Ушбу фикр далилини шоирнинг қуёш чараклашини - *кукнинг күннинга*, пахта уюмларини - *тозга*, барглари турфа рангга кирган тол ширхтини - *атлас кийган қизга*, ёғаётган қор кўринишини - *тангага*, унинг помпоклиги эса барра *утга* менгзалишида ҳамда тарвузларнинг «мени уз» деб помпантарилишиларида куриш мумкин, бундан ташқари шеърда китобхон сўз таълигини оширишга хизмат қиласиган яна бир жихаг мавжуд, у муташобих, яъни синоним сўзларнинг ишлатилиши бўлиб, қуёши - кун, пахта - гўза, вақт - пайт, кўк (осмон) - кўк (ранг) каби мисоллар шоирнинг бадиий сўз куллаш мөнкоратидан далолатдир. Мехнаткаш ўзбек халқи қишки тайёргарликка баҳордан киришади. Баҳорда колхозчи дехқон чигит, дон экиб, уларни ширваришилаб, куз дастурхонининг тўкин-сочин бўлишини таъминлайди. Олтин кути эса баҳор, ёз меҳнатларининг натижаси бўлмиш йигим-терим палласидир. Шу боисдан ҳам куз фаслининг жозибали тасвириланиши ўкувчига узгача завқ билашлади:

*Ишлар тегирмон, / Пахта тоз хирмон.
Пишиб нок, беҳи, / Дарз кетар зеҳи.
Бўрдоқи қўйлар / Кўрани ўйлар.
Йигилар карам, / Пичанлар гарам.
Атлас кияр тол, / Кутти тўла бол.
Кишимишлар маржон; / Бу булар қачон?*

Тинмай ишлаетган тегирмонлар, есанг шираси тилни ёрадиган меналарнинг гарқ пишиб, зехидан дарз кетиши, сабзавотлар йигим-терими, ширхтларнинг яшил, кизғиши, сарик рангли барглари атласдай товланиши,

тинмай меҳнат килган асаларилар ҳам ўз тухфалари бўлмиш болни кутига тўлдириб беришлари, кишишиларнинг маржонга ухшаб тизилиб туришлари болажонларга куз фаслининг гўзалликларини яширин тасвирлаб беради ва бу ходисаларнинг қачон булишини шоир савол тарзида колдиради. Ушбу топишмоқ шеърда Қ.Ҳикматнинг поэтик маҳоратини курсатадиган мухим жиҳат унинг қофия учун сўз танлаш маҳоратида намоён бўлади. Зеро, турт товуш такрорига асосланган «гарам», бир томондан, «қарам»га тўлиқ (тўқ) қофия бўлса, ҳалқ тилидаги «куюм, тўп» сўзларининг ўрнига уларнинг синоними бўлган «гарам» сўзининг қўлланилиши ҳам шеър бадиийлигини, ҳам китобхон сўз бойлигини оширишга хизмат қиласди. Кейинги мисрадаги «тол-бол» сўзлари ҳам шулар жумласидандир, «асал» сўзининг синоними бўлган «бол» сўзининг қўлланилиши шеърнинг чақмоқдек қофиясига сабаб бўлганки, аслида Қ.Ҳикмат ижодининг ўзига хослиги ҳам айнан шу жиҳатларда намоён бўлади.

Дала қирга оппоқ қорнинг танга сингари ёғиши, баҳору езда үйнаб-үйнаб оккан шўх анҳорнинг музлаши, кенг тепаликнинг баҳорги юмшоқ, барра ўтлар ўрнига оппоқ қор билан бурканиши қишининг келишидан нишонадир. Гўдакларнинг шўх-шодон кулгу остида чана учишлари, болажонларнинг хурсандчиликларини янада оширадиган арчанинг “”мехмон тўла уй”да тўй бошлиши, янги йил кириб келиши қайси фаслга тўғри келишини китобхон бундай тасвирлардан сунг тополмай иложи йўқ:

Гўдаклар яна, / Тортисиар чана.

Меҳмон тўла уй, / Арча бошилар тўй,

Устларда пустин; / Бу қай вақт дустим?

Бу билан шоир она Ватаннинг қаҳратон қишидан ҳам, гулларга бурканган баҳоридан ҳам, жазирама ёзи ва тукин-сочин кузидан ҳам бирдай гўзаллик излайди ва кашф қиласди. Бу гўзаллик ҳаётга эндиғина қадам қўяётган мурғак қалб соҳибу-соҳибаларига ёргулик, шуъла олиб кириши билан бирга унга нисбатан бўлган меҳни ҳам кучайтириши билан аҳамият касб этади. Зеро, “бала гўзалликни ҳис қилиш туйғусига тўғридан-тўғри берилади: кулгули китобни ўқиса кулади, ғамгин китобни ўқиганда эса йиглайди. Мана шу мусаффо туйгуни ўзида бир умрга саклаб қололган одам чинакам баҳтиёр инсондир” [5,33].

Бу икки шеърнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари қўйидагиларда намоён бўлади: а) икки шеърда ҳам Она табиатимиз акс эттирилган (бирида табиатнинг гўзал манзараси бўлса, иккincinnисида табиат инъомлари бўлмиш мевалар); б) ҳар икки шеър ҳам маснавий шеърий шаклда битилган; в) ҳар бир банднинг сунгги мисраси таърифланган предметнинг нима эканлигини сўраш билан якунланган (F.Ғуломнинг «Буни топинг қизларим» шеърида саволнинг жавоби ҳам келтирилган); г) иккала шеър ҳам сифатлаш ва ўхшатишларга бой. Шунингдек, ҳар иккала шеърда ҳар бир банддаги алоҳида чизгилар ўзаро умумлашиб, умумий бир манзарани яратиб бериши Құдрат Ҳикматнинг “Оқ теракми - қўқ терак”, “Бу қайси фасл?” шеърлари F.Ғуломнинг «Оқ теракми - қўқ терак» ва “Буни топинг қизларим” шеърларидан таъсирланган ҳолда яратилганини яққол кўрсатиб турибди.

Адабиётшунос олимларимиз “Бадиий асарнинг ҳақиқий баҳоси бир неча йишидан сўнг берилади” дейдилар. Чунки, ҳар бир ижодкор ўз асарида ўзи келиб келаётган давр қиёфасини ўз нуқтаи назаридан келиб чиқкан ҳолда интифлашга ҳаракат килади. Юкоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, шуни таъсидаш лозимки, болалар адабиётининг энг асосий хусусиятлари булган билийлик, маърифийлик ва тарбиявийликни ўзида мужассамлаштира олган, имонисозликтан йироқ бўлган бу асарлар бир неча даврлар оша, аждоддан шуодига ўтиб ёш китобхон қалбини забт этиб келмоқда. Зеро, болалар адабиётининг асосчиларидан хисобланмиш Абдулла Авлоний таъкидлаганидек: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини курсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқатмақдур” Ўзунги фан-техника тараккиёти жадаллашиб, болаларнинг тили чиқмай туриб компютер ва телефонларни ўзлаштираётган бир замонда юкоридаги майдашнинг қадр-қимматини янада асраш ва ошириш, уларни келажак аниподимизга тұла-тұқислигича етказишимиш лозим.

Адабиётлар:

1. Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. - Тошкент: Ўқитувчи, 1985. - 250 б.
2. Ҳикмат Кудрат. Менинг юрагим. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. - 176 б.
3. Баракаев Р. Ҳалқ оғзаки ижоди ва болалар адабиёти. Ўзбек фольклоршунослиги макалалари. З-китоб. - Тошкент: Фан, 2010. - Б.154-164.
4. С.Ирисхужаева. Ўзбек болалар шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари: Филол. филми ном.... диссертацияси. - Тошкент, 1974. - 162 б.
5. Михалков С. Бола бошидан. - Тошкент: Ёп гвардия, 1977. - 200 б.
6. Баракаев Р. Фольклор – Faafur Гулом – болалар шеърияти. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, №3 - 115 б.
7. Гулом Faafur. Фарзаандларимга. - Тошкент: Ёш гвардия, 1983. - 237 б.
8. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари лугати. наутири. - Тошкент: Ўқитувчи, 1970. - 300 б.

Б.ҚУРБОНОВА (ФарДУ доценти) ЎЗБЕК ТИЛИДА “ҮРИН” БЕЛГИСИНИ ИФОДА ЭТУВЧИ ЛИНГВИСТИК БИРЛИКЛАР

Яқин йилларга қадар ўзбек тилшунослигига “үрин” белгисига эга бўлган лингвистик бирликлар тадқиқида ушбу бирликларнинг семасиологик асосига кетти эътибор қаратилган эди. Жумладан, ўзбек тилидаги ясама отларнинг шарниум бир гурухи сифатида “үрин маъносили от лексема ясовчилар” хисобга олиниди ва унинг таркибига **-лок, -қок, -зор, -стон** аффикслари ҳамда **-хона, -хонка** аффиксоидлари киритилади.(1)

Таъзим айлаб турар гүё

Дараҳтлару гулзорлар. (С.Сайид. Сўз йўли.)

“Ўзбек тили морфем лугати” китобида **-даги** қўшма аффикс сифатида ишоҳланади: “-даги – қўшма аффикс (ўрин келишиги курсаткичи –да) от, сифат ша олмошдан сифат ясайди: уй/даги, боғ/даги, узоқ/даги, яқин/даги каби.(1)

Сизнинг ўрнингизда бошқаси бўлса-чи, манавинақанги уй ичига қамалиб шакармасдан, келган куниёқ уйимдаги юмушиларни бажарган бўларди. (1) Ҳайит. Аросатлар ороли.)

Асрор шаҳар марказидаги боққа кириб, чеккароқдаги ўриндиққа ўтириди.
(Т.Малик. Альвидо болалик.)

Шунингдек, грамматик сатҳда от туркумига мансуб бирликларда ўрин келишигининг ифода имкониятлари белгилаб ўтилади.(2) Қ.Мұхаммаджонов эса ўзбек тилидаги ўрин ва чиқиши келишикларининг генезисига доир мақоласида туркий тиллардаги катар илмий тадқиқотларни таҳлил этади, ушбу келишикларнинг келиб чиқиши юзасидан ўз қараашларини билдириб ўтади. (3)

Мен сизнинг уйингизда, одамлар оғир ҳәёт деб атаган мусибатни курганым йўқ. (Р.Тагор. Нур ва соялар.)

Ўша куни мактабдан келгандан Фатикнинг боши оғриб, баданлари уюша бошлиди. (Р.Тагор. Нур ва соялар.)

З.Қодиров ўзининг монографик тадқиқида келишик категориясини система сифатида таҳлил этади.(4) Унда ўрин келишигининг маъно хусусиятларига атрофлича тұхталиб ўтади.

Эртадан кечгача бозорда эшакдай ишилаб пул топаман-у, шу ноинсофга олиб келиб тутқизаман. (О.Ҳайит. Аросатлар ороли.)

Шунингдек, равиши туркумидаги сўзларнинг маъно турларидан бири сифатида ўрин равиши хусусида ҳам адабиётларда турлича фикрлар учрайди.(5) Илмий манбаларда “томон ва замон маъносини билдирган айрим отлар ўрин келишикларининг бирида равишига” айланиши ва уларнинг предмет тушунчасини эмас, балки ўрин, макон, пайт ва ҳолат равишилари маъносини англатиши ҳам айтилади.(6)

Афсуски, ичкарига қадам қўйгач ўйл-йўлакай хаёлимдан ўтган ўйлар сароб эканига амин бўлдим. (О.Ҳайит. Аросатлар ороли.)

Ф.Убаева синтактик сатҳ бирликлари доирасида ҳол позициясидаги бирликларнинг ўрни тадқиқига бағишиланған ишларида ўрин ҳолининг ифодаланиш усуслари, маъно тузилиши борасида фикр юритади.(7)

Оиласда осойиштапалик, ҳәётди фаровонлик, дунёда тинчлик бўлсин. (Н.Эркабоева)

Сўнгги йилларда тил бирликларининг ономасиологик тадқиқига алоҳида аҳамият берила бошланди. Ўрин маъносига эга бўлган турли сатҳларга хос тил бирликларининг таҳлили айрим муаллифларнинг у ёки бу нуктаи назардан зътиборини тортмоқда. Жумладан, И.Кудратова макон муносабатини юзага чиқарувчи айрим воситалар хусусидаги мақоласида ўзбек тилидаги от, сифат туркумига хос бўлган лексемалар ҳамда фразеологизмлар орқали макон маъносининг ифодаланишига доир баъзи қараашларини билдириб ўтган.(8) У “тилда макон категориясининг бундай ўлчамлари (буйи, эни, баландлиги ва миқдорий ўлчамлари – Б.К.), (9) хусусиятларини ифодалашга хизмат киладиган сўзлар, суз бирикмалари ва гап қолиплари мавжуд” эканини таъкидлаб ўтади.

Ўрин, айниқса, юкори сатҳ, бирликларида муайян воситалар ёрдамида ифодаланади, бунда лингвистик воситанинг мазмуний мундарижасида ўрин марказий ёки чегара сема сифатида иштирок этади. Лингвистик воситаларнинг мазмуний мундарижасида ўрин қандай макон эгаллашига кура хосланган, бетараф бирликларга бўлинади. Масалан, грамматик категориялардан келишик категориясининг аъзолари ўрин белгисига кўра худди фонологик бирликлар

шишири бир-бiri билан зидланади. Ўрин маъносини ифодаловчи келишиклар – тунум келишиги, жўналиш, чиқиш, ўрин-пайт келишиклари.

Яна дашту адирларга қиқирлаб лолалар чиқди,
Яна ёр лабларидан байт ўқир лаб, лолалар чиқди.

(С.Сайид. Сўз тўли.)

Ҳамто қишлоққа бориб таниши кўчалардан яп-янги машинамни миниб таштаганимда, барчага мақтандек, салмоқ билан салом бергандим.

Хоалида қадам товушларимиз эшиштилгани ҳамоно ичкари уй эшиги басавлат, ёши олтмишидан оиган қайнонам Зарифа холанинг қораси туринди.(О.Ҳайит. Аросатлар ороли.)

Худди шундай ҳолат лексик сатҳда ҳам кузатилади. Лексемалар ҳам ишмуний мундарижасида “Ўрин” семасининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига ўри бир-бирига приватив зидланади.

Адабиётлар:

- 1 Үзбек тили грамматикаси. I том. -Тошкент: Фан, 1975.- 258-бет.
- 2 Үзбек тили морфем лугати. -Тошкент: Ўқитувчи, 1977.- 410-бет.
- 3 Үзбек тили грамматикаси. I том. -Тошкент: Фан, 1975.- 242-бет
- 4 Муҳаммаджонов К. Ўрин ва чиқиши келишикларининг генезиси// Ўзбек тили ва адабиёти. 1989, 4-сон. -31-35-бетлар.
- 5 Қодиров З. Ўзбек тили грамматик категорияларини систем тадқик қилиш (келишик категорияси): Филол.фанл. номз.... дисс.автореф. -Самарқанд, 1993.
- 6 Үзбек тили грамматикаси. I том. -Тошкент: Фан, 1975.-538-бет; Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқи Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Тошкент: Ўқитувчи, 1980 ва бошқалар.
- 7 Үзбек тили грамматикаси. I том. -Тошкент: Фан, 1975.-536-бет.
- 8 Убаева Фр. Ў ин ҳоли// Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1969. №3; Убаева Ф. ошриги ўзбек адабий тилида ҳол категорияси.- Тошкент: Фан, 1971.
- 9 Кудрагова И. Макон муносабатининг ифодаланиши усуслари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, 3-сон.- 112-114-бетлар.
- 10 Qurbonova B. Til satihlarida lokallikning ifodalanishi. -Farg'ona-2010.11-bet.
- 11 Кудрагова И. Макон муносабатининг ифодаланиши усуслари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, 3-сон.- 112-бет.

**Н.САЙИДИРАХИМОВА, ф.ф.и. (Тошкентау),
У.КАБУЛОВА, ф.ф.и. (АнДУ)**

ТИЛ, НУТҚ ВА НУТҚИЙ ФАОЛИЯТ КОНЦЕПТУАЛ СИСТЕМАСИ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Инсон оламни англаши жараёнида унинг моҳиятини категориялаштириб боради, яъни ўз тафаккур қобилияти ва индивидуал мантиғига таянган ҳолда унорни системалаштиради. Категоризациялаштириш эса ўз навбатида инсон оштининг нутқни шакллантириш ва нуткни тушуниш каби когнитив траёнларни ўз ичига олади. Оламни англаш орқали инсон борликдаги нарса ши хаёгий вазиятларда узининг мавжудлигини англайди, иштирокини хис кинади.

Реал борликни ўзлаштириш ва англаш жараёнига инсон омилиининг параллел қўйилиши ва оламни англашнинг материал субстрат шаклланиши,

энг аввало, унинг тафаккурида акс этади, сунг мавжуд тил белгилари ёрдамида улар категориялаштирилади. Шундай экан, категориялаштиришни тилсиз амалга ошириш мумкин эмас. Чунки сўз нафақат белгини ажратади, балки маълум туркум асосида нарсаларни умумлаштиради, бу жараён эса индивидуал шахс ҳамда авлодлар лингвокультурологик тажрибаси асосида инсон онгига боғлиқ равишда амалга ошади. Инсон тилида ўз аксини топган ҳамда индивиднинг ҳаётий тажрибасини акс эттирувчи ҳар кандай ахборот унинг тафаккурида сақланиб боради. Инсоният тажрибасини категоризациялаш тушунчаси когнитив фаолиятни тавсифлашнинг муҳим фундаментал асосларидан биридир. Бизнингча, категориялаштириш, албатта, инсоннинг уни ӯраб турган борлик, ахборт оқимини умумлаштириш асосида амалга ошади. Ж.Локффнинг фикрича, "...категоризациянинг базавий даражаси инсонлар кундалик коммуникатив муносабатининг куринишига боғлиқ" бўлади [1]. Кубрякованинг фикрига кура эса категориялаштириш "қабул қилинган, англанган нарса-тушунчаларни категоризациялаштириш – олинган ахборотларни туркумлаш, системалаштириш ва энг асосийси, уларни тартибга солишидир" [2]. Биз ҳам Ж.Лакофф фикрига таянган ҳолда категориялаштиришни "объект тури ва куринишининг қиёси натижасидаги бошқа учинчи хulosанинг натижаси" деб белгилаймиз [3].

Бизнингча, категориялаштириш жараёни ўзида усиз ҳозирги замонавий илмий тадқиқотлар мукаммал ечим бера олмайдиган мураккаб феноменни акс эттиради. Л.А.Манерконинг фикрига кура, категориялаштириш икки аспектга эга. Бир томондан, категориялаштириш инсон учун хос бўлган тафаккур ва англашнинг когнитив механизмлари иш фаолиятини тушунишга ёрдам беради. Иккинчи томондан эса, "тилни англаш орқали категориялаштириш жараёнида ажратилган белгилар фиксация қилинади ва натижада улар ана шу белгиларга бириктирилган ҳолда қайд этилиб туркумлаштирилади" [4].

Маълумки, мавжудликни, хусусан, Макон ва Замонни, категориялаштириш инсониятнинг англаш ва нутқий фаолиятини тил картинасида ифода этишида ўз аксини топади. Макон ва Замон тушунчаси эса инсон тафаккурининг ривожланиши билан боғлиқ равишда ўзарib боради, унинг билим ва тажрибасини ўзида озми-кўпми акс эттиради. Натижада инсон тафаккури ҳар сафар уни ӯраб турган олам ҳақида янги-янги концептуал реалийлар, яъни ментал, этно, гео, социо, психо ва бошқа қатор факторларга боғлиқ бўлади. Демак, макон ва замоннинг тилда систем тарзда акс этиши инсон тафаккури ҳамда руҳиятига боғлиқ равишда тасвирланади.

Сузловчи субъект, айни дамда, кузатувчи ҳамда фаол иштирокчи ҳамdir. Чунки у вербал ифодада албатта қатнашади, ўз фикрини намоён этади, фикр алмашиб имконига эга бўлди. Жараённи ифода этиш ва унга баҳо беришда инсон оламни англайди ва унда ўзининг мавжудлигини ҳис этади. Шундай экан, макон ва мавжудликнинг тилда акс этиши оламни ҳис этиш, англаш асосида амалга ошади. Белгини ажратиш ва нарса-ходисаларни умумлаштириш жараёнида предмет ва ҳодиса ҳақидаги билимлар таҳлил қилинади, натижада уларнинг ҳар қайсиси ўзида ўтмиш авлодлар тажрибаси ва тарихини намоён этиши куринади.

Хозирги кунда 21 аср – нутқий фаолият лингвистикаси асри деган фикриярни күплаб учратамиз. Бу агар Г.Гийомнинг “нутқий фаолият - тил ва пупспи боғловчи интеграл” восита деган фикрига [5] таянган ҳолда қарайдиган бўлсин, бу албатта, тўғри. Бу боғлиқликда тил, нутқ ва нутқий фаолият ташунносликнинг обьекти саналади. Гарчи, бир қарашда, тилшуносларнинг тилни диккати нутқ ва нутқий фаолиятта қаратилганлигига ўхшайди, аслида бу таъсиси бу таъсиси эмас. Куйида бу ҳақда батафсил тўхталишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Тил. Тилшунослик илмининг замонавий ривожланиш боскичидаги ташунносликнинг барча йўналишларида тилнинг система эканлигини белгилаш масаласига эътибор қаратилди. Бироқ барча фанларнинг мақсади ҳодисаларни жараёни ва оламнинг тафаккурдаги картинасини ифода этишда тил ташунносликнинг восита вазифасини белгилашдан иборатлиги фанларни масалага бўлган ташунувда ўзаро яқинлаштириди. Шу сабабли сўнгти йилларда тилшунослик фан даражасига кўтарилимоқда деган фикрни инкор этиб бўлмайди. Чунки тил туфайлигина инсон оламни билади, танийди ва ўрганади. Шу сабабли ҳар бир тилда миллий ўзлик ва маданият ўз аксини топади. Айнан мана шу жараёнда тил бирликлари, ҳодисалари, категорияларини системалаштириши беради. Гап тил систематикаси ҳақида борар экан бунда, албатта, унинг категоријал ва концептуал аспекти назарда тутилади. Шу сабабли биринчи Ўнитда “систематика”, “концептуал”, яъни тилнинг концептуал системаси ташунчаларига аниқлик киритиш лозим. Хозирги кунда тил айни мана шу туктни назардан чукур ўрганилимоқда.

Бу эса бир томондан, бу структур тилшуносликда тил структураси ва ташунносини ўрганишга нисбатан анча прогресс-усиши ҳолати сифатида таъсиради. Бизнингча тилга бўлган бу икки хил: система-структур ва концептуал-категоријал ёндашувнинг ҳар иккиси ҳам муайян система ва унинг ташкиланишида ментал ва структур ҳолат факат тил оркалигина белгиланади. Ихсанчи томондан, ҳар икки ёндашув ҳам тил эгаси, яъни уни ташувчи субъектга таянади.

Кўринадики, сўнгти йилларга келиб, тилшуносликда нутқий фаолият ва нутқий таъсир масалаларини ўрганишга бўлган эътиборнинг юзага келиши ташуннослик доирасининг анча кенгайишига сабаб бўлди. Натижада ташунослар энди сўз кенг маънода қаралувчи pragmatik faktorлар билан ташунадилар. Демак, хозирги кунга келиб лингвистик тадқиқотларда мазкур муммомларга бўлган ёндашувда илмий парадигманинг алмашинуви ташкилганлигини алоҳида белгилаш мумкин. Бунга, албатта, инсон мулокот ташуннинглари ҳақидаги билимлар, шунингдек, барча ахборотлар марказида инсон феномени назарада тутилиши билан боғлиқ ижтимоий, этномаданий ва бошқалар ҳақида маълумотлар берувчи экстравангвистик омиллар сабаб ташунанини таъкидлаш жоиз.

Нутқ. Тилшунослик ва фалсафа илми тўкнашиши асосида юзага келган функционал лингвистикада олимларнинг эътиборини кўпроқ индивидуал нутқий фаолият масаласи қизиқтириди. Натижада матн лингвистикаси, жанрлар ташунияси, ифода назарияси ва ҳоказолар билан шуғулланувчи қатор мактаб ва

йұналишлар қозага келди. Бунда әнди нұтқнің асосий роли прагматик аспект доирасыда қарала бошланғанда индивидуал коммуникатив омилнинг нұтқи мүлкөт, нұтқи хүлк билан биргаликта үрганиши тильтунослик илміда прагматика, яғни когнитив прагматика ҳақида гапириш имконини берди. Когнитив прагматика доирасыда сұнгы йилларда сұзловчи-субъект макомини белгилаш масаласыга бұлған стратегик ёндашув жадал ривожланаётгандылығы фикимизнинг ёрқин далилдері.

Нұтқиң фаолият. Нұтқиң фаолият тильтуносликнинг тильтуносликка нисбатан янгича талқын этилиши билан психолингвистиканың янги объекті саналади. Чунки тадқықтотчи-тильтуносны биринчи галда сұзловчи, яғни субъектнинг физиологик имкониятлари эмас, балки уннинг нұтқиң тафаккур механизми (компетенция ва реализация) жарайён ва натижада сифатидаги имкониятлари қызықтиради. Айни мана шу нұктада тильтуноснинг имкониятлари бошқа фанлар (әнг аввало, психология, тибиёт, биология ва когнитив илмлар) асосида янада мукаммаллашади.

Хуллас, тильтунослик объекті фақат комплекс характер әмас, балки когнитив йұналиш харakterини ҳам әгаллады. Тилни когнитив феномен сифатида уч үлчов (тил, нұтқ, нұтқиң фаолият) асосида үрганиш әнди уннинг когнитив планинни биринчи үринга чиқишига замин қозирлади ва натижада тильтунослик масалалари тил бирліктерини концептуал-категориал аспектде үрганишга үтгандылығын күзатыштырғанда мүмкін. Шу сабабли қозирғи күнда тил системасы ҳақида гапирилар экан, бунда әнг аввало, уларнинг концептуал – категориал йұналиши тутилиши үтіп мұхым саналади.

Адабиёттар:

1. Лакофф Дж. Мышление в зеркале классификаторов // Новое в зарубежной лингвистике. 1988. -Вып. XXIII. -М.: Прогресс. -Б. 12-51.
2. Кубрякова Е.С. Проблемы представления знаний в современной науке и роли лингвистики в решении этих проблем // Язык и структуры представления знаний: Сб. научно-аналитич. Обзоров. -М., 1992. -Б.4-38.
3. Лакофф Дж, Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем // Язык и моделирование социального взаимодействия: Переводы / Общ. Ред. В.В.Петрова. -М.: Прогресс, 1987. -Б.126—170.
4. Манерко Л.А. Новая методика исследования категоризации в лингвистике // Вестник Моск. Уни.та. Сер. 9. Филология. 2000. -№2. -Б. 39-52.
5. Гийом Г. Принципы теоретической лингвистики / Общ. Ред. Л.М.Скрепиной. -М.: Прогресс, 1992. -Б.224.

Г.У.ЖУМАНАЗАРОВА, ф.ф.н., Д.У.ЖУМАНАЗАРОВА, п.ф.н. (ЖДПИ) ЛЕКСИК-СТИЛИСТИК ҚАТЛАМЛАР ВА УЛАРНИҢ СЕМАНТИК ТАБИАТИ

Фозил шоир достонлари тиляда метафорик күлланиш натижасыда эмоционал-экспрессив маъно хосил қылувчи сұзлар фаол күлланған. Булар орасыда зооморфизмлар, яғни, эпик қаҳрамонлар тимсолини бадий-поэтик ифодалаш мақсадида бахшининг уй ва ёзвойи ҳайвонлар, турли хил парандалар ва ҳашоратлар номларини метафорик маънода күллаши алохида йұналишни ташкил қылады. Күйида улар ҳақида кисқача тұхталамиз.

Хайвонлар номларини ифодаловчи сұзлардан *шер*, *бұри*, *йүлбарс*, *карчигай*, *тұлки*, *шагал*, *маймун* кабилар достонлар тилица фаол құлланилиб, бишининг ижро жараёнидаги баёнга мос ёки эпик қаҳрамон нутқига хос метафорик маънени ифодалашга хизмат килган: *Күттар юрагингдан қайтушының*, / *Курарсан излаган карчигайинғаны* (Р.:440) каби. Матндарды тағиға шипшап сұзларнинг ҳаммасыда киёслаш-ұхшатып усулы орқали метафорик маъни ҳосил қилинганды, булар таҳлилге жалб этилган достонларнинг услугубий хусусиятларини, лингвопоэтик табиатини бойитишга хизмат килган.

Үй ҳайвонларининг номларини ифодаловчи *бұта*, *құчқор*, *құзы* каби шипшап ҳам достонлар тилица эпик қаҳрамонлар нутқидаги метафорик маънода шипшап орқали эмоционал-экспрессивлик ва стилистик бүёкдорлик ҳосил қосып: *Гұноңкор айладым иккى құзини*, / *Ұлдиринглар, Шириң, Шакар үзини* (III:17) каби. Бу мисолларда *құзы*, *құчқор* каби үй-ҳайвонларининг номларини ифодаловчи сұзлар аслида эпик қаҳрамонларға нисбат берилған, шипшап метафорик маънода құлланиши орқали матнда эмоционал-экспрессивлик ва стилистик бүёкдорлик ҳосил қилишига хизмат қылғанлиги достонларнинг услугубий хусусиятларини бойитишга муайян даражада замин төмөрләганды.

Күшлар ва паррандалар номларини ифодаловчи сұзлардан *булбул*, *лочин*, *тұтын*, *кузғұн*, *карчигай*, *тұтын*, *от* кабилар ҳам сюжетнинг эпик баённанда метафорик маънода құлланған, матнда эмоционал-экспрессив бүёқ ҳосил қосып: *Құлымдан учди-ку менинг бұлбулым*, / *Кетгандир, қайтайдын, у жону* (Н.:164) каби.

Зарарлы жониворлар номларини ифодаловчи сұзлардан *илон*, *калтакесек*, *шарын* кабилар ҳам халқ баҳисининг эпик баённанда ёки эпик қаҳрамон ойында метафорик маънода эмоционал-экспрессив бүёк яратыша, шипшап замин тайёрләганды: *Элингда ішк әкан даф айтгич одам*, / *Бир илонга* шипшап дүчөр қилибди (Р.:399) каби.

Диний ва афсонавий тушунчаларни англатувчи сұзлардан: *жодугар*, *шарын*, *аэройл*, *фарисита*, *шайтон*, *иблис*, *дев*, *жсаннат*, *дузах*, *жаҳаннам*, *шадар* кабилар ҳам достонлар матннанда эмоционал-экспрессив бүёқ яратыша, шипшап оқимига мос эпик баённан қызиқарлы, бадий тасвирлашга хизмат қылған: *Дүни бөгөдә мен эшиздім шинини*, / *Кесган эмиши ўн лак девнинг бошыни* (Б.:70).

Тадқиқ жараёнида достонларнинг қаҳрамонлари нутқида фаол қылған шипшап *жсаннат*, *жаҳаннам*, *дузах* каби диний тушунчаларни англатувчи шипшап ҳам матнда метафорик маънени ифодаланғанда, уларнинг лексик маъно курилишига киравчы муайян семаларнинг фаяллашуви натижасыда түрли хил шипшап маънолар ҳосил қылғанлигини аникладык. Тадқиқ жараёнида достонларнинг қаҳрамонлари нутқида “*жаҳаннам*” сұзы метафорик маънода шипшаптандында уннан лексик маъно курилишига киравчы семаларнинг фаяллашуви натижасыда бир катар күчма маънолар ҳосил қылғанлигини аникладык:

а) дахшатли қийнок семаси: *Қириб-жүйіб* күп *девларни* / *Күнненеге сола берди* (М.а.:146) каби.

б) кучли олов семаси: *Авазхон ўз жонини бу оловдан қутултирадиган* ишшамай қолди, ҳоли танг бўлди, тириклий жаханнамга кетадигандай булон (M.a.:175) каби. Келтирилган мисолларнинг факат “Малика айёр” достонидан олинганинг сабаби шуки, “жоннам” сўзи тадқиқот обьектига жалбикинган бошқа достонлар тилида учрамади.

Таҳлилга жалб этилган достонларнинг матнида фақатгина бир ўринда “Малика айёр” достонида “дўзахи” сўзи кўлланилган: Дўзахининг бир белгиси — феъли тор, / Бу шаҳардан энди кетмаклик даркор (95) тарзидаги матни метафорик ишлатилган “дўзахи” сўзининг ёмон семаси фаоллашган. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозим: тадқиқ килинаётган бошқа достонлар матнида “дўзахи” ва “дўзах” сўzlари ўз маъносида ҳам, метафорик – кўчма маънода ҳам бирор марта кўлланилмаган.

Энди айтилган мулоҳазаларни тасдиқлаш ва уларни муайян тарзди тўлдириш мақсадида “жоннам” сўзининг метафорик маънода кўлланишини кузатамиз. Фозил шоир достонлари матнида “жоннам” сўзи ҳам худди дўзах, жоннам сўzlари сингари кўлланганида, унинг лексик маъно курилишига киравчи маълум бир семаларнинг фаоллашуви натижасида турфа хил кўчми маънолар ҳосил қилган. Тадқиқ жараёнида “жоннам” сўзи маъно курилишига киравчи семаларнинг матнида фаоллашганини қўйидаги матнларда кузатдик:

а) обод, роҳат семаси: *Мисли жоннатдай жойи бор, / Йулида булдим интизор* (Ф.Ш.:214) каби;

б) бегуноҳ, фариштадай пок семаси: *Боғда очилган гулдай булиб, / Жоннатдаги ҳурдай булиб.* (Ф.Ш.237) каби;

в) худди шунингдек, “*Искаб курсам, магар, жоннатгулисан, / Хабар бергин, кайси элдан келасан?*” (M.a.:52) матнида метафорик маънода ишлатилган жоннам сўзининг бустон, хушманзара жой семаси, гулисан сўзининг эса фарзанд семаси фаоллашгани кўзга ташланиб турибди. Кўлимизда тупланган материалларнинг тасдиқлашича, “жоннам” сўзи фақат иккита достон (“Малика айёр”, “Фарҳод ва Ширин”)да, ҳаммаси булиб уч ўринда кўлланилган. Фозил шоирнинг бошқа достонлари тилида “жоннам” сўзи учрамади.

Достонлар тилида касаллик номларини англатувчи сўzlардан олачипор, пес, моҳов, сил, тарлон бўз кабилар эпик қаҳрамонларнинг нутқ обьектига қаратадайтган мурожаатларида кўлланилган: *Юрагимни қабаҳат армон бўлди, / Бунинг заҳматлари мени сил қилди* (Б.Г.:43). Бу матнида “сил” сўзининг “юрагини сиқавериб, тоқатини тоқ қилиб юбормок” (УТИЛ, IV, 500) маъноси кўчма, яъни метафорик маънода кўлланилган. Ёки: *Кўрмаган кунларни сенга солайми, / Йўқса, сени олачипор қиласайми?* / Менданин эшоннинг кўнглини буласан, / Сен ҳам элда моҳов, пес бўп қоласан, / Бундай булсанг, тарлон бўз бўп үласан (Ш.Ш.:25) каби. Бу матнида эса “олачипор” ва “тарлон бўз” сўzlари пес касаллигига синоним сўzlар сифатида кўлланилганлиги, метафорик маъно кучиши орқали янги маъно ҳосил қилганинги достонларнинг услубий хусусиятларини таъминлашга ва баҳши-шоирнинг поэтик маҳоратининг бойишига муайян даражада замин тайёрлаган.

Продмет ва үсімлік номларини ифодаловчи сұзлар ҳам халқ мәдениетінің эпик баёнига мөс метафорик маңнода достонлар матнида аспириациялық-экспрессив бүекдорлик ҳосил қылған. Жонсиз предметлардан ғул, тош каби сұзлар достонлар матнида энг фаол құлланған сұзлардир. Бу үринде тош сұзининг метафорик маңнода ифодаланишини күздан кесірамиз.

III. *тош* сұзининг түккіста маңноси мавжудлиги, шулардан түртінччисі үшін міньнода (жуда каттық, тошдай қаттық) құлланилиши қайд этилған (IV, 160). Демек, нуғузли лұғатдаги маңлумотлардан аник бұладики, тош барлық бир марта күчма маңнода құлланилиш имконияти мавжуд. Тадқиқ аянында биз ҳам уни инкор қылмай, балки, әзтироф этган ҳолда, таҳлилге үшін достонлар матнида *тош* сұзининг башқа яна бир неча күчма маңнодарда құлланилғанligини аникладык. Яъни, тош сұзининг лексик маңынан шарттынан кирудүк бир қатор семаларнинг фаоллашуви натижасыда турли хил үшін маңнолар ҳосил қылғанligини күзатдик. Улар:

- a) тақдир, умр жүли семаси: *Ох үрса, тұқылар күзининг ёши, Киз бола палахмонтоши* (Б.Г.: III) каби;
- b) ғам-ғүссага ботмок семаси: *Түкіб күзімдан ёшимни,/ Чиқар тубингдан шашыншыны* (З.: 173) каби;
- c) жим бұлмоқ семаси: *Балонинг қадами етса-етсин, Шоқаландарнинг шамын стмасин, ҳар ким бу сұзни айтса, тош булыб колсан!* (М.а.: 77) каби;
- d) қаттық күйиниң, хафа бұлмоқ семаси: *Мен йыглайын бу сийнамга тош үшін, ယу сиримни кимга айтай яшириб* (Ф.Ш.: 239).

Хуллас, эпик қаҳрамоннинг нутқ предметига, баёндаги бұлаёттан воқеа-ходисага нисбатан эмоционал муносабатини унинг истаги даражасыда ёрқин, ғимсали қилиб ифодалашыда бириңчи галда халқ бахшисининг бадиҳағайлық шарын күйлаш жараёни мухим омил саналади. Яъни, эпик қаҳрамон номидан тош тош ижрочиси нутқ оқимида бирор-бир предметте, бұлаёттан воқеа-ходисага ғимсали танланған, бадиҳағайлық жараёнида, тусатдан пайдо бұлған муайян мәтін мәтафорик усули орқали мохирона құллаганки, натижада, достон ифрасында ҳам, унинг матнида ҳам ёрқин эмоционал-экспрессив маңында ифодалашылашга еріша олған. Айни ҳолат унинг индивидуал маҳоратининг бир мәтіннен белгилашда етакчи омиллардан бири саналади. Бахшининг эмоционал-экспрессив метафорик маңын ҳосил қилиш услуги эпик өзгерімдерге нисбат беріб құллаган барча ифодалар учун бир хил: улар, ассоции, от ва феъл сүз түркүмлари билан ифодаланған. Бу үринде эмоционал-экспрессив маңнолар иккі усул билан ифодаланғанligини ҳам назардан көрінісіндеңіз зарур. Улар: а) сұзларнинг асл лексик маңын компонентининг өзгешелік қисми сифатыда; б) көнг маңнодаги бирор нарса-ходиса номларининг өзгешелік қаҳрамонларга нисбатан құлланиш натижасыда ҳосил қилинген метафорик маңында сифатыда. Бундай маңнолар таҳлилге жалб этилған достонлар тишида үмумий семалар ассоцида ҳосил қилинген ва уларда албатта, ё салбай, ё ижобий муносабат күзгә ёрқин ташланған.

Қисқартма сұзлар:

1. Б. - *Балогардон*. – Топкент: F. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириети, 1986.

2. Б.Г. - Баҳром ва Гуландом. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

3. З. - Зевархон // Баҳром ва Гуландом. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

4. Л.М. - Лайли ва Мажнун // Баҳром ва Гуландом. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

5. М.А. - Малика айёр. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.

6. Р. - Рустамхон. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

7. Н. - Нурали. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.

8. Ф.Ш. - Фарҳод ва Ширин // Баҳром ва Гуландом. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

9. Ш.Ш. - Ширин билан Шакар // Орзигул. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

**М.С. УСМОНОВА,
катта ўқитувчи (ЖДПИ)**

АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ДАРАХТ НОМЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Ҳар қандай миллатнинг тили узоқ давом этган тарихий воеа-ҳодисалар, урф-одатлар негизида шаклланади, сайқалланади, меъёрлашади. Унда аждодларга хос хусусият, бебаҳо ижтимоий-иктисодий, маънавий бисот кузга ташланиб туради. Тил аждодлар ва авлодлар ўргасидаги ўзига хос ришта, бошқача қилиб айтганда, «кўпrik» вазифасини ўтайди. Ўзбек тилининг шаклланиши, ривожланиши ва сайқал топишида, шубҳасиз, буюк шахслар — алломалар, шоирлар, ёзувчилар, мутафаккирлар, давлат арбоблари, олимларнинг салмоқли үрни бор. Ўзбек адабий тилининг шаклланишига ўз хиссасини қўшган Алишер Навоий асарлари тафаккур гулшани булиш билан бирга, фоят бой сўз хазинаси ҳамдир. Шоир асарларида ўзбек ҳалқи турмуш тарзи ва дунёкарашининг барча соҳаларига оид сўз ва ибораларни учратиш мумкин.

Кўйида Навоий асарларида қулланилган дарахтли ўсимликларга оид сўзларни урганиши натижасида келингган хуносаларни келтирамиз:

1. Алишер Навоий асарлари тилида мевали ва мевасиз дарахт номлари, бошқа сўзлар қатори, шеърий ва насрый асарларнинг мазмун ва бадий талабига кура ишлатилган сўзлардир. Шунинг учун бундай сўзлар терминологик маъносидан (ном булишдан) ташқари умумистеъмол сўз сифатида кўплаб кўчма маънолар ифодалаш учун ҳам хизмат килган.

2. Тана қўйиб, шоҳ ва новдалар чиқариб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик—*дарахт* шу туркум ўсимлигининг умумий номи (атамаси) булиб, у мевали дарахтни ҳам, мевасиз дарахтни ҳам ифодалайди.

Навоий асарлари тилида «дараҳт» маъноси учун *дарахт* сўзидан ташқари, *шакар*, *йигоч*, *закъум* (аччик дарахт), *аижор* (дарахтлар), *дарахтон* (дарахтлар) сўзлари; дарахт ўсимлигининг ёшлигини ифодалашда эса *нахл* (кўчат) ва *ниҳол* (ёш дарахт, кўчкат) сўзларидан фойдаланилган.

Бундай сўзларнинг кўчма маънолари бадиий тилда, асосан, ўхшатиш тинирий воситаси сифатида вазифа бажарган.

3. Мевали дараҳт номлари семантикасида ўзига хослик бор: бир мевали ширхтнинг номи шу мева дараҳтининг ўзи маъносини ҳам, унинг меваси маъносини ҳам, танаси (ёғочи) маъносини ҳам англатади. Уларни фарклаб тушунишга нутқ шароити ёрдам беради. Бу уч маънони кўчма маънолар деб бўлмайди, чунки бири иккинчисидан ўсиб чикмаган; маънодош сўзлар деб ҳам бўлмайди, чунки улар бир тушунчанинг турли маъно қирраларини кўрсатувчи ўзиар эмас.

Алишер Навоий асарларида мавжуд бўлган 22 хил мевали дараҳт ва меваси номлари АНАТИЛ (Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли ўзиар)да қайд қилинган.

Тахълилларимиз шуни кўрсатадики, Навоий бир хил мевали дараҳт ёки унинг мевасини ифодалаш учун бир неча ўзга сўзлардан ҳам фойдаланган (мисалан, *нахлбун* — *хурмо* — *хашиф*; *лим* — *турунж*; *анор* — *нор* — *руммон* ибни). Бундай ҳолат улуг ижодкорнинг сўз бойлигини, ўсимлик навларини фарклаб ифодалаш маҳоратини ва поэтик услугб талабларини саклаш санъатини ўрсатади.

4. Бир неча хил дараҳт ва унинг меваси номлари ҳозирги ўзбек тилида қандай фонетик ва семантик ўзгаришга учрамаган ҳолда қўлланмоқда: *нараҳт*, *анжисир*, *бехи*, *ниҳол*, *бодом*, *ёнгоз*, *зайтун*, *хурмо*, *олма*, *писта*; *лекин*, *нишкар*, *заққум*, *аижор*, *нахл*, *амруд*, *руммон*, *жавзи-биё*, *турунж*, *нахлбун*, *нишаф*, *норанж*, *унноб*, *себ*, *офтобпараст* номлари ҳозирги ўзбек тилида мавжуд эмас, уларнинг Навоий асарлари тилидаги маънолари учун бошқа сўзлардан фойдаланилмоқда. *Зардолу*, *лему*, *олу*, *шафтому*, *биҳи* каби номлар ҳозирги ўзбек тилида бироз фонетик фарклар билан қўлланмоқда.

5. Ўсимликлар турли тана хусусиятларига эга бўлгани учун дараҳт тинидаги ўсимликларга нисбатан дараҳтли ўсимликлар атамасини қўллаш ўзиар курилди.

Алишер Навоий асарларида дараҳтли ўсимликларга алоқадор бўлган бир қанча бўлиб, улар ҳам бош (ўз) ва кўчма маъноларда қўлланган. Мисалан, шоир асарларида «боғ» тушунчасини ифодалаш учун *бог*, *богча* (юнивичик боғ), *равза*, *ҳадиқа*, *бустон*; «ёғоч» тушунчаси учун *йигоч*, *кунда*, *нишкан*, *пӯст*, *пучог* (пучок); қолган 17 сўз истеъмолдан тушган, булар: *равза*, *нишкан*, *сандал*, *чубодат* (хасса), *суруг*, *дор* (хода), *шоха*, *шохсор*, *фокиҳа*, *чиштокиҳ*, *асмор*, *самара* (мева), *бар*, *вараг* (барг), *решиа*, *лиф*.

6. Навоий асарларида мавжуд бўлган дараҳтли ўсимликларга алоқадор 10 дан ортиқ сўздан фақат 13 таси ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдадир, булар: *нишкан*, *богча*, *бустон*, *йигоч* (ёғоч), *хода*, *шоҳ*, *суруг*, *мева*, *барг*, *яфрог* (япрок), *нишкан*, *пӯст*, *пучог* (пучок); қолган 17 сўз истеъмолдан тушган, булар: *равза*, *нишкан*, *сандал*, *чубодат* (хасса), *суруг*, *дор* (хода), *шоха*, *шохсор*, *фокиҳа*, *чиштокиҳ*, *асмор*, *самара* (мева), *бар*, *вараг* (барг), *решиа*, *лиф*.

7. Мевасиз дараҳтларнинг номлари атама сифатида «дараҳт» ва унин «танаси» (ёғочи) маъноларига эга, уларда «мева» маъноси йўқ. Умумистеъмолда эса турли-туман кучма маъноларни ҳосил қилиши мумкин. Навоий асарларида мевасиз дараҳтларнинг шакли, ранг-туси, хиди ва бошкы белгиларига кўра маъно кўчириш, уларни ухшатиш, сифатлаш каби бадиши воситага айлантириш кенг таркалган.

8. Алишер Навоий қўллаган мевасиз дараҳт номларининг йигирмадан ортиғи АНАТИЛда қайд этилган, бундан ташқари, бу сўзлардан ясалган бошкы сўзлар ҳам бор. Уларнинг купчилиги факат атамавий маънода эмас, кучма маъноларда ҳам қўлланган. Айниқса, сарв изжобий маъноли сўз бўлганилиги (у «чиройли қоматли дараҳт»дир) сабабли, мевасиз дараҳт номлари ичida ўзинин сермаънолилиги (албатта, кучма маъноларда) жиҳатдан алоҳида ажратилиб туради; унинг ўзи ва ундан ҳосил килинган ясама сўзлар йигирмадан ортиқ маъноларда қўлланган.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати: 4 томлик. Ташкент: 1983-1985.
2. Умаров Э. А. Эски ўзбек лугатлари. Ташкент: 1992.
3. Умаров Э.А. Словари староузбекского языка и вопросы фонетики. Ташкент: "Фан", 1994.
4. Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи. Ташкент: 1991.
5. Қосимов А.И., Набиев М.М. Ботаникадан қисқача изоҳли лугат. Ташкент "Ўқитувчи", 1990.
6. Нўймонов Т. Полизчиллик атамаларининг изоҳли лугати. Ташкент: "Ўқитувчи", 1990.
7. Раҳматудлаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати (араб сўзлари ва улар билан ҳосиллар). Ташкент: "Университет", 2003.

Д.МАҲКАМОВА (Тошдўтау)

ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Илм-фан ва техника юқори тезлиқда ривожланаётган ҳозирги даврди янгидан-янги тушунчаларнинг пайдо бўлайтгани терминологияда ҳам қатор янги бирликларнинг қарор топиши, янги терминология тизимлар воқеъланишига сабаб бўлмоқда. Шу боис термин ва унинг таърифи муаммоси ҳозирги тилшунослик, жумладан, лексикология, терминологиянинг ҳал этилиши лозим бўлган асосий масалаларидан бири булиб қолмоқда. Термин ҳамда терминологиянинг у ёки бу масалалари ечимини топиш фан ва техниканинг тегишли соҳалари учунгина эмас, балки тилшунослик учун ҳам муҳим аҳамиятта эгадир.

Гарчи, тилшуносликда термин муаммоси назарий жиҳатдан анча ўрганилган бўлса-да, унинг таърифи, терминлар ва термин бўлмаган лексема ва сўзларнинг ўзаро фарқланувчи белгилари, терминнинг таркиби сингари масалалар ҳали етарлича ўрганилган ва ҳал қилинган, деб бўлмайди. Бундай ҳолат ўзбек тилшунослиги ва терминологиясига ҳам тааллуқлидир.

Лингвистик адабиётлар, терминологияга бағишилган илмий ишларда ҳар қандай термин сўздир, лекин ҳар қандай сўз термин була олмайди, деган фикр эътироф қилинади. Бу эса, аввало, термин билан сўзни чегаралаб олиш

терминнин түгдирәди. Терминни луғавий бирлик сифатида баҳолар эканмиз, оның, бу унга “сұз” ёхуд “лексема” мақомини беришни англатади. Ҳар көмүй термин бир терминологияк системага мансуб булиши билан бир қаторда оның бойлиги ҳамдир. Терминология умумхалқ тилининг лексикаси оныңда вужудга келади ва боййиди. Шу билан бирга, у умумхалқ тилининг онын учун хизмат килади. Терминологияк лексика умумхалқ тили оныннинг ажралмас қисми сифатида у билан бирга ривожланади, жамият тили тараққиетидаги мавжуд жараёнларни бошдан кечиради. Умумистеъмолдаги сұздардан фарқли равища терминларнинг құлланиши онын назорат остида булади. Улар қатый, маъновий жиҳатдан чегараланган (ұлттықолилик, синонимлик каби хусусиятлардан ҳоли)дир.

Термин ва терминология (терминологияк тизим) тушунчаларининг сиптифи масаласида ҳам ҳали баҳсталаб үринилар мавжуд. Келтирилган сиптифілар эса олимлар томонидан термин хусусиятларини қай даражада терминнинг номинативлігіні биринчи үринга қўйишиди: “Термин сифатида ономаўи булувчи сұзнинг алоҳида, маҳсус вазифаси аташдир” (1, 6). Бошка бир тарух олимлар эса терминнинг дефинитив (аникловчилік) хусусиятини, яъни онын гушунча билан алоқасини алоҳида ажратиб күрсатишиди. “Ҳаммага ономаўмки, сұз, энг аввало, номинатив ёхуд дефинитив вазифани бажаради, яъни олар сұз энг аник бир белги воситаси булиб хизмат қылса, оддий белги олар обланади, агар мантикий таъриф воситаси булса, илмий термин олар обланади” (2). Баъзи тадқиқотчилар эса терминларнинг дефинитивлігінни сиптири хос асосий вазифа сифатида баҳолайдылар. Лексикологик ҳамда терминологияк тадқиқотларнинг баъзиларида терминлар маҳсус құлланиш онында ишлатиладиган лексик бирликтардир, деб қараш одат тусига сипти. Аксарият тильтуносларнинг қайд этишларича, термин, энг аввало, онын лексик системасида тенг ҳукуқи альзо ҳисобланади; у бир маъноли онын ҳамда фан, техника ва маданиятнинг у ёки бу соҳасидаги муайян тильтуничани аник ифода этиши зарур. Терминологияк тизимлар ягона лисоний оғим доирасида юзага келади ва ривожланади ҳамда унинг умумий огулуннатларига буйсунади. Термин билан сұз (нотермин) үртасида үтиб бўлмас олар йўқ, улар үртасида “шаклан ҳам, мазмунан ҳам” (3) жiddий бир тафовут тук яспида термин ҳам суздир, факат “сұзнинг маҳсус, алоҳида туридир” (4).

Термин ҳам оддий сұздир ва “тилга алоқадор бирон-бир ҳодиса унга белгина эмас” (5). Шу билан бирга, “терминлар алоҳида вазифа бажарувчи шардир” (1, 3). Үз үрнида терминнинг алоҳида белгиларга эгалигини қайд олни лозим. Бу, биринчи навбатда, терминнинг оддий сұзға нисбатан ута тор мөннога эгалиги, маъно чегараларининг анча аник ва равшанлиги билан ишодинади. Синонимия, айникса, кўп маънолиликнинг бўлмаслиги ҳамда бир сиптилийликка интилиш терминнинг үзига хос хусусиятлари саналади.

Қўриб үтилганидек, терминология муайян фаннинг тушунчалар тизими онын узаро муносабатда булган терминлар тизими сифатида сиптиланади. Терминологияк тизимлар фан тараққиети билан биргаликда

ривожланиб боради. Умумистеъмолдаги сұзлардан фарқли рационалдыктерминларнинг күлланиши маълум назорат остида бўлади.

“Терминлар “пайдо булиб қолмайди”, аксинча, уларнинг зарурияти англантган ҳолда, “уйлаб топилади”, “ижод килинади”(1, 24). Шу билан бирга, оддий сўздан фарқли рационалдыктерминларнинг маъноси контекста боғлик бўлмайди, махсус сўз-термин ўз терминологик маъносидан ва ўз “терминологик майдони”(6)да күлланар экан, унинг айни маъноси сакланиб қолаверади. Бироқ полисемантик терминларнинг муайян маъноси ажратиб курсатилганда, улар контекст орқали аниқланади.

Терминологик масалалар қаторида термин ва номен муносабати ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Баъзи тилшунослар номенклатураларни терминологик тизим бирлиги сифатида баҳоласалар, кўпчилик олимлар бу икки бирлик ўртасида катъий чегара борлиги ва номенклатура терминологик тизим доирасидан ташқарида эканлигини уқтирадилар. Номенклатура терминологиядан фарқ қилган ҳолда, “бутунлай мавхум ва шартли рамзлар тизими булиб, уларнинг бирдан-бир вазифаси “нарса ва буюмларни ушбу нарсалар билан иш кўрувчилар эҳтиёжларига билвосита алокада курсатишдан иборатдир. Муайян буюм нима учун ундан эмас бундай аталганлиги номенклатура ифодалари учун маълум даражада аҳамиятсиз бўлгани ҳолда, маъно билдирувчи ички шаклга эга булишга интиувчи термин учун бу жуда муҳим масаладир”(1, 8). Мазкур масалани ёритар экан тилшунос А.А.Реформатский номенклатуранинг сон-саноксиз булиши, терминларнинг эса муайян санокка эгалигини уқтириб ўтади.(5, 47)

Номенклатура сўзи лотин тилидан олинган булиб, “номларни ёзиш, аташ” деган маънени беради. Тилшунос А.Д.Хаютиннинг таъкидлашича, *номенклатура* сўзи таникли ботаник Линней томонидан ишлатилган ва унга ўсимликлар классификациясини яратишида хизмат килган.(6, 62) *Номенклатура* атамалар, номлар системасининг маъносини берса-да, кейинги пайтда бу сўз маълум бир фан ёки нарсаларга тегишли бўлган тушунчаларни ифодалайди. Ана шу жиҳатдан баъзи бир тилларда “терминология” ва “номенклатура” тушунчалари айнан бир нарса деб тушунилади. Бизнинг фикримизча, бундай тушунилиш асосли эмас, чунки юқорида келтирилган фикрларга асосан терминология аник бирликлар (жинс тушунчалар) системасини ифодалайди. *Номенклатура* сўзи эса алоҳида обьектлар-предметлар ёки тур тушунчасини ифодалайди.

Аслида, яқин вақтларгача термин ва номенклатура бир бутунлик сифатида қаралган ва шунинг оқибатида уларни иккига ажратиш кўпчилик тилшунослар томонидан кабул килиниши анчайин кийин кечган. Шу боис баъзи ўринларда “соҳа терминологияси” ўрнига “соҳа номенклатураси” каби кўлланишлар ишлатилган.

Таъкидлаш керакки, терминнинг таърифи ва унинг асосий белгиси хақида ягона фикр бўлмагани сингари, термин ва номен ўртасидаги фарқ, чегара ҳақидаги масала ҳам ечилмай қолмоқда. Шунга карамай, айрим тадқиқотчилар бу масалани хусусий тарзда, яъни бир фан доирасида, махсус адабиётларни таҳлил қилган ҳолда ўрганиб чикишга ҳаракат қилишган. Масалан,

• Н.Мағвалиев “Ўзбек кимё терминологияси ва уни нормалаштириш мисолици” мавзуидаги номзодлик диссертациясида ўзбек таъсифи терминологияси мисолида терминология ва номенклатуранинг, термин ва ишменинг фарқли жиҳатларини кўрсатиб беришга ҳаракат килиб, терминология ва номенклатуранинг бир-бирига яқин алокада булишини, бир тоғифининг иккичи тоифага доим ўтиб туришини аниқ мисоллар билан ишботлашиб, “Ўртадаги бундай қарама-қаршиликка қарамай, терминлар ва таркиишилар ягона терминологик системанинг таркибий қисмлари”дир, деган үзунсига келади.(7)

Юқорида қайд этганимиздек, ҳар қандай термин сўздир ва у тил бирлиги таъсифидаги қатор лингвистик ва лексик хусусиятларга эга. Бироқ терминлар таъсифи қатламнинг маҳсус бирлиги бўлиб, оддий лексемалардан фарқланувчи бўлини хусусиятлари мавжуд. Масалан, термин доимий равишда ўзи тегишли семиқ сигнал бериб туради. Синонимия, омонимия ва полисемия каби семиқ сигнал термин учун таъкидланган. Терминга хос яна бир муҳим хусусият – эмоционалликдан ҳолиликдир. Яъни бошқа лугат бирликларидан фарқ қилган термин орқали хис-туйгуни ифодалаб булмайди. Мазкур жиҳат томонинослашар томонидан доимий равишда таъкидланниб келган. Аммо баъзи манибшарда термин учун рад этилган хусусиятларни бекор қилиб булмаслиги ва кўнтирилган жиҳатлар айрим терминологик тизимларда мавжудлиги қайд ташкиди. Хусусан, терминшунос Л.В.Тюрина француз ва рус деңгизчилик терминларини тадқиқ килиб, терминларда факатгина кўпмъянилилк, экспрессивлик ва эмоционаллик хусусиятлари бўлибгина қолмай, ҳатто терминлар метафорик кўчма маъноларга ҳам эга эканлигини мисоллар орқали ташкиди. Фикримизча, бу каби уринишларни умумгерминологик масштабда хуласалаш бирмунча мунозарали. Боиси, термини, аввало, илмий услуг бирлиги ҳисобланади. Илмий услугга эса Ч.В.Тюрина терминларда кўрган хусусиятлар умуман хос эмас.

Термин ва терминология таърифи ва тавсифи хусусидаги баҳсларни ташкиди ҳолда, академик А.Хожиевнинг маҳсус луғатида “термин” ва “терминология” терминларига берилган изоҳларни келтириб ўтамиз:

Термин (лот.terminus –чек, чегара, чегара белгиси). Фан, техника ва соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатилиш юнуси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси; фанма. Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фириқланади...

Терминология (termin + logos- сўз, таълимот). 1.Бирор илм, касб ва б. Соҳага оид терминлар мажмуи. Mac., грамматик терминология, санъат терминология ва б.(9)

“Термин” тушунчасига юкланган мазмун қўйидаги белгиларга асосланса, терминни умумистеъмолдаги сўздан фарқлаш аёнлашади, бизнингча:

1) термин – умумадабий тилнинг муҳим лексик қатламларидан бири бўлмиш фан, техника, ишлаб чиқариш, касб-хунарларга оид тушунчаларни ифодаловчи маҳсус луғавий бирлиқдир;

- 2) термин маҳсус нарса, ашё ёки мавхум тушунчанинг ўзига хос номидири
3) термин учун муайян таъриф зарур, бу таъриф тегишили тушунчанинг мазмунини аникроқ ифодалашга, тушунчаларнинг бирини иккинчисидан чегаралаб ажратишга, айни пайтда маълум тушунчани муайян таснифи каторга жойлаштиришга имкон яратувчи белгиларни равшанроқ кўрсатишни ёрдам беради.

Демак, терминология муайян фанинг тушунчалар тизими билан ўзири муносабатда бўлган терминлар тизими сифатида таърифланади. Терминология тизимлар фан тараққиёти билан биргалиқда ривожланиб боради Умумистеъмолдаги сўзлардан фарқли равишда терминларнинг кўлланинг маълум назорат остида бўлади.

Терминологиянинг назарий масалаларини кўздан кечирар эканини уларда баҳсталаб ўринлар ҳамон мавжудлигига амин буламиз. Бирок термин ўнинг хусусиятлари билан боғлиқ катор илмий фикрлар, хуносалар боркин уларнинг ҳар бири терминологиянинг тилшуннослик таркибидаги маҳсус соҳи сифатидаги ўрнини ва у ўз қатъий қонуниятлари, талабларига эга эканидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии//Труды МИФЛИ. Т.5. Сборник статей по языковедению. М.: 1939.
2. Виноградов В.В. Вступительное слово на Всесоюзном терминологическом совещании//Вопросы терминологии. М.: 1961.
3. Кузькин Н.П. К вопросу о сущности термина//Вестник ЛГУ. №20. Серия истории языка и литературы. Вып. 4. Л.: 1962.
4. Котелова Н.З. К вопросу о специфике термина// Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. М.: 1970.
5. Реформацкий А.А. Что такое термин и терминология?// Вопросы терминологии М.: 1961.
6. Хаютин А.Д. «Термин», «терминология», «номенклатура» (Этимологические заметки) // Вопросы романно-германского и общего языкознания. Самарканд: 1968.
7. Мадвалиев А.П. Узбекская химическая терминология и вопросы её нормализации. Дисс.канд. филол.наук. Ташкент: 1986.
8. Тюрина Л.В Опыт сопоставительного семантического анализа французских и русских морских терминов//Вопросы филологии. Изд-во ЛГУ, 1978. вып.УП. С.178-185.
9. Ҳожисев А. Тилшуннослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: 2002.

А.ЁҚУБОВ (ЎЗДК)

ТАРИХИЙ АДАБИЙ ТИЛИМИЗ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонида ўзбек тили, адабиёти, фольклори ва таржимашуннослиги бўйича бир неча вазифаларни илмий-назарий ва методологик жиҳатдан ҳал қилиш вазифаси қўйилган. Ана шундай масалалардан бири тарихий адабий тилимиз *шакллари* муаммосидир.

Мен тилшуннос эмасман, лекин адабиётимиз тарихини ўрганиш жараёнида пайдо бўлган мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман. Назаримда, тарихий

бондай тилимизнинг бир неча шаклари бор. Дейлик, қадимги туркий адабий тилини олайлик (энг қадимги даврлардан IX аср гача ёки ислом давригача дейишилген адабий тил). Бунда деярли барча туркий қабилаларнинг лаҗжаларини топишни мумкин. Тұғри, бу үринде ҳам муайян лаҗжанинг устуворлыгига дуч көпшілди. Масалан, Урхун-Энасой тошбитикларини лексик таҳлил қилиш барында бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин ва унда туркий лексик қатламнинг устуворлыгига бор гап. Биз бу борада тильтунос олимларимиз Ф.Абдурахмонов, А.Рустамов, И.Стеблеева қабиларнинг фикрларига қүшилдамиз.

Денди адабий тилнинг эски ўзбек тили шакли тұғрисида (IX – XX аср ғарнари ёки ислом давридаги адабий тил). Бу даврда ҳамма билганидек, түркій қабилаларнинг лаҗжаларидан ташқари араб ва форс тилининг лексик ғарнари күтилганидан ҳам ортиқ даражада. Аммо, масала бошқа томонда. Гап шашыны, тарихий адабий тилимизнинг эски ўзбек тили деб аталған шаклида діндерларда муайян туркий қабилалар лаҗжаларининг устуворлығы күзға көпшілди. Бунда Шұро давридан бошлаб биргина қарлуқ – қипчоқ – үгуз шашыны ган олиб келинмөкдә. Лекин, бундай тизим бир неча эканлигини ідрек көпшілдік кийин эмас. Мисол учун, әзтибор беринг: “Кутадғу билиг”даги тизим: қарлуқ – қарлуқ – яғмо; Ахмад Яссавий ҳикматларидаги тизим: қарлуқ – қипчоқ – үгуз. Нодирабегим асарларидаги тизим: қипчоқ – қарлуқ – үгуз ва ҳ.к.

Шуниси кизиқки, юргимиз Мовараунахр ва Олтін Үрда даврида XII – XIII ғасырларда битилған асарларни лугатсиз тушундамиз, бунга хуросонлик түрінің асарларини ҳам құшамиз. Аммо, буюк бобомиз Алишер Навоий ғарнари мутолаасида лугат излаймиз. Нега? Бунинг сабаблари күп, бирнеше көрсеткесини көлтирайлай: бириңчидан, Навоийнинг ёшлик үйларыда (Навоийнинг ёнінда ва Самарқандда үқиған даврларда) өзгән шеъриятини түсінсиз үқыймиз; иккінчидан, Навоийнинг тафаккур тарзи уннинг асарларыда ода күп тилларнинг лексикасы үз ифодасыны топишини тақазо этди ва ҳ.к.

Шундай қилиб, тарихий адабий тилимизнинг бир неча шаклари бор ва булардың сабаб туркий қабилалар лаҗжаларининг кең иштироки, араб ва форс тилининг ҳамкорлығы ҳамда тарихий давлатларимиздаги тил сиёсатидир.

Е.ШИРИНОВА, КИХИ (ТошДУТАУ) ЎЗБЕК ТИЛИ БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА ГИПЕР-ГИПОНИМИЯ

Маълумки, “Вокелиқда нарса, белги, хусусиятлараро жинс-тур боланишлари жуда кең тарқалған. Бундай боланишларни табиатда ҳам, ғарнда ҳам, фанда ҳам жуда күп учратамиз”(3).

Изланишларимиз натижасида терминология система, үз навбатида, ички мәннүүй гурухларга бүлинүвчи, мазкур майдонлар ва уларнинг элементлари тұғрисида түрли парадигматик мұносадатлар: синонимия, омонимия, антонимия, тишиномия, гипер-гипонимия (жинс-тур), партопимия (холо-меронимия, яғни бүтүн-бұлак), иерархонимия (погоналаниш), градуонимия (даражаланиш) ва ҳ.м. шарттарда бүлганса да, оның мәннүүй гурухларынан табиаттағы мәннүүй гурухларига нисбатан макросистемадир, деган хуносага келдик.

Терминология ва лексикология умумий қонуниятлар асосда тараққија этувчи тип соҳалари дир. Чунончи, терминология система элементлари орасиди ҳам гипер-гипонимик муносабат мавжуд. Лингвистик адабиётларда жинс-тур муносабатларини турлича номлаш кўзга ташланади. Е. Коновалова ё тадқиқотида тилшуносларнинг ушбу муносабатни турлича номлаши хусусиди маълумот бериб ўтган ҳолда (гипонимик (Новиков, 1982), гипер-гипонимик (Киршо, 1989), категориал-спецификацион, инклузив-эксклюзив (Никитин, 1983)) бевосита мустақил лексик-семантик категория сифатида гипонимияни лексик тизим учун системаловчи роли алоҳида аҳамиятга молиқлигини таъкидлайди. Қатор адабиётларда гипонимия тилнинг луғат таркибини тизимга солувчи универсал, фундаментал парадигматик муносабат сифатида тан олинади (2).

М. Абдиевнинг докторлик диссертациясида гиламчилик сўз-терминлари ўртасидаги гипонимик муносабат таҳлил қилинар экан, тилшунос бу хусусиди шундай маълумот келтириб ўтади: “Кейинги йиллардаги тадқиқотлардиди лексемаларнинг ўзаро лугавий-семантик муносабатлари турларидан бири гипонимия деб аталиб, унинг таркибий қисмлари гипероним ва гипоним, жинс-ва тур терминлари орқали ифодаланмоқда” (1).

Гипер-гипонимия деганда терминларни ўзаро гурухларга бирлаштирувчи жинс-тур муносабатлари тушунилади. Бунда нисбатан кенгроқ маънога эги бўлган термин жинс (гипероним) ўз ичига нисбатан торрок маъно ифодаловчи тур (гипоним)ни ўз ичига олади. Айни вактда бир терминга нисбатан гипероним бўлган термин бошқа бир гиперонимга нисбатан гипоним ҳам бўлиши мумкин. Маълумки, гипонимияда ҳар бир юқори сатҳ нисбатан кам сонли бирликлардан таркиб топиб боради. Мазкур жинс-тур муносабати тилшуносликка мантиқ фанидан узлаштирилган. Умумийлик ва хусусийлик бундай таснифнинг фалсафий асоси булиб, асосан, гиперонимдан умумийлик гипонимда эса хусусийлик акс этади. Гипонимик муносабат нафақат терминологияни системалаштириш ва тартибга солиша, балки бу каби мантиқий муносабатлар уларнинг алоҳида хусусият ва сифатлари, муайян умумий характеристикасидаги ички алоқаларга асосланади. Тушунчалараро муносабатлар иерархијадир. Яъни ҳар бир юқори синф иерархия занжирида ўзидан юқорироқдаги синф учун тур, ўзидан кўйироқдаги синф учун эса жинсдир.

Терминологик системаларни таҳлил қила туриб, Е. Коновалова терминосистемадаги минимал ёки максимал элемент бир вақтнинг ўзида бир нечта бошқа элементлар билан ҳам жинс-тур муносабатига кириша олади, деган холосага келади. Ҳар бир гипер-гипонимик блокнинг очиб берилиши обьектнинг қанчалар мураккаб алоқадорликка эгалигини юзага чиқаради. Муайян соҳа қанчалик чуқур ўрганилган ва мураккаброқ бўлса, умумлашмалар, ўз навбатида ярус ва блоклар сони шунча кўп булади.

Терминологиядаги жинс-тур муносабатлари дефиниция билан чамбарчас боғлиқ. Н.Д. Артюнованинг таърифлашича, дефиниция, нафақат, терминнинг маъносини аниқлаштиради, балки муайян системадаги терминлар орасидан ўсиб чиқадиган барқарор маънони ўрнатади. Дефиниция илмий изланиш

шаклланади ва тушунчаларни бир-биридан фарқлаш, тушуниш ва қолиши учун зарур бўлган минимум маълумотларни беради. Гипер-гипонимик бирликлар исталган категориядаги тушунчалар орасида акс этиши мумкин.

Банк-молия терминологиясидаги гипер-гипонимик муносабатнинг акс этишини келадиган бўлсак, ЗАЁМ – гипероним; ОБЛИГАЦИЯСИЗ, ПЛЮТИШСИЗ, ФОИЗСИЗ, МУДДАТСИЗ, ТАШКИ, ИЧКИ, ЮТУҚЛИ, ГАФОЛАТЛИ, ДАВЛАТ, ОЛТИН, КОМПЕНСАЦИЯЛИ, ОБЛИГАЦИОН, ОПТИОН, ОЧИҚ, ФОИЗЛИ, МАҚСАДЛИ гипонимлардир. Айни вақтда гипонимин шакллантирувчи сўзлар гиперонимга нисбатан аниқловчи гипонимиш муносабатига киришади. Гипонимлар эса бир-бирига нисбатан бир гипонимга бирикиши боис ўзаро гипонимдошлардир.

Лингвистик адабиётларда формал-семантик ҳамда хусусий семантик гипонимик алоқалар ажратилади. Банк-молия терминларининг таҳлили мазкур соня терминлари орасида асосан формал-семантик гипонимик алоқа манзуудлигини кўрсатди. Бундай алоқа бир гиперонимга бир қатор гипонимдошларни бирикиши орқали ҳосил булади. Асосан гипероним (гипониминиши) сифатида от туркумига оид термин, гипоним (аниқловчи)лар сифитида эса сифат ва от туркумидаги сўзлар фаолдир. Бу ҳолат банк-молия терминологиясида системалик нафақат мантиқий алоқадорликда, бакли тасдиқ погонада ҳам акс этишини кўрсатиб турибди. Масалан: СОЛИҚЛАР: ДАВЛАТ СОЛИҚЛАРИ, ШАХСИЙ СОЛИҚЛАР, ПРОГРЕССИВ СОЛИҚЛАР, ПРОИОРЦИОНАЛ СОЛИҚЛАР, МАҚСАДЛИ СОЛИҚЛАР, РЕАЛ СОЛИҚЛАР ва х. ушбу атрибутив бирикмалар Солик гипоним (гипонимтермин)ига нисбатан гипоним (туртермин)дир.

Банк-молия терминологиясида шаклий умумийликни ифодаламаган ҳолда оғи семантик гипер-гипонимиянинг кузатилиши нисбатан камроқдир. Масалан, қимматбахо қофозлар: *акция*, *вексель*, *облигация*, *сертификат*. ҚИММАТБАҲО ҚОФОЗ гиперонимининг маъноси қуйидаги семемалардан иборат:

- мулк ҳукуқини берувчи ҳужжат;
- даромад олиши ҳукуқини берувчи ҳужжжат;
- мулк ёки бошқа ҳукуқларни бошқа шахсларга бериш имконини берувчи ҳужжат.

Энди эса гипонимдошларнинг маъносини куриб чиқамиз:

АКЦИЯ

-эгаси акционерлик жамияянинг шаклланишида иштирок этишини тасдиқловчи ҳужжат;

- даромад олиши ҳукуқини берувчи ҳужжжат;

ОБЛИГАЦИЯ

Облигацияни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулкий эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қайд этилган фойзни олишга бўлган ҳукуқини ёхуд бошқа мулкий ҳукуқларини тасдиқловчи миссиявий қимматли қофоз.

- даромад олиши ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

Мазкур мисолдан кўриниб турибдикি, кимматбаҳо қоғоз турлариши ифодаловчи гипонимдошлар семантикасида уларни гипероним мазмун планида ифодаланган даромад олиши ҳуқуқини берувчи ҳужжат маъноси ифодаланган.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тили бандк-молия терминалогиясида гипер гипонимия ҳодисаси қузатилиб, унинг чукур таҳлили терминларо яширии алоқадорлик ва муносабатларни аниқроқ тасаввур қилиш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Абдиев М. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти касб-хунарлари материаллари асосида): филол.ф.д..дисс. Тошкент: 2005.
2. Коновалова Е.А. Деривационный потенциал и парадигматические отношения в современной русской терминологии: дисс.канд.филол.наук. Москва: 1998. С. 97.
3. Незматов X., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. Тошкент: 1995. Б.118-119.

Ш.М.СУЛТОНОВА (ЎзДЖТУ) ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР ВА КОРПУС ТИЛШУНОСЛИК БОРАСИДА

Корпус тилшунослик – бу амалий тилшуносликнинг лингвистик корпуслар (матнлар корпуслари)ни тузишнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқиши ва улардан фойдаланиши билан шуғулланувчи бўлими ҳисобланади. Ушбу термин 1960 йилларда корпуслар яратиш амалиётининг ривожланиши билан боғлиқ равишда қўлланила бошлади, 1980 йилларда эса ҳисоблаш техникасининг ривожланиши корпуслар учун кенг имконият яратилди.

Маълум принципларга мувофиқ тўплантган, маълум стандарт буйичи ажратилган ва маҳсус қидирув системаси билан таъминланган матнлар туплами лингвистик корпус дейилади. Баъзи ҳолларда корпус деб бирор умумий ҳусусиятга кўра бирлаштирилган (тил, жанр, муаллиф, матнларнинг яратилиши даври) шунчаки матнлар тупламига айтилади.

Корпус тилшуносликнинг марказий тушунчаси – лингвистик корпус ҳисобланади. Матнлар корпусга тасодифан эмас, балки муаммоли, яъни тадқиқотчини қизиқтираётган тил ҳодисалари рўй берадиган соҳага мос равишда тупланади. Муаммоли соҳа икки жиҳатга эга: лисоний ва нутқий. Лисоний жиҳат деганда ўрганилаётган ҳодисанинг ўзи, нутқий жиҳат деганда эса – ушбу ҳодиса намойиш қилинган кўплаб контекстлар тушунилади. Муаммоли соҳа жуда кенг ҳам бўлиши мумкин (Ф.М.Достоевскийнинг барчи асарлари), ёки анча тор ҳам бўлиши мумкин (сифатнинг отта мослашуви).

Корпусга қандай матнларни ва қандай ҳажмда танлаб олиш зарурлиги энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бир томондан, тадқиқ қилинаётган ҳодиса, тилда қанчалик кам учрайдиган бўлмасин, корпусда ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ бўларди. Корпуснинг таркиби ва тузилишига кўйиладиган талаблардан бири унинг тўла-тўқис бўлишидир. Ушбу талаб корпус яратишнинг бошқа муҳим принципи – репрезентативлик талабига қарши кўйилади. Корпус яратувчиларнинг вазифаси – тилга оид маълумотлар тупламига тегишли матнларни иложи борича кўпроқ йиғишдан иборат. Ваҳоланки, корпус ушбу тилни ўрганиш учун яратилади. Феномен қанчалик

специфик (ўзига хос) бўлмасин, ўч қандай корпус унинг барча қирраларини савириб ололмайди. Шунинг учун корпус бу ҳар доим тадқиқотчи томонидан ўзиншан вазифага қараб белгиланган баъзи ўлчамлар асосида амалга ошириладиган муаммоли соҳанинг маълум танламасидир. Бундай танлама сентик килинаётган тиљнинг у ёки бу параметрларини тилда ёки тилга тегишли маълумотлар тўпламидағи каби пропорцияда акс эттириши керак.

Корпус танлаш нуктаи назаридан баланслаштирилган ва монитор корпушлар фарқланади. Баланслаштирилган корпушларда корпусга дискурснинг турши модулларини (ҳам ёзма, ҳам оғзаки матнларни киритган ҳолда) намойиш иштепчи, жанр, услугуб ва мавзу бўйича хилма-хил бўлган матнлар киритилади. Корпус ишланмасида турли жанр, услугубият ва х.к.лардаги матнлар намойиш иштепчиши керак бўлган пропорциялар белгиланади. Бундай корпушлар қайд ишнинг ҳажмга эга бўлади. Ушбу корпушларни тўлдириш фақат янги матнларни танлаб олишини пухта амалга оширгандан кейингина бўлиб ўтади. Монитор корпушлар мазкур тилдаги янги матнлар билан мунтазам тўлдириб тарнилади, бунда турли модус, услугуб ва жанрларга хос матнлар балансига саршимайди. Монитор корпус яратувчилар фикрича, корпусдан олинган маълумотларнинг “статистик” асосланганлиги миллиардлаб сўзларда инфодланган корпуснинг ҳажми ҳисобига эришилади. Корпуснинг муҳим ўзрасаткичи унинг ҳажми ҳисобланади. Агар аввалги корпушлар миллион профидаги сўзлардан (аникроғи, турли шаклдаги матнлардан) ташкил топган бўлса, замонавий корпушларнинг ҳажми юз миллионлаб (масалан, рус тили Минијий Корпусининг ҳозирги пайтдаги ҳажми 140 млн. га яқин сўзлардан ташкил топган), миллиардлаб (масалан, инглиз тилининг корпуси Bank of English 2,5 миллиарддан ошади) сўзлардан иборат.

Юкорида қайд килинганидек, турли лингвистик масалаларни ҳал қилиши учун матнлар ёки матнлар ичида алоҳида лисоний бирликлар қўшимча лингвистик ва металингвистик маълумотга - аннотацияга эга булиши керак. Імонавий корпушларда бундай аннотациялар (матн ҳақидаги, унинг номи, тушнифи, жанри ва бошқаларни ўзида акс эттирувчи)дан ташкари яна турли лингвистик тасвир даражалари – морфологик, синтактик, фонетик ва бошқа таъсиликларга хос маълумот ҳам берилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, корпус тиљшунослигининг ривожи тиљшунослик соҳасида тадқиқот олиб борувчилар учун улкан имкониятлар ўртиб бермоқда.

Адабиётлар:

- 1 Баранов А. Н. Корпусная лингвистика// Баранов А.Н. Введение в прикладную лингвистику. М., 2003. С.112-137.
- 2 Михайлов М.Н. Компьютерное обеспечение корпуса текстов (взгляд пользователя) // Русистика сегодня. 1998. № 1-2. С. 192-201.
- 3 Рахилина Е.В. Корпус как творческий проект // Национальный корпус русского языка: 2006-2008. Новые результаты и перспективы. СПб.: Нестор-История, 2009, с. 7-26.

ILK O'RTA ASRLARDA MARKAZIY OSIYODA TIL VAZIYATI

Ilk o'rta asrlarda O'rta Osiyoda bir qancha tarixiy-madaniy hokimliklari shakllanib bo'lgan edi. Bu hududlarda forsiy va turkiy tilli etnoslar bir-birlariga yaqin, yonma-yon, qo'shni va aralashib yashar edilar va ular aholisining aksariyat ko'pchiligini turkiyzabon qabila va elatlar tashkil etgan.

VI-VIII asrlarda ulkan hududda amal qilgan birinchi va ikkinchi ko'k turk xoqonliklarining rasmiy tili turkiy til edi. Saltanatning barcha rasmiy yozishmalari turkiy tilda olib borilgan. Rasman ko'k turk yozuvi amalda bo'lgan. Badiiy adabiyot, ilmiy va tarixiy asarlar, xoqonlarning tuzuklari, yorliqlari va chet ellar bilan yozishmalari turk tilida va ko'k turk yozuvida bitilgan. Hatto turkiy til Buyuk Ipak yo'li bo'ylab xalqaro til sifatida amal qilgan. Ko'k turk xoqonliklarida keyinchalik uning o'mida yuzaga kelgan uyg'ur xoqonligi zamonida Markaziy Osiyoda, ayniqsan Buyuk ipak yo'lida keng yoyilgan sug'd tiliga, o'mni bilan tabg'ach (xitoy) tiliga ham e'tibor qaratilgan. Masalan, monumental matnlar bitishda, turkiy til bilan barobar, sug'd, ba'zan tabg'ach tillaridan ham foydalanilgan. Buni o'sha kezlardan qolgan ikki, uch tilli bitiglarda ham kuzatishimiz mumkin. Chunonchi, 732 - yili tiklangan Kul tigin bitigi ikki tilli: asosiy matn turkchada, toshning ters yuzida xitoycha yozuvni ham bor. To'quz o'g'uz (uyg'ur) xoqoni Alp Bilga xotirasiga 820-821 – yillarda tiklangan Qorabalg'asun obidasi uch til – turkiy, sug'dcha va xitoy tilida bitilgan. Bu dalillar turk muhitida, ona tili bilan birga, mazkur tillarga ham alohida e'tibor qaratilganidan dalolat beradi. Ko'k turk xoqonliklarining ayrim o'lklarida, xoqonlikka qaram va unga qo'shni yurtlarda, turklar bilan aralash yashaydigan boshqa qavmlar ichida ikki tillilik ham amal qilgan. Masalan, Sug'dda va xoqonlik hududidagi sug'dlar ko'chib kelib o'mashgan ayrim kentlarda, sug'd-turk qo'shtilliliqi, Xorazmda xorazm-turk, qo'shni Toharda va turk xoqonlig'i, keyinchalik uyg'ur xoqonlig'ining Toharga qo'shni viloyatlarida, asosan, to'xrilan orasida to'xri-turk qo'shtilliliqi ham amalda bo'lgan.[5]

O'tmishda yaratilgan matnlar ichida ikki, uch tillilari ham anchagina. Shu o'rinda qayd etish kerakki, matn ikkitilliliqi bilan jamiyat orasidagi bilingvizm (qo'shtillilik) hodisasini qorishtirmaslik kerak. Chunonchi, yuqorida qayd etilgan o'lkalarda xorazm-turk, sug'd-turk, to'xri-turk qo'shtilliliqi bo'lgan. Lekin tabg'ach turk qo'shtilliliqi turk jamiyatni o'tmishda uchramaydi. Turkiy yodgorliklarda xitoycha matnlarning berilishi xitoy tilining mavqeysini nazarda tutgan holda shakllangan. Islom davrida turklar orasida arab tilining o'rganilishi va arabiyy savodxonlikning yuqori darajada bo'lganligini ham qo'shtillilik hodisasi deb sanamaslik kerak.

Chunonchi, X asrdagi Buxoroda yaratilgan adabiyot haqida Y.Bertels shunday yozgan edi: "Aslini aytganda, til nuqtayi nazaridan bu davr adabiyotini fors va arab adabiyotiga bo'lish – haqiqatan shartli narsadir. Aslida biz mavzu, uslub, tashqi ko'rinishi bir xil, faqat tildagini farqi bo'lgan yagona adabiyotga egamiz. Shuni ham aytish kerakki, shoirlar ko'p holda ikki tilni bilishgan va har ikki tildan birday osonlik bilan foydalanishgan, bir fikrning o'zini goh bu, goh u tilda ifoda

“zigan”. Y. Bertelsning bu fikrlarini ham yuqoridagi kabi ayrim turkiy qatlamning looniy savodxonligi bilan izohlash mumkin. Turkiy til keyingi davrlarda yuzaga kelgani turkiy davlat va sultanatlarning rasmiy tili sifatida amal qildi. [2, 71]

Mahmud Koshg’ariy o’zining “Devonu lug’atit turk” asarida turkiy tilning olib-e’tibori, boshqa tillar o’rtasidagi mavqeyi, O’rta va Markaziy Osiyodagi til va qurʼanti to‘g’risida to‘la ma’lumot bergen edi. U turkiy tilning Sharq xalqlari o’rtasidagi mavqeyi xususida to‘xtalib, uni “arab tili bilan ikki uloqchi ot singari teng joyga qilib o‘zib borayotgan turk tili” deya ta’riflaydi. Mahmud Koshg’ariy yozuvchililar osha Markaziy Osiyo tuprog’ida yashab kelgan etnik guruuhlar va ulomning tillari to‘g’risida ham aniq ma’lumot keltiradi. Jumladan, u mazkur ikalarda yashovchi “so‘g’doq, kanchak, arg‘u” larni “ikki tilda so‘zlashuvchilar” deya tu’kidlaydi. Uning yozishicha, xo‘tanliklar, tubutlar va tangutlarning ba’zilari hali ikki tilda so‘zlaydiganlar va boshqa shaharlarga borib yurganlar tilida buzuqlik boi. Bular bu yerlarga so‘ng kelganlar. Mochinliklar va chinliklarning ayricha tillari boi bo‘lsa ham, shaharliklar turkchani yaxshi biladilar. Olimming yana ta’kidlashicha, ulomning turklar bilan yozishmalari turkhadir. Tubutlarning tillari alohida.

Shuningdek, xo‘tanliklarning ham ayrim yozuvlari va ayrim tillari boi. Tubutlar ham, xo‘tanliklar ham turkchani yaxshi bilmaydilar. Mahmud Koshg’ariyning yozishicha, Bolosog’un, Taroz, Madinat ul-bayza shaharlarining xalqlari sug‘dcha va turkcha so‘zlaganlar. Ushbu fakt ikki masalaga e’tibor qaratishni qilishi etadi: birinchidan, bu o‘rinda shu o‘lkalarda ikki tilda so‘zlashuvchi ikki xalq o’rtasidagi ko‘zda tutilmoqda; ikkinchidan esa bu o‘lka xalqlarining (“so‘g’doq, kanchak, arg‘u” larning) ikki tilliligi. Ma’lumki, ko‘k turk, uyg‘ur xoqonliqlari va qoraxoniylar davrida bu o‘lkalarda turklar bilan birga savdo yohud boshqa ijtimoiy-yayoni jarayonlar ta’sirida kelib o‘rnashib qolgan sug‘dlar ham yashar edi. Mahmud Koshg’ariy so‘g’doq (ya’ni sug‘d) xalqini ikki tilda so‘zlashuvchilar deb tekliflaganda ko‘proq shu o‘lkalardagi sug‘dlarni ko‘zda tutgandir.

Istaxriy 920-922-yillarda Shoshda bo‘lganida “Shosh aholisi asosan sug‘dlardan iborat. Lekin uning sharqi qismida turklar ham yashaydi. Sug‘dlar turkchada dariyida, uylarida sug‘dcha so‘zlashadilar. Ba’zilari esa uylarida ham dariyida gaplashyaptilar. Turklar esa o‘z tillaridan boshqa tilni bilmaydilar. Shuning unli sug‘dlar ular bilan turkchada so‘zlashadilar”, degan ma’lumotni keltiradi. [3, 108-109] Lekin Istaxriyning bu ma’lumoti Chochdag‘i haqiqiy holatni aks etirolmaydi. Chunki boshqa bir marbaga ko‘ra bu makon turkiylari til savodxonligi qopatgina ona tilisi bilan cheklanib qolmagan.

Ko‘k turk, uyg‘ur xoqonliqlari va qoraxoniylar davrida Balasag‘un aholisi dilli tilli edi. Mahmud Koshg’ariyning yozishicha, balasag‘unliklar sug‘dcha va turkcha so‘zlaganlar. Xalqning ikki tilli ekanligining boisi, bu yerda turklar bilan birlig‘i sug‘dlar ham yashagan. Lekin qoraxoniylar davriga kelib, bu yerlik uyg‘dlarning turklashuv jarayoni yuz bera boshlagan. Mahmud Koshg’ariy “o‘g‘loq” so‘ziga izoh bera turib: “So‘g’doq – Balasag‘unga joylashgan bir qavm. Ular Samarcand va Buxoro o‘rtasidagi So‘g‘iddan bo‘lib, keyin turklashib ketgan odamlar” deb yozadi. Olim koshg‘arliklar to‘g’risida ma’lumot berar ekan, “Ondiqarda kanchakcha so‘zlashadigan qishloqlar bor. Shahar o‘rtasida turuvchilar uqoniylar turkchasi”da so‘zlaydilar” deb yozadi. Bundan anglashiladiki, Koshg‘ar

tevaragida kanchaklar yashaydigan qishloqlar ham bo'lgan va ular ikki tilli edi Shahar ichidagilar esa turkiy adabiy tilda ("xoqoniy turkchasi"da) so'zlaganlar Muhimi shundaki, Mahmud Koshg'ariy kanchaklarni turklarning bir toifasi deb ta'riflaydi. Shunga ko'ra, "kanchakcha" atamasini turkiy shevalaming biri deb qarashi mumkin.

Mahmud Koshg'ariy umumiy turkiy qabilalar haqida shunday deb yozadi "turklar aslida yigirma qabiladir. Har bir qabilaning sanoqsiz allaqancha urug'lan bor. Men bulardan asosiyalarini – ona urug'larini yozdim, shoxobchalarini tashladim" "Devonu lug'otit turk" dagi ma'lumotlarga qaraganda, o'sha davrda bijanak, qipchoq, o'g'uz, boshqird, basmil, yabaqu, tatar, qirg'iz, chigil, tuxsi, yanq'mo, ig'raq, uyg'um kabi turkiy qabilalar tili umumturkiy adabiy tilni tashkil qilgan. Ulardan "eng yengili – o'g'iz, eng to'g'risi, yaxshisi – yanq'mo, tuxsi, eng ochiq, ravon til – haqoniy o'lkasida yashovchilaming tili", ekanligi ta'kidlangan.[4, 33]

"Devonu lug'atit turk"da Uyg'ur mamlakati va uning eli to'g'risida ham keng ma'lumot berilgan. Mahmud Koshg'ariya ko'ra Uyg'ur – besh shaharli viloyat ismidir. Uning yozishicha, Uyg'ur viloyatida beshta shahar bo'lib, u yemning aholisi g'irt kofirlar va nihoyatda mohir otuvchilardir. U shaharlarni Zulqarnayn bino qilgan Bular: So'imi, Qochu, Chanbaliq, Beshbaliq, Yangibaliq shaharlaridir. "Devonu lug'atit turk"da keltirilgan xaritada bu o'lka Biladu Uyg'ur deb qayd etilgan Mahmud Koshg'ariy bu o'lka xalqining tili va yozuv madaniyati haqida ham ma'lumot bergan. U yozadi: "Uyg'urlarning tili sof turkcha. Lekin o'zlar so'zlashadigan yana bir xil shevasi ham bor. Uyg'urlar kitobning bosh qismida ko'rsatilgan 24 harfdan iborat turkiy yozuvni qo'llaydi. Kitob va xat-janglarini shu yozuv bilan yozadi. Uyg'urlarning chinliklarnikiga o'xshaydigan yana bir xil yozuvni ham bor. Rasmiy xat-jang va hujjatlarini shu yozuvda yozadi. Bu yozuvni musulmon bo'Imagan uyg'urlar bilan chinliklardan boshqalar o'qiy olmaydi".

X asrda qoraxoniylar davlatida islom dini rasman qabulqilinishi adabiy til, yozma adabiyot, madaniy hayot va falsafiy qarashlarga ham o'z ta'sirini ko'rsatdi. Ayni kezlardan adabiy tilning yangi bir bosqichi boshlanadi. Mo'g'ullar sultanati davrida ham butun saltanatga qaram yerlarda, to'rt ulusda mo'g'ul tili emas, qoraxoniylar adabiy tili an'anasinini saqlagan turkiy til amalda bo'ldi.

Adabiyotlar:

1. M. Qoshg'ariy, Devoni lug'otit turk. -T.: Fan, 1967
2. B. To'xliyev va boshqalar, Adabiyot. -T.: Cho'ipon, 2010
3. A. Asqarov, O'zbek xalqining kelib chiqish tarixi. -T.: O'zbekiston, 2015
4. A. Nurmonov va boshqalar, Hozirgi o'zbek adabiy tili. -T.: Ilm ziyo, 2015
5. Q. Sodiqov, Turkiy til tarixi. -T.: TDShI, 2009

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА ТАЪЛИМ

Б.МЕНГЛИЕВ,

ф.ф.д., профессор (Тошдўтау)

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ БАКАЛАВРЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Филология фан соҳаси сифатида тил ва адабиёт билан боғлиқ назарий, шунчаликка ва амалий масалалар билан шуғулланади. Дунё миқёсида филология соҳасининг бир неча тури мавжуд бўлиб, ҳар бир филологик фаолият тури ижтимоий ҳаётдаги тегишли муаммолар билан боғлиқ ўзига хос мақсад ва интифадага эга.

Назарий филологик фаолият тилшунослик ва адабиётшунослик бўйича фундаментал билимларни эгаллаш асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш, миннаду низомий филологик концепциялар ва алоҳида лисоний, адабий ва язисида ва жараёнлар, турли шаклдаги матнларни турли назарий ҳукм ва купосалар чиқариш учун таҳлил ва талқин қилиш, умумлаштириш, тегишли шунчалик мъалумотларни тўплаш, олиб бораётган тадқиқот бўйича аннотация, реферат тайёрлаш, библиография тузиш, мавзуу ва соҳа бўйича илмий мунозара, шунчалик мухокамаларда иштирок этиш, ахборот ва мъарузалар билан чиқиши, илмий хуносаларни оғзаки, ёзма ва виртуал тартибда (ахборот формокларига) тақдим этиш кабиларни ўз ичига олиб, бу вазифалар ватанимиз филология соҳасининг бош назарий йўналиши доирасида бирлашади ҳамда, яхшисан, амалий татбик босқичигача бўлган фаолият ҳисобланади.

Таълимий филологик фаолиятда илмий-тадқиқот фаолияти натижаларига ташкиб, олий, умумтаълим ва касбий таълим муассасаларида тил ва адабиёт бўйича ўкув машғулотлари ва синфдан ташқари ишларни бажариш, тегишли методика асосида она тили ва адабиёт бўйича машғулотлар ва синфдан ташқари ишлар учун ўкув-методик материаллар тайёрлаш, филологик билимларни ва ўқунчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни оммалаштириш ва тарқатиш билан шуғулланилади.

Мамлакатимиздаги бу икки филологик фаолият тури натижаларини демалол ривожланган давлатлар илми ва таълими самарадорлиги даражасида ташкиб мумкин. Шунингдек, бугунги кунда ривожланган давлатларда филологик фаолиятнинг учинчи бир соҳаси – амалий филологик фаолият тури ҳам ишланиб улгурди ва жадал ривожланмоқда. Амалий филологик фаолият тури бўйича мутахассис кадрлар тайёрланмоқда, куплаб амалий лингвистик тадқиқотлар бажарилмоқда. Назаримизда, республикамиз иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маннавий-мъерифий соҳаларидағи юксалиш, ахборот-коммуникация технологияларининг тез ривожланаётганлиги бизда ҳам амалий филологик таълим ва фаолиятни, бу борада истиқболли ва мақсадли илмий тадқиқотлар амалга оширилишини расман йўлга қўйиш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш ўта долзарб вазифалардан.

Амалий филология бакалавридан, филологиянинг барча тури учун муштарак бўлган умумфилологик компетенция билан бирга, хусусий малака ва ўқунималарга эга бўлиши талаб этилади. Уларда амалдаги меъёр ва методлар

асосида турли хил ва турдаги матнларни яратиш маҳорати шаклланади. Шунингдек, турли типдаги матнларни қайта ишлаш, уларга ишлов бериш, масалан, тузатиш, таҳлил ва таҳрир қилиш, шарҳлаш, аннотациялаш, рефератлаштириш, тавсифлаш каби амаллар профессионал компетенциянинг муҳим таркибий кисми ҳисобланади. Айникса, миллатлараро интеграция жараёни кучаяётган бир шароитда турли типдаги, яъни расмий, илмий, бадиий ва публицистик матн ҳамда ҳужжатларни бошқа тиллардан она тилига, она тилидан бошқа тилларга сифатли таржима қилиш профессионал укув ва малакани талаб чилади. Матнларнинг мукаммал лингвистик экспертизаси эса суд-экспертиза иши сифати ошишига кўмаклашади. Амалий филология бакалаврининг, шу билан бирга, таълимий, илмий маданий-оқартурв ташкилотлари, ижтимоий-педагогик, ижтимоий-ташкилий идоралар, босмахоналар, жамоавий ва алоқа соҳаларига доир типдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиши ва жорий қилиш каби амалиётларда намоён бўладиган профессионал билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши давр талабидир.

Амалий филология бакалаврида профессионал компетенцияни шакллантириш учун ихтисослик фанлари таркибида, умумфилологик фанлар билан биргаликда, соғ амалий мақсад ва мазмундаги “Матн таҳрири”, “Коммуникация асослари”, “Расмий ҳужжатлар тилининг амалий масалалари”, “Лингвистик экспертиза”, “Калиграфияшунослик асослари”, “Матн устида ишлашнинг филологик асослари”, “Касбий фаолиятнинг аҳборот технологиялари”, “Касбий коммуникациянинг филологик таъминоти”, “Амалий лексикография”, “Тил корпуси” каби ўкув курсларининг жорий этилиши мақсадга мувофиқ. Бунда, шунингдек, “Информатика” курси, анъанадиган фарқли равишда, аҳборот олиш ва узатишнинг инновацион технологиялари мазмунида бўлмоғи лозим. Нутқ ҳосил қилиш назарияси сифатидаги “Психолингвистика” курси амалий характер касб этиши ва “Нутқ психологияси” шакли ва мазмунида бўлиши зарур.

Амалий филология йўналиши битириувчиларнинг бозор талабларига мослашувини инобатта олиб, уларда кўшимча назарий ва таълимий филологик компетенцияларни шакллантириш ҳам кўзда тутилади.

Амалий филология мутахассислиги соҳа бўйича малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлайди ва ва бўлажак тадқикотчиларда илмий изланиши компетенциясига ургу берилади. Шу боисдан уларнинг ихтисослик бўйича профессионал компетенцияси амалий филологияга доир янги илмий натижалар, илмий адабиёт ёки илмий-тадқикот лойиҳаларини таҳлил қилиш, соҳадаги фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқот ишларини олиб бориш, шу хил тадқиқот ишлари методологиясини аниклаш, танлаш, эгаллаш ва ишлаб чиқа олиш, амалий филологиянинг амалий ва назарий масалаларини ечиш учун “ишлайдиган” илмий хулоса ва тавсиялар бериш, аҳборот технологияларидан унумли ва самарали фойдаланиш, соҳага оид давр талабларидан келиб чиқаётган муаммоларнинг назарий ва амалий ечимларини белгилаш, бажараётган тадқиқотлари мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиши билим, кўникма ва малакалар марказий ўринни эгаллади. Амалий муаммоларнинг назарий асосларини ўрганиш, уларнинг муайян соҳалардаги

шниқ ечимини яратиш учун илмий-тадқиқот муассасалари, вазирлик ва ғидорлар, илмий ва маслаҳат марказларида фаолият олиб бориш, илмий семинар, илмий-техникавий конференцияларда иштирок этиш, тегишли мұннамолар доирасыда илмий манбаларни яратиш кабиларда намоён бұлади. Амалий филология магистри ихтисослық компетенциясы эса амалий филология мисалалари юзасидан, бирламчи манбаларга сұяңган ҳолда, инновацион ва ғындыментал тадқиқотлар олиб бориш, соғанынг назарий ва амалий мұннамоларни билиш, давр учун долзарб, ҳали ишланмаган мавзуларни шындағы олиш малакасига зәға бұлиш, илмий-тадқиқотларни бажариш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятика зәға бұлиш, замонавий тәдқиқот методлари ва методологиясіні, турлы тадқиқот методлари ва методологияларининг күесій тасвифини, хөзирги замон амалий филологиясига тоғыр назарий қарашларни үзлаشتариш, етакчи концепциялар, илғор онырытчиларнинг асарларидан фойдаланиш, ечилаёттан илмий мұаммо ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиши қобилиятика зәға бұлиш каби билим, күнікма ва малакаларини үз ичига олади.

Амалий филология мұтахассислиги таълими, бакалавриат босқичининг үйний давоми сифатида, унда ҳосил қилинадиган компетенцияны ихтисослашған назарий күнікма ва малакалар билан бойитади. Шу бойыдан мұтахассислик үкүв предметлари таркибида “Матн назарияси”, “Дискурсология”, “Коммуникация назарияси”, “Девонхона хизмати”, “Суд лингвистикаси”, “Жаҳон лексикографияси”, “Нейролингвистика”, “Корпус лингвистикаси”, “Расмий мұлоқот этикасининг лингвистик асослари” сингари түрсларнинг бұлиши мақсадда мұвоғиқ.

Р. НИЁЗМЕТОВА,
п.ф.д., проф. (ТошДҮТАУ)
К. МАВЛОНОВА, кихи (ТДПУ)

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ДАРСЛАРИНИҢ ЎЗАРО ИНТЕГРАЦИЯЛАШ

5–9-сinfлар она тили дарсларыда ұқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини үстириш, нутқ маданиятини ривожлантириш ушбу ұқув фанинни үқитишнинг ассоцијација мақсадларидан саналар экан, таълим мазмуни ҳам, метод ва усууллари әм ана шу мақсадларга хизмат қила оладиган этиб белгиланади. Оғзаки ва ёзма нутқ үстириш ишлари күпроқ нутқнинг лисоний жиһатдан түғрилигини ғылымилашга қаратылса, нутқ маданиятини ривожлантиришунинг коммундорлиги ва таъсирчанлигига еришишда үз ифодасини топади.

Ұқувчи услугбий нейтрал сўзлар, сўзшакллари, синтактик бирликларни сұйып фикр баён қылса, үз фикрларини ривоя, тасвир, мухокама тарзыда ёзма ғылымилаштыра, бундай нутқ таъсирчанлик сифатига зәға бұлмайды. Таъсирчанлик бүекдор сўзлар, ширали жумлалар тузиш орқали яратылади. Бундай услуги бадийга караб боради. Бугунги кундаги «Ona tili» параллелиларыда бадий асарлардан олинган терма гаплар, парчаларга кенгрек түрлі ажратылаётгандығыннан сабаби ҳам нутқнинг коммуникативлигини ғылымилаш заруриятлари билан белгиланмокда, десек хато бұлмайды.

Машқларда бундай материаллардан фойдаланиш ўкувчиларнинг туйғусига ҳам, тарбиясига ҳам, нуткига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, дарсликдаги бадиий асарлардан олинган терма гаплар, ҳажман кичик матнлар ўкувчиларни табиат тасвири, асар қаҳрамонлари ҳаётида акс этган лавҳаларни бадиий идрок этиш, улардан эстетик завқ олиш, гарбиявий хулоса чиқариш имконини беради. Кичик бир лавҳа ҳам ёшларнинг туйғусига кучли таъсир ўтказиш, шу орқали тафаккурини ривожлантириш учун хизмат кила олади.

Бадиий матн она тили дарсларида ўрганиладиган тил ҳодисаларининг экспрессив жиҳатларини англаш учун йўл очади, ёшларни сўз, сўз шакллари, синтактик бирликларни уларга ёрқинлик бахш этган ҳолда ишлатиш маҳорати билан изчил, тадрижий такомилда танишириш имконини беради. Бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъат турларига зътиборни қаратиш ўз-ўзидан она тили дарсларини адабиёт дарслари билан интеграциялашга ундаиди. Адабиёт дарслари ўкувчиларда гўзалликни кўра ва сеза билиш хиссини, гўзалликдан завқ ола билиш кўнникмасини ҳосил қилишга ёрдам берса, она тили дарслари бу ишларни давом эттириш ва чукурлаштириш имкониятлари билан алоҳидалик касб этади. 5–9-синфларда ўрганиладиган эмоционал-экспрессив воситалар бадиий таҳлил мундарижасини бехад кенгайтира олади, шу жиҳати билан ушбу материаллар адабиёт дарслари мазмунини узлуксизлик, мунтазамлилик, изчилик асосида бойитиши турган гап. Бунинг натижасида, яъни икки ўкув фанининг ўзаро боғланиши туфайли таълим-тарбия самарадорлиги янада ортади, ёшлар нутқининг ширадорлиги, таъсирчанлигини ошириш учун кенг имкониятлар вужудга келади. Бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъаттурлари нарса-буюм, ҳодисаларни кисқа, аммо ёрқин тавсифлашда муҳим роль ўйнайди. Асаддаги ишончлилик ва мотивларга асосланган мантиқ ўкувчиларнинг маънавий дунёсини бойитади. Ўкувчи бадиий сўз гўзаллигини, нафосатини, кудратини, эмоционал-экспрессив сўз шакллари, лексик воситаларнинг аҳамиятини қадам-бақадам англаб, ўзи учун янги кирралар кашф этиб боради. Лекинадабиёт дарсларининг ўзи асарни ўкиш ва таҳлил килиш чоғида сўзларнинг маъно жилоларини аниқлашга етарли имкон бермайди, тимсол яратишда фойдаланилган айрим сўзларнинг гоявий вазифаси йўл-йўлакай айтиб ўтилади, холос.

Она тили дарсларида бошқа ўкув фанлари билан турли даражада интеграция амалга оширилади. Бирида маъқул келган ҳолатлардан андаза олинади, иккинчисида ўзаро таъсир орқали бир-бирининг таълим мазмунини унификация қилиш, бойитиш рӯёбга чиқарилади. Бирига сўз маҳоратидан фойдаланиш борасида таянилади, иккинчисига шу ниятда суюнилади, унинг таълим мазмуни билан бир қадар ҳисоблашилади ҳамда ўзаро таъсир тавсифидаги алоқага киришилади. Бири билан (масалан, рус тили, чет тиллар, кисман тарих) **бир томонлама**, иккинчиси, аниқроғи, сўз санъати саналмиш адабиёт ўкув фани билангина **икки томонлама** интеграциялаш содир этилади. Кўпроқ рус тили, камроқ чет тиллар, тарих ўкув фанларидан она тили таълимни мазмунни учун ижобий тажрибалар ибрат қилиб олинади, лекин ўзи ушбу фанлар таълим мазмунини ўзгартиришга доир жиддий тавсиялар бера олмайди. Бир томонлама интеграция деганда ана шу ҳолатлар назарда тутилади.

Она тили дарсларида ўтиладиган лексик ва грамматик воситалар билан шу воситаларнинг бадиий қиймат яратишдаги ўрни ва аҳамияти ўкув фанидаги ички интеграциялаши асосида ўрганилиши мумкин.

Она тили дарсларида машқ материали сифатида келтирилган бадиий матннинг тил хусусиятлари она тилидан ўтиладиган мавзуларда ўрганиладиган эмоционал-экспрессив лексика, морфологик шакллар, синтактик фигуранлар ва бирликларни акс эттиради, бадиий қиймат шу воситалар ёрдамида вужудга келтирилган ҳолатлар адабиёт дарсларида асар тили устидаги ишларда ҳам тилга олинади. Шу нуқтаи назардан қараганда, она тилидан ишлаб чиқиладиган тасвиялар адабиёт дарслари учун ҳам алоқадор булиши табиий. Шунга кура ҳам она тили ва адабиёт дарслари ўзаро *икки томонлама* интеграцияланади, дейиш мумкин.

Юкорида машқ материали сифатида келтирилган бадиий матннинг тил хусусиятлари она тилидан ўтиладиган мавзулар билан боғланишда ўрганилиши кераклигини таъкидлаб ўтган эдик. Бу ҳам интеграциялашнинг бир кўриниши ҳисобланади. Биз буни ички интеграциялаши деб агадик. У ҳолда бошқа ўкув фанлари билан боғланишини *ташқи интеграция* деб аташ мумкин. Она тилини ўзабиёт фани билан интеграциялашни *икки томонлама ташқи интеграциялаши* деб юритиш хато бўлмайди.

Ҳ.Неъматов, А.Фуломовлар ўринли таъкидлаганлариdek, «Урта мактабда она тили саводхонликни такомиллаштириши ва тилдан маҳорат билан фойдаланиш санъатини шакллантириши лозим» (1,6). Ушбу максадга адабиёт ўкув фанисиз эришиш мушкул. А.Твардовскийнинг кўйидаги фикри эътиборга нойиқ: «Она тилисиз адабиёт гўзаллигини, адабиётсиз она тилини тўлиқ таъллаш мумкин эмас» (2,296).

Хуллас, нутқ маданиятини ривожлантириш учун, бир томондан, она тили дарсларида ўрганиладиган тил ҳодисаларининг эмоционал-экспрессив жиҳатларига, бадиий матнларда ёзувчи маҳорат билан ишлатган Бадиий тасвир носиталари ва шеърий санъат турларига ўкувчилар эътиборини қаратиб туриш ширур, иккинчи томондан, адабиёт дарсларида асарларнинг тил хусусиятларини таҳлил қилиш жараёнида она тилидан олинаётган билимларга ҳам кенгроқ мурожаат этиш даркор.

Адабиётлар:

1 Ne'matov H., Mahmudov N., Sayfullayeva R., G'ulomov A., Abduraimova M. Ona tili. Umumta'lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik. – T.: Ijod dunyosi, 2001. – 96 b.

2 Твардовский А. О литературе. – М., 1973. – 296 с.

С.Х.МУҲАМЕДОВА, ф.ф.д.(ТошҶУТАУ)

Ш.Ш.ЮЛДАШЕВА, п.ф.н. (НукусДПИ)

ПЕДАГОГИК ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР ВА ТИЛ ТАЪЛИМИ

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётининг барча соҳаларини ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш кийин. Айникса, таълим-тарбия тизимига, таълимнинг барча турларида ўкув-тарбия жараёнига ахборот технологияларини олиб кириш орқали таълим сифатини

узлуксиз равищда такомиллаштириб бориш, самарадорлигини орттиришга кенг зътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 сентябрдаги ПФ-3501-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 февралдаги 12-сон баёнига асосан “Электрон таълим” Миллий тармогини таркиб топтириш лойиҳаси доирасида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимида “Электрон таълим” тармоғи шакллантирилганлиги, ушбу тармоқ контентини бойитишда электрон таълим ресурслари қамровини кенгайтириш мухим аҳамият касб этишини таъкидлаш ўринлиди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонида ҳам “Замонавий таълим технологияларини чукур ўзлаштирган, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишининг янги ва самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илгор педагогик технологияларни кенг жорий этиш” борасида улкан вазифалар қўйилди.

XXаср охирида бошланган ва янги асрда давом этаётган электрон таълим тизимини яратиш жараёнида она тилини ўқитиши масалаларини шу нуқтаи назардан тадқиқ қилиш ва электрон ресурслар яратиш борасида муайян ютукларга эришилди. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6, 7, 8, 9-синфлари учун учун, сўнгги йилларда бошлангич синфлар учун электрон дарслклар ва ўкув фильмлари яратилганлигини таъкидлаш ўринлиди (3,4). 6, 7, 8, 9-синфлар учун тайёрланган электрон дарслкларда ўкувчи ва компьютер ўргасида интерактивлик юқори даражада таъминланмаган бўлса ҳам, бошлангич синфлар учун тайёрланган мультимедиа иловалари катор ютукларга эга. Демак, юқори синфларда она тили таълими учун электрон ресурсларни такомиллаштириш, янги электрон адабиётлар яратиш муаммоси долзарб ҳисобланади.

Бу жараёнда мультимедиа иловаларининг вужудга келишида машғулотлар сценарийларини яратища фан ўқитувчилари фаолият кўрсатишаётган бўлса, техник жиҳатдан компьютер дастурчилари, аудио-видео мухандислар ижодкорлиги мухим аҳамиятта эга. Назаримизда, электрон адабиётларни яратишини жадаллаштириш муаммосини ҳал қилиш, аввало, соҳа олимлари, методистлар ва фан ўқитувчиларининг педагогик дастурий воситалар билан етарлича таниш бўлиши, педагогик дастурий воситаларни она тили таълими жараёнига татбиқ қилишга доир методик кўрсатмалар тайёрланишига боғлиқ бўлмоқда. Муаммо атрофида курс ишлари, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари доирасида тадқиқотлар ўтказилиши, тажрибали фан ўқитувчилари, талабалар, магистрантларнинг жалб қилиниши ҳамда тил ўқитишида таълим самарадорлигига ёрдам берадиган тақдимотлар, видеодарслар, интерактив машқлар, тест топшириклари, лугатлардан намуналар тайёрланиши тақозо қилинади. Бу эса ўз навбатида Microsoft Word, Microsoft Power Point, Ispring, Microsoft Office Publisher, HotPotatoes, Adobe

Photoshop, CorelDraw, AutoPlay Media ва б. амалий ва мұаллифлик дастурлари имкониятларини чукур үрганишни талаб қылади.

Информатика ва ахборот технологияларига оид адабиётларда электрон адабиётлар яратиш жараёнида фойдаланыладын дастурий воситалар күйидагича түркүмланади (2):

1) педагогик дастурий воситаларнинг гиперматн ҳужжатларини ишлаб чиқишида MicrosoftFront-Page (HTML-Hyper Text Markup Language), AllaireHomeSite (HTML), MicrosoftPowerPoint, MicrosoftWord каби дастурий воситалардан фойдаланиш тавсия килинади;

2) мавзунинг асосий тушунчаларига оид ўкув материалларини яратишида растрли ёки векторлы расмлар билан ишловчи дастурлардан фойдаланиш зарур бўлади. Улар қаторига Corel Draw, Corel Xara, Corel Photo Paint, Adobe Photo Shop, Adobe Illustrator кабиларни киритиш мумкин;

3) динамик иллюстрацияли ўкув материаллари яратишида Discreet 3D Studio MAX, Alais Wave Front, Maya, Light Wave, SoftImage 3d, Adobe Image Ready, Gif Animator, Macromedia Flash, Adobe Premier каби маҳсус дастурлардан фойдаланиш мумкин;

4) овозли жараёnlарни тақдим этиш ва овозни таҳрир қилиш SonicFoundry SoundForge, Wave Lab, Sound Recorder ва бошқа дастурлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин;

5) маълумотлар базаларини яратишида Microsoft Excel, Microsoft Access каби дастурлар кўлланилиши мумкин.

Она тили бўйича яратиладиган электрон ўкув-методик мажмууда ўкув материалининг мультимедиа, яъни маълумот беришининг визуал, гиперматн, овоз шаклларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилиши; турли ўкув адабиётлари – дарслик, лугат, машқ ва топшириқларнинг бир жода камланиши; үрганувчи ва ўргатувчи ўртасида ўзаро бевосита алоқа үрнатилиши (интерактивлик); ўқитувчининг ўкув жараёнини бошқариш ва шизорат қилиш бўйича вазифаларнинг маълум қисмини компьютерли ўкув воситалари зиммасига юқлатилиши; ўкувчи томонидан қабул қилинадиган – мислаҳат, тушунтириш, маълумотни излаш бўйича савол-жавоб ва билимни үништириш даражасини назорат килишнинг тезкор услубига ўтиш имкониятининг мавжуд бўлиши; компьютер визуализацияси орқали үрганилаётган объектнинг компьютердаги имитация моделларидан фойдаланилиши; ўкув материалига нисбатан енгил ўзгартиришлар киритилиши ва такомилаштириш имкониятларининг яратилиши; анъанавий ўкун адабиётлари (масалан, қоғозли) билан биргаликда комплекс ҳолда фойдаланиш имкониятининг мавжуд бўлиши туфайли фойдаланувчига қулай носитага айланади. Шунингчун ҳам тадқиқотчилар таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази томонидан ишлаб чиқилган “Электрон дарслик ва электрон ўкув кўлланимлари элементларига техник, гигиеник ва ғенометрик талаблар”ни үрганиб чиқишилари зарур(1).

Электрон ўкув мажмуя **педагогик талабларга**(амалдаги давлат таълим институтлари ва ўкув дастурларига тўла мувофик бўлиши), **психофизиологик талабларга** (фойдаланувчи учун қулай, содда, аниқ, интуитив ва ёш

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши), методик талабларга (таълим берувчига дарсни мустакил дарс кўринишида ўтказишга шароит яратилиши, бу ҳолатда таълим берувчи маслаҳатчи ролидаги иштирок этишини таъминлаш, дарсларга тайёргарликни ўқитувчига куладай усулда амалга оширишга имконият яратиш (диалог, видеоматериаллар киритилиши), ўрганиладиган ўкув материали системали, мантиқий кетма-кетлиқда, модулларлик ва улар орасида узвий боғлиқлик таъминланган ҳолда тақдим қилиниши, таълим олувчилар ўзлаштирган билим даражасини турли хил мураккабликдаги (мураккаблик даражаси шакллантириладиган) назорат дастурлари ёрдамида назорат ташкил килиш имконияти яратилиши) жавоб бериши лозим.

Ўзбек тили мутахассиси сифатида эътироф этишимиз зарурки, “ЭТРга bezak бериш талаблари”да матн лингвистик қоидаларга (орфография ва грамматика қоидаларига) амал қилган ҳолда объектив визуал тасаввур (белгилар, форматлар ва ранглар) хосил қилиши кераклиги, “Мультимедиа компонентларига қўйиладиган талаблар”да, белгили маълумотларда грамматик ва орфографик хатолар, имло қоидаларининг бузилиши, стилистик камчиликлар бўлишига йўл қўйиб бўлмаслиги қайд қилинганлиги мақсадга мувофиқ бўлган. Аксарият электрон адабиётларда имло, пунктуацион ва услубий хатоларнинг кўп учраётганлиги ачинарли ҳол.

Мулоҳаза ўрнида айтиш ўринлики, биз умумжаҳон электрон тизимига, бутун дунё виртуал университетларига кириб бориш ва биргаликда фаолият кўрсатишни қўзлаётган эканмиз, Ўзбекистонда яратилган электрон адабиётлар бутун дунё аҳлига таништирилиши, ёйилишини ҳисобга олишимиз, ўз саводхонлигимизни ҳам намоён қилишимизни эътиборда тутишимиз лозим. Улкан меҳнатлар эвазига яратилган адабиёт матни тилида нуқсонлар бўлса, бу адабиётнинг баҳосини пасайтириши шубҳасиз. Электрон адабиётга bezak берилишидан олдин ва bezak берилиши жараёнда тилшунос мутахассислар томонидан такороран таҳrir қилинишига алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса шуки, тил таълими учун электрон адабиётлар яратиш жараённида фан ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари, талаба ва магистрантларнинг компьютер дастурчилари макомидаги фаолияти, педагогик дастурий воситаларни эгаллашдаги фаоллигини ошириш тақозо қилинади.

Адабиётлар:

1. Электрон дарслер ва электрон ўкув кўлланмалари элементларига техник, гигиеник ва эргонометрик талаблар. – Т.: 2015. – 25 б.
2. “Электрон педагогика ва педагогик шахсий, касбий аҳборот майдонини лойиҳалаш” модули бўйича ўкув-услубий мажмуга (тузувчилар: Т.Т.Шоймардонов, В.С.Хамидов, М.Файзиева) – Т.: 2015. – 11-67 б.
3. www.uzedu.uz
4. www.multimedia.uz

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎЌИТИШ МЕТОДИКАСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Мустақиллик йилларида ўзбек тили ва уни ўқитишига ёндашув буткул ўзгарди. Бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди: она тилини ўқитиши концепцияси, фан бўйича ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришига каратилган ДТС, она тилини ўқитиши бўйича ўзинийлаштирилган дастур ишлаб чиқилди. Умумтаълим мактаблари ва ўрта міхусс сасб-хунар таълими она тили дарсликларининг янги авлоди яратилди ва муваффақиятли кўлланиб келмоқда.

Республикамизда таълим соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар, фанларни ўқитишига замонавий ёндашувларни татбиқ этиш, бир томондан, таълим мазмунини такомиллаштириш, иккинчи томондан, таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни жадал жорий этишини тақозо этмоқда. Бу бирча фанлар қатори “Она тили” фанини ўқитишини такомиллаштириш, ўзбек тилини ўқитиши методикасининг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш ёхтиёжини юзага келтириди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги Фармонида соҳа вакилларининг олдига “замонавий таълим технологияларини чукур ўзлаштирган, давр талабларига жиноб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва сасб-хунар колледжлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишининг янги ва симарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш” борасида улкан вазифалар қўйилган. Фармонда етук филолог мутахассислар тайёрлаш учун замонавий ўкув ўзабиётлари, ўкув кўлланмалар яратиш, дунё илм-фанининг сўнгти илмий инглийларини ўзида мужассам этган дарсликлар ёзиш энг муҳим ва долзарб тизифалардан бири сифатида курсатилган бўлиб, унинг ижроси сифатида ўзбек тили ва адабиёти таълими йўналишишининг ўкув дастури буткул янгиланди. Жумладан, ушбу йўналишишининг асосий умумкасбий фанларидан бўлмиш “Ўзбек тилини ўқитиши методикаси” фани дастури ҳам она тили таълими соҳасида тўплланган миллий ва хорижий тажрибаларни уйғуллаштирган ҳолда тубдан ингиланди. Галдаги ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалардан бири мазкур соҳада тўпланиб қолган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг аниқ ечимларини бешгилиб олишдан иборатdir.

Бугунги кунда ўзбек тилини ўқитиши соҳасидаги муаммолар қўйидагилардан иборат:

1. Кейинги пайтларда педагоглар, психологлар, физиологлар ва бошқа таълиматчиликлар таълим жараёни ўқувчиларининг ҳаддан ташкири кучли физиологии босими остида олиб борилаётганлигини кайд этишмоқда. Айниқса, таълим тизимишининг куйи босқичларида ўкув дастурларининг тилшуносликнинг тизими масалаларига кенг эътибор қаратилганлиги, она тили таълимининг турли босқичларида ўкув материалишининг пропорционал тақсимланмаганлиги,

материалларни ўзлаштиришда ўкувчилар фаолиятининг сустлашишига олиб келмоқда (1). Тил таълимида ўкувчиларнинг коммуникатив ва ижтимоий (социал) малакаларини шакллантириш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Бу эса мактаб она тили таълим мининг мазмун-мундарижасини қайта қўриб чиқишни талаб қиласди.

2. Якинда “Она тили” фани бўйича мажбурий таълим тизимида ўкувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга қаратилган Давлат таълим стандарти ишлаб чиқилди. Мазкур стандартда “она тили таълим мининг асосий вазифаси ўкувчиларнинг фикрлаш салоҳиятини, ақлий ривожланишини, мантикий тафаккурини ўстириш, ўзини, ўзгаларни ва борлиқни тил воситасида англашни ҳамда фикр ва ҳис-туйғуларини она тилининг кенг имкониятлари доирасида байён эта олишни ўргатишдан иборат” эканлиги таъкидланади ва унда таянч компетенциялар (коммуникатив компетенция, ахборот билан ишлаш компетенцияси, шахс сифатида ўзини ўзи ривожлантариш компетенцияси, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, умуммаданий компетенция, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш компетенцияси); она тили фанига оид умумий компетенциялар сифатида эса нутқий ва лингвистик компетенцияларни шакллантириш мақсад қилиб белгиланган. (2) Бу эса ҳар бир таълим босқичида мазкур стандарт мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ўкув дастурлари ва дарсликларни ишлаб чиқиш масаласини кун тартибига қўйди.

3. Она тилини ўқитишининг замонавий методлари ва инновацион технологияларини тубдан қайта ишлаб чиқиш ва уни жорий қилиш бугунги кун она тили таълимидағи жiddий муаммолардан бири саналади. Бугунги кунда она тили таълими жараёни Европа таълим тизимидан кириб келган ва ҳозирда уларнинг ўзи таълим жараёнида воз кечган эски метод ва технологияларга асосланиб колаётганилиги ачинарли ҳолдир. Таълим жараёнидаги ҳар бир унсур (элемент) ўкувчига ақлий, руҳий таъсир ўтказади. “Бузук телефон”, “Кераксиз одам”, “Бешинчиси ортиқча”, “Уйингни топ” каби номланиши таҳрирталаб технологиялар ўкувчилар нутқий тафаккурида она тилининг бетакрор ва гўзал имкониятларини хирадаштираса, “САН”, “СВОТ таҳлил”, “Бумеранг”, “Скарабей”, “Венн диаграммаси” каби номланишлар ва уларнинг методик асослари қайта қўриб чиқишни талаб қиласди. Ўкувчилар лингвистик ва нутқий тафаккурини ривожлантаришга хизмат қиласдиган миллый методика ва ўқитиш технологиялари, она тилини ўқитишининг хусусий методларини ишлаб чиқиш кун тартибидаги долзарб масалалардан саналади.

4. Она тилини ўқитишда ўкувчиларнинг ёши, тафаккур даражаси ва дунёқарашини, информацияларни қабул қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда табакалаштирилган методлар тизимини ишлаб чиқиш талаб этилади. Таълим мининг турли босқичларида фаолият олиб бораётган она тили ўқитувчилари билан мулоқотларда уларнинг асосан қандай метод ва технологиялардан фойдаланиб дарс ўтишлари билан қизиққанимизда, бир ҳолат кўзга ташланади. Улар асосан бир неча технологияларнинг номларини келтиришади. Масалан, қиёсланувчи белгиларнинг хусусий ва умумий белгилари қиёсланадиган “Балиқ скелети”, “Т таҳлил” каби технологияларни

күйи боскичларда кўллаш, таъбир жоиз бўлса, она тили таълимида “бош ёрадиган кераксиз тош” бўлиб қолишидан эҳтиёт бўлиш лозим.

5. Шуни хам таъкидлаш керакки, умумтаълим мактаблари учун яратилган “Она тили” дарслекларининг хар бири методик-услубий кўлланмалар, яъни “Ўқитувчи китоблари” билан мажмуя шаклида чоп этилди. “Ўзбек тилини ўқитиш методикаси” олий таълимда асосий умумкасбий фанлардан хисобланади. Мазкур фанга ЎзР ОТМ филология йўналишларида катта ҳажмдаги аудитория соатлари ажратилган (Жумладан, ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналишида 238 соат). Бугунги кунгача To’xliyev B., Shamsiyeva M., Ziyodova T. O’zbek tili o’qitish metodikasi. – Т.: O’zbekiston Milliy kutubxonasi, 2010.; G’ulomov A., Qodirov M. Ona tili o’qitish metodikasi. – Т.: “Fan va texnologiyalar”, 2012. каби бир нечта ўкув кўлланмалари чоп этилган. Лекин она тили таълими сифатининг асосларидан бўлмиш “Ўзбек тили ўқитиш методикаси” фани бўйича республикамизда мустақиллик йилларида дарслек яратилмаган. Бу соҳада ўқитиш маълум ўкув ва услубий кўлланмалар асосида олиб борилаётганилиги ачинарли ҳолдир. Бу ҳолат ушбу фан бўйича она тили тиълими соҳасида тўғланган миллый ва хорижий тажрибаларни уйғунлаштирган замонавий дарслек яратиш масаласини кун тартибига қўйди.

Адабиётлар:

1. Е. И. Литневская, В. А. Багрянцева. Методика преподавания русского языка в средней школе. – Москва: Академический проект, 2006. Стр.25.
2. “Она тили” фани бўйича мажбурий таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини ташкилантиришга қаратилган Давлат таълим стандарти.
3. Jim Burke. The English Teacher’s Companion. Heinemann; 4 edition (November 1, 2012). 392p <https://www.amazon.com/English-Teachers-Companion-Fourth-Completely/dp/0325028400>
4. Doug Lemov. Teach Like a Champion. Jossey-Bass; 1 edition (April 6, 2010) 332p. <http://www.twipx.com>

З.Ш.АБДУРАШИДОВ, PhD, С.Р.СОТИБОЛДИЕВА, доц. (Тошдўтау) ШАРҚ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МАНБАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чукур ўзлаштирган, давр талабларига нишон берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлашни интифасини қўйди. Шунингдек, Фармонда таъкидланганидек, ўзбек тили ва адабиёти, фольклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактабларини таълимотларини, мумтоз ва замонавий методларини, буюк таъоддларимизнинг ўзбек ва жаҳон тиљшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, ушарининг илмий мероси, она тилимизнинг халқаро микёсдаги ўрни ва нуфузи,

унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш олий таълим тизимидағи филология факультетларида үқитиладиган “Араб тили” ва “Форс тили” фани билан боғлиқ ўкув адабиётларини тубдан қайта кўриб чиқиш вазифасини ҳам юклайди. Университеттинг “Хорижий тиллар” кафедраси үқитувчилар жамоаси томонидан “Араб тили” ва “Форс тили” ўкув қўлланмаларини айнан ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган манбалардан фойдаланган ҳолда яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Филология факультетлари учун яратиладиган “Араб тили” ва “Форс тили” ўкув қўлланмаларига ёшларни, ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга хурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустакил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қиласди.

Кафедра үқитувичлари олдига қўйилганбу масала илгари ҳал килинмаган. Ҳар қайси ҳалқнинг она тили ва адабиёти унинг миллый рухи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий гоясининг асоси ҳисобланади. Шундай экан, “Араб тили” ва “Форс тили” ўкув қўлланмаларини яратиш ўзбек тилининг қадимий ва бой тарихга эга эканлиги акс эттириши билан бир каторда, унинг шаклланишида форс тилининг таъсири, ундан ўзлашган лексик элементларнинг ҳозирги ўзбек тилида қай тарзда акс этганилигини ҳам очиб беради. Ҳар бир мавзу учун танланётган матнлар юқорида келтирилган фармонидан келиб чиққан ҳолда Ўзбек маданияти, ўзбек адабиёти, ўзбек тили тарихи билан боғлиқ бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, дарсларда бериладиган назарий маълумотларни мустаҳкамлашда ҳамда амалий машғулотларда бевосита Маҳмуд Кошгари, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Атоий, Саккокий, Лутфий каби илму фан ва адабиёт намояндадарининг хизмати ва қолдирган мероси, Ўзбек адабий тилини XIV-XV асрларда – Амир Темур ва темурийлар даврида ривожланишининг янги, юксак боскичга кўтаришда ҳал килувчи ўрин эгаллаган буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий умумбашарият маданий ҳазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарлари, Захириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадрезо Оғаҳий, Бобораҳим Машраб, Муқимий, Фурқат каби ўнлаб мумтоз адаб ва алломаларимизнинг ижодидан унумли фойдаланилади. Таъқидлаш жоизки, шу кунга қадар республикамизда ва хорижда яратилган араб тилига оид ўкув адабиётлари, хусусан, Н.Иброҳимов, Т.Юсуповларнинг “Араб тили грамматикаси” (1998, 2003), Б.Холидовнинг “Араб тили” (2008), Э.Талабовнинг “Араб тили” (1993), А.Абдужабборовнинг “Араб тили” (2007), хорижлик мутахассислардан Сайд Бадавийнинг “Ал-қитаб ал-асасий” (2009), Жейн Уайтвик ва Маҳмуд Жаъфарнинг “Mastering Arabic” каби ўкув қўлланмана иш дарслеклари шарқшунослик соҳаси (араб филологияси)да таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган бўлиб, уларда асосан араб адабиёти, маданияти, тарихи ва урф-одатларини ўрганишга эътибор қаратилган.

Шунингдек, Республикаизда ва хорижда яратилган форс тили дарсликлари, жумладан, Абдусаматов М.нинг “Fors tili” (Т.: Sharq, 2007), Куронбеков А., Воҳидов А., Зияева Т.лар томонидан тузилган “Форс тили” (Т., 2009), россиялик мутахассислардан Овчинникова И.К., Иванов В.Б.лар томонидан яратилган “Учебник персидского языка” (М., 2002), Рубинчик Ю.А.нинг “Грамматика современного персидского литературного языка” (М., 2001), хорижлик мутахассислардан Anousha Shahsavari, Blake Atwoodнинг “Persian of Iran today” (An introductory course, Volume 1,2. Texas, 2015) номли ўкув қўлланма ва дарсликлари шарқшунослик соҳаси (эрон филологияси)да таҳсил олаётган мутахассисларга мўлжалланган бўлиб, уларда асосан форс шабабиёти, Эрон маданияти, тарихи, урф-одатларини ўрганишга асосий эътибор берилган. Бу борада сўнгги йилларда яратилган ўкув қўлланмалардан яна бири проф. Куронбеков А.нинг “Форс тили ўқиши китоби” (2008) бўлиб, бу қўлланмана мазмунан юқоридаги ўкув адабиётларидан тубдан фарқ қиласди. Беш кисмдан иборат бу қўлланмада, Ўзбекистон Республикасининг давлат тузуми, ижтимоий ва маданий хаёти ва катта шаҳарлари, X-XV асрларда яшаб фаолият кўрсатган ӯюк шоир ва ёзувчилари, ўзбек халқининг ҳаёт тарзи ҳақидаги матнлар форсий тилда киритилганлиги билан аҳамиятлидир. Бироқ ўкув қўлланмада келтирилган матнлар асосан юқорида зикр этилган мавзулар борасида ахборот, мильумот бериш, тасавур ҳосил қилиш характеристида бўлиб, ўзбек тилида яратилган бадиий асарларни ўрганишни, таҳлил қилишни, бадиий матнларда ўғрайдиган форсий сўз ва ибораларни шарҳлашни назарда тутмайди. Яратилиши режалаштирилган “Араб тили” ва “Форс тили” ўкув қўлланмалари ишебесита ўзбек адабий ва маънавий мероси, тарихи ва маданияти мазмунини ўчида акс эттирган аслиятдаги манбалар асосида яратилиши назарда тутади. Ўкув қўлланмаларининг юқорида номлари зикр этилган ўкув адабиётларидан кийидий фарқларидан яна бири ундаараб вафорс тилларига оид назарий мильумотлар ўзбек тили конун-коидалари билан муқояса қилинади, амалий миниқлар ҳар иккала тилдаги матнлар орқали берилади. Шунингдек, дарслик сўнгига бериладиган “Глоссарий” ўзбекча-арабча-инглизча ҳамда ўзбекча-форсча-инглизча шакллантирилади ва бу тилларда истилоҳлар илова қилинади, ўзбек тилига ўзлашган арабий, форсий сўз ва ибораларлуғати келтирилади.

Олий таълим тизимидағи филология факультетлари учун режалаштирилган “Араб тили” ва “Форс тили” ўкув қўлланмаларидағи мавзулар 5111200-Ўзбек тили ва адабиёти, 5120100-Филология ва тилларни ўтитиш (Ўзбек тили) ҳамда 5120900- Ўзбек-инглиз таржима назарияси таълим пешиншларининг Ўкув дастури ва ишчи ўкув дастурида белгиланган мавзулар бинани мувофиқлаштирилади. Мазкур ўкув қўлланмаларининг яратилиши бир неча жиҳатдан муҳим:

Биринчидан, мамлакатимиз мустақилликка эришгач кўп масалаларни ахамиятни аниқлаштирилганда хорижий тилларни ўрганиш ҳам кун тартибидағи долзарб панифаллардан бирига айланди. Бу ҳакида давлатимиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1X сессиясида сўзлаган нутқида шундай тақдислаган: “Хозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишига ортимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳам, албатта, бежиз эмас. Бугун

жахон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатлиқда ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган ҳалқимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишининг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир”.

Иккинчидан, талаба ёшлиар араб ва форс тилларида ижод қилган ўзбек шоирлари ва адиларининг асарларини, олимларнинг форсий тилда яратилган тиббиёт, диншунослик, адабиётшуносликка оид яратилган асарларни аслиятда ўқиш ва келгусида илмий тадқиқотлар олиб боришида улардан унумли фойдаланиш имкониятига эга бўладилар. Бизнинг ўтиши ота-боболаримиз қадимги туркий, форс ва араб тилларини мукаммал эгаллаганлар ва бу тилларда нафақат илмий рисола ва тарихий асарлар, балки шеърлар ҳам битганлар. Ўзи туркий миллатга мансуб бўлиб, форс тилида бадиий баркамол шеърий мерос қолдиран Низомий Ганжавий, Амир Ҳусрав Дехлавий, Бедил, Фузулий ва бошқа юзлаб шоир ва ёзувчиарнинг номларини келтириш мумкин. Ўзбек адабиёти учун бой манба бўлиб хизмат қилган IX асрдан XV асргача бўлган даврда яратилган асарларнинг каттагина қисми форс тилида яратилган. Шу жумладан, буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳам “Фоний” тахаллуси билан ижод қилиб, “Девони Фоний”ни яратганлар. Аксарият классик шоирларимиз (Турди, Оғаҳий, Нодирабегим, Ҳ.Ҳ.Ниёзий ва б.) зуллisonайн(икки тилда шеър битувчи) бўлиб, байзиларининг ижодида икки тилдан бир вақтда фойдаланиб шеър битиш (шир-у шакар) анъянаси ҳам мавжуд бўлган. Форс тили ўзининг ёқимлилиги, сўзларининг синонимларга бойлиги, шеърий вазнга осон тушиши жиҳатидан бошқа мамлакат шоир ва олимларини ўзига жалб қилган. Форс тили Марказий Осиёning бутун худуди, Озарбайжон, Ҳиндистонга ёйилиб, форс тилида бу халклар томонидан бой адабиёти мерос яратилди. Кўпгина ўзбек шоирлари, ҳатто XIX асрнинг охирига кадар ҳам ўз шеър ва асарларини ўзбек тили билан бир қаторда форс тилида ёзганлар.

Учинчидан, ўкув қўлланма ўзбек тили ва адабиёти тарихини ўрганишида ҳамда ушбу соҳаларга доир илмий тадқиқотлар олиб бориши учун зарур манбалардан бири бўлиб хизмат қиласи. Ўзбек тилида яратилган ижод намуналарида араб, форс тилларидан ўзлашган лексик қатламни ўрганишга, уларнинг мазмунини англашга ҳамда форс луғати билан ишлаш қўникмасини шакллантиришга хизмат қиласи.

Тўртингидан, ўкув қўлланмаларнинг яратилиши боболаримизнинг эзгу анъяналарини қайта тикишга қўйилган кичик бир хисса бўлади. Маълумки, тил ўрганиш инсонга дунёни кенгайтиради, чунки ҳар бир тилда яратилган манбалар – бу олам ҳақиқатлар манбаидир. Аҳмад Юғнайи, Махмуд Кошгари, Замахшарий, Имом Бухорий ва бошқа юзлаб уламоларимизнинг илмда юксак чўққиларни забт этганинг асосий сабабларидан ўша давр учун халқаро тиллар бўлган араб ва форс тилларини яхши ўзлаштирганларидандар. Тилни яхши билиш бу тилларда ёзилган манбаларга бир томондан йўл очган бўлса, иккинчидан уларнинг араб ва форс тилларида ёзган асарлари жаҳон миқёсида маълум ва машҳур бўлган. Араб ва форс тилларини мукаммал билган, бу тилларда ёзилган манбаларни кийинчиликсиз

уқиб тушуна билган талабалар ўзбек тилида яратилган ва яратилаётган бадиий исарларни араб, форс тилларига таржима қиласи ва бу орқали ўзбек шабабиётининг хорижий китобхонлар эътиборига етказишида мухим аҳамият касб этади.

Шуларни эътиборига олган ҳолда ҳамда талабанинг мазнавий-маърифий бинномларини такомиллаштириш мақсадида дарслидаги амалий машғулотлар мазмуну ва мустаҳкамлаш машқлари асосан ўзбек шоир ва ёзувчиарнинг гараб иш форс тилидаги ижоди намуналари асосида шакллантирилади, шунингдек, ўзбек тилида яратилган ижод намуналарида араб, форс тилларидан ўзлашган сўз ишбораларни ўрганишга, уларнинг мазмунини англашга, талабани луғат билан ишлаш қўникмасини шакллантиришга йўналтирилади.

Мазкур ўқув қўлланмаларини яратиш жараёнда санаб ўтилган ширслекларда мавжуд тажрибалар ҳам танқидий ўрганилади, янги педагогик технологиялар ва дарслек яратишнинг жаҳон тажрибаларидан унумли фойдаланилади. Араб ва форс тилларини айнан биз таклиф қилаётган тамойил асосида ўргатиш ўзбек тили ва адабиёти мутахассисларини манбаларни фақат мазмуний ўрганиш эмас, балки матний жиҳатларини тадқик этишда катта ишмият касб этади.

**Т.ЮСУПОВА,
п.ф.и. доцент (ТошДЎТАУ)
ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ
ЕЧИМЛАРИ**

Жаҳон мамлакатларининг ижтимоий-иктиносидий тараққиётида, айниқса, шигуллуктуал ривожланишида XXI аср катта ўзгаришларга бой давр бўл-моқда. Тараққиёт ўз ортидан таълимни зргаштириб, ўзига янада катта зъти-бор талаб этмоқда. Бу жараёндаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда бугун кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш долзарб масалалардан бирига айланди. Бу, ўз шипбатида, ўкув дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиши, таълим жараёнини ташкил этишда янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Айниқса, она тили таълимими ривожлантириш, таълим жараёнини мақсадли ташкил этишда она тили ва адабиёт фани ўқитувчининг бошқарувчилик маҳорати асосий омиллардан биридир. Чунки ўқитувчи қанчалик билимдон бўлса, ўз ишини онса, янги самарали тажрибаларни эгаллаш устида тинимсиз ишласа, ўзи читтилеклар ижод этиши учун изланса, унинг дарсида таълимнинг самараси юкори бўлиши шак-шуб-ҳасиз. Ўқитувчининг мана шундай хислатларини оширишда, касбий маҳора-тини бойитиб, янгилаб боришида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг ўрни бекиёсdir. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими янги тартибда ҳар бир ўқитувчининг ўз эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда танлаб олиш мумкин бўлган малака ошириш турларини белгилаб чиққанлиги билан таълим симародорлигини оширишда юкори натижаларга эришиш учун замин яратади. Ҳусусан, таълимнинг замонавий технологиялари асосида малака ошириш ўқитувчиарнинг билим савиясини оширишда мухим аҳамият касб этади.

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари малакасини таълимнинг замонавий технологиялари асосида оширишни ташкил этиш қуидаги мақсадларни амалга оширишни кўзда тутади:

✓ она тили ва адабиёт бўлган мактаб ўқитувчилари касбий савиёсининг узлуксиз равишда ўсишини хисобга олган ҳолда уни ривожлантириш ва такомиллаштириш;

✓ педагогик тафаккурини боскичли бойитиб бориши;

✓ таълим жараённида кўллаш зарур бўладиган замонавий ва ахборот технологиялари, методик билим, қўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда амалиётга татбиқ этиши;

✓ ўқитиши жараённига илғор, халқаро педагогик тажрибаларни жорий этиши ва уларни ўз ўрнида кўллай олиш;

✓ таълим олувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда таълим беришнинг метод, усул ва воситаларини тұғри танлаш;

✓ таълим жараённи лойиҳалаштирилган тизим асосида бошқариш, шунинингдек, технологик ҳарита орқали интерфаол дарсларни ташкил этиши;

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари малакасини илғор педагогик технологиялар асосида ошириши курсларини мақсадли ташкил этиши ҳам бу соҳа мутахассисларининг эҳтиёжларига мос бўлиб, у қуидаги вазифаларни ўз олдига қўяди:

▪ она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари малакасини ошириши жараённи замонавий ўкув талаблари асосида ташкил этиши;

▪ она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари малакасини оширишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан унумли ва ўринли фойдаланиш;

▪ она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари малакасини оширишда масофадан туриб ўқитиши усулларидан оқилона фойдаланиш;

▪ она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари малакасини оширишда ўкув-услубий манбалар билан таъминланишга эришиш;

▪ она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари малакасини оширишда курсга келган ёки таклиф этилган илғор педагогик фаолият олиб бораётган мактаб директорлар билан тажриба алмаштириш ҳамда илғор тажрибаларни ОАВларда чоп қилиб бориши.

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари малакасини оширишни таш-кил этишда гурух билан ишлаш ва ҳамкорликда ўқитиши технологияларини кўйлаганда қуидагиларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

• таълим берувчи ва таълим олувчининг жараёнга тайёргарлиги;

• ҳар иккала таълим иштирокчисининг мақсадларини аниқ қўя олиши;

• энг мақбул усул, метод ва воситаларни кўллашга тайёргар-ликнинг етарлилиги; ички ва ташки шарт-шароитлар, жой ва жихозлар;

• кутилмаган вазиятларни хисобга олиш ҳамда вазиятлардан чиқиб кета олиш малакаларини ривожлантириш;

- ўқув жараёнида кичик гурухлар ҳамкорлигини ташкил этиш, унда үциро ҳурматни тұғри йүлга күйиш, муаммонинг ечимини топишида биргаликда қырқат қилиш, вақтни тұғри тақсымлай олиш.

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари малақасини ошириш курсларида тиңгловчиларга таълим самарадорлигига эришиш, таълим мазмунини бойитиши, миқсаднама амалга оширишнинг энг қисқа ва мақбул йұли, усууларини танлашга тиңсия беришдан аввал уларнинг үзларини жараён ичига олиб кириб, муаммо ечимини топишига йұл күрсатиши лозим бўлади. Шундагина иштирокчи ўқитувчи тушунади ёки вазиятни аниқ ҳис қила олади.

Т.ЗИЯДОВА, доцент (ГулДУ) МЯБТ-4 МОДУЛИ АСОСИДА БАДИЙ МАТН ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Матн яратишининг 4 босқичли технологияси МЯБТ-4 модули асосида биңиий матн яратиши бўйича ўтказилган тажриба-синов сұнгиди рамзий-бадиий митн яратиши жараёни экспериментатор ўқитувчилар үртасида мухокамадан ўтказилиб, тахлил қилинди. Мақолада тажриба-синовлар тахлили натижаси – Миңзабод туманиндағи 13-мактабнинг 7-“А” тажриба-синов-синфи ўқувчилари томонидан яратилган матнлардан намуналар (2010 йил, 13-сентябрь, экспериментатор: М. Тошматова, олий тоифали ўқитувчи) тавсия қилинди. Яратилган матнларнинг факат бошланиш қисми берилди.

Ижодий топшириқ. «МЯБТ – 4» модули асосида бадиий услугуда матн яратиши. Мавзу: “Баҳор мадхияси”(умумтаълим мактабларининг 7-9-санфлари, Ал ва КҲКлари ўқувчилари учун).

Матн яратиши модулининг биринчи босқичида ўқувчилар «баҳор» сүзининг уядошларини, яъни баҳор тушунчаси билан боғлик тушунчалар, шу фаслга хос янгиланишлар: белги-миқдор ўзгаришлари, табиат ва жиһиятдаги ҳаракатлар, ҳолатлар, факат баҳордагина юз берадиган воеа ва қодисалар номларини топиб, ёздилар.

Намуна: булут, ёргу олам, осмон, дунё, орзу, ёмғир, табиат, борлик, миңсалар, сел, чақмоқ, момакалдириқ, сочопопук, покланиш, янгиланиш, ажайиботлар, айвон, уялар, қалдирғочлар, лолақизгалдоқ, кир-адирлар, лолағилем, кабутарлар, дәхқон, кетмон, куёш ва ж.

Модулнинг иккинчи босқичида ўқувчилар эътибори уядош сўзлардан сўз бирикмалари ҳосил қилиш, саволлар ёрдамида уларни кенгайтириш, Сблари орисидаги фарқ, маъненинг изчил даражаланиши, босқичли кетма-кетликдаги мињивий янгиланишлар, фикр элементида маъненинг бўртишини фарқлаш, биңиий товланишларни шарҳлашга –ривожлантирувчи таълим технологияларидан нутқ ўстиришида фойдаланишга қаратилди:

Бўлутлар/булутлар карвони// булутларнинг оғир карвони /// қора булут-шарнинг оғир карвони //// келаётган ёмғир ва сел хабарчиси – қора булутларнинг оғир карвони; дунё / бу ёргу дунё // бу ёргу дунёнинг ажайиботлари /// бу ёргу дунёнинг биз билмаган ажайиботлари //// Бу қадим, сирли дунёнинг кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган гаройиботлари; табиат / табиат мўъжизалари // табиат мўъжизаларидан ҳайратланиш /// табиатнинг

гаройиб мұғыжизаларини қүриш, асраш, 18 минг оламнинг чексизлигини түйиш ва ҳайратта тушиш; қалдирғочлар / қадрдонқалдирғочлар// үз уяларига қайтаётган кадрдон қалдирғочлар /// эрта баҳор үз уяларига қайтаётган янги ҳаёт хабарчилари; қабутар / қабутарлар галаси // осмонда чарх ураётган қабутарлар галаси /// осмон-у фалакда чарх ураётган оппок қабутарлар галаси; фермер / далага ийл олган фермер // қадрдон даласига ийл олган ёш фермер /// үз тракторида қадрдон даласига ийл олган фермернинг күвончи; қүёш / қүёш нурлари // қүёшнинг илик нурлари /// қўклам қүёшининг роҳатбахш, илик нурлари /// қўклам қүёшида эркаланиб, “ялт” этиб товланган омонат шудринг; қор / қўзни қамаштирадиган кор // табиат кенгликларига улуғворлик, сокинлик ва хотиржамлик бахш этувчи, кумуш қор // баҳорнинг илик шамоли-ю, ернинг тафтига тоб беролмай, аста эриётган ялтирок кор /// қўкламнинг ҳаётбахш нафасига тоб беролмай сумалаклардан чак-чак томиб, сўнг томдан ерга сиргалиб тушаётган оғир кор парчалари /// кумуш тоғларнинг қўз илғамас қудрати – эриётган қор ва муздан ҳосил бўлган минглаб жилғаларнинг водийга, сайхонликка интилиши, ҳаётбахш, ўйноқи сойга айланishi, бод-у чорбоғлар, дашт-у далаларга ҳаёт бахш этиши.., ва ҳ.

«МЯБТ-4» модулининг 3-босқичи ўқувчилар учун ҳакиқий ижодга, үз истеъодни намойиш қилиш мусобақасига айланди. Улар бадиий бўёқдор, мазмундор, услубий мукаммал гаглар қуриш орқали үз нутқий маҳорат-ларини намойиш қилишга интилдила:

1-ўқувчи: – Баҳор! Бу табиатнинг уйғониши, эриётган қор ва жилға сувларининг шилдираши, замин сарҳадларининг яшил баркутга бурканиши..,

2-ўқувчи: – Баҳор! Бу күёшга интилган нафис майсалар, гўзаллик ва баҳт ҳакида тинмай баҳслашаётган лолақизғалдоклар, қоқиўтлар, равоч-у жағ-жағларга тўла баҳмал кирлар жозибаси..,

3-ўқувчи: – Баҳор! Бу карвон-карвон бўлиб пастгина сузаётган момиқ булутлар, күёшнинг эрkalovchi, илик нурларида яйраб, чарх ураётган қабутарлар галаси..,

4-ўқувчи: – Баҳор! Бу ёмғирнинг майин томчиларидан ҳўл бўлиб, патила-патила бўлиб ётган тим қора, хушбуй сочларинг, менинг зимдан қарашларимдан уялиб, дераза ортига термулган чарос қўзларинг..,

5-ўқувчи: – Баҳор! Бу ўзлари ясаган, қадрдон уяларига қайтаётган баҳор элчилари – вафодор қалдирғочлар галаси..,

6-ўқувчи: – Баҳор! Бу атроф мухитдагт гўзалликни англаш ва асраш, покланиш, янгиланиш, бу ёргу дунё ажойиботларидан ҳайратланиш..,

7-ўқувчи: – Баҳор! Бу ярақлатиб чархланган кетмөнини елкасига ташлаб, ўз даласига ийл олган тадбиркор фермернинг улкан режалари..,

8-ўқувчи: – Баҳор! Бу кўм-кўк, бегубор осмон, она Ватан заминига ҳаёт-бахш нурлар сочиб, қир-у адирларни баркут либосларга буркаган бобоқуёш ташрифи, қўкламойнинг гаройиб туйгулардан энтикирувчи ифори..ва ҳ.

«МЯБТ-4» модулининг 4-босқичи ўқувчилар учун үз нутқий билими ва маҳоратини, фикрни ёзма ифодалаш маданиятини намойиш қилиш мусобақасига айланди. Шу тариқа «МЯБТ-4» модули асосидаги 45 минутлик дарсда иштирок этаётган 35 нафар ўқувчи үз нутқий- интеллектуал қобилияти

доирасида 35 йўналиш, 35 хил услугда, 35 хил даражада фикрлаш, сўзларни киёслаш, танлаш, биритириш, нуткий бирикмаларни кенгайтириш, фикр элементини бўрттиришга ва бадий бўёқдорликни оширишга ҳаракат қиласди. Ҳосил қилинган Сбларидан бирига ургу беради, улардан бадий бўёқдор, рамзий, расмий, ихтисосий гаплар тузади, улардан фойдаланиб, индивидуал услугда мустакил матн яратади. Ўкувчиларда ўз истеъодини ўртоқларига намойиш қилиш, бадий матн орқали нотиклик маҳоратини кўрсатишга иштиёқ на имконият туғилади. Ана шу иштиёқнинг кашфиётга айланиши – инсон тисавурининг тафаккур чиғиригидан ўтиб, матнда моддийлашувини таъминловчи асосий омиллардан бири интегратив таълим–тизимили ўрганиш технологияси, субъект-субъект муносабатига асосланган янгича таълим тизими бўлса, иккинчиси ўкувчини изланиш ва кашф қилишга шуналтирувчи беминнат ҳамкор – «МЯБТ-4» модули ва унинг ўкувчи онгига психолингвистик таъсир ўтказувчи босқичли-тизимли топшириклариридир.

Ш.Ш.ЮЛДАШЕВА, п.ф.и.,
Д.А.УРАЗБОЕВА (магистрант),
Қ.Э.ГУЛМАНОВА,

Г.М.ЯНГИБОЕВА, талаба (НукусДПИ)
**ТИЛ ТАЪЛИМИ: ВИРТУАЛ ЎКУВ-МЕТОДИК МАЖМУАЛАР
ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАҚИДА**

Таълим тизимидағи ўкув ва ўкув-амалий машғулотларда ахборот технологияларининг виртуал имкониятларидан фойдаланиш оммаласиб бормоқда. Виртуал сўзининг тарихий, фалсафий лугатларда берилган изоҳлари қўйидагича: лотинча *virtus* сўзи куч, имконият, кучли маъноларини англатади. Французча "virtual", инглизча "virtual" сўzlари ана шу сўз билан боғлиқ бўлиб, "салоҳиятли", "кўзда тутилган", "фараз қилинган", "макет шаклида сунъий қрингилган" маъноларини англатади. Д.Н.Ушаковнинг "Рус тилининг изоҳли лугати"да "яширин кириб келадиган ва шиддатли намоён бўладиган; фараз қилинадиган" тарзида изоҳланган бўлса, С.И. Ожегов, Н.Ю. Шведоваларнинг "Рус тилининг изоҳли лугати"да "мавжуд бўлмаган, лекин эҳтимоли бор, мумкин нарса" деб изоҳ берилади. "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да бу сўз кентирилмаган. Ҳозирги кунда техника атамаси сифатида техник воситалар ёрдамида олам образини сунъий моделлаштириш бўлиб, шу образнинг имитация орқали инсон томонидан ҳис қилиниши тушунилади. Бунда фойдаланувчи мавжуд ҳолатга таъсир кила олиш имконига эга бўлиши лозим.

Виртуал мавжудлик технологияси инсон фаолиятининг турли соҳаларида, қусусан, лойиҳалаштириш ва дизайнда, фойдали қазилмаларни излаб топиша, кирибий технологияларда, курилишда, маркетинг ва reklамада, кўнгилочар ўйинлар саноатида кенг кўлланилмоқда. Таълим тизимида виртуал технологиялар татбиқини информатика, физика, химия, биология фанларидан компьютер ёрдамидаги электрон виртуал лаборатория шаклларидан фойдаланилишида яққол кўриш мумкин. Бизнингча, виртуал атамасини топшарни ўрганиш жараёнига татбиқ қилинаётган электрон таълим поситаларига нисбатан ҳам кўллаш мумкин. Она тили таълимида мавжуд босма

таълим воситалари (дарслик, ўкув ва методик қўлланмалар, жадваллар, дафтарлар)нинг виртуал имитацион моделларини яратиш (электрон дарслик, электрон қўлланма, электрон жадваллар, электрон дафтарлар), видео ва аудио материалларни тинглаш, кўриш оркали фикрлашга, таҳлил килишга йўналтириш, реал бўлмаган, моделлаштирилган электрон дафтарларда интерактив машқларни бажариш жараёни виртуал мавжудлик деб қаралиши мумкин.

Россияда виртуал ва виртуаллик, унинг фалсафий моҳияти, виртуаллик ва таълим масаласи илмий-назарий жиҳатдан Н.А.Носов, С.С.Хоружий, Р.А.Нуруллин, Л.П.Целенко, Е.В.Парахневич, К.А.Суворов, Н.Н.Королева, Д.В.Макаров, Е. В. Матросов, А. З. Шакирова, Е.Э.Турутини И.Д.Лобанков, И.Д.Кирюшин, А.Н.Самухин, А.Хосеевич, Ю.Ю.Гавронская, В.В.Алексеев, А.Ю.Авдеев, И.М.Красильников, В.В.Селиванов, Л.Н.Селиванова, Т.В.Поповалар томонидан ишлаб чиқилган. Ўзбекистондада А.Абдуқодиров, Н.Тайлақов, У.Бегимкулов, Ф.Зокирова, М.Файзиева, В.Хамидовларнинг тадқиқотларида виртуаллик ва таълим масаласи, аниқ ва табиий фанлар доирасида виртуал электрон ўкув контентларни яратиш тажрибалари ёритилган.

Хориж таълим тизимида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ўқитиш методикасида янги йўналиш – инновацион компьютер дидактикаси (электрон таълим назарияси ва методикаси) юзага келдики, бу бежиз эмас. Бу ўқувчиларни факат билимларни эгаллашга ўргатишни эмас, балки таълим олувчиларга дарсда ва дарсдан ташқари жараёнда мустақил таълим олишга, ахборотларни таҳлил қилишга йўналтириш, зарур ахборотлар мухитига олиб кириш учун янги ахборот технологияларини татбик қилиш заруриятининг ошганлиги билан боғланади.

Она тилимизнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва электрон луғатлар, виртуал ўкув мажмуалар яратиши билан боғлиқ илмий-методик қўлланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётта кенг татбик этиш каби вазифалар ижросини таъминлаш соҳа мутахассисларидан катта шижаот талаб қилмоқда.

Халқаро интернет тармоғида бевосита тил таълими бўйича яратилган электрон дарслклар, хусусан, Россия федерациясида тайёрланган электрон адабиётлар таҳдили шуни кўрсатмоқдаки, электрон адабиётлар ёрдамида ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига ҳамда мустақил фаолият юритади. Россия Федерацияси умумий ўрта таълим мактаблари учун 2015 йилда яратилган электрон қўлланмалар айнан амалдаги дарслкларнинг босма нашрларига мувофиқ келади. 2015, 2016 йиллар давомида ўтказилаётган синовларда ўқувчи ролини фан ўқитувчилари, педагогика институтлари талабалари бажармоқда ва электрон қўлланмаларнинг имкониятлари намойиш қилинмоқда. Ана шу жараёнда уларни такомиллаштириш ва электрон адабиётлар билан ишлаш механизmlари ишлаб чиқилмоқда.

Бу борада инглиз тили таълимидаги “Homebook”, “Workbook” (“Уйда иш китоблари”и), рус тилини ўқитишда амалда бўлган “Рабочая тетрадь” (“Иш лифтари”), “Электронная тетрадь”лар қатор афзаликларга эга. Қайта қўчириб ғизиш талаб килинмайдиган репродуктив ва қисман изланувчаникка асосланган машқлар кафолатли натижаларга эришиш жараёнини жадаллаштириши мумкин. Инглиз тили таълимида “True-false” (“Тўғри-нотўғри”), Мини-ТЕСТ, “Мосликни аниклаш”, “Қиёслаш” машқлари, алгоритмга асосланган машқлар, шунингдек, грамматик таҳлил турлари такомиллаштирилган машқларни ималий дастурларда электрон машқларга айлантириш имкониятлари мавжуд. Бу она тили таълими учун ҳам мувофиқ келади.

Виртуал ўқитиш жараёни ва унда қўлланиладиган технологиялар кўплаб инновацион методлар ва усулларни уйғунлаштира олиши биланхарактеридир. Шунинг учун ҳам уларни тўплаш, таснифлаш, ўқитувчилар фаолиятига сингдириш механизмларини ишлаб чиқиш ўз ечимини кутаётган муаммолар сирасига киради. Шуни инобатга олган ҳолда Нукус давлат педагогика институти ўзбек тили кафедраси қошида илмий-инновацион гурӯҳ ташкил қилиниб, гурӯҳ аъзолари электрон ўқув-методик мажмуалар яратиш юзасидан тадқиқотлар амалга ошироқдалар. Ш.Юлдашева, М.Бекжанова, Д.Смайлова, О.Зарипов, Д.Уразбоева, Қ.Гулманова, Г.Янгибоевалар ҳамкорлигига умумтаълим мактаблари она тили таълими учун электрон адабиётлар яратилиши юзасидан магистрлик диссертациялари ва битириув малакавий шилари доирасида айрим дарслар учун тақдимотлар, видеодарслар, интерактив машқлар ва тест топшириклари, луғатлардан намуналар тайёрланиб, улар Қорақалпоғистон Республикаси мактабларида тажриба-синовдан ўtkазилмоқда. Ўзинфа дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш учун II қисмдан иборат электрон ўқув-методик мажмуанинг I қисми юзасидан тадқиқотлар икунланди.

Яратилган электрон қўлланманинг функционал имкониятлари: фойдаланувчилар дастурнинг менюси ёрдамида ихтиёрий дарс мавзусини ташлаш ва унга тезкор ўтиш, олдинги ва навбатдаги мавзуларга ўтиш, мавзуга доир машқлар ва тестларни ечиш орқали ўз-ўзини баҳолаш ҳамда шу жараёнда луғатлар, шунингдек қўшимча адабиётларга тезкор ўтиш ва дастурдан чиқиш каби бир қатор ҳаракатларни осон бажаришлари мумкин.

ЭҲМ тури: Pentium IV; дастурлаш тили: HTML, Flash 8.0, iSpring Suite, AutoPlay Media; операцион мухит: Windows XP, Windows 7, 8, 8.1, 10.

Электрон қўлланманинг I қисми I-II чорак материалларини (тақвим-режадаги 1 – 99-дарслар) тақдимотлар, аудио ва видеолавҳалар, видеодарслар, 10 дан ортиқ турдаги машқлар ва тестларни камраб олади. Ўқувчиларнинг ихборот билан ишлаш компетенцияларини ривожлантириш учун она тили таълимида мухим ўрин тутувчи луғатларнинг (жами: 7 та), фанлараро интеграция таъминланиши учун шу синфда ўрганиладиган фанлар учун шамдаги дарслернинг электрон варианлари жойлаштирилаётганилиги, ҳар бир чорак учун назорат тестларининг киритилаётганилиги фойдаланувчилар учун кулийлик туғдиради.

Мазкур қўлланма тил таълимига жорий қилинаётган дастлабки виртуал ўқув-методик мажмуя сифатида каралиши мумкин. Ўқувчилар ўқитувчилар бошқарувида видео ва аудио материалларни тинглаш, кўриш орқали фикрлашга, тахлил қилишга йўналтириладилар, реал бўлмаган, моделлаштирилган электрон дафтарларда интерактив машқларни бажарадилар, электрон лугатлар орқали сўзлар маъноларини ўрганадилар. Янги адабиёт нафақат таълим олувчиларнинг фанга қизиқишини орттиришга, балки ўқитувчилар вақтининг тежалиши, кам куч ва вакт сарфлаб юқори самараага эришишга хизмат киласди.

Адабиётлар:

1. Абдуқодиров А., Хайтов А. Ахборот технологиясига оид атамаларнинг изоҳли лугати. – Т.: ТДПУ, 2002. – 27 б.
2. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: Фан нашриёти, 2007. –144-б.
3. Зокирова Ф. ва б. Электрон ўқув мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси. Методик қўлланма. – Т.: ОЎМТВ, 2010. – 55 б.
4. Нуруллин Р.А. Виртуальность как условие существования реальности. Вестник СамГУ. 2005 №4 (38)
5. Тайлаков Н.И. Информатика курсидан интерактив ўқув мажмуалар. – Т.: 2010.
6. «Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиши методлари» модули бўйича модули бўйича ўқув-услубий мажмуя (Тузувчилар: В.С.Хамидов, М.Адашбоев, Д.А Собирова) – Т.: 2015.
7. «Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш» модули бўйича ўқув-услубий мажмуя (тузувчилар: Т.Т.Шоймардонов, В.С.Хамидов, М.Файзиева) – Т.: 2015. – 11-67 б.
8. <http://www.moluch.ru/>.
9. <http://diclist.ru/slovar/istoricheskiv/v/virtualnyi.html>

Г.Ш. ЗИЁДУЛЛАЕВА,
(РТМ бош методисти)

МУҲОКАМАДАН ТАТБИҚҚАЧА

Мустақил Ўзбекистоннинг равнақи учун олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий соҳалардаги кенг қўламли ишлар билан бирга ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетакрор хусусиятлари, тарихий тараккиёти, унинг бугунги ҳолати ва истикболи билан боғлиқ масалаларни чукур ўрганиш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш максадида Республикамизда Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши она тилининг қўлланиш даражасини кентайтириш, унинг тарихий илдизларини чукур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантиришни такозо этади.

Модомики, таълим боскичларида она тилини ўқув фани сифатида ўқитишнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, жамиятимиз, халқимиз, миллатимиз равнақининг келажаги, унинг гуллаб яшнаши ёшлиарнинг мустақил турмушга, нутқий фаолиятга, юксак маданият билан сўзлаша олишга қай даражада

тийёрланганига боғлик. Чунки сўз қудрати инсоният тарихида ҳамма вақт юксак қудратга эга бўлган.

Жамият ривожланган сари ҳалқнинг маданият даражаси ортиб боради. Маънани ҳаётнинг ривожи аввало жамият аъзоларининг маданий сўзлашувга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши билан белгиланади. Ёшларда юксак нутқ олдубини тарбиялаш она тили фани зиммасига тушади.

Она тилининг ўқув предмети сифатида шаклланиш ва ривожланиш жирафенига назар ташлайдиган бўлсан олимларимизнинг фикрича тахминан 5 ширни яъни 1910 йилдан 1991 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бунда биринчи давр болаларнинг хат-саводини чиқариши ва кироатхонлигига катта итибор берилган. Иккинчи даврда она тилини фан сифатида ўқитиш йўлга кўйилган. Учинчи даврда она тили таълим мазмуни анча такомиллашган. Тўртинчи даврга келиб ўзбек тилшунослигида кўлга киритилган ютукларни мактаб дарслекларига киритишга уриниш кучайган. Бешинчи давр Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритгандан сўнг она тили таълими олдига тамомила янги талаблар кўйила бошланди. Она тили таълимининг мазмуни асосан 50 йилларнинг ўрталарида шакллантирилган бўлиб, ўшандан бери дастурлар жузъий ўзгаришлар билан 1998-1999 ўқув йилига кадар амалда бўлиб келган. 60 йилларга келиб “Фан ютуклари- мактабга” шиори ўргага ташлангач, мактаб она тили таълими шу қадар назарийлашиб грамматизм ҳокимлиги юзага келдики, ўкиш ҳам ўқитиш ҳам зерикарли бўлиб қолди. Она тили машғулотларида ўқувчи нутқни ривожлантиришга қаратилган фойдали амалий шинлар ўрнига сон-саноксиз грамматик талқин, қоида ва таърифларни кўр-кўрона “Ўзлаштириш” яъни уларни қориларча ёдлаб олишдан нарига ўтилмади. Шуролар таълими шароитида нафақат таълим мазмуни, балки ўқитиш усулида ҳам доктризам хукмрон эди. Она тили таълими ўқувчиларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ғима шаклларда баён қилишга ўргатишдан анча йироқ бўлиб, она тили таълимийнинг максади – нутқни шакллантириш ва ривожлантириш унинг соясида колиб кетган эди.

Миллий истиқбол мактаб она тили таълими олдига ҳам янги уфқлар очди. Ўзбекистон оламга юз тутди. Ижтимоий, маънавий, иқтисодий жаҳбаларда улкан тили соҳасидаги ислоҳотлари бугунги кунда нақадар катта ижобий шинжалар берганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу ислоҳотлар аввало миллатнинг ғурури, унинг ифтихори –тилига бўлган эътибордан бошланди.

Тилимизга давлат тили мақоми берилди ва бу Республикализ мактабларида ўзбек тилининг ўқитилишига эътиборни кучайтирди. Тарихий шамиятга молик бу қонун 1987 йилда тузилган, бир қатор мактаблarda синовдан ўтказилган 5-9-синфлар. Она тили дастурининг такомиллаштирилишига туртки бўлди.

Маълумки, ҳар бир давр фаннинг маълум соҳасининг, унинг алоҳида гармоқларининг ривожланишида ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки тарихий жараён ва кишилиқ жамиятининг тараққиёти инсон шахсининг юксалиши учун муҳим бўлган омилларни янгилашни тақозо этади. Инсон шахсининг такомиллашвида, унда фикрлаш, тафаккур кила олиш ва шу тафаккур

маҳсулини нутқ воситасида баён этиш салохиятини шакллантириш воситаси бўлган она тили таълими мазмунини янгилаш давр талаби бўлиб келган Бинобарин шу ўринда 1989 йилдан таъсис этилган “Ўзбек тили таълим мини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” доимий илмий-методик анжуманининг 1 ва 2-йигинларидаёк ўша даврда амалда бўлган стабиллашган она тили таълими усули, таълим мазмунини тубдан янгилаш зарурлигини баралла айтди. Она тили таълимида мустақиллик ийларида ташланган улкан қадам “Ўзбек мактабларида она тилини ўқитиш Концепцияси” бўлди. Концепция таълим жараёнини янгилашнинг асосий мақсад ва вазифаларини, йўналиш ва тамоилларини белгилаб берди. Концепция талабларидан келиб чикиб ҳолда Ўзбекистондаги барча таълим муассасаларида она тили таълим мининг мақсади, вазифалари, йўналишлари, асосий боскич ҳамда тамоиллари асосида ягона давлат ўлчами яратилди. Умумтаълим муассасаларида тил таълим мининг мазмунини белгилашнинг илмий ҳамда амалий асосларини ишлаб чикиш, узлуксиз тизимли она тили таълим мини амалга ошириш мақсадида дарслкларнинг умумий мезонини яратиш, давлат ўлчами асосида дастур, дарслек ҳамда ўкув методик адабиётлар яратиш ишлари кенгайиб, даврийлик асосида улар мазмунан янгилашиб борилди.

Миллий истиқбол шарофати билан она тили таълим мини такомиллаштириш давом эттирилди. Ўзбек тилининг грамматик курилишидаги “руслаштириш” самараси бўлган жуда кўп илмий-грамматик талқинлар турконга талқинлар билан алмаштирилди. Шундай экан, она тили таълимидан кўзланган асосий мақсад ўкувчиларни нуткий фаолиятга тайёрлаш экан, сўз бойлигини ошириш биринчи галдаги вазифа саналади. Ўзбек тили доимий анжуманининг 3 йигини (1995 й) худди шу масалага бағишиланди. Йигин она тилидан синов дарслклари нашрини тезлаштириш хусусида тавсия қабул қилди. Она тилидан яратилган синов дарслкларида “тил-меъёр-нутк” мутаносиблигига қатъий амал қилинган. Бунинг маъноси шуки, она тили дарсларида ўкувчи тил ҳодисаларини *кузатиш*, *изланиш*, *апоҳидаликларни ширҳлаш*, *қиёслаш*, *умумийликни аниқлаш*, *фарқларни топиш*, *гурухларни*, *ҳуқи чиқариш*, *хулосалашдан* фикрни баён этиш, иходий матн тузишгача бўлган барча жараёнларни мустақил бажаради. Бу эса, ўз навбатида, ўкувчини таълим жараёнининг фаол ишловчисига, ўқитувчини эса шу жараённинг ташкилотчисига айлантиради. Шу ўринда 1997 йил ўзбек тили доимий анжуманининг 4 -йигинида ўкувчини иходий матн яратишга ўргатиш йўллари, воситалари ва усуллари мухокама қилинди. Албатта ўкувчини матн яратишга ўргатиш фикрини ифодалаш устида ишлашга ўргатиш демакдир. Зоро, фикрсиз матн бўши қопдир. Ўкувчидаги фикрлаш қобилиятини уйғотиш ва уни ривожлантириш бевосита матн устида иш, матн асосида матн тузиш, матн режасини тузиш, маълум бир мақсадни ифодалаши учун матн тузиш, маълум турдаги сўзлар ёки тушунчалардан, тилнинг грамматик ва тасвирий воситаларидан фойдаланиб матн тузиш каби юзлаб усул ва йўллар мухокама қилинган.

1998 йил 13 майда эса Ўзбекистон Республикаси ВМ томонидан қабул қилинган “Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида” ги 203 –қарори барча ўкув фанлари қатори она тилидан ДТС ни яратиш ва уни синовдан ўтказишни Ўзбекистон Республикаси ХТВ олдига вазифа қилиб қўйди. Кўйилган вазифани ҳал этишда ЎГДА нинг 1999, 2001, 2003 йилларда “Таълим жирафёнида нутқ маданиятини шакллантириш”, “Таълим жараёнида ижодий тифаккурни ривожлантириш”, “Ўзбек тили таълими жараёнида миллий истиқлол ғоясини сингдириш” масалалари доирасида ўтказилган 5, 6, 7- йигинлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Она тилидан таълимнинг мақсад ва вазифалари аввало тилнинг жамиятда бижкарадиган вазифаси, инсон ҳаётида тутган ўрни билан белгиланади. Тил жамият аъзолари ўртасида алоқа-аралашув воситаси, инсоннинг фикрлаши ва фикр маҳсулини оғзаки ва ёзма равишда бериши, ўз ички кечинмаларини баён қилиш воситаси бўлиб хизмат килади. Мактабда она тили таълимига кўйилган муҳим талаблардан бири ўкувчиларни фикр баён қилиш фаолиятига тийёрлашдир. Шунинг учун йигинларда ушбу мақсадни илмий-методик жиҳатдан асослаб берилди ва маълум маънода ушбу мақсадга эришилди.

Президентимиз Ислом Каримов фарзандларимизнинг мустақил фикрлаш, ижодий тафаккур малакаларига эга бўлишлари истиқлолимизнинг истиқболини таъминлашда ҳал қилувчи омилилардан бири эканлигини қайтакайта таъкидлаб келадилар. Ўз сўзларидан бирида “Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши мукаррар. Албатта билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ким катта бойлиқдир” Мустақил миллий тафаккур тарбияси бугунги мустақиллигимизнинг табиий талабидир.

Тафаккур ва тил ҳодисалари бир-бири билан чамбарчас, узвий боғлиқ жанлигидан келиб чиқилса, мустақил, ижодий тафаккур тарбиясида она тилнинг фавқулодда муҳим ўрни аниқ кўринади. Тафаккур ўзининг ҳаракати билан тилдан олдин юради, акс ҳолда, инсониятнинг тараққиёти умуман мумкин бўлмас эди. Тил, аслида миллий тафаккурнинг, миллий маънавиятнинг, миллий руҳиятнинг ўзагини ташкил этади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қўлибига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили-бу миллатнинг руҳидир. Кўринадики, болаларимизнинг мустақил, ижодий тафаккурини ўстиришда она тили фавқулодда ҳал қилувчи омилдир.

Таъкидлаш жоизки, билим масканларида ўрганиладиган ўнлаб фан ва предметлар битта шахс томонидан ўзлаштиришга ва шу шахснинг фикрлаш қобилиятини дунёқарашини кенгайтиришга қаратилганлигидир. Шу шахснинг барча фанлар соҳасида қўлга киритиган ютуклари унинг фикрлашида ишкеаланади. Шунинг учун ўкувчини фикрлашга ўргатиш барча фан мутахассислари диққатида турмоги лозим. Тил таълими фанлараро узвий алоқа билан такомиллашиб боради. Юқоридаги масала ҳам ўзбек тили доимий шикуманининг “Ўзбек тили таълими жараёнида фанлараро алоқа” мавзусидаги 8-йигинида муҳокама этилганлигини қайд этиш лозим. Ўтган давр мобайнинда “Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” доимий

илемий-методик анжуманининг турли мавзуларга бағишиланган ўн учта йигини, хусусан, юкорида таъқидланган йигинлардан ташқари “Йигирма биринчи асрда ўзбек тили таълими масалалари” (2007 йил, 9-йигин), “Тил таълими босқичларида узвийликни таъминлашнинг илмий-амалий муаммолари (209 йил, 10 йигин), “Ўзбек тили таълимида педагогик технологияларнинг ўрни” (2011 й, 11 йигин) , “Ўзбек тилини ўқитишида ахборот технологиялардан фойдаланиш-самарадорлик омили” (2013 йил, 12 йигин), “Таълим жараённада ёзма саводхонликни оширишнинг асосий омиллари” (2015 й, 13 -йигин) каби мавзуларда масалалар муҳокамасига бағишиланган йигинлар ўтказилиб келинди. Кўриниб турибдики, анжуманнинг ҳар бир йигини муҳокамаси ўзбек тили ўқитишининг долзарб масалаларига қаратилган. Ушбу анжуманлар мактабгача таълим муассасаларидан тортиб олий ўкув юртларигача бўлган узлуксиз таълим тизимида она тилини ўқитиши мазмунинибелгилаш, такомиллаштиришга оид жараённи мувофиқлаштириб турувчи Марказ сифатида ушбу таълимнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиб, кенг муҳокама қилиш ҳамда илмий-тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш каби ишларни амалга ошириб келмоқда.

Юртимиз таълим тизимида айни вактда ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозимлигини ҳис этиб, энг аввало она тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чукур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожланишиш бугунги куннинг долзарб масаласи эканлигини эътиборга олиб ташкил этилган олийгоҳ билан биргаликда ўкувчиларни тил ва адабиётнинг бой имкониятларидан фойдаланган холда Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга хурмат руҳида, кенг дунёкарашга эга бўлган ва мустакил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, она тилининг ҳалқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётнинг ривожланиш истикболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш, таълим жараённiga илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш каби истиқболий вазифаларни адо этиш кенг жамоатчиликни ташкил этган таълим мутахассислари олдидаги масъулиятни янада ошириши тайин.

N.A.ASHUROVA, o'qituvchi
(Namangan viloyati)

ONA TILI DARSALARIDA MAQOLLARDAN FOYDALANISH

Hozirgi kunda ta'limda axborot va telekommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish, berilayotgan materiallarni multimediyali dasturlar bilan boyitish o'quvchilar bilim doirasini kengaytirib, dars samaradorligini oshirilishiga olib kelmoqda. Boshlang'ich sinflardan boshlab AKT vositalari va imkoniyatlaridan foydalanib, saboq berila boshlanganligi o'qituvchi va o'quvchilarning darsga munosabatlari o'zgarishi omili ekanligi amalda o'z isbotini topmoqda. Darsning har bir bosqichini yangi usul va vositalar bilan tashkillash, ta'lim sifatini oshirishda eng muhim omildir. O'quvchi har bir darsda aytilayotgan yoki qo'llanayotgan yangi

texnologiyaga qiziqish bilan e'tibor beradi, vaholanki, o'quvchida ham yangi fikr va y'oyalar tug'ilла boshlaydi.

Kalqning hayotiy tajribalari asosida yuzaga kelgan, o'zida ibratli, dono fikrlarni ixcham ifodalovchi gaplar – maqollardir. "Maqol" aslida, arabcha "so'z" degan ma'noni anglatadi. Maqollarda fikr aniq, xulosa tugal, ifoda lo'nda va, albatta, hukm tarzidagi ibratli fikr bo'ladi. (1) Maqollar zamirida xalqning uzoq yillar davomida orttirgan saboqlari yotadi. Maqollar bizni mehnatsevarlik, vatanparvarlik, rostgo'ylik, halollik, katta-yu – kichikka birday munosabatda bo'lish, ota-onaga doimo hurmatda bo'lish kabi yuksak fazilatlar egasi bo'lishga undaydi. Maqollar to'g'ri va ko'chma ma'nolarda, she'riy va nasriy tuzilishlarda qo'llaniladi. Maqollar amonlar osha tobora sayqallashadi, pishiydi, mazmuni teranlashadi.

Maqollarni "Hayot ko'zgusi" deb atasak ham hech adashmaymiz. Chunki ming asrlar avval ota-bobolarimiz tomonidan yaratilgan bu durlar aqlini charxlaydi, mutqni ravshan va ta'sirchan qiladi, hayotda uchraydigan katta-yu – kichik muammolarni yechishga qimmatli maslahatlarni beradi. Maqollar haqida taniqli rus tilshunosi va paremeologi (2) V. I. Dal shunday degan ekan: " Maqollar ulardan englashiladigan tushunchalarga qarab joylashtirilsa, xalq ruhiyatining chinakam ocherki vujudga keladi". (3) Darhaqiqat, maqollar ko'xna tarixning muayyan davrlarida, muayyan dunyoqarashdagi kishilar tomonidan aytib qoldirilganulkhan va so'nmas bir hazinadir.

Hammamizga ma'lumki, maqollar asosan Mahmud Koshg'ariyning "Devonu lug'otit turk" ("Turkiy so'zlar devoni") asari orqali yetib kelgan. Masalan: "Tulku o'z mig'a ursa, ujuz bo'lu'r" ("Tulki o'z uyasiga qarab ulisa qo'tir bo'ladi"). Mahmud Koshg'ariy izohlashicha, "bu maqol o'z elini, urug'ini va mamlakatini yomonlovchilarga qarata aytildi". "Erik erpi yag'lig", ermagu bashi qanlig'" ("Tirishqoqning labi yog'lik, erinchoqning boshi qonlik"). Bu maqol yalqovlikni tashlashga, g'ayrat bilan ishslashga undab aytildi. Gulhaniyning "Zatbulmasal" deb nomlangan asari 400 dan ortiq maqol, matal va naqlardan iborat.

Ona tili darslarida maqollarni o'rganishda quyidagi bir necha usullardan foydalanish mumkin:

1. Maqollarni muayyan mavzular bo'yicha guruhlash: "Vatan – vatanparvarlik", "Do'stlik va dushmanlik", "Mehnatsevarlik" va boshqalar. Guruhlarga oq vatman berilib, ma'lum mavzudagi, aytaylik, "Vatanparvarlik" va "Yaxshilik va yomonlik" mavzusidagi maqollardan tez va aniq yozish sharti beriladi. 1. Ayrilmagin elingdan, Quvvat ketar belingdan. 2. Badqavm bo'lsang bo'l, Beqavm bo'lma. 1. Ajalga davo yo'q, Yomonga – balo. 2. Asl odam hech o'limas.

2. Rasmlardan namunalar ko'rsatiladi, so'ng mazmuniqa mos ravishda maqollar yoziladi:



Birikkan kuch – kuch, birikmagan kuch – puch. Birlashgan o‘zar, birlashmagan to‘zar. Mehnat, mehnatning tagi rohat. Qilingan mehnat – beminnat ovqat.

3. Qofiyadosh maqollardan topish sharti. Bunda har bir o‘quvchi o‘z xotirasiga va iqtidoriga suyangan holda qofiyadosh maqollardan tez va husnixat asosida namunalar yozadi. Masalan: “Jahl– dushman, aql- do’st”, “Yurt tinch – sen tinch”, “Bulbul chamanni sevar, odam Vatanni”, “Avval o‘yla – keyin so‘yla”, “Ayrilganni ayiq yer, bo‘linganni bo‘ri yer”, “Baxtiyor bo‘lsa zamon, noshukur bo‘lma – yomon”, “Yer haydasang kuz hayda, kuz haydamasang yuz hayda.”, “Otalar so‘zi – aqlning ko‘zi”.

4. O‘qituvchi tomonidan berilgan maqolni sharhash va mazkur maqolning muqobillarini topish sharti beriladi: masalan, har bir guruhga alohida yoki bir hil maqol beriladi. “ Mehmon – otangday ulug”, Maqolning sharhi shunday, mehmondo‘stlik insonning oliv fazilatlaridan biridir. Xalqimiz mehmondo‘stlikni azaldan ulug‘lab kelgan va o‘zining samimiy mehmondo‘stligi bilan qadimdan mashhur bo‘lgan. “O‘zbek xalqi mehmonni shu qadr sevadiki, hatto musicha don tashlasa, choyning shamasи piyolada tik tursa yoki tushda yo‘l- yo‘l narsalar ko‘rilsa – bularning hammasi mehmon kelishiga yo‘yiladi”.(4) Maqolning muqobillari: ”Mehmon izzatda – mezbon hizmatda”, ”Mehmon - aziz, mezbon – laziz”, ”Mehmon joyi – ko‘z ustida”, ”Qo‘noq kelsa, qut kelar”.

5. ”Davom ettir” o‘yini. O‘yin sharti shundan iboratki, maqolning so‘nggi so‘zdagi oxirgi harfiga maqol aytishdan iborat. Masalan: alifbo bo‘yicha “a” harfidan boshlanadi. ”Avval o‘yla, keyin so‘yla”, ”Aytilgan so‘z – otilgan o‘q”, ”Qosh qo‘yaman deb , ko‘z chiqaribdi”, ”Intilganga tole – yor”, ”Rejasiz ish – qolipsiz g‘isht”, ”Til – qilichdan o‘tkir”, ”Rizqli mehmon osh ustidan chiqar”, ”Ruh tetikning – ishi tetik”, ”Ko‘pdan quyon qochib qutulmas”, ”So‘raganning aybi yo‘q”, ”Qo‘li ochiqning – yo‘li ochiq”, ”Qush tilini qush biladi”. Shunday tarzda davom etadi.

6. Adabiyot darsida o‘qilgan hikoya mazmuniga aloqador maqollar topish va ularni bir- biri bilan qiyoslash. Masalan: Abdulla Qahhorning ”Bemor” hikoyasidagi asosiy g‘oyaga mos ravishda maqol topiladi. Hikoyadan qisqacha matn o‘qib eshittiriladi. Ushbu hikoyaga ”Osmon yiroq, yer qattiq” maqoli epigraf qilib olingan.

”Sotiboldining xotini og‘rib qoldi. Sotiboldi kasalni o‘qitdi - bo‘lmadi, tabibga ko‘rsatdi. Tabib qon oldi, betobning ko‘zi tinib, boshi aylanadigan bo‘lib qoldi, baxshi o‘qidi. Allaqanday bir xotin kelib, tolning xipchini bilan savaladi, tovuq so‘yib qonladi. Bularning hammasi, albatta, pul bilan bo‘ladi. Bunday vaqtarda yo‘g‘on cho‘ziladi, ingichka uziladi.

Shaharda bitta doktorxona bor. Bu doktorxona to‘g‘risida Sotiboldining bilgani shu: salqin, tinch parkda, daraxtlar ichiga ko‘milgan baland va oq imorat: shisha qabzali kulrang eshigida qo‘ng‘iroq tugmasi bor. Chigit po‘choq va kunjara bilan savdo qiladigan xo‘jayin Abdug‘aniboy omborida qulab ketgan qoplar ostida qolib uladigan bo‘lganida bu doktorxonaga bormay Simga ketgan edi”. Maqol variantlari:”Ko‘kka boqsam, ko‘k yiroq, Yerga boqsam, yer qattiq”, ”Kirarga yer qattiq, Kiyarga jon totliq”, ”O‘lay desam, o‘lolmayman, Tirik go‘rga kirolmayman”.

Bu maqollar juda og'ir ahvolga, noiloj holatga tushib qolgan kishilar tomonidan aytildi.

Keltirilgan har bir maqolning qanday ma'noni anglatishi, ularning tarbiyaviy nihaiyati haqida o'quvchilar bilan suhbat uyuştiriladi. O'quvchi maqollarni shartlash natijasida inson nutqining ta'sirchanligini oshiruvchi vosita ekanligini yana bir bor guvohi bo'ladi, shu bilan birga o'z nutqida maqollardan tez-tez qo'llashga hurakat qiladi.

Adabiyotlar:

- 1 Ahmedov S. va boshqalar. Adabiyot (umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik) T.: Sharq – 2007 – 11-bet.
- 2 Наремиология (др.- греч “paramia” – притча, пословица и “logos” – слово, ученис) носившённый изучению и классификацией паремий – пословиц.
- 3 Диль В. И. О русских пословицах // Современник, 1847. - 16. - 148- бет.
- 4 Mahmudov K. “O'zbektaomlari”. – T., 1970.

Л.А.ХУДАЙҚУЛОВА (ТошДУТАУ) ЎЗБЕКТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ХАЛҚ ОГЗАКИ ИЖОДИННИГ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов тилидлаганлариdek, “ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнакининг энг яхший шарти ва гарови деб билган”.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний “Ҳар бир миллатнинг ҳуңда борлигини кўрсататурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилини йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур” деган эди. Ўқитувчи ўзбек тилимизнинг қадимийлиги, соғлиги, бойлиги ҳақида ёш авлодга етказиш, онгига сингдириш ва ёшларнинг маънавий дунёкарашини бойитиш каби ошийжаноб ишларни дарс жараённида амалга ошириши даркор. Ўзбек тилини ўргатишида ўқитувчи биринчи ўринда ўз нутқини равон килишга эътиборни каратиши лозим. Ўқувчиларга тиник, мазмунли нутқ намунасини кўрсатиш билан бирга ҳозирга кунда сўзларни талаффуз қилганда йўл қўйилаётган католарга кўпроқ аҳамият бериши керак. Биз биламизки, сўзларни талаффуз келишида ургуни тўғри кўйиш муҳим ҳисобланади. Шу ўринда устозимиз О.Мадаевнинг фикрларига таянган ҳолда айтмоқчимизки, кўп ўринларда куидалик ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган “пойафзал”, “лутған таклиф шимиз”, “олийгоҳда ўқийди” каби сўз бирикмалар нотўғри қўлланилаётгани келида фикр юритиб, бу каби сўз бирикмалар аслида “пойабзал”, “лутған келишингизни илтимос киламиз”, “институтда ўқийди” деб қўлланса тўғри бўлишини ўргатиш долзарб ҳисобланади. Устозимиз О.Мадаев юкорида қайд тилган мисоллардан биттасига куйидагича изоҳ беради: “пойафзал” сўзи икки мисодан иборат. “Пой” форс тилида “оёқ”, “афзал” яхшироқ маъносини беради. Демак, “пой афзал” – “оёқ яхшироқ” дегани. Оёқ нимадан яхшироқ яканини Яратган билади. Бу сўз бирикмасига “афзал” аслида “абзал” бўлиши керак. Шунда “пойабзал” дейилади ва “абзал” сўзи “асбоб”, “иш куроли” маъносида қўлланилади. Оёқнинг иш куроли, яъни оёқ кийими тушунчасини

иғодалайди. Шундан кўринадики, ўқитувчи ҳар доим ўзининг зиёли эканини, она тилимиз соғлигини сақлашда масъуллигини хис қилиши керак.

Бунинг учун бизга, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-соны Фармонида келтирилган бандлари дастурламал бўлиши лозим.

Бизга маълумки, таълим-тарбияни асрлар давомида сайкалланиб келаётган ҳалқ оғзаки ижоди наъмуналари билан бойитиш янада самарали кечади. Айнисса, ҳалқ қўшиқлари, топишмоқлар, мақоллар, ривоятлар, иборалар каби кўплаб жанрлар ҳалқ педагогикасида азалдан муҳим тарбиявий курол санаған. Жумладан, топишмоқ ва мақоллар зеҳн, ақл-заковат, тафаккур даражасини синаш воситасидир. Топишмоқлар қайси фан доирасида қўлланилмасин, у орқали ўз она тилини мустахкамлашда, таълим тарбияда, билимларни ўзлаштиришда юқори кўрсаткичга эришиш мумкин. Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар тамонлама етук бўлиб шаклланишида ҳалқимизнинг эзгу анъаналарига асосланган таълим-тарбиянинг аҳамияти чексиздир. Топишмоқлар инсон умрининг охиригача, яъни дастлаб оила, мактаб, ўқув даргоҳларидан тортиб жамоатчилик ичидан ўрганиладиган билимларини янада аклан чиқишиди, руҳий эстетик жиҳатдан бойитади.

Ўзбек ҳалқ топишмоқларининг ёш авлод тарбиясидаги ўрни, яъни дарс машғулотларида маънавий-ахлоқий таълим беришда топишмоқларда мужассамлашган ҳалқ донишмандлиги сабокларидан фойдаланишинг илмий-педагогик хусусиятларига доир қатор мақолалар ёзилган бўлса-да, бу муаммо ҳалигача фундаментал тадқиқ этилмаган.

Топишмоқлар боланинг ўйлаш, қиёслаш-такқослаш, хозиржавоблик, зийраклик қобилиятини шакллантириб сўз бойлигини оширади. Мактаб ва ўқундагоҳларида ҳар бир дарсда топишмоқлардан кенг фойдаланиш мумкин Айнисса, она тили ва адабиёт, математика, тарих, одобнома каби фанларни топишмоқларни қўллаш самарали кечади.

Она тили ва адабиёт дарсларида дарснинг турли қисмларида, хоҳ янги мавзуни ўтиш, мустахкамлаш, хоҳ уйга вазифа беришда қўллаш мумкин Масалан, янги мавзу содда гаплар ҳақида бўлса, қуйидаги топишмоқларни мавзуга мисол тариқасида келтириш мумкин:

Тенса, тебранмас,

Чопса, чопилмас. (соя)

Кўзга кўринмас,

Кўлга тутилмас (ҳаво).

Ушбу топишмоқлар кесим составидан иборат бўлган, шахси топилмас гап шаклидаги топишмоқлардир.

Анъанавий топишмоқлар орасида хозирги кунда ишлатилмайдигин предметлар ҳақидагилари ҳам учрайди-ки, бундай топишмоқларни эскириб қолган сўзлар мавзусига мисол қилиб олиш мумкин:

Ғув-ғув этар,

Қорни тўйса юмалаб кетар (урчуқ, 110).

*Кетаверади, кетаверади,
Тогдаи жойни бузиб келади (омоч).*

Топишмоқлардан фойдаланиш ўкувчининг сўз бойлигини ошириш билан бирга ўз нуткида такрор сўзларни ишлатмай, синонимлар излашга, фикрини бадий шаклда ифодалашга чорлайди. Чунки, топишмоқдаги ўхшатиш, жонлантириш, аллтерация, қиёслаш ўзларнинг ранг-баринглиги нутқнинг бадийлигини таъминлайди.

Шунингдек, ўзбек тилини ўргатишда ўзбек халқ мақоллари ёрдамида янги педагогик технология усулларидан ҳам унумли фойдаланиши мумкин. Айниқса, русийзабон гурӯҳ талабаларига ўзбек тилини ўргатишда уларни кичик гуруҳларга бўлиб “ақлий ҳужум”, баҳс мунозара, тадқиқот, “чархпалак”, “шнуборд” усули каби усуллардан фойдаланилганда яхши натижага эришиш мумкин. Ўқитувчи томонидан тингловчиларга мақоллардан бир неча шамуналари айтиб ўтилади. Талабалар эса мақолнинг давомини айтиб берадилар. Мақоллар мавзуси тил, сўз ҳакида бўлади. Иккинчи кўринишдаги усулда ўзбек халқ мақоллари бўйича сўз ўйини ўтказилади.

I. Жавоби

| | |
|--|---------------------------------|
| 1. Кўп ема..... | (кўп дема) |
| 2. Оз-оз ўрганиб..... | (доно бўлур) |
| 3. Кўп бўлса кетади..... | (оз бўлса етади) |
| 4. Орталабки иш | (кўнгилни қиласр хуш) |
| 5. Ўтган кун топилмас..... | (эртанги кун сотилмас) |
| 6. Илоннинг усти зар | (ичи заҳар) |
| 7. Кўп эгилма босарлар..... | (кўп керилма осарлар) |
| 8. Дўстинг мингта бўлса ҳам оз..... | (душманинг битта бўлса ҳам кўп) |
| 9. Кўл билан бериб..... | (оёқ билан югурма) |
| 10. Билмагани сўраб ўрганган олим..... | (орланиб сўрамаган ўзига золим) |

II.

- Лайтилган сўз, отилган ўқ.
- Гилнинг сяяги йўқ.
- Ўз тилим – ўз душманим.
- Кийимингга қараб эмас, ақлингга қараб баҳо беришади.
- Мулойим гап, кулган юзга, Ишонмагин ширин сўзга.
- Кўп билган оз сўзлар, Оз сўзласа ҳам соз сўзлар.
- Одамнинг юзига бокма, Сўзига бок.
- Ўрганиш осон, ўргатиш кийин.
- Тиз чўкиб яшагунча, тик туриб ўлган яхши.

Қадимдан халқимизда ахлоқий тарбияга кенг ўрин берилганлиги тифшили, одоб-ахлоқ ҳакиқадаги доно фикрлар, гоялар топишмоқлар таркибиға сингиб кетган. Шунинг учун ҳам топишмоқлар иштирокини таълим моделларининг ҳамма турида кенг кўллаш максаддга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, давр ёшларининг юксак маънавият эгалари пўлиб шаклланишида авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган, чукур

таълимий, тарбиявия қараплар акс этган топишмокларнинг ўрни бекиёсдир. Улар замиридаги мохият келгуси авлодни янада ақлий, ахлоқий, рухий етукликка чорлайверади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.60.
2. Правда Востока рўзномаси, 94-сон. -Тошкент: 2016 йил, Б.1-2.
3. Каландарова С. Использование загадок на занятиях по практическому курсу русского языка // Хоразм фольклори. Вып.3. – Урганч, 2001. – С.35-36;
4. Абдужалиева З., Айтимов С. Топишмоклар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти // Касбий таълим тараққиёт йўлида. – Тошкент, 2006.- 8-сон. – Б.72-74; Жўраева М. Ўзбек халқ топишмокларнинг тарбиявий имкониятлари // Касбий таълим тараққиёт йўлида. – Тошкент, 2006.- 8-сон. – Б.64-66.
5. Топишмоклар. Ўзбек халқ ижоди. Қўп томлиқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.

S.NURMONOVA, talaba (NDPI)
O'QUVCHILARNI MUSTAQIL FIKRLASHGA O'RGATISHDA
SAVOL-TOPSHIRIQLARNING O'RNI

Zamonaviy pedagogik texnologiya ta'lrim-tarbiyaning samarali usullarini tanlash va qo'llash, ta'lim oluvchilarning ilmiy bilimlarini chuqurlashtirish va mustahkamlash, shu asnoda, ijodiy fikrlash, mushohada qilish ko'nikmasini shakllantirish va rivojlanadirishni talab etuvchi usullar majmuidir. Ta'limda har doim takomil va yangilanish muhim sanaladi, shu sabab bugungi ta'lim o'quvchining ruhiyati, intellektual imkoniyatlariga qarab yondashishni taqozo etadi. Bilamizki, bugungi kun o'quvchisini hamisha o'qituvchini tinglayverish, faqat darslikda tayyor bilimlarni nazariy o'zlashtirish bilan chegaralantirish ular qiziqishlarining so'nishiga sabab bo'ladi. Hatto Sharq pedagogikasida, masalan, Abu Rayxon Beruniyning o'quvchiga bilim berishda:

- o'quvchini zeriktirmaslik;
- bilim berishda bir xil narsani yoki bir xil fanni o'rgatavermaslik;
- uzviylik, izchillik;
- tahlil qilish va taqqoslash;
- ma'lumdan noma'lumga, yaqindan uzoqqa, soddadan qiyinda qarab borish;
- takrorlash;
- yangi mavzularni qiziqarli, asosan, ko'rgazmali bayon etish va shu k.larga e'tibor berish kerakligi uqtiriladi [1].

Ma'lumki, adabiyot darslarida faqat nazariy bilimga ega bo'linmaydi, balki ijod qilinadi – kashf etiladi. Buning uchun o'qituvchi – ijodkor adabiyot o'qitishning tashkiliy-didaktik vazifalarini bilishi va diqqatini o'quvchida axloqiy normalarga tayangan estetik tarbiyani shakllantirishga qaratmog'i lozim. O'quvchi psixologik faoliyatining shakllanishi va rivojlanishida fanlar orasida adabiyot fani birlamchi sanaladi. Shu ma'noda, umumta'lim maktablari "Adabiyot" darsliklarida badiiy asarlar g'oyasini yoritish maqsadida savol-topshiriqlar berilgan. Sababi savol-

topshiriqlar o'quvchining yosh xususiyatlarini e'tiborga olgan holda tuziladi va ularning badiiy asar yuzasidan egallagan bilimlarining mustahkmlanishini ta'minlaydi. Buning uchun darslikda berilgan savol-topshiriqlar bilan bir qatorda, o'qituvchi tomonidan tuzilgan savol-topshiriqlar ham zarur bo'ladi, o'qituvchining muvafiq-topshiriqlari "sizningcha" yoki "e'tibor berdingizmi" deb boshlansa, maqsadga muvofiq bo'ladi.

Fikrimizni O.Yoqubovning 6-sinf «Adabiyot» darsligiga kiritilgan "Muzqaymoq" avtobiografik hikoyasi yuzasidan tuzilgan savol-topshiriqlarga quramatmoqchimiz. Darslikda O.Yoqubov hayoti va ijod yo'li asosida jami 11 ta savol-topshiriq berilgan bo'lib, shundan 5-6-7-8-9-10-savol va topshiriqlar "Muzqaymoq" hikoyasi yuzasidan tuzilgan. Demak, o'qituvchi o'quvchini mushohada qilishga, badiiy tafakkurini o'stirishga, estetik madaniyatini oshirishga yo'naltirilgan savol-topshiriqlar tuzishi lozim bo'ladi, natijada badiiy asar real hayot sari qo'yilgan ko'prik sanaladi. Bu jarayonda o'qituvchining o'quvchilarga psixologik ta'siri, o'quvchilarning o'zaro bir-birlariga psixologik ta'siri kuzatiladi. O'qituvchi har bir o'quvchining psixologik holatidan xabardor bo'lishi va darsni shakllantirishda bu holatni nazaridan qochirmasligi, hisobga olishi va kerak bo'lsa, "tuzatishi" kerak bo'ladi. Bunday vaziyatlarda o'quvchilarda bir-birini tinglash, muammolar yechimini hamjihatlikda topishga intilish hissi shakllanadi. O'quvchilar birlashgan holda qiyin muammoni yechishga harakat qildilar, uni yechish uchun shaxsiy qarashlarini ham "oslikor etadilar".

O'quvchiga: "Sizningcha, nega hikoya qahramon tilidan bayon etilgan?" – deb muurojaat etish maqsadga muvofiq bo'ladi. Ma'lumki, asarda muhitni tasvirlash, janniyatda sodir bo'layotgan voqelikni bayon etish va idrok qilish qahramon bola (O.Yoqubov) tilidan ifodalangan, shu sabab o'quvchida voqelikka, obrazlarga baho berish birmuncha oson kechadi. Chunki qahramon bola (O.Yoqubov) o'z ko'zi bilan ko'rgan, boshidan kechirgan voqealarni, poymol bo'lgan ishonchini, erta so'ngan bolaligini bayon etgan, o'zini shu asosda tahlil qilgan va baholagan. Natijada o'quvchi uchun ham "...o'zinikiga aylanib qolgan personajning ruhiy holatlarini, uchki kechinmalarini «eshitgandan» ko'ra «ko'rish» maroqliroq, tushunarliroq bo'ladi". [2].

O'qituvchi tomonidan beriladigan savol va topshiriqlar keskin bo'lmasligi kerak. Masalan, "Sizningcha, aynan o'g'il bola otaning izdoshi bo'lishi kerak deb qurash to'g'rimi?" kabi savol berish mumkin. Bu savol javobini ko'proq o'g'il bolalardan so'rash joiz deb o'ylaymiz. Shunda psixologik tahlil qilish ular ruhiyatida emotisional tuyg'ularni paydo qiladi, oilaga nisbatan mas'uliyatli bo'lish, millat vigitlariga xos mardlik va jasurlik hissining uyg'onishiga yo'l ochadi. O'quvchilar tomonidan bildirilgan fikrlarni muhokama qilmasdan, to'g'ri qarorga kelishlari uchun minnun yaratish zarur, bir-birini tinglash asnosida bola o'z xatosini o'zi anglashiga yo'l ochish kerak. Tengdoshlari bildirayotgan turli fikrlar ba'zi o'quvchilarda tug'ilgan tarqoq fikrlarni bir yerga jamlab olishga yordam beradi.

Kishi tabiatini murakkab bo'lishini, inson ruhiyatini tushunish mushkul qurilagini o'quvchilarga asarda berilgan komsomol qo'mitasining kotibi obraziga e'tiborni qaratish bilan tahlil qilish mumkin: "E'tibor berdingizmi, asarning qaysi

o'rnilarida komsomol qo'mitasining kotibiga nisbatan bolaning nafrati ifoda etilgan?" – degan savol bilan murojaat etish mumkin. Bu esa o'quvchining asarni qay darajada diqqat bilan o'qiganligini ko'rsatadi. Biroq asarning biror o'mida bolaning unga bo'lgan nafrati ochiq-oqyin bayon qilinmaganligini zukko o'quchchi darhol payqaydi. Bunga baho berish, ana shunday holatni anglash va his etish o'quvchiga havola etilgandek go'yo. Sababi bunday qusurli kishilar har doim topilishi mumkin. O'quvchilar bu obraz orqali insonlardagi illatlarga nisbatan e'tiroz tuyg' usini tuyishlari shubhasiz, ularda bunday tabiatli kimsalarga nisbatan loqayd bo'lmaslik hissini uyg'otish lozim, toki ular butun jamiyatga zarar yetkazmasin.

"Sizningcha, ayrim kattalarning ko'pchilik oldida yosh bolaga tanbeh berishi, deylik, u aybdor bo'lganda ham, qay darajada to'g'ri?" – deb savol tashlash ham o'rni bo'ladi. O'quvchilarda bu kabi munosabatlar e'tiroz uyg'otadi, albatta, ularda muomala madaniyatining to'g'ri shkllanishiga, bunday holatlar qusur ekanligini anglashlariga yordam beradi.

Savol va topshirqlar asardagi hech bir detalni ko'zdan qochirmagan holda tuzilishi shart emas, hikoyaga ajratilgan dars soatini ko'proq asardan chetlashmagan holda tarbiyaviy maqsadga qaratish zarur. Masalan, "Sizningcha, bola tabiatidagi qaysi jihatlar sizning tabiatingiz bilan o'xshash, uning otasiga bo'lgan muhabbatini izohlang" – degan savol bilan murojaat etilganda, o'quvchining qahramon fe'l-atvoridagi ijobiy yoki salbiy jihatlarga e'tibor qaratishi uning ma'naviy kamolotga yetayotganini ko'rsatadi. O'quvchining yuzaga keltirilgan muammoli savollarga erkin fikr bildirishi unda hayoti davomida yuzaga keluvchi muammolarni mustaqil hal etish ko'nikmasining shakllanishiga olib keladi. Oilada otaning o'rnii yuqori ekanligini anglashlariga imkon yaratadi.

Albatta, har bir o'qituvchi o'quvchidan "E'tibor berdingizmi, hikoya nega "Muzqaymoq" deb nomlangan, siz hikoyani qanday nomlagan bo'lardingiz?" degan savol bilan murojaat etadi. Bizningcha, bu o'qituvchining o'quvchiga bergen eng so'nggi savoli bo'lishi kerak. Bu savol o'quvchining hikoya mohiyatiga qay darajada kirib borganligini ko'rsatadi. O'qituvchi o'quvchilarning o'z tasavvurlariga erk berishiga imkoniyat yaratib ulgurdidi, bu erkinlik natijasida hatto darsda faqatgina tinglovchi bo'lib o'tirgan ayrim tortinchoq o'quvchilarda ham betakror fikrlarning tug'ilishiga va uni bayon etishdan qo'rmaslikka olib keladi. O'quvchilar garchi hikoya muzqaymoq haqida bo'lmasa-da, hikoyaning "Muzqaymoq" deb atalishiga mantiqiy asos borligini va bu asosning asar matnida keltirilganligini isbotlab berishga urinsinlar. Bu otaning o'g'ilga bo'lgan mehri in'ikosi ekanligini, mustahkam e'tiqodi sabab o'z farzandiga mehr berishdan yiroqlashgan va e'tiqodi ro'yo ekanligini anglagan, nihoyat afsus-nadomatlarga ko'milib ado bo'layotgan insonning o'z farzandiga bo'lgan loqaydligiga qarshi isyonini ekanligini, shu biringa so'z o'g'ilning ota mehrini anglashiga yo'l ochganini, oxir-oqibat bu istak murg'ak bola uchun ham, ota uchun ham armon bo'lib qolganligini o'quvchiga anglatish zarur. Balki yozuvchi har safar muzqaymoqni ko'rganida otasini qumsar, uni yodga olar. Bu – yozuvchi qalbini kemirayotgan adoqsiz armondir, chunki bu qattiqqo'l otasining unga nisbatan bo'lgan birinchi va eng so'nggi oshkora erkalashi edi, bu bolaning otasini tushunishiga yo'l ochdi, yozuvchi otasi qalbida bu armon og'ir tosh bo'lib qolganligidan azoblanganki, asarni "Muzqaymoq" deb nomlagan.

Xulosa shuki, bu kabi savol va topshiriqlar o'quvchining badiiy asar mohiyatini to'la anglashi asosida hayotni anglashiga, estetik tarbiyasining to`g'ri shakllanishiga, mustaqil fikr yuritishiga va ana shu fikrini mulohazakorlik asosida ifodalashiga, misollar bilan dalillashiga keng imkoniyat yaratib, erkin fikrlash ko'nikmasini shakllantiradi.

Adabiyotlar:

- 1 Bu haqda qarang: Xoshimov K., Nishonova S. Pedagogika tarixi. Darslik. -Toshkent, 2005. 94-b.
2 Rahimov Z. "Ko'hna dunyo" romani poetikasi. - Farg'ona, 2005. 53-b.

НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА УСЛУБИЯТ

Н. УЛУҚОВ,

ф.ф.д., проф. (НамДУ)

ЎЗБЕК ХАЛИҚ МАКОЛЛАРИДА НУТҚ ОДОБИ ТАЛҚИНИ

Хаёттий тажрибалар, хаёттий қиёслар, халқона ташбехлар, саъж асосида яралган 100 дан зиёд пурмáнно ўзбек мақол ва маталларида нутқ одоби, маданиятининг тартиби, қонун-қоидалари, мезонларига оид халқона қарашлар ифодаланган.

Кўп мақолларда сўз тил, нутқ маъносида ҳам қўлланган ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, мавқеи, кадри сарбаландлиги таъкидланган: “Сўз қадрини билмаган – ўз қадрини билмас”, “Сўз – бир, сатқал – қирқ”, “Сўздан сўзниң фарқи бор, Ўттиз икки нархи бор” каби (1).

Бу “Сўз – чимилдиқдаги келин” мақолида янада ёрқинроқ кузатилади. Чимилдиқ – никоҳ кечаси куёв билан келиннинг бошқалардан холи ўтириши ва тунаши учун уй бурчагига тортилган оқ парда. Мақолда “Чимилдиқдаги келин ўзини ниҳоятда одобли, ҳаёли, иффатли, уятчан тутгани каби, киши ҳам айтадиган ҳар бир сўзини ўйлаб одобли, “пардали” қилиб айтмоғи, “бепарда”, уятсиз сўзларни айтишдан ўзини тийиши керак” деган фикр илгари суриласи (2).

Тузсиз ёки тузи паст овқат bemaza бўлгани каби, bemaza, беъмани, “тузсиз” гапларни айтиувчи одам ҳам кишини толиктиради, энсасини қотиради. “Ошинг таъми туз билан, одамнинг “таъми” сўз билан” мақолида ва унинг “Таом таъми – туз билан, Одам таъми – сўз билан”, “Таом лаззати – ўзида, одам лаззати – сўзида” каби варианatlарида худди шу уқтирилади.

Кишининг оғзидан чикқан ҳар бир сўз, хоҳ яхши, хоҳ ёмон, хоҳ ўринли, хоҳ ўринисиз бўлсин, уни асло қайтариб бўлмайди. Айниқса, одамларни ноўрин ҳақоратлаш, камситиш, пичинг, кесатик, уларнинг қалбини ўқ ёки қиличдай жароҳатлаши мумкин. Киши ҳар бир сўзини ўйлаб, эҳтиёт бўлиб гапириши керак. Шу боис айрим ҳалқ мақолларида бирор гапни айтишдан аввал уни обдон ўйлаб, атрофлича мулоҳаза қилиб олиш зарурлиги уқтирилади: “Сўзни дами қиличдан ўткір”, “Сўз – қиличдан ўткір”, “Айтилган сўз – отилган ўқ”.

Мазкур мақолларнинг “Оғиздан чикқан сўз қайтмас”, “Айтилган сўзни ичкари ютмоқ бўлмас”, “Сўз чумчук эмас, оғиздан чикса тутиб бўлмас” каби бир неча варианtlари ҳам бор.

Халқона ҳаёттий қиёс билан тўйинган “Сўз – эмгак бўлар, Бўз – кўйлик бўлар” мақолидаги эмгак сўзи заҳмат, қийинчлилик маъносида бўлиб, ўйламайнетмай айтилган, ноўрин, ножӯя сўз кишига зиён-заҳмат келтиради, дейилмоқда.

Кўп билган, яъни кўп ўқиган, кўпни кўрган тажрибали, ақли, доно одам, одатда, кўп гапирмайди, бирорга айтмоқчи бўлган гапини, билдири-мокчи бўлган фикрини қисқагина, лўндағина жумла ёки жумлалар билан аник-равшан қилиб тушунтирмоғи лозим. Шунда тингловчи ҳам бундан каноат ҳосил қиласи. “Кўп билган оз сўзлар, оз сўзласа ҳам, соз сўзлар”, “Кўп гап – эшакка юқ”, “Кўп ўйла, оз сўзла!”, “Оз сўйла, кўп шила!”, “Оз сўз – соз сўз” каби

мақолларда нуткнинг аниқ ва мазмунли бўлиши баробарида қиска, лўнда ва шинқ бўлишига ҳам жиддий эътибор каратилган ҳамда нутқ одобига хос шу жиҳат уқтирилган. Зеро, ҳалқона таъбир билан айтганда, “Сўзниг ҳам ўлчови бор”, “Сўз дорига ўшилди: ортиқчаси зарар келтиради”.

“Сўз – кумуши, сукут – олтин”, “Сўзлаганинг кумуши бўлса, сўзламаганинг олтин”, “Сўзлаганинг кумуши бўлса, тек турганинг – олтин”, “Сақланган сўз – соғ олтин”; “Айтмас-дан бурун сўзга сен эга, айтгандан сўнг сенга сўз эга” каби бир туркум мақолларда эса сукутга, яъни тинглаш одобига алоҳида мезон сифатида қаралади.

Хатто оз, яъни қиска нутқ тингловчига ором бериши, ортиқчаси қиромлиги айтилади: “Оз сўз – ором сўз, Кўп сўз – ҳаром сўз”.

“Гапни гапир уққанга, жонни жонга сукқанга”, “Сўзни айтгин уққанга, дилни дилга сукқанга” каби мақолларда сўзловчи ва тингловчи муносабатларига эътибор каратилади. Мақолларда гапни, сўзни, яъни нуткни уқадиган, жон қулоги билан тинглайдиган ва илтимосингни рад этмайдиган olandaga гапир. Ярамас ахмокларга гапириб ҳам ўтирма, барибири уқтиrolмайсан, гапнинг зое кетади дейилади. Бу фикрнинг қуйидаги мақолларда ҳам уқасиз: “Аҳмоқ ўзи билмас, Билганинг сўзига кирмас”, “Тошга ёмегир кор этмас, Аҳмоққа сўз кор этмас”, “Ақлига сўз айтсанг уқиб олар, Аҳмоққа сўз айтсанг, ақлинг қолар” каби.

“Сўзинг кумуши бўлса, Тингловчи тилла бўлсин” мақолида шундай одамга гапиргинки, у сўзингни маъносини ўзингдан ҳам яхшироқ биладиган бўлсин. Гапнингни маъносини билмайдиган одамга нима қиласан гапириб, дейилади.

Халқимиз кўпгина мақолларда сўзлаш одобига қаттиқ риоя қилиш ширурлигини уқтирган. Ўзаро пичирлашиб, ён-атрофдагилардан гап бер-китиб, бирорнинг орқасидан гапириш, гийбат қилиш, шунингдек, “юзингда қўзинг борми” демай, бирорга кесатиқ, пичинг қилиб, санчиб-санчиб гапириш – ўтакетган ёмон одат эканлиги “Сўзниг ёмони – пичир” мақолида янада таъсирли ифодаланган.

Халқ “тил уччи”да, яъни сохта сўзлашни ҳам коралайди:

“Кузи учиман кўзлама,
Кўзингга зарар келар,
Тил учиман сўзлама.
Ўзингга зарар келар”.

Халқимиз ростгўйликни инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири деб, ўғончилик, алдамчилик эса энг ёмон иллатлардан бири деб биладики, бу бир қатор мақолларда ўз аксини топган: “Тўғри сўзниг заҳри йўқ”, “Хақ гап – ҳакиқдан қиммат”, “Сувни чим тўхтатар, сўзни чин тўхтатар”, Туяниг бунараси яхши, сўзинг тувараси яхши”, “Тўғри сўз қшивичдан ўтқир”, “Тўғри ёз аччиқ бўлади”, “Тўғри сўзниг тўқмоғи бор”, “Тўғри сўз тумоқтиради”, “Тўғри сўз қулоққа ёқмас”, “Чин сўзни ёлғонга чулгама”, “Тўғри сўзга тўғаноқ бўйма” каби.

Далиллардан кўринадики, содда, мазмун жилосига бурканган, мазмуний қобигда ҳикматона, ибратона маънолар жамланган халқимизнинг нутқ одобига доир панду ўйтлари, ҳаётий тажрибалари қўйма жумлаларда

ифодаланган. Уларнинг замирида ибратона тагмањно ва мазмун мужассам. Мақолларда ҳам шаклий, ҳам мазмуний мутаносиблиқ, уйғунлик мавжуд. Мақоллар ўз маъносида ҳам, кўчма маънода ҳам қўлланиш имконига эга.

Кўп маколларда тил ва дилнинг, яъни тил ва тафаккурнинг боғлиқ-лиги, шу боис кўнгилдагилар тиљда юзага чикиши айтилади: “Тил – дилнинг маржимони”, “Тил – кўнгил тилмочи” ёки “Дилда бўлса тилга келади”, “Дилдагини тил сўзлар”, “Дилнинг қалити – тил” каби.

Халқ маколларида тингловчига маъкул бўладиган, мазмунли, маъноли, ёкимли нутққа нисбатан илиқ сўз, иссиқ сўз, яхши сўз, ширин сўз ва уларнинг зидди сифатида совуқ сўз, ёмон сўз, аччиқ сўз каби метафорик бирликлар кўлланади ҳамда ҳамиша ижобий нутқ сўзлашга ундалади: “Жиши-жиси сўзлассанг илон инидан чиқар”, “Яхши сўз – жон озиғи, Ёмон сўз – бош қозиги”.

“Илиқ-илиқ сўзлассанг, илон инидан чиқар, Сөсүқ-совуқ сўзлассанг, қилич қинидан чиқар” мақолида яхши гап билан душманингни ҳам дўст қила оласан. Ёмон гапирсанг, ҳатто бошингдан жудо бўласан дейилмокда.

Маълумки, ота-боболар сўзлаш одобига қатъий риоя қилиш зарур-лигини уқтириб, кўлдан-кўп мақоллар яратишган. Куйида келтириладиган бир туркум мақолларда яхши сўз билан ёмон сўз орасида “осмон билан ерча фарқ бор”лиги, яхши сўзнинг кишига тегадиган шарофати-ю, ёмон сўзнинг касофати турли халкона киёслар, талқинларда ифодаланган: “Яхши сўз – кўнгил подиоси”, “Яхши сўзга жон семиради”, “Иссиқ кийим тани илитар, Иссиқ сўз жонни шитар”, “Ширин сўз – шакардан ширин”, “Ширин сўз ўшикни ҳам тирилтиради”, “Яхши сўз сүйнитирав, Ёмон сўз куюнтирав”, “Яхши сўз ерда қолмас”, “Тилингда бўлса болинг, кулиб турар иқболинг”, “Яхши сўз тош эритар, Ёмон сўз бош чиритар”, “Ёмон сўз – пичоқдан ўткир” каби.

Маълум мезон ва меъёрларга асосланган нутқ ахлоқий гўзаллик белгиси. Гўзаллик факат инсоннинг ташки кўриниши билан белгиланмайди. Инсон нуткининг расолиги унинг асосий гўзаллигини белгиловчи ва қўрсатувчи жиҳатлиги эса қуйидаги халқ маколларида ёрқин таъкид билан уқтирилади: “Юзинг чиройли бўлгунча сўзинг чиройли бўлсин”, “Сўзнинг бойлиги – одамни чиройлиги”, “Таом лаззати – ўзида, одам лаззати – сўзида”, “Хусн – сўзда, уян – кўзда”.

Ҳар қандай нутқ мантикли бўлмоғи лозим. Худди шу жиҳат халкона метафоралар, ҳаётий қиёслар, ташбехлар билан уқтирилади: “Сўзнинг магзиги боқ, Магзи бўлмаса, этак қоқ” каби.

Нутқ, хусусан, тил ва сўзнинг акл, инсон тафаккури, ахлоқи билан боғлиқлиги, улуғлиги, нутқ одоби масаласи, нафақат, ўзбек халқида, дунёдаги барча халклар ҳикмат ва мақолларида уқтирилади. Фикримизни ҳадислару Озарбайжонда нашр этилган араб ҳикмат ва мақоллари, уларнинг озарбайжон тилидаги муқобиллари жамланган “Оталар сўзи” китобидан олинган куйидаги паремиялар ҳам тасдиқлайди: “Тил тезлигидан қадам тезлиги яхши”, “Икки нарса фойдасиз: ҳикматсиз сўз ва тафаккурсиз сукут”, “Сўз аклни тарозусидур”, “Сўз акл ўлчовидир” каби.

Юқоридаги мақоллар ўқувчи ва талабаларга аниклик, соддалик, шүндилик, софлик, қисқалик каби нутқ одоби талаб ҳамда мезонларини уқтиришда қимматли манбадир.

Адабиётлар:

- 1 Мақоллар күйидаги манбалардан олинган: Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг нағаремиологик лугати. Тошкент: "Ўқитувчи", 1984; Шомаксұдов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2001.
- 2 Шомаксұдов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2001. Б. 326.

S.I.KAMBAROVA (ToshDO'TAU)

ADABIYOT FANINI O'QITISHDA VIRTUAL LABORATORIYA TASHKIL ETISH MASALALARI

Jamiyat hayotiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining jadal sur'atlar bilan kirib kelishi ta'lif, tibbiyot, iqtisod, noshirlik yoki sayyoqlik kabi turli nihalardagi tub islohotlarga sabab bo'ldi. AKTning o'quv jarayoniga uyg'unlashuviga yangi imkoniyatlarni yuzaga keltirishi barobarida pedagog xodimlar zimmasiga ulkan mas'uliyat yuklab, dolzarb vazifalarni ko'ndalang qo'ymoqda.

Adabiyotning inson hissiyotlari, tuyg'ulariga ta'sir ko'rsatishi nazarda tutilsa, o'quvchi asarni o'qish jarayonida hayotiy va badiiy haqiqatni *tushunish*, uqqanlarini boshqalarga *tushuntirish* va sujet, obraz, xarakter kabilarni *tahlil* qilish kabi xususiy kompetensiyalarni shakllantirish maqsadini amalga oshiriladi. Binobarin, o'quvchi uchun bilimlar va mazmunning yuqoridagi darajalari mutanosib bo'lishi murakkab jarayon hisoblanadi.

Bugungi kunda veb va interfaol o'qitish, animatsiya, modellashtirish va ularni umaliyotga tatbiq etishga sharoit yaratayotgan axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasidagi yutuqlar adabiyotni tushunish, inson kechinmalarini hisqilishini yengillashtirishda e'tiborga molikdir.

Adabiy ta'limging turli bosqichlarida o'quvchilarga yosh xususiyatlaridan kelib chiqib mavzuga oid grafik tasvirlar namoyish etilishi, voqeа-hodisalar, qahramonlar portretiga xos xususiyatlar, nazariy tushunchalarni virtual shaklda uzatish asar mazmuni, g'oyaviy-badiiy maqsadini anglash, egallangan bilimlarni hayotga tatbiq etishga yordam beradi. Bunday jarayonga xos tajribalami modellashtirish o'quvchilarga real maktab laboratoriyasida amalga oshirish muammo bo'ladigan murakkab tajribalarni boshqarish va o'tkazishga sharoit yaratadi.

Adabiy ta'limga o'mi bilan AKTni joriy etish o'quvchilarning idrok, tasavvur, tufakkur kabi bilish jarayonlarini shakllantirish, dunyoqarashini kengaytirishi, fan usoslarini chuqur o'zlashtirish, eng muhimi, intellektual salohiyatini rivojlantirishini tu'minlaydi.

Ma'lumki, AKT axborotlarni uzatish, qabul qilish, muayyan ma'lumot yoki obyekt tasvirini ifodalashda samarli va ta'sirchan vositadir. Kompyuter animatsiyasiva modellashtirish sujet elementlari yoki portiet, peyzaj, detal kabi kompozitsion qurilishni idrok qilish uchun universal vositadir.

Animatsiyalarda muayyan ketma-ketlikda asar mavzusi va g'oyasiga oid turli diagrammalar, ramziy tasvirlar, strukturalar hamda qahramonlar va personajlar

orasida kechadigan dialoglar, kolliziylar, muloqotlar jarayoni namoyish etilishi e'tiborga olinadi.

Muammo xorijda F.Amari, S.Wong, S.Demetiadis, A.Barbas, A.Molohides, G.Palaigeorgiou, D.Psillos, I.Tsoukalas kabi olimlar tomonidan o'rganilganini qayd etish mumkin.

Mamlakatimiz ta'lif tizimida esa R.Jo'rayev, Y.Taylakov, A.Ibraymov, U.Nasridinova, N.Kamolova, M.Nosirov, Z.Sherdonov, Z.Sangirova kabi qator olim va tadqiqotchilar ilmiy izlanishlarida turli fanlar doirasida kuzatilmogda. Yuqorida nomlari zikr etilgan mualliflar tadqiqot ishlariда ta'kidlanishicha, virtual laboratoriya texnologiyalari tirik organizmlarda kechadigan biologik, fiziologik, psixologik jarayonlarni multimedya va animatsiyalar vositasida tasvirlash va namoyish etish bilan birqalikda qaytar aloqani ta'minlashga xizmat qiladi.

Laboratoriyalarda virtual tajribalarni amalga oshirishga vaqtidan, tegishli resurslardan unumli foydalaniladi, natijalar kafolatlanadi, obyekt bilan islashda xatoliklarning oldi olinishiga muvaffaq bo'linadi.

Virtual tajribalar uchun dasturiy ta'minotga o'qituvchi obrazli tafakkur va badiiy to'qimani olib berishga qaratilgan g'oyalarini taqdim etishi mumkin bo'ladi. Shu yo'l bilan o'quvchilarning badiiylik, obrazlilik va obrazni tushunish kabi xususiy kompetensiyalarni rivojlantirish vazifalari hal qilinishi ko'zda tutiladi.

Dastur animatsiya shaklidagi voqeа-sujet, xarakterni olib beruvchi vosita, konflikt, sujet elementlari, detal hamda badiiy mahorat kabilarni ifodalash xususiyatiga ega.

Virtual laboratoriya mashg'ulotlarida, masalan, biologiyadan tirik organizmlarning ichki va tashqi tuzilishi, ularda sodir bo'ladigan hayotiy jarayonlar, kimyoda reaksiyalar, fizikada jismalarning hajmi yoki zichligini ma'lum sharoitda tahlil qilish imkonи mavjud.

Bu turdagи tajribalarni o'tkazishda o'qituvchidan AKTga oid tushunchalarini mukammal o'zlashtirish, o'quvchidan ham mavzu bo'yicha nazariy bilimlarni puxta egallash talabi qo'yiladi.

Virtual adabiy laboratoriya mashg'ulotlari turmushni, odamlarni chuqui o'rganishni, borliqni, unda sodir bo'layotgan turli mavsumiy o'zgarishlarni kuzatishni va shunga bog'liq holda adabiy materialga munosabat bildirishni taqozo etadi. Bunday tajribalar real bilimlarni toplash, amaliy ko'nikma va malakalarni shakllantirish maqsadida o'tkaziladi.

Virtual laboratoriya bo'yicha dasturiy ta'minot – bu ta'lif oluvchilar o'tkazishi mumkin bo'lgan, adabiy hodisalar mazmun-mohiyatini aks ettirishga qaratilgan jarayon, zarur narsa-buyum va jihozlar tanloviga nisbatan qaror qabul qilishga imkon beradigan dasturdir.

Virtual laboratoriyaning afzalligi shundaki, uning yordamida o'qituvchi va o'quvchi belgilangan maqsad va vazifalarni amalga oshirishi, AKTni ishlatish, shart-sharoitlarni hisobga olgan holda eng samarali tajribalarni tanlashga qulaylik yaratilishidadir. Bu kabi rejalashtirish mustaqil tadqiq qilish asosida kreativ va kognitiv xususiyatlarni yanada rivojlantirishni nazarda tutadi.

Bugungi kunda adabiyot oqitish metodikasi sohasida dolzarbva real muammo ta'lif oluvchilarning so'z san'ati qudratini ongli tarzda tushunishi, badiiy so'zning

In'sir kuchini teran his qilishi, asar mazmun-mohiyatini anglashi, qahramon muammolari misolida hayotiy masalalarga javob topishga harakat qilishi, yozuvchi ifodalamoqchi fikr va ramziy darajalarni tushunishini osonlashtirish hisoblanadi.

Animatsiyalarni adabiy jarayonga tatbiq etish esa idrok, anglash va bilish jarayonini yengillashtiradi, adabiy hodisalarни aniq va ko'rgazmali tarzda jondantiradi.

Agar tabiiy fanlar, xususan, fizikadan o'tkazilishi rejalashtirilgan virtual laboratoriya mashg'ulotlari tahlil qilinsa, jarayon dastlab kompyuter sichqonchasi kursonini harakatga keltirish orqali boshlanib, so'ngra monitorda tanlangan mavzuga oid modellar, ularni o'lhash tasvirlari belgilangan tartib va yo'nalishda uzluksiz jondana boshlaydi.

O'lhash jarayoni nihoyasida natijalar muayyan geometrik shaklga ega jism hujmini hisoblash formulasi bilan avtomatik tarzda bajariladi. Navbatdagi ish tanlangan jismlarning massalarini topish va yuqoridaq kabi muayyan formulaga usoslanib, tegishli jadvalga qayd qilish asosida nihoyasiga yetkaziladi.

Tadqiqotchi A.Ibraymov ta'kidlaganidek (1), virtual laboratoriya uskulalarning funksionalligi, universalligi, foydalanuvchi interfeysining ko'rgazmaliligi va qulayligi, dasturiy ta'minotning moslashuvchanligi, eng muhimmi, mashg'ulotlarni masofadan turib olib borish, uzoqda joylashgan ta'lim muassasalaridan turib bevosita laboratoriya asbob-uskulalarni harakatga keltirish, natijalarni o'lhash va baholash imkoniyatlari mavjudligi bilan on'anavimyashg'ulotlardan farq qiladi.

Adabiy ta'limda nazariy tushunchalarga oid ma'lumotlarni virtual tarzda berish imkonni mavjud bo'lsa ham, qahramonlar tabiatni, personajlarning ichki kechinmalari, o'y-xayollari bilan bog'liq epizodlarni visual tarzda yetkazish qiyin hodisa hisoblanadi.

Obrazlarning xarakter xususiyatlari yoki ruhiyat manzaralarini o'lhash imkoniyati mavjud emasligi nazarda tutilsa, bu turdag'i mashg'ulot dasturi qanday tuziladi, jarayon qanday rejalashtiriladi va amalga oshiriladi, nimalardan qay tartibda foydalaniladi, degan qator savollar tug'ilishi tabiiy.

Ma'lumki, multimediali elektron-pedagogik dasturiy vositalardan foydalanish orqali avtomatlashtirilgan grafik va murakkab loyihalash ishlari olib boriladi. Pedagogik dasturiy vositalar o'qituvchilaring o'qitish g'oyalarni dasturda shakllantirish, uni tahlil qilish, qo'llash va baholash orqali takomillashtirishga xizmat qiladi.

PVDlar kompyuterning multimediya imkoniyatlaridan unumli foydalangan holda ta'lim sifatini oshirish, zamonaviy ta'lim jarayoni mohiyatini o'zida kompleks mujassam etadigan dasturiy vosita bo'lishi zarur.

Manbalarda dasturiy pedagogic vositalar tarkibani o'qitishning kompyuter dasturlari, avtomatlashtirilgan ta'lim tizimlari, elektron darsliklar, texnologik jihatlarining kompyuter imitatorlari, demonstratsion va modellashtiruvchi dasturlar, kompyuter o'quv muhitlari, kasbiy-dasturiy vositalar paketlarining ma'lumot bo'limlari, instrumental dasturiy vositalar, dasturlashtirish tillari, ma'lumot va bilimlar bazasi, masofaviy ta'limdagi kompyuter va telekommunikatsion vositalardan iborat bo'lishiga alohida urg'u beriladi (2).

Multimediya tizimlarini yaratishda kompyuterlar, audio-video axborotlarni uzatish vositalari imkoniyatlari uyg'unligiga erishish muhim hisoblanadi. Bunday tizim dasturiy vositalar va asboblar majmuasini shakllantirib, axborotning matn, grafika, ovoz, tasvir kabi turli ko'rinishlarini o'zida mujassam etadi. Natijadu foydalanuvchi bilan interaktiv muloqot vujudga keladi.

Animatsiya va rasmlarni FLASH, Free Hand, Dream weaver kabi dasturiy ta'minotlar, shuningdek, Java, C++ dasturlash texnologiyalari vositasida yaratish mumkin.

Virtual laboratoriya tajribalarini o'tkazishda:

a) asosiy grafik dasturning buyruqlaridan foydalanishni o'rganish;

b) mavzu yuzasidan bajariladigan topshiriqlarning bajarilish ketma-ketligini ifodalovchi o'rgatuvchi harakatli tasvirlar hamda maxsus ssenariylar tuzish zarur bo'ladi.

Kuzatishlardan ma'lumki, virtual laboratoriya tashkil etish uchun mavzuga oid asosiy manbalar; laboratoriya ishi o'tkazilgan videomateriallar; animatsiya orqali bajariladigan interfaol tajribalar; test topshiriqlari; mavzuga tegishli muammoli vaziyatlar va ularning yechimi; laboratoriya ga oid atamalarning izohli lug'ati; yordamchi materiallardan foydalanish yo'rqnomalari bo'lishi talab etiladi [3].

Adabiyotdan virtual laboratoriyanı quyidagicha rejalashtirish maqsadga muvofiq:

1.Maxsus virtual xona yaratish. Xonani adabiy jarayon va hodisalar, asarda tasvirlangan zamon va makon ruhini aks ettirishda manba hisoblanuvchi kompyuter, proyektor, monitor kabi multimediya vositalari bilan ta'minlash. Binobarin, zarui texnik jihozlarning dasturlashtirilishi, kompyuter yordamida loyihalashtirilishi jarayonga maqbul sharoitni vujudga keltiradi.

2.Qulay kreativ muhit shakllantirish. Professor R.X.Jo'rayevning ko'rsatishicha, kreativ muhit ta'lim oluvchining inellektual rivojlanishini ta'minlash omili bo'lib, tarkiban mualliflik o'qitish tizimlari, imitatson va modellashtiruvchi dasturlar, mikroolamlar, ma'lumotlar va internet bilimlar bazasiga kirish va dasturlashning instrumental vositalardan iborat bo'ladi.

Statistik va qayta tahlil etish, faoliyat, kommunikativ aloqa hamda global va lokal tarmoqlarda masofaviy ta'limda qo'llaniladigan dasturiy vositalar ham mazkur ro'yxat tarkibini boyitadi (4).

3.Xarakterli mavzularni aniqlash. Laboratoriya mashg'ulotlari mavzusi adabiy ta'limga oid DTS, taqvim-mavzu reja va o'quv dasturiga talablariga muvofiq sinflar kesimida uzviylik va izchillik tamoyili asosida belgilanishi mumkin.

4.Virtual xarita tuzish. Bunda PVD dasturlari asosida ijodkor hayoti va ijodi, adabiy tushunchalar, asar sujeti va kompozitsiyasi, muhim epizod, qahramon hayotining burilish nuqtalari, portret, peyzaj namunalari yoki ramzlar animatsiyasi audio-video vositalar, modellar, maketlar, rasmlar, jadvalar vositasida muayyan ketma-ketlikda aks ettiriladi.

5.Titrlar bilan bog'liq tajribalar simulyatsiya qilish. Z.Sherdonovning qayd etishicha, *simulyatsiya* "kompleks vaziyatlarni qabul qilish uchun ajoyib vaziyat yaratib, dasturiy ta'minot yordamida tasviri va reaksiyaning ma'lum ko'rsatkichlarini o'zgartirish imkonini beradi" (5).

Titrlar asar sujetining ma'lum ketma-ketlikda ifodalanishiga qo'shimcha izoh bo'lib, jarayonni sayqallaydi va yanada boyitadi. Yuqoridagi fikrlarga tayanilsa, turli jumrdagi asarlar, jumladan, xalq ertaklarining "Bor ekanda, yo'q ekan, qadim o'tgan zamonda...", "Kunlarning birida...", "Shu payt qarasa...", "...murod-maqsadiga yetibdi" kabi ovozli yozuvlarga matnning turli ko'rinish va tezlikdagi harakatli tasvirlari taqdim etilishi o'rganilayotgan obyekt haqidagi tasavvurlarni oydinlashtirish va bilimlarning ongda mustahkam muhrlanishiga zamin yaratadi.

Umumiy o'rta ta'lif maktablari 7-sinfda Alisher Navoiyning "Sabai" sayyor dostonidagi "Beshinchi iqlim yo'lidan kelgan musofiring dostonorolig'i" nomli parchani o'rganishga bag'ishlangan virtual laboratoriya maqsadini amalga oshirishdadan o'qituvchisi va texnik ma'lumotli mutaxassis hamkorligida quyidagi vuzifalar hal qilinadi:

– *matndan harakatli tasvirlarishlash mumkin bo'lgan epizodlar tanlab olinadi*. Xususan, Adan mamlakatidagi qaroqchi Jobirning dengizdagi yo'lto'sarligi, uning qo'liga asir tushgan o'g'lini qutqarishga kelayotgan shoh Navdarning gulrang bir ohu ketidan quvib, pistirmaga tushishi va hokazo.

– *lavhalarga oid animatsiyalar yaratishda matematik modellashtirish, o'rganilayotgan jarayon yoki obyektlarni optimallashtirish va hisob ishlari bujariladi*. Bunda xuddi multiplikatsion filmlardagi kabi tanlangan obyekt xattiharakatlari, badiiy detal yoki manzaralar ifodasi belgilanadi. Masalan, Jobirning yangi oyga o'xshash tez yurar kemachalari, qaroqchilarining baland daraxt ustiga buqib, dengizni kuzatib turishi tasvirlari PVD orqali loyihalanib, to'g'ri yoki egri chiziqlar yordamida turli shakllar yasash, aylana va yoyslar hosil qilinib, tutashmalar bujarilishi orqali gavdalantiriladi.

Turli burchak ostida chiziqlar chizilib, tahrir qilinishi, detallarga qirqim va kesimlar berilib, ularning tasvirini ko'rsatishda rang, material va teksturalardan ijodiy ifodalanish hamda modellarga o'chamlarberish jarayoni sujetni tasavvur qilishni yengillashtiradi.

– *adabiy material mohiyatini tushunish, turli muammoli vaziyatlar yechimini hal qilishga doir maxsus virtual ssenariylar tuzish*. Mazkur usul orqali animatsiya jarayonidagi uzviyilik va izchillik ta'minlanadi, voqealarning maqsadli va muayan ketma-ketlikdagi namoyishi ta'minlanadi. Bunda matnning qisqartma variantiga o'shtiyoj sezilsa ham voqealarning rivojlanish dinamikasi o'zgarmaydi.

Yuqorida qayd etilganidek, virtual laboratoriylar muayyan xatoliklarni bartaraf etish omilidir. Agar o'qituvchi tomonidan muallif konsepsiyasiga zid ravishda ssenariyning boshqa turdagи variantlari ishlansa, o'quvchi real voqelik yuzasidan chuqur mushohada yuritishga, muammoning bir necha xil yechimlarini shakllantirishga harakat qildi.

Masalan, agar shoh Navdar maqsadidan chalg'imay, o'z yo'lida qat'iy davom etganida asarda tasvirlangan vaziyatlarni boshidan kechirmagan va qiyin ahvolga tushmagan bo'lar edi. Shuning uchun qahramon intilayotgan manzil yo'naliishing to'g'ri va maqsadga zid shaklini grafik tarzda taqdim etish va har ikki holatni o'zaro qiyoslashni taklif etish orqali o'quvchida tanqidiy tafakkur, fikrlar xilma-xilligi, masala mohiyatiga obyektiv yondashish, eng asosiysi, muallif maqsadini anglash imkonini yuzaga keladi.

Jarayon sxemasini quyidagi tartibda loyihalashtirish mumkin:

1-variant:



2-variant:



Demak, virtual laboratoriyalar o'quvchilar faoliyatini maqsadli boshqarish, bilimlarni yangilash, nazariyani amaliyotga bog'lash, o'quv ishlaridagi faollik va mustaqillikni oshirish, axborotlarni qabul qilishni osonlashtirish, materiallarga istalgan vaqtida murojaat qilish kabi qulayliklar yaratishi bilan ahamiyatlidir.

Adabiyotlar:

1. [Ibraymov A. Ye. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida fizikadan virtual laboratoriyalarni tashkil etish // Fizika, matematika, informatika. T.: 2013. №1. Б. 48-54.
2. Джураев Р.Х., Тайлаков У.Н. Электрон таълимда қўлланиладиган дастурий педагогик воситалар // Uzluksiz ta'l'm. T.: 2013. № 3. [2], [4] Б. 77.
- 3.[Сангирова З. Электрон воситалар асосидаги дарс // Umumta'l'm fanlari metodikasi. T.: 2012. № 9. Б. 16.
4. Шерданов З. Кимё фанини ўқитицида ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш // Maktabda kimyo. T.: 2013. № 4. Б. 5-9.
5. Ergashev Sh., Kolantarov A. Umumta'l'm maktablarida axborot-kommunikatsion muhitni shakllantirish va rivojlantirishda elektron axborot-ta'l'm resurslarning o'tmi va ahamiyati // Xalq ta'limi. T.: 2016. № 4. Б. 84-92.
6. Насретдинова У.А. Узлуксиз таълимда мультимедия дастурий воситаларидан фойдаланиш // Uzluksiz ta'l'm. T.: 2015. № 4. Б. 74-80.
7. Заходова Б. Лаборатория машгулотларига замонавий ёндашув – самарадорлик омили сифатида. // Uzluksiz ta'l'm. T.: 2013. № 4. Б. 42-44.

M.XOLMURADOVA, KIXI (O'ZMU) “QUTADG‘U BILIG” ASARIDAGI NUTQ MADANIYATIGA OID QARASHLAR

Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” asari turkiy tilda bitilgan dastlabki falsafiy-didaktik xarakterga ega bo'lgan dostondir. Asar o'z davrida turkiy tilning obro'sini yuqori darajaga ko'targan.

Hali XI asrdayoq, ya'ni turkiy tilga e'tibor kuchaymagan bir vaqtida, Yusuf Xos Hojibning o'z asarini turkiy tilda nomlashi va shu tilda ifoda etishi tahsinga loyiq.

Asami o'rganishda jonbozlik ko'rsatgan Abdurauf Fitrat “Qutadg‘u bilig” haqida shunday deydi: “Bu kitob tarix ham tilimiz jihatdan juda muhim, juda qimmatli bir kitobdir”.(1,14)

Adib arabcha-forscha aruz vaznini o'zbek tiliga moslashtirib, uning yangi, turkona qirralarini ochdi. Asarda omonim, sinonim, antonim, polisemiya so'zлari va ko'makchi, bog'lovchi, yuklamalardan va takrorlash usullaridan foydalandi. (1,39)

"Qutadg'u bilig" matni qoraxoniylar davriga xos turkiy tilda bitilgan bo'lib, turkiy so'zлarning keng miqyosda qo'llanganligi bilan ahamiyatlidir. Asar bo'yicha tindiqot olib borgan Qayum Karimov asarda "...arab va forscha tillardan qabul qilingan so'zlar to'qsondon oshmaydi", hatto aniq fanlar (astronomiya, matematikava h.)ga oid terminlar ham "faqat va faqat turkiy so'zlar asosida yozilgani, boshqa tillardan so'zlar deyarli iste'mol qilinmaganini" ta'kidlab o'tadi. (2,143)

Asar muallifi turkiy til haqidada shunday deydi:

Kedük tağ ikördum bu türkçe sözüг

Anaqrututtumyaqurdumara

"Bu turkcha so'zni (yovvoyi) tog' kiyigi kabi bildim, Uni ohista ushladim, al'dab yaqinlashtirdim [ya'ni qo'lga o'rgatdim]"(6381-bayt) (6,949)

Asarda yozma til "bitig söz" deb atalgan. Qadimgi turkiy tilda bitig – "bitig, yozuv; xat, kitob; yozma hujjat" ma'nolariga ega. U "yozmoq, bitmak" ma'nosidagi biti- fe'lidan yasalgan. Bitig söz atamasi "bitilgan so'z; kitobiy so'z; matn", tilshunoslik tushunchasi bilan aytganda, "yozma til, adabiy til" ma'nosini beradi.(3,4)

Asarda til va nutq masalasi, nutq madaniyati, nutq talablari, so'zlash tumoyillari haqidagi mulohazalar bayon etilgan. Asarning 3-bobi "Til ardami" deb nomlandi va unda bilim olishda tilning ahamiyati, mazmunli so'zlash, behuda ko'zlamaslik borasida o'gitlar berilgan.

Uquş körki til ol bu til körki söz

Kişi körki yüz ol bu yüz körki köз

"Zakovat ko'rki so'zdir, bu tilning ko'rki so'zdir, Kishining ko'rki yuzdir, bu yuzning ko'rki ko'zdir (271-bayt)(6,101)

Bu o'rinda Yusuf Xos Hojib go'zal tashbeh namunasini yaratgan. Inson aql-zakovatining ifodasi uning so'zlarida aks etadi. Kishining qanday so'zlashiga qarab uning bilimi, dunyoqarashini bilib olsa bo'ladi. Shuning uchun ham zakovatning ko'rki, bezagi so'z bo'lganidek, insonning ko'rki yuz, bu yuzning ko'rki ko'zdir. Inson o'z so'zini tili orqali so'zlaydi, so'zi yaxshi bo'lsa, yuzi suvlanadi, ya'ni obro'topadi.

Biliklig sözi yerkä suw teg turur

aqitsa suwuğ yerdä ne'mat öñür

"Bilimlining so'zлари yer uchun suv kabitidir, Suvni oqizilsa, erda anvoyi ne'matlar unadi" (6,197)

Bilimli insonning so'zлари suvgaga qiyos qilingan. Suv tabiat va inson, jamiki jonzotlar uchun obi-hayot manbaidir. Bilimli kishi ham jamiyat, davlat uchun suv va havodek zarur. Birgina oqil va dono kishi minglab nodon va aqslsiz odamlardan al'zalroqdir. Nodon kishi jamiyat uchun xatarlidir. Chunki nodonning aqli bo'lmaydi, uni turli g'arazli niyatli kishilar o'z oqimlariga yurgizishlari mumkin. Dono va oqil kishi esa o'z qarashlarida sodiq turadi. Hech qanday kuch uni o'z maqsadidan va maslagidan chalg'ita olmaydi.

“Qutadg‘u bilig” – hadislardan ilhomlanib yozilgan asar. Undagi purma’no fikrlar, teran mulohazalar hadislarning ta’siri o‘laroq yuzaga kelgan. Yuqoridagi baytda bilimli kishining so‘zi yerga hayot bag‘ishlovchi suvga o‘xshatilgan. “Ilm o‘rganmoq” haqidagi hadisda ilm yomg‘ir suviga o‘xshatiladi. Ilm o‘rganuvchilar esa yerga qiyoslanadi. Shunday yerlar borki, yomg‘ir suvini shimiб, butun o‘simliklau dunyosiga hayot bag‘ishlaydi. Xuddi shuningdek, insonlar borki, ilm o‘rganadilar, boshqalarga ham o‘rgatadilar – ular mo‘minlardir. Ayrim yerlar yomg‘ir suvini o‘ziga singdirmaydi, ammo jonzotlar uchun suv mambasi sifatida to‘plab beradi Shunga o‘xhash odamlar borki, o‘rganadilar, ammo o‘zları amal qilmaydilar – ular fosiqlardir. Ba‘zi yerlar yomg‘ir suvini na o‘ziga singdiradi, na to‘plab bera oladi. Shunga o‘xhash, o‘zi ham o‘rganmaydigan, birovga ham o‘rgatmaydigan kishilar bor – ular fosiqdirlar.

Köni ermäsäkäygäy erdi ulun

Köni turmasa kör bolur er bulun

“To‘g‘ri bo‘lmaganida yog‘och o‘tda kuyardi, to‘g‘ri turmasa mard tutqun bo‘ladi (2859-bayt)

Inson so‘zi va amali doimo to‘g‘ri bo‘lishi kerak. Yolg‘on so‘zlash kishi boshiga kulfat keltiradi. Boshga balo faqat tildan keladi. Qiyshiқ va egri-bugri yog‘och faqatgina olovda o‘tin bo‘lishga yaraydi. Yog‘och to‘g‘ri bo‘lsa, u chiroyli ayvonlarda ustun bo‘ladi. Xuddi shuningdek, fe‘li egri inson ham vaqt kelib hayotda qoqiladi. Shuning uchun ham inson doimo rost gapirishi va faqat haqiqat uchun harakat qilmog‘i lozim.

Urup bergä başı bütär terk sonar

Tilin söksä bütmäs açığı yılın

“Kaltak yarasi bitadi, tez sedan chiqadi, til bilan so‘ksa bitmaydi, zahri abadiy qoladi(2541-bayt)

Keltirilgan baytdagi ma‘no bugungi kunda o‘zbek maqoli bo‘lgan “Tig” jarohati bitar, til jarohati bitmas” maqoliga to‘g‘ri keladi.

Davlatlar o‘rtasidagi dastlabki diplomatik munosabatlar haqidagi ma‘lumotlari aynan “Qutadg‘u bilig” asarida berilgan. Ikki davlat o‘rtasidagi diplomatik munosabatlarni o‘matishda davlatning asosiy xizmatchilaridan biri elchilar bo‘lgan Elchilikning o‘ziga xos mas‘uliyati bo‘lgan. Elchilar birgina noto‘g‘ri aytilgan so‘zi yoki xatti-harakati bilan ikki davlat o‘rtasidagi aloqalarni salbiy tomonga o‘zgartirib yuborishi mumkin. Shuning uchun ham elchilar nutq madaniyati qoidalariga riyoq qilishlari kerakligi ayтиb o‘tilgan. Elching hazilni tushunadigan, so‘z uqqan, hozirjavob bo‘lishi maqsadga muvofiqdir. U turli xil ziddiyatlarni muloyimlik bilan hal qila bilishi, so‘zning o‘z va ko‘chma ma’nolarini yaxshi anglay olishi zarur. Chunki elchingning uddaburonligi va so‘zamolligi ikki davlat o‘rtasidagi aloqalarning yaxshilanishiga va jamiyat taraqqiyotiga katta xissa qo‘shtan.

Yalawaç işi kör neçä söz bolur

Sözi yaqṣı bolsa tiläkin bulur

So‘zi yumshoq, shakardek shirin bo‘lsa, shirin so‘zga ulug‘ ham, kichik ham yumshaydi) (2626).

Asar matnida qo‘llangan so‘zlar orqali bugungi kun uchun ham qiymatini yo‘qotmagan, amaliy ahamiyatga ega bo‘lgan fikrlarni, rahbar ma’naviyati, nutq

o'zlash odobi, o'zaro munosabatlar, turli ijtimoiy tabaqalar faoliyatiga doir, turli soha vakillari fe'l-atvoriga tegishli mulohazalarni, mamlakatni adolat bilan boshqarish strategiyasi, davlat boshqaruvi, davlat tizimi haqidagi ma'lumotlarni umumlashtirish; asar matnida qo'llangan ijtimoiy-iqtisodiy terminlar mohiyatini o'zlashtirish mumkin.

Adabiyotlar:

- 1 Abdurahmonov G'. To'xliyev B., Rustamov A., Dadaboyev H. Qutadg'u bilig. I,II,III,IV,V jildlar. Toshkent: "Jahon print", 2011.
- 2 Karimov Q. Ilk badiiy doston. Toshkent: 1997.
- 3 Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. T.: 2009.
- 4 Resid Rahmeti Arat. Qutag'u bilig (index). Istanbul: 1979.
- 5 O'zbek xalq maqollari. Toshkent: 2005.
- 6 Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадгу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсифқилувчи
6 Каримов. Тошкент: "Фан", 1972.

О.ОЛТИНБЕК, КИХИ (Тошдўтау) РАУФ ПАРФИ ОНА ТИЛИ ҲАҚИДА

Рауф Парфи она тилига бағишланган биринчи шеърини ёзганида ўн иккиси ёшда эди. Бу шеър 1958 йилда тартиб берилган дафтарда келади. У “Ўзбек тили” деб номланган, тўрт банддан иборат, ҳар банди сўнгиди “Ўзбек тили, ўзбек тили” сўзлари рефрен сифатида тақорланиб келган. Мана, унинг ўнгги банди:

Сени нақадарлик севаман, она,
Оҳ, юрагимнинг булбули
Бўлиб сайрагансан гўдак чоғимдан,
Ўзбек тили, ўзбек тили (1: 29)

Шоирниңг она тили ҳақидаги иккинчи ижод намунаси, бу – Валерий Брюсовнинг “Она тил” шеърининг таржимаси. (2: 6) Шеър: “Подишохим! Кулим! Она тил” (*Мой царь! Мой раб! Родной язык!*) мисраси билан бошланади. Таржима тагида иккита сана қўйилган: “31.12.1911”, “28.12.1959”. Уларнинг биринчиси шеърнинг ёзилиши санаси, иккинчиси эса таржима этилган йил. Таржима эълон килинмаган. Лекин унинг биринчи мисраси шоирниңг она тили ҳақидаги навбатдаги шеърига эпиграф этиб олинган. “На жозиба, на ажиб рангу...” деб бошланадиган бу шеър йигирма тўрт мисрадан иборат. Мана, удан бильзи бандлар:

На жозиба, на ажиб рангу,
Ва тириклик мафтунинг мангу,
Зар бер, мезбон, меҳмонингман-ку,
Шодон дамим, гамим, она тил...

Кулогимга аллалар айтдинг,
Ширин-ширин яллалар айтдинг,
Бари ёдда сен нелар айтдинг,
Шодон дамим, гамим, она тил...

Жаңг-жадалда заҳрим, ҳамдами,
Зимистанда эң порлоқ шамим,
Сен борсанки, ийк менинг гамим,
Шодон дамим, гамим, она тил.(3: 16)

Шеърнинг биринчи варианти “1960.01.28” да ёзилган. Қизиги шундаки, 1960 йилда айнан шу шеърнинг яна учта варианти яратилган. Шоир ушбу вариантиларнинг бирортисидан ҳам кониқмаган. Ниҳоят, 1964 йилда ёзилган “Мен ўткинчи, мен факат меҳмон..” сатри билан бошланувчи сўнгги вариантини китобига олиб кирган. Аввалги нусхаларининг барчасида эпиграф “Мой царь! Мой раб! Родной язык!” эди. Демак шоир ушбу мисранинг ўзи таржима килган дастлабки шаклидан (“Подишаҳим! Қулим! Она тил”) кўнгли тўлмаган. Сўнгти вариантда эса уни “Сен шоҳимсан, сен қулимсан, / Сен – она тилим” кўринишида таржима қилган. Шеър ўн уч сатрдан иборат:

Мен ўткинчи, мен факат меҳмон,
Даргоҳингда, эй она тилим.
Менга бир шеър керак, эй мезбон,
Ёзилмаган шеър эрур дилим.

Айтгил, нечун бунчалар қизиқ
Эски жаҳон, бу эски жаҳон?
Бир шеър керак нон каби иссиқ,
Менга бир шеър керак, эй мезбон.

Маътул этма мени, онажон,
Сен – абадий мен – лаҳза, бироқ
Итоат эт менга шул замон
Ё айлагил телбани тупроқ.
Мен ўткинчи, мен ахир меҳмон...(4: 53)

Рауф Парфининг она тили хакидаги биринчи эълон қилган шеъри ҳам шу. Бундан оддинги шеърларнинг бирортаси чоп этилмаган эди...

Собиқ иттифоқнинг тилшунослик сиёсати Н.Я.Марнинг “барча тиллар йўқолиб, битта тил колади” хулосасини берувчи назариясини халққа сингдиришга ҳаракат килар эди. 60-йилларда юзага келган эркинлик эпкинлари боис ушбу назарияга муносабат билдириш имкони пайдо бўлди. Натижади “ука” халқлар шеъриятида юракка оғрик берган бу қарашларга карши шеърлар пайдо бўла бошлади.(1) Миллий шеъриятилиздаги Эркин Воҳидовнинг “Она тилим ўлмайди”, Абдулла Ориповнинг “Она тилимга”, Рауф Парфининг “Она тилим” шеърлари айнан шу назарияга қарши кўтарилган исён эди. Марр қарашларини ўша даврда қай даражада тарғиб-ташвиқ этилганини Э.Воҳидов шеърининг биринчи бандиданок хис килиш мумкин: *Нотиқ деди: / Тақдир шул, / Бу жаҳоний иродада. / Тиллар йўқолур буткул, / Бир тил қолур дунёда...*”.(5: 72)

Рауф Парфининг “Она тилим” шеърида ҳам худди мана шундай кайфият мавжуд. Шоир ушбу шеърнинг илк вариантида:

*Йүқолиб кетармииш шу она тилим,
Олимлар сүйлайди менга афсона,
Хаётга ўлим түк, сенга йүк ўлим,
Менинг журъатимни афу эт, она, – (6: 94)*

Леб ёзган бўлса, кейинги нусхаларидан биррида дадиллик билан:

*Сен-да абадийсан, эй она тилим,
Сенда аён бўлгай нафратим, қахрим.
Ҳеч қачон ҳеч кимса ололмас юлиб,
Ҳақиқатни юлиб ололмас, бағрим, – (7: 16)*

дека, ўз она тилини ҳакикат каби абадий эканлитигини комил ишонч билан куйлади. Лекин, шуну ҳам қайд этиш лозимки, 1965 йилда ёзилган бошқа бир шеърида Рауф Парфининг лирик қаҳрамони ҳам, унинг жонажон тили ҳам Mapp назарияси қаршиисида бир қадар заиф ва ожиз тасвирланган. Куйидаги интрлар шундай фикрлашимизга асос бўлади:

*O, кунларим кўндир олдинда,
Етиб келар энг сўнгги нафас.
У пайт бирор она тилимда
Бошим узра сўзлаб турса, бас! (4: 66)*

Муҳими шундаки, бундай тушкун кайфият шеърдан-шеърга ўзгариб, шоир борган сари она тилининг чўнг кудратини ва унинг бакувват илдизлари тарихнинг қаър-қаъридан келаётганини англай борди. Ва ниҳоят, 80-шилларнинг бошига келиб Рауф Парфи она тили ҳакида шундай бир улосаларга келдики, хар қандай марчилик чўпчакка айланди:

*Она тилим, сен руҳимнинг қаноти,
Абут турк нафаси, Олтой чечаги.
Хун давридан омон қолди Фиротинг,
Кутлуг Энасойнинг эзгу эртаги.*

*Ўрхун бўйларида тошга айландинг,
Кўкларга санчилдинг. Турон бўлдинг Сен.
Мангалик сафарга қачон шайландинг?
Қачон бу аламга – кучга тўлдинг сен?.. (8: 196)*

Шоир энди аниқ биладики, унинг она тили ҳазрити Нуҳнинг тўртта ўғидан бири – Ёфас (Абут-турк – туркнинг отаси)дан келаётган, у билан ғимнафас бўлган тил. У Олтойда чечакка айланди, Хун давридан Фирот бўлиб (өзаки адабиёт тимсоли) бизгача омон келди, Энасой ва Ўрхун бўйларида тошга битилган (ёзма адабиёт тимсоли) “эзгу эртак”ка дўниб, кўкка қад ростлаган Турон бўлди. “Кўкларга санчилган”, бу тилни йўқотиб бўлмайди. Шоир энди бунга аниқ ишонади. Унинг: “Мангалик сафарга қачон шайландинг? Қачон бу аламга – кучга тўлдинг сен?..” сатрлари эса тажоҳилул-орифона усулидаги, катта ишонч ва фаҳр билан кўяётган риторик сўроғидир. Она

тилиминг азалий ва абадийлигини бундан-да ўтказиб бир нарса дейин мумкинми? Ҳатто Рауф Парфининг ўзи хам бу борада бошқи сўз очмади. Чунки бошқа гапга ҳожат ҳам йўқ эди.

Кўриниб турибдикি, Рауф Парфининг она тили ҳакидаги қарашлари ўзига хос бир тадрижга эга. Уни тахминан уч даврга бўлиш мумкин: элигингчи, олтмишинчи ва саксонинчи йиллар. Шоирнинг ушбу мавзудаги шеърлари йиллар ўтиши билан оддийликдан мураккабликка, умумийликдан аниқликка томон ўсиб-ўзгариб борган. Энг муҳими, унинг лирик қаҳрамони жонажон тилининг тарихий илдизлари чукур ҳамда бакувват ва уни йўқотиб бўлмаслигини ич-ичидан идрок килди.

Рауф Парфи она тилининг шунчаки куйчиси эмас, балки унинг янги поэтик имкониятларини очувчиси ва яратувчиси ҳам эди. Шоир умрининг охиригача жонажон тилидан подшоҳдай фойдаланди, айни пайтда, бир қулдай унинг хизматини ҳам қилди. Зеро, у ўз шеърига “*Сен шоҳимсан, сен қулимсан, / Сен – она тилим*” (В.Брюсов) сўзларини бехуда эпиграф этиб олмаган эди.

Адабиётлар:

1. Расул Ҳамзатовнинг “Она тилим” шеъри ҳам айнан шу муносабат билан ёзилган. Шеър она тилимизга Э.Воҳидов томонидан таржима этилган эди.
2. Рауф Парфининг шахсий архиви, 4-дафтар (Ч.Рўзиевда сакланади).
3. Рауф Парфининг шахсий архиви, 5-дафтар (С.Жалиловада сакланади).
4. Рауф Парфининг шахсий архиви, 6-дафтар (С.Жалиловада сакланади).
5. Рауф Парфи. Кўзлар. Т.: “Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1978.
6. Эркин Воҳидов. Асарлар. Ёз ҳарорати. Т.: “Sharq”, 2015.
7. Рауф Парфининг шахсий архиви, 19-дафтар (Ч.Рўзиевда сакланади).
8. Рауф Парфи. Хотирот. Т.: “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1975.
9. Рауф Парфи. Сакина. “Muhartir”, 2013.

Ф.РАДЖАПОВА, КИХИ (УрДУ) ҚИССАЛАР ТИЛИДА ФРАЗЕМАЛАРНИНГ ЎРНИ

Қиссаларда поэтик тил юксаклигини таъминловчи воситалардан бири фразеологизмлардир. Лингвистик жиҳатдан тилнинг баркарор сўз бирикмалари (гап) ва иборалардан ташкил топган фраземалар бадиий матнда муҳим бадиий ва услубий вазифа ташиди, улардаги лексик маъно ва образлилик контекстда тасвирийлик ва ифодалиликни оширишга хизмат киласи. Дарҳақиқат, “Фразеология ва муаллиф образи бир-бирига маҳкам боғлик. У муаллиф баёнини халқ тили билан алокадор киласи, бу баённиниг эмоционал бадиий томонининг максадга мувоғик тарзда курари (1). Фраземалар одатда от, сифат, равиш, феъл сўз туркумлари синтези курилмасидан шаклланиб, нарса-ҳодиса, ҳолат образларни тасвирили, хиссий акс эттиришга йўналтирилади. Эркин Аъзам кўллаган фраземаларда от+феъл модели салмоқли. Улар икки компонентларидир. Масалан, “Сув ёқалаб” қиссасидаги Болта Мардон “Дамида ош пишарди-я!(2)” фраземасидаги маъно қаҳрамон характерининг туб моҳиятини кўчма тарзда образли тасвиrlайди, яъни Б.Мардонга хос барча ижобий хислатларни умумлаштиради. Бошқача айтганда, бу фикр қаҳрамон обруси баландлигини фразеологик маъно орқали ифодалайди, иккинчидан фраземаларнинг муайян халқнинг турмуш тарзи,

мисолийлиги, ўзиги хос аньаналари билан бөглиқ хусусияти ушбу мисолда акс тади. (“ош пишиши”), учинчидан шаклий ихамлик услугбага равонлик билишлайди.

“Забаржад киссасидаги персонажлардан бири Диля тилицан айтилган күйидаги фраземалар ҳам характерлидир.

- 1). “Үртадаги бола баҳона, сиртига сув юқтирамайды-я” (103)
- 2) ”Лойимиз хар жойдан бұлғани билан, эски үртогимсан” (103)

Бириңчи гап Дилянинг эри ҳақида, иккинчи гап Забаржадга қаратилған. Бириңчида, персонажнинг хатти-харакати, иккинчиде, характери талкинлари фразеологик фикр асосидир. Улар таркибидаги сўзларнинг ўзаро турғун муносабатидан туғилған кўчма маъно умумлаштирувчи хусусиятга эга бўлиб, у нокеа ёки образ тасвиридан келиб чиқади, уни изоҳлайди, бадиий фикрни оғидинлаштиради. Бу ўринда Диля эрининг “сўтак ахволи”, “кўлидан бир иш келмаслиги”, “уйга бир сўм топиб кела олмаслиги”, “уйни ижарага қўйиб пул ишламоқчи” бўлғани каби салбий ҳислатлари “сиртига сув юқтирамайды” фраземасида мужассамлашади ва китобхонда бу образ хусусида конкрет тасаввур ҳосил киласди. Агар адид “қайсар, ўз нуксонини тан олмайдиган ўжар шахс” деб тузса, барибир маъно бир хил чиқар эди, аммо гап ифодасидаги образлилик таъсирчанлик йўқолар эди.

Иккинчи фразеологик бирикмадаги маъно Диля ва Забаржад муносабати аспектида акс этади. Бу хусусият уларнинг хар бирига хос характер орқали очилади. Диля-бизнес максадида чет элга қатнайдиган ўз сўзи билан шйтганда, “кўзи оч”, “бўлса яна кўпроқ бўлсин” дейдиган аёл. Забаржад эса иёли, каноатли, Дилянинг таърифича, “фаришта”, “онаси ўпмаган хуруғилмон”. Икки дугона сажиисидаги бу зиддиятли кутблар (“Лойимиз хар жойдан олинган”) сўзларининг барқарор бирикмасидаги тагмаънодан тугал инглashingлади ва мажозий талкинда “лой” характерни, “хар жой” характернинг турлича эканини билдиради.

Шунингдек, киссада тасвир ва ифода ранг-баранглигидан келиб чиқадиган фраземаларда уларни турфа маъно кирралари ҳам зухурланади. Чунончи, “Мен эсимни едим. Хотира опа” (106) фраземасида кинояли икрорлик, “Сал нарсага тўнини тескари кияди-кўяди” (107) да каҳрамоннинг қизиққон характери, “Калит Ҳизингнинг қўлингда бўлса, кулфингни бирор ўесурок оча оладими?” (107) фраземасида рамзий-фалсафий мушоҳада маънолари аксланади.

“Гули-гули” қиссасида ҳам фразеологик бирикмаларнинг бир неча намуналари учрайди. Улар, асосан, лавҳа, эпизод ва каҳрамонлар руҳияти тасвири билан бөглиқ ўринларда эпик баён ва персонажлар нуткида келтирилади. Кўйидаги гапга дикқат қиласи: “Ҳамманинг оғзида-Ҳасанча, довондаги кор бўрон чоги унинг қўрсатган жасорати”. Бу икки кисмли жумлада фразеологик фикрга хос ҳаётий ва бадиий мантиқ ҳамда сабаб-оқибат муносабати амал қиласди. Дарҳакиқат, бир қарашда ғализ туюлган (Оғизда одам на жасоратнинг бўлиши) маъно одатдаги мантиққа эмас, балки адабиётнинг шартлилик хусусияти билан изоҳланувчи бадиий мантиққа адид идеали ва тоғси асосида кайта идрок этилган фикрга асосланганни учун ғайритабиий

туюлмайды. Шу боис, фразема таркибидаги образ, деталь ва фикрнинг турғун, рамзий ва күчимлилик билан боғлиқлиги ёркин кўринади. Зоро, Ҳасанча жасоратининг ҳамма томонидан мақталиши маъносини англатувчи ушбу сўз бирикмаларининг биринчи қисми оқибат, иккинчи қисми эса уни вое қилган сабаб вазифасини ўтайди.

Муаллиф нутқидаги куйидаги манзара тасвирида бошкача ҳолатни кўрамиз. Адид ёзади: “Айвон аҳли эҳтиром юзасидан бир қўзгалиб қўяди Одатдагидек салом-алик. Шўробобо отидан тушай демайди. Эгарни ҳам бой берганига кўп замонлар бўлганига қарамай, сира отдан тушмаган.” (18). Одатда, фразеологик бирикма моҳияти уларнинг тузилиши ва маъноси таҳлилида аникланади. Шу жиҳатдан, ушбу жумлалар ҳалкнинг жонли тилида кенг тарқалган, каттароқ мансаб ёхуд мавқедан ажралганига иқрор бўлмаётган шахсга қаратилган “Отдан тушса ҳам эгардан тушмаган” фраземасинин кенгайтирилган вариантидир. Унинг тузилмасидаги “Шўро” сўзи ва “кўп замонлар бўлганига қарамай” ибораси эркин бирикма, қолганлари бевосита бир кўчма маъноли фраземаларни ифодаловчи тургун бирикмалардир. Муаллиф маҳорати шундаки, у “отдан тушишин истамаётган” Шўро бобо руҳиятини ушбу лавҳадаги талқин ҳолати орқали таъсирил кўрсатади. Шўробобо “Эгарни бой бергани” ҳақидаги фикр умумлаштирувчи маънони равшанлаштиради Шунингдек, асосий маъновий урғу олган “от” ва “эгар” тушунчаларидаги рамзийлик ва мантикий боғлаш фраземанинг мазманий яхлитлигини таъминлайди.

Маълумки, фраземалар сюжет таркибидаги муайян компонент билан муносабатга киришар экан, асар мазмун-моҳиятига мос теранлик, образлилик, таъсиричанлик бағишлайди. Табиийки, бу жараёнда у образ ёки нарса, вое талқини билан алоқадорликда намоён бўлади. Бунга мазкур парча мисолдир: “Ўзи-ку хом сут ичган банда, бунинг устига ичадиган сувиям хом бўлса-я, ҳудойим-эй, - деб қўяди Аҳад маҳсум фифон аралаш” (17). Ушбу фраземанинг матидаги бадиий ва услубий вазифалари куйидаги ҳолатларда акс этади: 1) Муаллиф айтмоқчи бўлган “Инсон билиб-бilmай хато қилувчи, ожиз, гунохкор жонзор” деган фикрни “хом сут ичган банда” фразеологик бирикмаси тагмаъносига яширинган; 2) иккинчи гапдаги “сувиям хом” ибораси муаллиф топилмаси бўлиб, асосий кўчма маънога мантиқан боғланади, уни тўлдиради, 3) “хом сут” ва “хом сув” ибораларининг қиёсий талқинида параллелизм усули ўринли кўлланилган.

Адабиёглар:

1. Тўйчиев Уммат. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2011. Б. 224.
2. Эркин Аъзам. Жанинат ўзи қайдадир. Асарлар тўплами. Тошкент: “Шарқ”, 2007. Б.70. Забаржад қиссасидан кўчирмалар ҳам шу тўпламдан олинниб, қавсда саҳифаси кўрсатилади.

МАХАТОВА,
Ф.Ф.Н., КИХИ (ТошДҮТАУ)

ТЕРМИН ВА ИСТИЛОХ МУАММОСИ

(Тасаввуфий маъно ифодаловчи сўзлар мисолида)

Ўзбек тилшунослигига амалга оширилган жамики тадқиқот ишлари ўзбек тилининг такомиллашувига, унинг қўлланиш қўламининг яна ҳам кенгайишига, қолаверса, халкаро муносабатларда ишлатиладиган тиллар категорига киритилишига каратилгандир. Бу борада ўз ечимини ҳануз топмаётган муаммолар ҳам талайгина. Ўзбек лексикологияси ва терминологиясида мавжуд бир катор масалалар шундай муаммолардан ҳисобланади.

Термин ва истилоҳ сўзлари ҳар қандай матнда бирининг ўрнида искинчисини қўллаш мумкин бўлган лексик дублетлар саналадими ёки ўзаро фикрланувчи хусусиятларга эгами? Тасаввуф илмига оид сўзлар *терминни истилоҳми*? Куйида мазкур мунозарали саволлар атрофида мулоҳазалар юритилади.

Лугатларда истилоҳ сўзи айнан *терминни* ифодаловчи сўз (яъни, ибсолют маънодашлар) сифатида берилади. Бироқ ўзбек адабий тилида истилоҳ билан *термин* сўзларининг ўз қўлланилиш ўринлари мавжуд. Улар лексик дублетлар эмас. Масалан, ёзма нутқда (оғзаки нутқда ҳам) математика, тилшунослик, биология, химия ва ҳоказо илм - фанларга оид тушунчаларга нисбатан истилоҳ сўзи ишлатилмайди: *математика истилоҳлари, тилшунослик истилоҳлари, биология истилоҳлари* тарзидаги қўлланиш матнларда учрамайди. Бундай илмий соҳаларга оид тушунча ифодаловчи сўзларга нисбатан *термин//илмий термин//илмий-техникавий термин* қўлланилади. Мустақилликдан кейин юзага чиқсан маънавий соҳалар – дин ва тисаввуфга оид матнларда истилоҳ қўлланилган: *тасаввуф истилоҳлари, диний истилоҳлар* тарзида.

Маълумки, *илмий-техникавий термин* республика миёсида оммалашган, қонуний тарзда ўрта мактаблар, ўрта маҳсус билим юртлари ва олий ўкув юртларида ўқитиладиган муайян илм-фан, техника соҳасига оид бўлган тушунчани ифодаловчи сўз ҳисобланади.

Терминнинг таърифи маҳсус изоҳли лугатда шундай: *термин* (лат. *termīnus* – чек, чегара, чегара белгиси). Фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатилиши доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз биримаси; атама. Терминлар бир маъноли бўлниши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади ... (5)104-б).

Бу ўринда касб-хунар сўзларини ҳам ёдга оламиз.

Касб-хунар сўзлари маълум ҳудуддаги шева вакилининг касб-корига тегишли бўлган сўзлардир. Шева вакилининг *касб-корсўзлари* факат шу ерлик устасларнинг нутқигагина хос бўлади. Унинг касб-хунари республикада фан сифатида оммалашмаган, давлат муассасаларида ўқиш-ўқитиш ишлари олиб борилмайди. Маълумки, илм-фан, техникага хос *термин* билан *касб-кор* сўзлари ана шу жиҳатдан фарқланади.

Юқоридаги терминнинг изоҳига қайтсак, унда таъкидланганидек **илмий-техникавий термин** дастлабки ва энг муҳим талаблар - аниқлик ва ихчамлик, бир маънолилик ва экспрессив бўёқдорликка эга бўлмаслик талабларига тўла жавоб бериши керак. Тасаввуф илмига оид тушунчаларни ифодаловчи сўзларга бундай талабни кўйиш асло мумкин эмас. Тасаввуфий маъно англатувчи сўзлар илмий – техникавий терминлар ҳам эмас, айни пайтда муайян шева вакили нутқига хос касб – корга оид сўзлар ҳам эмас. Улар ўзига хос хусусиятлар касб этувчи, муайян ҳол илмига оид тушунчаларни ифода қилувчи лексик бирликлардир.

Тасаввуфий сўзларнинг илмий-техникавий термин деб аталишига имкон бермайдиган омиллар кўйидагилардир :

1. Тасаввуф маслагига кўра, сайру сулук ва нафс мақомларини босиб ўтмок илм билан чекланиб колмай, илмдан ҳам юксакроқ ҳаётда яшашги, тажриба ва завкка асосланади. Шартларга амал килмай туриб, юксак маънавий маргабаларга эришиб бўлмайди, яъни бу мақомларни ўқиб-ўрганиш орқали киши комил инсон бўлиб қолмайди. Бу эса инсондан чин гайрат, сабр ва муъжоҳада талаб қиласди. Хуллас, тасаввуфнинг қол илми (ўқиб ўрганиладиган илм) эмас, ҳол илми эканлиги.

2. Тасаввуфий луғавий қатламда маънодошлиқ ҳодисасига ижобий қаралиши.

Илмий-терминологик соҳаларда маънодошлиқ ҳодисасига салбии қаралса, тасаввуфий лексик қатламда аксинчадир. “Қалбнинг мосиводан алоқани узуб, ҳар он Аллоҳ билан бирга бўлиши” маъносини англатувчи чила, хилват, арбаин, гўша, узлат, инзиво, тажарруд, эътикоф, риёзат, парҳез, марки дун‘. “Аллоҳга яқинлик туфайли ўздан кетиши ҳоли” маъносини билдирувчи вождо, истигрок, завқ, сакр, “хис ва ақл йўли билан идрок этиши мумкин бўлмаган сирларни қалб кўзи билан кўриши, ортиқ дараражада ҳаяжонга берилши, ўздин кечини ҳолати” маъносини ифодаловчи тажсалли, қашф, жислава//жисло, жазби, вожсд, истигрок, гайбат-хузур каби маънодош сўзлар тасаввуф илмига оид матнларда қалбларидағи Аллоҳ ишқи ва рухларидаги софлик билан Аллоҳнинг лутфи илоҳийси натижасида “вусул” мартабасига эришган соликнинг ахволи руҳиясини илмий – эҳтирос асосида ифодалаш учун хизмат қилган.

Мазкур лексик қатлам доирасига кирувчи шахсни англатуни истилоҳларнинг сони 500 атрофида, “*тасаввуф илми*” мазмунини ифодалопчи сўзларнинг миқдори эса 30 дан ортиқни ташкил қиласди. Улар кўйидагилар *тасаввуф, маънавий камолот илми, руҳий камолот илми, маънавият илми, ирфон//илми ирфон, мистика (дунёдан беҳожат бўлиши), маърифат илми, тамаддун, катта илм, авлиёлар илми, тариқат//тариқат илми, сұфийлар илми, ботиний илм, ҳақиқат илми, ҳақиқат йўли, тариқи Ҳақ, гайиб илми, мавҳида илми, мукошафа илми, илми ладун, илми вахбий, ишқи илоҳий, илоҳий шарот илоҳий қадаҳ, илоҳий бода, сир илми, руҳият илми, ишорат илми//илми ишорати, илми фаросат, футувват//футувват илми//илми футувват(амалдабажармоқ)*

3. Тасаввуфий луғавий қатламда кўп маънолиликнинг фаол даражади эканлиги.

Кўп маъноли истилоҳ дейилганда, тасаввуф илми куршовида кўп маънолилик қасб этган лексемалар назарда тутилади. Бундай хусусиятга эга бўлган лексемалар миқдори соҳада катта кисмни ташкил этади. Улар куйидаги кабилар: *ахфо* - инсонга оид руҳнинг бешинчи кўриниши, *ахфо* - зикрнинг маҳсус бир тури; *ойна* – инсони комилнинг қалби, *ойна* - инсони комил; *чироқ* - мърифат нури; *чироқ* - аърифат нури билан ойдинлашган қалб; *чироқ* - Ҳақнинг нур ва тажаллилари; *чироқ* - пир, раҳбар, муршид.

4. Тасаввуфий истилоҳларнинг экспрессив бўёқдорликка эгалиги ва унинг ижобий жараён эканлиги.

Аллоҳга якинлик туфайли пайдо бўлган важд ва истиғроқ ҳолининг тъсирида ахли тасаввуф сўзларни ўз лугавий ва шаръий маъноларидан фарқ қиладиган сўфиёна маъноларини кашф этганлар. Улар Қуръон ва ҳадис ибораларининг шариатга далолат қилувчи мазмунларини инкор этмаган ҳолда уларнинг ботиний маъноларини баён қилиб беришга ҳаракат қилганлар. Натижада тасаввуф илмига доир бир қанча истилоҳий лугатлар дунёга келган [2]127-б]. Айни мазкур омиллар туфайли юзага келган бадиий бўёқдорликка эга бўлган тасаввуфий истилоҳлар юқорида таъкидланган илмий-техникавий терминнинг олдига қўйиладиган энг муҳим талаблар - экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслик шартларига мутлақо мос эмас.

Демак, тасаввуф илмига оид сўзларнинг илмий терминлардан фарқланувчи бундай ўзига хос хусусиятларининг мавжудлиги туфайли улар илмий-техникавий термин эмас истилоҳ деб аталиши керак.

Шуўринда истилоҳ сўзининг янги меъёрий лугатда берилган изоҳини шинан келтирамиз: *истилоҳ* [а^{صطل} – маҳсус қўлланувчи сўз, термин] эск. Термин, атама. Фалсафа истилоҳлари (3).

Бу сўзга эск. (эскирган) белгисининг қўйилганлиги ажабланарли ҳол. Чунки тасаввуф илми билан бироз машғул бўлган, у билан боғлиқ асарларни имкон қадар кўздан кечирган киши ёзма тасаввуфий таржима асарларда ҳам, бошқа манбаларда ҳам *фано*, *дарвеш*, *иймон*, *ибодат*, *зикр*, *ирфон*, *басират*, боюқ кабилар қаторида истилоҳ сўзи ҳам буғунги ёзма ва оғзаки нутқда фаол иштепмoldа эканлигига амин бўлади. Ҳаттоқи, баъзи матнларда истилоҳ сўзи “*тасаввуфим*” нинг ўрнида қўлланилиб, у билан матний маънодошлиқни ташкил қилган ҳолатларни ҳам кўп учратиш мумкин. Масалан, “*адаб истилоҳда* (ыни, тасаввуф илмида дейилмоқчи) *тарзиатдан сабоқ берувчи тир ёки шайх* ши сабоқ олувчи мурид ёки соликнинг риоя қилиши зарур бўлган қонун – қонидалар”(1)35-б) маъносини ифодалайди.

Яна бир мисол: “*Зеро, шариат ҳуқли бўйича оят ҳадис ва бошқа барча минбаларнинг иборалари, у қайси тиљда бўлмасин зоҳирӣ, лугавий ва истилоҳий маъноларига асосланган ҳолда талқин этилади*”(1)53-б).

Бундай ҳолат ўзбек тилидаги ҳар қандай тасаввуф назарияси билан штокадор асарда кузатилади.

Истилоҳ лугатда айнан “термин”ни ифодаловчи сўз тарзида шоҳланганлиги истилоҳни қўлламай, унинг ўрнида термин қўлланиши көрикдир, деган фикрни кўзгайди, албатта.

Истилоҳ қарийб ўттиз йиллар мобайнида ўзбек тилида фаол қўлланиб келинаётганилиги, ихчам ва талаффузи қулай эканлиги хисобга олинса, бу сўзинистеъмолдан чиқариб, ўрнига бошқасини қўллаш керак, деган фикрга келишиги жойга жойланадиган.

А.Хожиевнинг “Термин танлаш мезонлари” қўлланмасида “бирор сўзни истеъмолдан чиқариб, ўрнига бошқасини қўллаш учун биринчи ўринда эҳтиёж ва асос бўлишикерак”(4) 10-б) дейилган. Истилоҳни қўлламаслик учун эҳтиёж ҳам, асос ҳам мавжуд эмас. Қолаверса, “истилоҳни қўлламаслик” дегани тилимизда янгитдан фаол қўлланилаётган тажхиз, тавҳид, робита каби сўзларни сунъий равища қўлламаслик керак, дегандай гап.

Агар истилоҳни қўлламасликка бевосита уринишлар давом этган тақдирда, хозир ҳам, орадан ўн–йигирма йил вақт ўтгандан кейин ҳам бу сўзни истеъмолдан чиқариш учун ҳар бир араб ёки бошқа тиллардан тасаввубуф асарни таржима қилиш билан шуғулланувчи мутасаввубуф – таржимоннинг ҳар бири билан сұхбат ўтказилиб, истилоҳнинг ўрнида бошқа сўзни қўллаш ҳақида тушинтириш олиб боришига тўғри келган бўларди. Шунда ҳам максадиги эришилмасди.

Шундай қилиб, истилоҳ тасаввубуф илми билан чамбарчас боғлиқ ҳолди мустакиллик даврида яна қайта тилимизга кириб келган ва фаол қўлланышдади.

Келтирилган фикрларга асосланиб, ёзма ва оғзаки нутқда истилоҳни қўллашга тўла ҳақлимиз, деган қарорга келинган, тасаввубуфий лексика борасиди олиб бориладиган тадқиқот ишида араб тилидан ўзлашган истилоҳ сўзи (ўрни билан термин, терминология сўзлари ҳам) қўлланган.

Адабиётлар:

1. Ислом: энциклопедия (З. Хусниддинов таҳрири остида). Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003.
2. Нақшбандия таріқатига оид қўлғозмалар фихристи. Тошкент: “Моварооннахр”, 1991. Б.127.
3. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. I, II, III, IV, V жилд. Тошкент: 2008.
4. Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. Тошкент: “Фан”, 1996. Б.45.
5. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли лугати. Тошкент: “Фан”, 1985. Б.144
- 6.

Ҳ.Т.АҲМЕДОВА (Қўқон ДПИ)

АЛИШЕР НАВОЙЙ ВА НОТИҚЛИК САНЬЯТИ МАСАЛАЛАРИ

Алишер Навоийнинг комусий ижодкор эканлиги яхши маълум. Адибнинг асарларидан фалсафа ва тарихда, сиёсатшунослик ва рухшуносликда, социология ва тилшуносликда, адабиётшунослик ва табиий фанларни ўрганишда фойдаланиш имкониятлари ҳақида турли соҳа мутахассислари қизиқарли ва жиддий тадқиқотларни амалга оширишган. Шу силсилади адибнинг нотиқлик санъати учун ҳам ниҳоятда катта улуш қўшганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз қўринади.

Навоий сўз санъатининг, воизликнинг амалиётини ниҳоятда яхши ўзлаштирган. Шунинг учун ҳам у ўз асарларида тингловчи кўнглини ром этишни, уларга ижобий таъсир ўтказишнинг барча шакл ва воситаларини

ниҳоятда пухта ўзлаштирган. Энг мұхими, буларнинг барчаси адиб тасвирида юқсак бадиият намуналари сифатида тақдим этилади:

Ҳар кимки, чучук сүз элга изҳор айлар,

Ҳар нечаки ағердүрүр ёр айлар.

Сүз қаттиги эл күнглига озор айлар,

Юмшиги күнгүлларни гирифтөр айлар (1).

Мазкур рубоийнинг асл мөхијити “Лайин ул-каломи қайду қулуби”, яни “Юмшоқ сүз қалбларни маҳбуб килади” деган ҳадиси шариф мазмунини ортиб беришдан иборатдир. Бунинг учун муаллиф уч хил сүз синфларини жратиб олади. Булар “чучук сүз”, “қаттиқ сүз” ҳамда “юмшок сүз” лардир.

Инсоннинг чучук (яни ширин, ёкимли) сүзларни ишлатишида катта имтиёзлар мавжуд. Бунинг натижасида у ёвларни дүсттә, ғанимларни иқинларга, ағёрларни ёрга айлантира олади. Бу ердаги “эл” сүзи үз маъносида күлләнган эмас. У матнда “бошқалар”, “атрофдагилар”, “мулоқотда бўлувчилар” сингари маъно нозикликларига эга. Демак, рубоийнинг дастлабки иккى мисрасидаги асосий фикр ҳадиси шарифдаги асосий фикрнинг мағзини ортиб беришга хизмат қиласи. Бунда ширин сүз ҳатто душманни ҳам иқинлаштириши мумкин деган ақида, ҳукм олга сурилади.

Учинчи мисра (“Сүз қаттиги эл күнглига озор айлар”) сүз күллаш билан боңлиқ бўлган битта ниҳоятда ҳатар ҳақида маълумот беради ва ундан сисланишга даъват руҳини мужассамлаштиради. Биз бу мисрада ҳам “эл” сўзининг яна бир марта истифода эътилганини кузатамиз. Аммо энди у юқоридагидек “бошқалар”, “атрофдагилар”, “мулоқотда бўлувчилар” сингари мъйноларни эмас, балки “ҳар бир киши”, “ҳар қандай киши”, “кўпчилик” сингари маъноларни акс эттириб турибди. Бунинг хулосаси шуки, қаттиқ сўздан хеч бир киши хурсанд бўлмайди, ундан ҳамма озурда бўлади, холос. Охирги мисра бутун рубоийга якун сифатида майдонга келган. Дастьлаб у ўчидан олдинги мисрадаги маънонинг инкор шаклидаги тақорори сифатида шимоён бўлади. Иккинчидан эса, юмшоқ сўз имкониятини, таъсир кучи ва кувватини кўрсатишга бағишлангани билан бошқаларидан ажralиб ҳам туради. Унинг ҳадис маъносига ҳам уйғунлигини эътироф этиш жоиз. Мұхими, у бутун рубоийнинг якуний хулосаси сифатида жаранглайди.

Рубоийнинг ўзак нуқталаридан яна бири унинг зид маъноли сўзларга тиёнишида кўринади. Бунинг учун муаллиф “ағёр” ва “ёр”, “қаттиғ” ва “юмшоғ”, “озор” ва “гирифтөр” сўзларини ташлаб олади.

Радиф учун “айлар” сўзининг ташлангани ҳам бежиз эмас. Муаллиф унинг ўчидан олдинги сўз билан қўшма от ташкил этишидан фойдаланиб анча мурраккаб тушунччани бир қадар содда ва ихчам тарзда тасвирашга йўл очган. Айни пайтда қофия ва радифнинг ўзаро “ҳамкорлиги” шоир кўзда тутган мъйнонинг аниқ ва таъсирчан тарзда ифодаланиши учун энг муносиб имкониятни юзага чиқарган.

Алишер Навоий “Назм ул-жавохир” асарида нутқ маданияти ва нотиқ мъйнавиятига доир бир ҳадис (“Мо надама ман саката” – “Сукут сақлаган одам ўнг надомат қилмайди”)ни бундай шархлайди:

**Ҳар кимсаки, нұктаси фаровон бұлмас,
 Тил ранжига қолмоголиғи имкон бұлмас.
 Күп сұзлагучига гайри нұқсон бұлмас,
 Ҳар кимки хамуш бұлди, пушаймон бұлмас (2).**

Яъни, кимда бошқалар билмайдынан нозик маңноларнинг ифодасиде сероблик бұлмаса, (яъники худа-бехуда гаплар айтилавермаса), у кишининг тил туфайли ҳар хил нокулайликтарга дучор бўлиши имконияти ҳам йўқолиб бораверади (камаяди ёки йўқ бўлади). Кўп сўзлайдиган одамда хатодан бошка нарса бўлмайди (Навоий бошқа бир ўринда кўп сўзлаган кўп хато қиласди, деб таъкидлаган эди). Тұртликнинг якунловчи мисрасида асосий хуоса ўз аксини топган: кимки жим колса, унда хеч қачон пушаймонлик бўлмайди.

Нутқ ва нотиқликка оид машғулотларда ҳар бир матннинг тегишли даражадаги тарбиявий күч ва құдратта эга бўлишига алоҳида эътибор бериш жоиз. Негаки, “таълим мазмуни таълим мақсадига қўра белгиланади”(3). Шундай ҳам таълимий мақсад амалга ошади, ҳам ўкувчи ва талабалардаги маънавий фазилатларининг кўпайиши сари табиий йўл очилади. Охир-окибатда эси уларнинг дунёқарашлари кенгаяди, бадий асарни тушуниш ва таҳлил килишгина оид кўнишка ва малакалари янада такомиллашиб боради, яъники уларнинг умумий ривожланишларига ҳам муносиб бир хисса кўшилади. Мана шу мақсадлар учун Навоий асарларидан жуда катта ички имкониятлар мужассамлашган дейинш мумкин.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Ўн бешинчи том. Назм ул-жавоҳир. Б.171.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Ўн бешинчи том. Назм ул-жавоҳир. Т.: Фан, 1999. Б.173.
3. Розиков О. Ўзбек тилидан дарс типлари. Тошкент: Ўқитувчи, 1976. Б.14.

Ш.МАҲМАДИЕВ, ф.ф.и. (СамДУ) **МАҚОЛ ВА УНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ТУТГАН ЎРНИ**

Тил, фалсафа ва бадий ижоднинг ўзига хос ҳодисаси сифатида юзага келган ҳалқ маколлари фольклорнинг ихчам шакл, аммо теран мазмунга эга бўлган бир жанридир. Ҳар бири тилимиз кўркини, нутқимиз нафосатини, ақл фаросат ва тафаккуримиз мантиқини ҳайратомуз бир құдрат билан намойиш этган ва эта оладиган бундай бадиият қатралари ҳалкимизнинг кўп асрлар ҳаётий тажрибалари ва майший турмуш тарзининг бамисоли бир ойнасидир. Ўз бадий ойнада унинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятта муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашлари, қисқаси, Ўзи ва Ўзлиги тўла намоён бўлгандир. Шунинг учун ҳам мақоллар ғоятда кенг тарқалган бўлиб, асрлар давомида жонли сўзлашув на ўзаро нуткий муносабатларда, бадий, тарихий ва илмий асарларда, сиёсий ва публицистик адабиётда доимий равишда кўлланиб келган ва кўлланмоқдус Ийлараро, даврлараро уларнинг янгилари яратилиб турган, эскиларининг жонли муомалада, тилда мавжудларининг маъно доираси кенгайиб ёки торайиб борган. Ҳатто уларнинг муайян қисми унутилиб кетган. (5,3)

Тил кишилар ўртасидаги алоқанынг эңг мухим воситаси, фикрни бошқаларга етказувчи куролдир. Бундан ташқари тил миллий маданиятнинг оғинаси, уни сақловчи хазина ва ҳар бир ҳалқ яшаётган жойининг табиати, у қалқыннинг иқтисодий тузуми, оғзаки ижодиёти, бадиий адабиёти, санъати, фани, урф-одатини ўзида акс эттириб, тўплаб, авлоддан-авлодга етказиб бериши тишининг миллий-маданий семантикасиdir.(2,5)

Оғзаки формада кўчиб юрувчи ихчам ва содда, қиска ва мазмундор мантикий умумлашма сифатида пайдо бўлган мақол, матал, афоризм каби ҳикматли ибораларнинг етиб келиши ва ўрганилишида ҳам тилнинг хизмати китта.

Ўзбек тилида ҳикматли ибораларни мақол деб аташади. Тилимизда бу тушунчани ифодалаш учун йигирмадан ортиқ терминлар қўлланилади: мақол, матал, масал, накл, ҳикмат, танбех, зарбулмасал, ҳикматли мақол, ҳалқ ибораси, қиёноти, қадимгилар сўзи ва бошқалар.

Ҳар бир мақол ва матал – ҳалқ ҳукми ҳисобланади. Улар бирор нарсани шундайда қилиб тасдиқлади ёки инкор қиласади. Яъни уларда ҳакиқатнинг ифодаланишини кўришимиз мумкин.

Мақоллар кўп асрлик ҳаётий тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар ҳулосасини тугал фикр тарзида қатъий қутблиқда ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзининг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг тургунлиги, шаклий бирқарорлик устунлик қиласади. Аммо қўлланиш ўрнига караб уларнинг маъно доираси доимий равишида кенгайиб боради. Шунинг учун мақолдаги ҳар бир сўзга алоҳида эътибор бериш керак. Уларда шундай сўзлар борки, бу сўзлар тарихан бутунлай бошқа маънони англатади. Масалан, тузсўзи бугунги кунда минерал моддани билдириди. Тарихан бу сўз тўғри, одобли; дала, текислик шинъоларни англаттган ва бундай маънолар мақоллардагина сакланиб қолган: *Қиз сақласанг, туз сақла*. Туздаги билан эмас, уйдаги билан бўл. Шунингдек, мөхнат сўзининг азоб-уқубат, баҳтсизлик маъносини ҳам фақат мақолларда беки айрим шеваларда учратиш мумкин: *Мөхнат ҳам эгиз-эгиз, Давлат ҳам эгиз-эгиз*.

Сўз санъатининг маҳсули сифатида мақоллар ҳам бадиият ҳодисаларидир. Уларда бир сўзининг ўнлаб маъно қирралари, бадиий тасвир носиталари, поэтик кўчимларнинг барча намуналарини учратиш мумкин.(5,5-6)

Ўзбек тилининг изохли луғатида мақолга қўйидагича таъриф берилган:

Мақол - (арабча мақола, кичик асар; сўз, нутк) ҳаётий тажриба асосида қиёноти томонидан яратилган, одатда панд-насиҳат мазмунига эга бўлган ихчам, образли, тугал маъноли ва ҳикматли ибора, гап. (4,569)

А.Хожиев «Мақол - чукур маъноли, тузилиши гапга тенг, алоҳида ритмик-мелодик белги хусусиятларга эга бўлган фольклор жанри. Мақолларда қалқыннинг кўп йиллик тажрибалари, ҳодисаларга берган баҳоси акс этади», - деб таърифлайди. (6,54)

Миллий энциклопедиямизда мақолга Ш.Шомаксудов ва Ш.Шораҳмедовларнинг ишларига таянган ҳолда юқоридаги мазмунни ҳодисаловчи, уларни умумлаштирувчи қўйидагича таъриф келтирилган: «Мақол ҳалқ оғзаки ижоди жанри; қиска ва лўнда, образли, грамматик ва мантикий

тугал маъноли ҳикматли ибора, чуқур мазмунли гап. Муайян ритмик шаклги эга. Маколларда авлод-аждодоларнинг ҳаётий тажрибалари, жамиятга муносабати, тарихи, руҳий ҳолати, этик ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатлари мужассамлашган. Асрлар мобайнида халқ орасида сайқалланиб, ихчам ва содда поэтик шаклга келган». [3,543]

Халқ оғзаки ижоди, хусусан, мақол жанрининг ўзига хос синтаксик хусусиятларини ўзбек тилшунослигида атрофлича ёритиб берган олим X. Абдурахмонов бу борада ўз қарашларини қўйдагича билдиради: «Сўзловчи ўз фикр ҳамда турли хил кайфиятларини шакллантиришда тил материалларидан фойдаланади. Бунда ҳар қандай гап фикрни шакллантиришни ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қиласди. Бирок киши ўз фикр-мулоҳазасини турли шароит ва замонда баён қиласди. Чунки сўзловчи борлиққа, тингловчи турличи муносабатда бўлади: Инсоннинг миясида табиат акс этади. Инсон бу акс этишларнинг тўғрилигини синаб кўриб, уни ўз тажрибасида, техникасида қўллаб кўриб, объектив хақиқатга еришади. Демак, сўзловчи объектив борлиққа турличи муносабатда бўлади. Ўз фикрини маълум мақсадни ифодаловчи гап орқали амалга оширади. Сўзловчи шароитга қараб турличи мақсадда, турличи кайфиятда бўлади. айниқса халқ мақолларига мурожаат қиссан, унда кишилар ўз мақсад ва туйғуларини, фикр-мулоҳазаларини кўпроқ оддий, мураккаб бўлмаган мақол-гаплар орқали ифодалаганлар». [1,28]

Қўринадики, берилган таърифларда мақол қисқа ва лўнда, образли, тугаш маънно ифодаловчи, грамматик жиҳатдан шаклланган, тузилишига кўра гапги тенг тил бирлиги, шу билан бирга, кишиларнинг нутқ жараёнидаги турли модал муносабатларини ифодаловчи содда ва мураккаб бўлмаган кўриниши эканлиги эътироф этилади.

Дарҳакиқат, халқ оғзаки ижодининг йирик жанри хисобланган достонлар матнида ҳам мақолларга кўп мурожаат қилиниши ана шундай синтезларни маҳсули сифатида каралиши керак.

Масалан, «Ёдгор» достонида давлат бошқарувининг Ултонтоз қўлиги ўтиши, Алпомишининг Қалмоқка асир тушганлиги хақидаги хабар кўплар каби унинг ёшлиқдан бирга ўсган дўсти, ҳам кариндоши, ҳам узангидош йўлдоши Шомирот ва унинг яқинларини довтиратиб қўяди. Сабабки, икки дўст ёшлиқдан икковимиз фарзанд кўрсак ўғил бўлса, кўлқанот бўламиз, бирори ўғил, бирори қиз бўлса, куда бўламиз деб сўз беришишган эди. Барчин Алпомишининг ваъдасини бажариш учун бир кампирни Шомиротнинг эшигига жўнатиб, уни супуртиради ва ваъда бажарилганлигини маълум қиласди. Аммо бундай вазиятда Шомирот ва унинг уруғдошлари Бойсундан қўчиб кетишга қарор қиласди. Шунинг учун Барчиннинг бўлажак кудаси Ойжамол уларнинг куда эканлигига ишора килувчи бирор кимматли нарса бериб қўйишини, бўлмаси қизининг жавобини беришини сўрайди. Шунда достон матнида Ой Барчин нутқида келтирилган мақол воқеликни аниқ ва сикик тарзда ифодалашга, аниқ шу вазият билан боғлиқ жараёнларни ифодалаб беришга хизмат қиласган: Ўз сўзни эшитиб, Барчин: – Эй қудағай! «Қўноқ устига ҷўноқ» дегандай, сизнинг гапингиз ажаб бўлди. Бизнинг ваҳмимиз ҳозир ўзимизга кўплик қилиб ётибди (Ёдгор, 10). Маълумки, қўноқ - тўй ёки ҳашамларга таклиф қилинган меҳмон

Демак, мақолнинг иккинчи қисмидан англашилади, меҳмондан ташқари кутилмаган кишиларнинг ҳам келиши тўй ёки тадбир эгасини шошилтириб қўяди. Ҳаётда шундай дамлар бўладики, киши ўлгудай кийналиб, хориб-чарчаб, танг ҳолга тушиб турган бир пайтда бошқа бир одам келиб, уни баттар кийин ахволга солиб қўяди, уни юпатиш, ҳамдард бўлиш, кўнглини овлаш ўрнига дилига озор беради, сўқади, ҳакоратлайди. Шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда шайтиладиган мазкур мақолнинг кўйидаги варианtlари бор: «Чақирилмаган кўнок - Йўнилмаган таёқ» [5,167], «Ўлганнинг устига тепган», «Ўлганнинг устига кўмган», «Ўлдирганинг устига - ўн таёқ», «Дард устига чипкон». [2,256]

Хуллас, ҳалқ оғзаки ижоди турли хил жанр ва турлардан иборат бўлганлиги учун уларда қўлланувчи мақолларни ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга ога.

Адабиёллар:

1. Абдурахмонов X. Ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар. Тошкент: Фан, 1971.
2. Бердиёров X., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-том. Тошкент: ЎзМЭ, 2003.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик, 2-жилд. Тошкент: ЎзМЭ, 2006.
5. Ўзбек ҳалқ мақоллари (Тузувчилар: Т.Мирзаев, А.Мусоколов, Б. Саримсов). Тошкент: Шарқ, 2003.
6. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1985.

ЖУМАНАЗАРОВА Г.У., ф.ф.н. (ЖДПИ) ДОСТОНЛАР ТИЛИДА ЭМОЦИОНАЛ-ЭКСПРЕССИВ БҮЁҚДОРЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Тилшунослигимизда ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик-стилистик қатламлари ўрганилган [1;2]. Бу фикрни ҳалқ достонларининг айни жиҳатларига нисбатан тўлиқ татбиқ этиб бўлмайди. Ўзбек ҳалқ достонларнинг стилистик қатламлари, айниқса, эмоционал-экспрессив бўёқдорлик касб этган иксикаси ва уларнинг баҳшилар сўз бойлигини оширишдаги ўрни масаласи қинузгача мутлако ўрганилмаган.

Фозил шоир достонлари тилида метафорик қўлланиш натижасида эмоционал-экспрессив маъно ҳосил қилувчи сўзлар фаол қўлланган. Булар орасида зооморфизмлар, яъни эпик қаҳрамонлар тимсолини бадиий-поэтик ифодалаш мақсадида баҳшининг уй ва ёввойи ҳайвонлар, турли хил ширрандалар ва ҳашоратлар номларини метафорик маънода қўллаши алоҳида ўналишни ташкил қиласди. Айтилган мулоҳазаларни далиллаш ва муайян циражада тўлдириш мақсадида мақолада эмоционал-экспрессив бўёқдорликнинг достонлар тилидаги аффиксация усули билан ифодаланиши масаласига тўхталамиз.

1. Эпик қаҳрамонларнинг, айниқса, ҳукмдорларнинг номига -хон шакл исовчиси қўшилиб, ижобий эмоционал-экспрессив маънолар ҳосил қилинган. Масалан, эпик макон (юрт) ҳукмдорларидан Гўрўглихон, Аваҳон, Гаждумхон,

Сангирхон, Ҳасанхон, Ҳисравхон, Зевархон, Қосимхон ва бошқалар шулир жумласидандир.

2. Достонлар тилида эмоционал-экспрессив бўёқдорликнинг аффиксация усули билан яна -жон, -ой каби форма ясовчи, шунингдек, сўз ўзгартирувчи (эгалик) қўшимчалари қўшилиб қўлланилган ўринлар кўпчилик микдорин ташкил этган. Ҳар иккала аффикс ифодалаган маъно ижобий эмоционал экспрессив хусусияти билан узвий боғлик ҳолда ҳосил бўлган. Буни тадқиқ жараёнида қўйидаги ҳолатларда кузатдик:

а) эпик қаҳрамоннинг нутқ объектига ижобий-эмоционал муносабати хусусан, кучли ва чексиз хурмати, эркалаш маънолари -жон аффикси воситасида матнда фаол ифодаланган, уларнинг ҳаммаси эпик макон (бирор юрт) хукмдори ва мансабдорларнинг ўғил фарзандлари исмига қўшилиб қўлланилган: *Соз бориб, саломат келгин, Аваҷсон* (Б.:22); *Қандай бўлса тезроқ қайтгил, Баҳромжон* (Б.Г.:17); *Арзим эшият, Зеваржоним*, / Мингим таҳтингга, султоним (З.:121) каби.

Тахлилга жалб қилинган достонлар матнининг бъязи ўринларида хусусан, эпик қаҳрамоннинг нутқ объектига нисбатан чексиз хурматини, эркалаш маъноларини ифодалашда -жон аффикси қиз фарзандлар исмига ҳам қўшиб қўлланилган: *Тоҷ-давлат керак эмас, / Лайлижонни ахтараини* (Л.М.:327); *Сўзима қулоқ сол, опа Ҳимчажон*, / Тушибди бошима қоронги туман

(Р.:374)каби.

б) Фозил шоир достонлари тилида -ой, -оийм(ой+им) каби лексик маънодан четлашган элементлар аёл жинсига мансуб исмларга қўшилиб ишлатилганда эркалаш, эъзозлаш каби ижобий муносабатни ифодалаган, яъни ижобий эмоционал-экспрессив маъно ҳосил қилишга замин тайёрлаган: *Ун пойгадан отинг ўзиб келганда, / От ўздириб, Қундузойни олганда* (Б.:42); *Орзигулоим ўриндан туриб, қаватидан жой бериб, буюрди* (Б.:77); *Қулоқ сол, Гулқизой, айтган тилима, / Қандай одам келди мазгил, элима* (М.а.:54); каби Яна таъкидлаш лозим: ҳалқ достонлари матнида нафақат эпик қаҳрамонлар номларига, балки нейтрал бўлган муайян сўзларга -жон, -ой аффиксларининг қўшилиши натижасида, бъязан уларга ҳам сўз ўзгартирувчи (эгалик) қўшимчаларнинг қўшилиши орқали нутқ объектига кучли хурмат, чексиз иззат, муайян эркаланиш маъноларини ҳам ифодалаб келиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бу ўринда *отажон*, *отажон*, *энажон* ёки *отажоним*, *отажоним*, *энажоним*, *оийм*, *хоним*, *султоним*, *бегим*, *бегижон*, *тўражон*, *тўрам* каби лексемаларнинг достонлар тилида фаол учраши бизнинг бу борадаги фикримизни тўлдиради.

3. Фозил шоир достонларининг тилидаги эмоционал-экспрессии бўёқдорликнинг аффиксация усули билан ифодаланишида муайян сўзга - ча, гина, -лоқ, -чоқ, -чак, -вой, -бой, -той, -бону каби форма ясовчи қўшимчалар қўшилиб, ижобий эмоционал-экспрессив маънолар ифодаланган ўринлар учрамади. Бироқ достонлар тилидаги сўз ўзгартирувчи (эгалик) қўшимчалари ҳам ижобий ё салбий эмоционал-экспрессивлик муносабат ифодалашда фаол иштирок этади. Хусусан, буни эркалатиш маъноси асосан *арслон*, *йулбарс* каби ёввойи, кучли ҳайвонларга; *бўтам*, қўзичогим, қўчкорим каби уй ҳайвонлари

номларига; бაъзан, инсон танаси аъзолари номларига, ўғил фарзандларга нисбатан ҳам эгалик аффикси (-и, -им) күшиш орқали ҳам ифодаланганлигига кузатдик: *Жигарбандим, кўрар қўзим, Авазжон, сог-саломат келгин, Ҳаққа шотиширдим*” (*M.a.:301*); *Бўтам, Аваз, борма Эрам шаҳрига, / Болам, ҳазил бишма айтган сўзимни* (*B.:12*) каби.

Тадқиқ жараёнида эмоционал-экспрессив бўёқдорликнинг достонлар лексик қатламларидағи ифодаланиши хилма-хиллиги аниқланди. Мисол учун, широрта нейтрал сўз (масалан, *гул*)нинг стилистик бўёқдор бўлиб колиши, маъно кўчиши асосида ҳосил бўлиши ҳолатини кўздан кечирайлик. “*Қизил гулман, мени бунча сўлдирма, / Кўп тўхматиб, йўлдан уриб ўлдирма*” (*P.:379*) матнидаги стилистик жиҳатидан аслан нейтрал бўлган “*гул*” сўзи шу матнда кўчма маънода – “*покиза, иффатли қиз*” деган маънода қўлланган. Айни шийтда, у эпик қаҳрамоннинг нутқ предметига нисбатан норозилик кайфиятини, эмоционал-экспрессив муносабатни билдирган. Бу ерда “*қизил гулман*” сўзи ўрнида “*боши очиқман*” биримасини ҳалқ баҳчиси эпик қаҳрамон номидан тъкидланаётган нутқда қўллаши мумкин эди. Бироқ бу ҳолда, нутқ предметига нисбатан эпик қаҳрамоннинг эмоционал-экспрессив муносабати матннаги ҳолатдек ифодаланмай қолган бўларди. Билдирилётган фикрни далиллаш максадида яна қиёслаб кўрамиз: “*Искаб кўрсам, тоза төгнинг гулисан, / Кай шаҳардан, қандай бекнинг ўелисан?*” (*III.III.:36*). Бу матннаги *тоза төг* сўзи обод юрт сўзи маъносида, *гул* сўзи эса *фарзанд*, шу обод юртнинг *фарзанди* маъноларида қўлланилиб, матнда янада ёрқинроқ ижобий эмоционал-экспрессив муносабат ифодалашга хизмат қилган. Айни ҳол достоннинг услубий хусусиятларини бойитишга хизмат қила олган.

Хулоса қилиб айтганда, тилшунослигимизда Фозил шоир куйлаган достонларнинг лексик-стилистик қатламлари, айниқса, эмоционал-экспрессив бўёқдорлик касб этган лексикаси эндигина ўрганилмоқда. Достонлардаги лексик бирликлар ичida метафорик қўлланиши натижасида эмоционал-экспрессив маъно ҳосил қилувчи сўзларнинг ўрни муайян кимматга эга.

Адабиётлар:

1. Бегматов Э.Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Т.: “Фан”, 1985. Б.199; Ўзбек тили лексикологияси. Т.: “Фан”, 1981. Б.312.
2. Фойипов С. Ўзбек тили лексикасининг стилистик қатламлари // Ўзбек тили лексикологияси. Т.: “Фан”, 1981. Б.158-198.

Қисқартма сўзлар:

1. Б. - Балогардон. Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
2. Б.Г. - Баҳром ва Гуландом. Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
3. З. - Зевархон // Баҳром ва Гуландом. Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
3. Л.М. - Лайли ва Мажнун // Баҳром ва Гуландом. Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
4. М.А. - Малика айёр. Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
5. Р. - Рустамхон. Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
6. Ш.Ш. - Ширин билан Шакар // Орзигул. Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

ТАРИХИЙ АСАРЛАРДА ЭСКИРГАН СҮЗЛАРНИНГ ҚҰЛЛАНИЛИШИ

Үтмиш воқелигини номлаш зарурати билан ҳозирги тилда ишлатилған эсқи тил бирлиги бұлған(1) тарихий сұзлар – историзмлар асарда тасвирланаётған давр рухини, қаҳрамонлар қалбини очиб беришда асосий үрин тутувчи воситалардир. Историзмларнинг ҳар иккала тури: историзм-лексемалар ин историзм-семемалар ҳам тарихий мавзулардаги асарларда фаол ишлатилади Жумладан, Одил Ёкубовнинг “Күхна дунё” романыда тилемизнин қадимийлиги ва бойлигини күрсатып берувчи ушбу воситалардан кенг үзінли фойдаланилған.

Масалан: ...Маликул шароб күл бозоридан үн беш-үн олти яшар бир жория сотиб олган эди. *Жория* – арабча сұз бўлиб, чўри, оксоч маъносини билдирадиган историзм ҳисобланади. Чунки ҳозирги замонда бу сўзниң ўзи ҳам, у ифодалаган тушунча ҳам эскирган.

Яна бир мисолга мурожаат этсак: *Бу ғарип қулба Маликул шароби отасидан, фотиҳи музaffer амир Сабуқтегиннинг содиқ надими Қорагуломдан қолган*. Маълумки, надим сўзи “яқин, сирдош дўст, ҳамсухбат” ва “шоҳ саройида маслаҳатчи” маъноларини билдиради. Юқориди келтирганимиз жумлада мазкур сўзниң иккинчи маъноси назарда тутилганлиги матндан англашилиб турибди. Бу эса унинг историзм эканлигини кўрсатувчи асосий мезон ҳисобланади.

Мисоллар: Султоннинг ўзи аллақачон кенжә ўғли шаҳзода Муҳаммадни валиауд деб фатво берган. ...гулзор ва хиёбонлардаги тош фонуслар ёқилганди, боян яна ҳам яшнаб кетади. *Ўйладио, қатлу ом* килиб бўлса-да, ўз урғодатларини бошқа юртларга ёймоқчи бўлади.

Кечакатто содиқ *вазири* Абул Ҳасанакка айтиб, сарой мутрибларини чақириғон ва озгина кўнгилхушлик ҳам қилғон эди. Асар ёзилған даврди архаизм санаған *вазир* сўзи кейинчалик ўзбек тилида яна фаоллашган. Бугунги кунда мазкур лексема фаол сұзлар луғатидан үрин олган. Чунки “Архаизм ҳар бир давр учун ўзига хос бўлиб, ҳозирги даврда фаол қўлланилаётған луғавий бирлик бир-икки үн ийилликдан кейин архаизмга айланиб қолиши мумкин”(2). Демак, романда фаол қўлланган *вазир* лексемаси, асар ёзилған давр нуқтаси назаридан караганимизда архаизм ҳисобланади.

Историзм-семемалар, гарчи ҳозирги адабий тилемизда ишлатилса-ди, қадимда унинг бошқа бир семаси мавжуд бўлған, ҳозирда эса сўзниң ўзи маъноси ҳам, у ифодалаган тушунча ҳам эскириб, йўқолиб кетган бўлади Жумладан, “Кўхна дунё” романыда кўп жойларда келтирилган “туман” семеси контекстда “үн минг кишилик отлик аскарий қисм” маъносини ифодалайди. Маълумки, айни шу сўзниң ўзи ҳозирги тилемизда вилоят ичидаги маъмурий-худудий бирликни англатади. Унинг асарда келтирилган семаси йўқолганлиги сабабли, уни историзм-семема сифатида ўрганиш мумкин. Ҳозирда бу лексема маъноси көнгайиб, тубдан ўзгариб, бутунлай бошқи маънода “район” маъносида ишлатилади.

Тарихийлик маълум бир сўзнинг лексик маъноси сифатида кечса, семантик тарихийлик ҳам деб юритилади. Масалан: *На қўзида уйқу бор, на кўнгилда ташкин, ҳар оқшом саройда соя янглиг таңҳо кезиб чиқади*. Ушбу мисолдаги сарой сўзи хозирда ҳам ишлатилади, аммо унинг “хон яшаш жойи” маъноси эскирган, бу сўз эса бошқа маънода қўлланилади. Демак, *сарой сўзининг “хон яшаш жойи” маъноси историзм-семемади*.

Бундан ташкири, романда историзм-парафразалар ҳам кенг қўлланган ва улар орқали асарда Беруний ва Ибн Синолар яшаган давр руҳияти очиб берилади: *офтоби олам, ҳастаи нотавон, шамъи шабистон, поиншойи олам* ва бошқалар.

Синонимлар нутқда бир хил ишлатилмаслиги сабабли улардан баъзилари шрахизмга айланади (1). Архаизмлар ифодалаган тушунча хозирда ҳам мавжуд, факат у хозир бошқа ном билан юритилади, яъни унинг ўрнида синоними ишлатилади. “Кўхна дунё” асарида мавзу талабидан келиб чиқкан ҳолда кўплаб шрахизмлар қўлланган ва бу ҳол унинг бадиий қимматини оширган. Масалан:

Ҳиндистонда шаҳарма-шаҳар дарбадар кезиб юрган чоғларида кекса коҳинлардан эшиштган галати бир ривоят эсига тушибди... Маълумки, *коҳин* “дин ахли, рухоний, ромчи, фолбин, бирор воқеа-ходисани олдиндан билиб кибар берувчи” маъноларини англатади. Бироқ бу атама ислом динига алоқадор эмас, балки кўпинча ўзга дин вакиллари, рухонийларига нисбатан ишлатилади. Келтирилган парчада эса бу лексема хиндуийлик дини вакилларини англатиб турибди.

Ул алломаи даврон *Газна саройида хизмат қилишини тиламаса тиламас*. Ушбу мисолдаги *тиламоқ* сўзи “хоҳламок, истамоқ” маъноларида келган. Ўироқ бугунги кунда ушбу лексема мазкур маънони ифодалаш учун ишлатилмаслиги сабабли у архаизм ҳисобланади.

Баъзан сўзнинг ўзи ёки унинг маъноларидан бири эмас, балки талаффузи эскиради. Натижада шу сўзнинг эскирган талаффуз варианти, яъни лексик-фонетик архаизм юзага келади. Хозирги ўзбек тилидаги *инонмоқ* сўзи “Кўхна дунё” асарида *инонмоқ* тарзида берилади: *Бу сирни мен сизга инониб айтдим, мақлоно.*

Архаиклашиш ҳодисаси тилнинг грамматик бирликларида ҳам учрайди. Хозирги ўзбек адабий тилида мавжуд кўшимчаларнинг эскирган шакллари асарда жуда фаол қўлланади: *Таслимдан бош тортган қалъага ўт кўйгиш, ўт!* Улар тогда тоат-ибодат ила парвардигорга нола қилмииш. Гуноҳимиз не, деб ўнгламиши улар.

“Кўхна дунё” романида қўлланган эскирган сўзлар асар тилининг чиройли ва мантликли чиқишига, тасвирланаётган давр руҳини акс эттиришга хизмат килган. Шу билан бирга, мазкур бирликлар тилимиз тарихини, унинг бегакорлигини кўрсатувчи нодир дурдоналар ҳамdir.

Адабиётлар:

1 Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. –Toshkent, 2006, 97-б.

2 Миртоҗиев М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент. 2004, 197-б

Д.ТОШЕВА, КИХИ (Тошдұтау)
ЗООНИМ КОМПОНЕНТЛИ МАҚОЛЛАРНИҢ
УСЛУБИЙ-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Зооним компонентли мақоллар үзбек халқ мақолларининг салмоқын кисмни ташкил этади. Уларнинг ифода семалари шахсга ишора қилиб, мақол семантикасидан мажозий маъно англашилади. Буни үзбек тилининг үзига ход ифода имкониятлари, халқимизнинг фикрини ошкора ифодаламай, ишора ишлар воситасида етказиш, ифодаланаётган фикрнинг таъсиричанлигини ошириш, маънавий ва хиссий таъсирининг салбий оқибатларидан сакланиш каби ментал хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин.

Халқ мақолларида инсон ҳарактер-хусусияти, яхши ва ёмон жиҳатлари, маънавий, руҳий ва жисмоний ҳолати зоонимлар тимсолида ёритилиб, уларнинг аташ ва ифода семалари намоён бўлади. Шу боис бирор мақолнинг прагматик маъносини, унда илгари сурилган фикр мазмунини англаш учун мақолда келтирилган образларнинг моҳиятига этиш талаб қилинади.

Сўзниң ҳосила маъноси юзага келар экан, у фақат денотатив сема ёки информатив семаларнинг үзидан таркиб топиш билан чегараланмайди. У прагматик семага ҳам эга бўлиши мумкин. Шунга кўра ҳосила маънолар икки типга бўлинади: 1) прагматик семали ҳосила маънолар; 2) прагматик семасиз ҳосила маънолар.

Прагматик семасиз ҳосила маънолар сўз ҳосила маъноси тушунчади ифодаланган референтини акс эттириш билан бирга унга бўлган субъектини муносабатини ҳам билдиради.

Прагматик семасиз ҳосила маънолар воқелангандан фақат үз референтини ифода этиш билан чегараланади [1].

Зооним компонентли мақолларни семантик хусусиятларига кўри таснифлаганда улардаги маънонинг қандай ифодаланиши, яъни мақолларнинг прагматик семага хосланган ёки хосланмаганлиги асос қилиб олинади. Бу хусусиятига кўра уларни уч гурухга бўлиш мумкин:

- Прагматик сема ифодаси учун хосланган мақоллар: *Арслон боласи арслон бўлур, сичқон боласи сичқон; Ит итиғини этар, тўн этагини йиртар.*
- Ҳам денотатив, ҳам прагматик сема ифодаси учун хосланган мақоллар: *Туя минган узоқни кўзлар, эшак минган – яқинни; Итдан бўлган қурбоникка ярамас; Кўйингни қассобга сўйдир. Ўликни мурдаш ўйга ювдир.*
- Фақат денотатив сема ифодаси учун хосланган мақоллар: *Кўй керак бўлса сунбулада қирқ, жун керак бўлса – мезонда; Туя ўйин тушиса, қор ёгар.*

Лексик маъно одатда бир предмет, белги, ҳаракатнинг номини бошқа бир предмет, белги, ҳаракатга кўчириш йўли билан ривожланади. Бундай кўчиришнинг табиатини, мавқеини ҳар бир тилнинг үзидаги семантик конуниятлар белгилайди.

Кўчириш, асосан, метафора, метонимия, функционал ва синекдоҳи усуслари асосида юзага келади. Қоришик ҳолда (метафора-функционал, метафора-метонимия, метонимия-функционал тарзида) ҳам учрайди [2].

М.Миртоҗиев мазкур ҳодисани қуйидагича таснифлайди: Ҳосила маъно

ҳосил қилювчи маъно референтларининг ўзаро ўхшашлигига қараб метафора, шюқадорлигига қараб метонимия, бири бутун ва иккинчиси унинг бўллаги бўлишига қараб сенекдоха, бирининг вазифасини иккинчиси олишига қараб назифадошлиқ, бирининг ҳосиласи иккинчиси бўлишига қараб тобелилик каби кўринишларда белгиланади [1].

Зооним компонентли мақолларда ифодаланган прагматик маъно қирралари ҳам мазкур усуллар воситасида амалга оширилади. Улар услубий бўёқдорликнинг ортиши, эмоционал-экспрессив таъсир доирасининг кучайиши, шунингдек, мақолнинг дидактик аҳамиятини таъминлашга хизмат қилади. Фикрни образли ифодалаш имконини беради ва зоонимларнинг прагматик маъносига таянади.

М. Миртоҗиев метафора ва унинг кўринишларини куйидагича търифлайди: Метафора ҳосила маъно юзага келиши ҳодисаларининг энг фаоли ҳисобланади. У, тилшуносликда кайд этилишича, ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилювчи ва ҳосила маъно референтлари ўзаро ўхшаш келишига асосланади.

Метафоранинг оддий метафора, персонификация ва синестезия деган кўринишлари ҳосил қилювчи ва ҳосила маъно референтларининг ўзаро ўхшатилиш ҳолатига қараб белгиланади.

Оддий метафора референтларнинг оддий қиёси, ўхшашлигига асосланса, персонификация жонсиз референтнинг жонли референтга ўхшатилишига; синестезия бир сезгида ҳис қилинган референтни бошқа сезги билан ҳис қилинган референтга белгиларининг онгда умумлаштириб қиёсланишига, ўхшатилишига асосланади [1].

Топган қўй келтирадар, топмаган бир бошни ёзи мақоли оддий метафорага мисол бўла олади. Бунда бош отининг ‘сабзавотнинг’ ‘истеъмол қилинадиган’ ‘юマルқ ўрами’ ҳосила маъноси шаклий ўхшашликка асосланаб юзага келган [1].

Сувсизликдан балиқ ўлса дарёга нима зам мақолида дарё оти ҳосила маъно референтига жонли ҳолат баҳш этилган. Яъни дарёнинг ғам чекиши, ичиниши ёки куюниши инсонга хос ҳиссий-таъсирий ҳолатга ўхшатилган. Бу мақол метафоранинг персонификация деган иккинчи кўринишига мисол бўла олади.

Гар қариса замзаси қолмас, кўл қариса қурбақаси мақолида ҳам кўл иксемаси жонлантирилган ва метафорик асосда кўл қариса ифодаси орқали кўл сувининг куриши, эскиришига ишора қилинган.

Одамнинг қуюги бўлгунча, ўрмоннинг кийиги бўл мақолида келтирилган куюк сўзи бирор нарсанинг куйган жойи, куйган қисми, деган маънони ишглатади. Мажозий маънода, бирор эришган муваффақиятни кўра олмайдиган, ўтгалар ютуғидан ғазаби қўзийдиган ичи кора ва аламзада кимсалар табиати тинқид қилинган. Бундай феъли тор, ҳасадгўй бўлгандан, ҳеч ким билан иши бўлмай, табиат гўзаллигидан баҳра олиб яшайдиган кийик бўлиш афзаллиги тиъқидланган. Маколдаги куюк сўзининг генетик маъноси кўз сезгиси поситасида англашилса, ҳосила маъно қалб ва ички овоз таъсирига таянади. Бунда ҳосил қилювчи ва ҳосила маъно референтларининг сезгига таъсир этиш

хусусиятлари ўзаро ўхшатилган ва метафоранинг синестезия кўриниши юзаги келган.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, зоонимларни прагматик маънолари улар табиати, алоҳида хусусияти ҳамда кундалик ҳаёт тарзидан келиб чиқиб белгиланади. Мазкур белгилар ҳалқ оғзаки ижоди намуналари орқали инсон тасвирини ҳосил қилишда қўлланилади. Мақолларди турли ижтимоий гуруҳ, ёш, жинс, фаолият соҳиблари зоонимларга қиёсланади, уларни баҳолаш ва тўғри хулоса чиқариш ҳалқ ҳукмига ҳавола этилади. Бундай мақолларда инсонларнинг ижобий ёки салбий хусусиятларига, фазилат ва нуқсонларига зоонимларининг коннотатив маъноси ишора қилиб туради.

Адабиётлар:

1. Миртоҗиев М. Ўзбек тили семасиологияси. -Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.
2. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. -Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.

Д.АНДАНИЁЗОВА, КИХИ (Тошдўтау) “ЎТМИШДАН ЭРТАКЛАР” ҚИССАСИДА АНТРОПОНИМЛАРНИНГ ЎРНИ

Бадиий матндан антропонимлар ономастика (поэтик ономастика) ниш алоҳида ўрганилиши лозим бўлган қисмидир. Бу тил бирликларини лингвопоэтик ёндашув асосида ўрганиш орқали ижодкорнинг бадиий нияти ва асар қатламларидаги яширин маънолар терарроқ англанади. Ономастиљшунослар фикрига кўра, поэтик антропонимларни ўрганишдаги зарур жихат уларнинг матн қатламлари билан алокадорлиги масаласидир. Тиљшунослар бу масалани тагматиلى антропоним термини билан изоҳлайдилар [1, 30]. Бунда ном билан боғлик мазмунни бир қарашда тушуниб бўлмайди. Асар қаҳрамонининг характеристи ёритилиб борган сари антропонимга юқлатилган маъно ҳам ойдинлашади. Бадиий матндан барча антропонимлар поэтик максадда қўлланилмаслиги мумкин, бироқ антропонимлар муайян бир ҳалқнинг исм кўйиш маданиятидан хабар беради ва бадиий матннинг ономастик кўламини белгилайди.

Антропонимларнинг ижодкор бадиий ниятига қай даражада хизмит қилиши лингвопоэтик тадқиқотлар орқали амалга оширилади. Чунки “лингвопоэтик таҳлилда бадиий матнда поэтик актуаллашган тил воситаларини аниклаш ҳам мухим тамойиллардандир. Бундай воситаларнинг лингвистик ниш бадиий моҳиятини очиб бериш орқали бадиий мазмуннинг шаклланиши ва ифодаланиши механизмларини аниқ тасаввур қилиш мумкин” [2, 172]. Атоқни отларнинг назарий масалалари бўйича йирик тадқиқотлар олиб борган олим Э.Бегматов бадиий матндан антропонимларнинг лингвопоэтик хусусиятларини ўрганиш ўзбек филологиясидаги долзарб ва янги масалалардни бири эканлигини таъкидлаб, бу борада кўйидаги фикрларни айтади: “Бундай тадқиқ антропономик материалга нафақат лисоний жиҳатдан, балки этнолингвистик, этномаданий, руҳшунослик, социолингвистик, эстетик, тарихий-диний нуқтаи назардан ҳам ёндашишни талаб қиласиди” [3, 261]. Кейинги йилларда ўзбек тиљшунослигига ҳам бу масалалага эътибор қаратилаётгани, яъни антропонимлар лингвопоэтик, лингвокультурологик,

социолингвистик ёндашувлар асосида ўрганилаёттандырылғаны күриш мүмкін. Хусусан, лингвопоэтик ёндашув асосида олиб борилған ишларда бадий матидаги поэтонимларнинг матн құламини, мазмун ва услубини шакллантирувчи мұхым воситалардан бири эканлыги таъкидланмокта [4,69-78; 101-105;].

“Үтмишдан эртаклар” асарининг ономастик құламини, асосан, лақаблар ташкил килади. Маълумки, оғзаки нутққа хос жуда күп хусусиятлар муайян мақсадлар билан бадий матнга ҳам олиб кирилади. Шундай хусусиятлардан бири лақаблардир. Халқ тилида кишиларга лақаб қўйиш көнт тарқалған. Тилимиздаги айрим белги-хусусият билдириувчи сұзлар инсонларнинг маълум бир хатти-харакати, характерига нисбатан құлланади ва бундай сұзлар борабора лақаб мақомига ўтади. “Муайян бир ёзувчининг асарларидаги ономастик бирликларга эътибор берилса, бирлаштирувчи нұкталар кўзға ташланади. Қаҳрамонларга исм беришда амал қилингандын усул ижодкорнинг барча асарларига хос бўлса бундай ном поэтоним-медиатор дейилади”[5,176]. Маълум бир ёзувчи антропонимикасининг лейтмотивини ташкил килувчи умумий бирлаштирувчи нұкталар мазкур термин билан ифодаланади.

Маҳоратли сўз санъаткори Абдулла Қаҳхорнинг “Үтмишдан эртаклар” қиссаси ономастик бирликларнинг нечоғлик поэтик имконларга эгалигини намоён қилувчи бетакрор асардир. Ушбу асар автобиографик характерда бўлғани учун унда қўлланилган ономастик бирликлар асосан реал объектларни ифодалаб келган. Бундай бирликларни ўрганиш муайян даврда ҳамда муайян қудуда киши номлари, жой номларининг қай тарзда қўлланилгани ҳакида тисавур беради. Қиссада антропонимик бирликлардан исм, отаисм ва шақабларнинг құмматли намуналарини ҳамда ҳалқимизга хос исм қўйиш шартаналарининг ўзига хос шаклларини кузатиш мүмкін: “Ёши бир жувон маҳалладаги ҳамима эркакларга лақаб қўйиб ҳамманинг ичагини узди: “Мадамин-тажмов, бу одам ҳамиша тажмовсирар экан; Гани-саланг, бу одам жуда новча бўлиб, саланглаб юрат экан; Нурмат-тажсанг, бу одамнинг ҳеч түгри гапи йўқ, нима деса ҳуноб бўлиб айттар экан. Жувон буларнинг қилигини ҳам қилиб кўрсатди. Жувон дадамга “Чинок” деб лақаб қўйди, ҳаммадан ҳам шу кулгу бўлди: аям шунча йил туриб дадамнинг қулоги кемтик эканини кўрмаган экан”. Мисолдан кўриниб турганидек, қаҳрамонларнинг исми лақаб билан бирга қўлланилган. Лақаблар ҳаётий бўлгани боис қаҳрамон тавсифи ва феъсл-авторига мос. Бундай лақаблар асар антропонимик фондининг поэтикалық мениндикинини ташкил килади. Тилимиздаги тажмовсиралоқ феълининг дөвидирамоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ маъноси, салангламоқ феълининг у ёқдан бу ёқка ҳаракатланыоқ, бориб келмоқ; лапангламоқ маъноси мазкур лақабларнинг шаклланишига асос бўлган. Мазкур лақаблар хосланган бўлиб, факат маълум шахс исми билан бирга қўлланилади. Тажсанг сўзи эса бироз бошқача. Лақаб сифатида күп қўлланиладиган бу сўз ҳар қандай сержахл, аччиғи тез киши учун ишлатилаверади. Масалан, “Нурилла Нарвоний “бир ичак узди” қилиши учун шигига “Ҳасратхон” деб ёзилган нимқоронги хонага Эшиштўлат тажсангни олиб кирибди” (Муштум). А.Кодирийнинг “Тошибтўлат тажсанг” и мазкур лақабли поэтонимларнинг энг машҳури хисобланади. “Үтмишдан эртаклар” да ҳам айни

Лақаб бишін атаудың Нұрмат тажсанғ, Обид тажсанғ каби қаҳрамонлар берілгенде матнда қаҳрамонларнинг лақаби одатда, унинг хатти-харакати, пүткөн характери орқали изохланады. Күйидаги мисолда *Обид-тажсанғ* деган қаҳрамоннинг ўзини тутиши ундаги тажанглик белгиларини янада бўрттиришади. Махаллада *Обид-тажсанғ* деган новча, озгин бир банги бор эди, шу ономастичи кўччанинг охиридан ҳайқириб, хотинини уриб-тепиб келаётиди... *Обид-тажсанғ* тўхтади, қизарган кўзлари билан дадамга еб қўйгудек бўлиб қарашди ю, чапароста қилиб сўка кетди... Белгиланган сўзлар “тажсанғни оттенкасини кучли тарзда акс эттирган.

Таъкидланганидек, лақаблар инсон образини яққолрок тасвириш берувчи, унинг муайян характерини, яъни ижобий томонини ёки камчилигини кўрсатувчи бирликлардир. Баъзан бадиий матнда ҳам салбий лақабга эга бўлган қаҳрамоннинг сұхбатдошлари томонидан пичинг қилиниши, шахсиятни тегилиши кузатилади. “У дудук, хийлагина дудук бўлишига қарамай шундай хушиқачақ, яхшигина асқия ҳам қилас экан. Кулала асқияда енгилганида унинг даданини қайтарши учун: “Сиз менинг отимни айтгунингизча онам яна битта Кулала туғади” деб шахсига текканида, Азим хафа бўлиши ўрнига қотиб-қотиши кулди”. Ушбу мисолда Азим дудук деган қаҳрамоннинг дудуқлигини раками очик-ойдин айтмасдан, балки “Сиз менинг отимни айтгунингизча онам яна битта Кулала туғади” жумласи орқали пичинг қилишида Азимнинг дудуқлигига ишора қилинади. Лақабнинг изохини бу ҳолатда “қоғозга ўриштириш” ҳақиқий қаҳхорона маҳоратдир.

Лақабнинг мустакил равишда киши исмидан ажralган ҳолда қўлланинни, унинг киши исмига айланиши учун шароит яратиб берувчи муҳим омиллардиди биридир. Бунда лақабнинг кундалик турмушда кенг истеъмол қилинини натижасида шахс асосий исмини сикқиб қўйиши ва истеъмолдан сурʼи чиқариши мумкин. Ушбу парчада эса эскичилек қилиб одамларни тузатадиган домланинг номи ҳалқ орасида ўз исми билан эмас, балки, танасидиги камчилигини англатувчи “пес”лик белгисининг лақабга айланиши ва унинг эвфемик йўл билан “Оқ домла” деб “хурмат билан” аташганини кўрамиз. “Оқ домла пешонаси, кўз остилари, бир чаккаси ва бутун бўйни оппоқ пес, бирор нафасидан жинни шифо топадиган бўлгани учун ҳалиқ *Пес домла* дегани оғзи бормай, Оқ домла деркан”.

Мазкур асарда қаҳрамонлар жамиятнинг турли қатламларига мансублиги билан диққатта сазовор. Бу ҳолат лақаб қўйишнинг қай даражада кенг тарқалғанлиги билан изохланади. Ҳалқимизда ҳўжса, маҳсум, тақсир каби унвон ва турли касб-хунар номларини лақаб сифатида ишлатиш одати бор. Бу ҳолат асарда қўлланилганда унинг жонли чиқишини, ҳалқона урфларга ёзувчи муносабатини белгилайди: “Дадам қуръон, аврод сотиб олиб унинг ёстишини остига қўйди. Буларнинг ҳеч бири фойда қильмади – дард тутишини қўймади. Бирор дадамга: “Учармаҳсумга ўқитине, нафаси ўткир”, дебди. Бу одам жуди зўр, дуонинг кучи билан қулф очаодиган азайимхон бўлиб, айтилган жойига бир зумда етиб боргани учун “Учармаҳсум” деб номчиқарган экан. Дадам бориб шу азайимхонни олиб келди. Учармаҳсум ҳақиқатан елдаи келиб уйга кирди,

жонга дока тутган аямдан берироққа чүккалаб, бешиктерват сингари төбөрапиб майин товуш билан ўқий кетди”.

Ёки: “Амакимнинг қудашилик Тұрақұл *вофуруш* деган бир таниши бор жан, шу одам дадамнинг қишлоққа күчши нияти борлыгини бишіб: “Бизнинг қудинига ҳам төмірчи ярашаади, күйіб борадиган бұлсанғыз ғұлингизга поёндоз боламиз”, дебди”. Асарда “*вофуруш*” сүзи *косибларнинг* молини күтара *нишінің* савдогар деб изохланған. Бу ўринда айтиш жоизки, даврлар ўтиши үшін лугат тизимидағи бошқа сұзлар қаторида лақабларда ҳам эскилік ёки шиптилік бүёғи кузатилади. Бадий асарларда бу ҳолатни аник кузатиш мүмкін. Мисалан, тарихий асарларда учрайдиган қасбға ишора килувчи баззоз, боққол, шиптилік каби сұзлар бугун архаизмға айланған. Табиийкі, замонавий мавзудаги шиптіліктерде бундай лақабларга деярли мурожаат қилинмайды. Юкоридаги мисолда *вофуруш* сүзи ҳам бугун истеъмолдан чиққан сұзлардандир.

Баъзан асарда изохсиз құлланған лақаблар ҳам учрайди. Үқувчи бундай шиптіліктерде изох қутмаслиги ҳам мүмкін, чунки ұша лақаб ҳақида унинг шисоний тасаввурива мұайян ахборот мавжуд бұлади. Мисалан, *лайлак* лақабли шахрамоннинг, бүйни узунлиғи ёки лайлакка үхшаб лўқиллаб юриши ҳақида тасаввуримиз мавжудлігі учун ортиқча изох талаб қылмаймиз. Ёзувчи ҳам бундай ҳолатларда сұз исрофига йўл қўймаслик учун тафсилотта берилмайди: “*Іұни дадам Али-лайлакка кула-кула гапириб берди*”.

Умуман олганда, антропонимларнинг бадий матндарында хусусиятларини үрганиш ўзбек тилининг бой имкониятларини янада чукуррек ёритишға ёрдам беради. Бу борада “*Ўтмишдан эртаклар*” қиссаси антропонимларнинг неочоғлик поэтика имконларға әгалігини намоён килувчи бокий асардир. Антропонимлар үшін асарда воеалар бұлып *ўтган* жойға хос колоритни мукаммал ифодалаш билан бирға қаҳрамонларнинг үзига хос характеристини ёритишға, комик әффектті ифодалашга хизмат қылған. Қолаверса, А. Қаҳхорнинг ҳар бир қаҳрамонға нисбатан синчковлик билан эътиборли бўлиши уларга танланған шиптіліктерде орқали ҳам ифодаланған.

Адабиётлар:

1. Зиннатуллина Ф.Х. Функции антропонимов в произведениях А.Еники. Филология и культура. Philology and Culture. 2012. №1(27).
2. Юлдашев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фан. док. дис... – Тошкент , 2009.
3. Бегматов Э.А. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент , 2013.
4. Худойберганова Д. Ономастик бирликларга лингвомадданий ёндашув хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – № 6; Анданиёзова Д. Ономастик бирликларга лингвопоэтик ёндашув // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2016. – № 4. ; Улуков Н. F. Ғуломнинг “Шум бола” қиссасидаги антропонимларнинг услубий хусусиятлари / Ономастика. Илмий мақолалар тұплами. Самарқанд. 2015. 3-сон.
5. Алтухова О. Н. Ономастический контекст в постмодернистской литературе (на материале произведений В. Пелевина): дис. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2004.
6. Мисоллар олинган манба. Қаҳхор. А. Ўтмишдан эртаклар. - Тошкент, 1987.

OYBEK LIRIKASINING LISONIY JOZIBASI

O'zbek adabiyotining zabardast ijodkori Muso Toshmuhammad o'g'li Oybek o'zining qaynoq manzumalari hamda taftli mansuralari bilan o'zbek xalqining qalbidan joy olgan. Uning asarları badiiy ko'lami jihatdan ma'naviyatimizni yuksaltirishda o'rni beqiyos. Shuningdek, Oybek asarlarida o'zbek tili lingvistik xususiyatlarining ham o'rganilishi uning ijodi har tomonlama yetuk asarlar sirasiga kiritilishiga munosib ekanligini tasdiqlaydi.

Oybek lirikasi jo`shqinligi bilan o'quvchini o`ziga maftun etadi. Unda ekspressiv-emotsional ma'no bildiruvchi so'zlarning qo'llanilishi she'r jozibasini yanada oshirib yuboradi. Jumladan, unlini cho'zish orqali ekspressiv-emotsional ma'no hosil qilinadi. Masalan:

Chust do ppi yarimta, ke-ng ko 'krak ochiq.

Temir qafasdagi arslonday shu chog'

Ko 'rkam va ma'yusdi - qovog'i soliq.

O'rtog'i xovliqib keldi xushchaqchaq. (Oybek. Asarlar. II jild.)

Kuchaytirma sifatlar inson tana a'zosi rangining me'yordan ortiqligini bildirish uchun qo'llanadi:

Lablari naq pishgan gilos qip- qizil.

Oq tiniq yuzlari kulumsar har on.

(Oybek. «Tanlangan asarlar». I jild)

Orttirma daraja shaklidagi *yashil, ko'k, qizil* so'zlarida urg'u birinchi bo'g'inga tushadi. Urg'uli bo'g'inning kuch bilan talaffuz etilishi hisobiga ma'no kuchaytiriladi. Quyidagi misolga diqqat qiling:

Tevaragi ko'm-ko'k o'tloq,

Tabiat juda quvnoq. (Oybek. «Tanlangan asarlar». I jild)

Titshunos olim A.Abdullayev ham ma'no kuchaytirishning bu turida so'z oldidan orttirilgan qismning oxiridagi tovush, asosan, portlovchi *m, k, p* tovushlaridan bo'lib, (*yam-yashil, ko'm-ko'k, qip-qizil*) bu usulning fonetik hodisa ekanligini, uning ma'lum sharoit bilan bog'liq ekanligini ko'rsatadi. (1)

Oybek asarlarida bir bo'g'inli oxiri *m, n, ng* sonor undoshlari bilan tugagan takroriy yoki juft so'zlarda ekspressivlikni hosil qilish unlini cho'zish hisobiga emas, balki bu so'zlarda birinchi qismidagi oxirgi undoshni talaffuzda qavatlash hisobiga amalga oshiriladi. Qiyoslang:

Bulut kabi yosh quyding tun-kun

Ba'zan bo'lding momoqalldiroq. (Oybek. «Tanlangan asarlar». I jild)

Qismlari o'zaro -ma elementi yordamida birikkan juft so'zlarda uning ikkinchi qismidagi unli cho'zib talaffuz qilinadi va ma'no kuchaytiriladi:

Besh azamat ketdi birma-bir,

Olimi ham, ketmonchisi ham. (Oybek. «Tanlangan asarlar». I jild)

Badiiy matnda bir xil undoshlarning ketma-ket takrorlanishi o'ziga xos ritmni vujudga keltiradi. Bu usul orqali kitobxonga hissiy ta'sir ko'rsatiladi. Quyidagi misraga diqqat qiling:

Sabolar kelur, bahorlar kelur,

O'ynab, quvonib yorlar kelur.

Bu misrada r, I undoshlari ketma-ket ishlatilgan, r undoshi 8 marta, I undoshi 6 marta qo'llangan.

Oybek asarlarida ma'noni o'ta bo'rturish uchun qizil rangli qon *qora* deb tasvirlanadi:

Qalbingdan mehr emganlar murdor

Yovni qora qon qilib urur. (Oybek. «Tanlangan asarlar». I jild)

Adib badiiy matnda emotsiyonal-ekspressivlikni hosil qilish uchun sinonim, antonim so'zlardan ham unumli foydalangan. U badiiy matnga sinonim so'zlarini, ularning ma'no nozikliklarini nazardan qochirmagan holda, o'ta did bilan tanlaydi. Adib asarlarida sinonimik qatomi tashkil etuvchi so'zlar ijobjiy, salbiy, betaraflik kabi ma'noviy xususiyatlarga ega bo'ladi. Badiiy matnda sinonimlardan o'rinli foydalanish Oybekning yuqori darajadagi so'z qo'llash mahoratidan dalolat beradi. Fikrimizni quyidagi misollar asosida dalillaymiz:

Axtarib topganimda o'n ikki bulog,

Qalbimda o'n ikki she'r birdan jo'sh urdi.

Hammasi shivirlaydi sizdek shan, inoq,

Ko'ksimga naq o'n ikki bahor yugurdi. (Oybek. "Tog' sayri")

Bu to'rtlikda qo'llangan sinonimik munosabatdagi *qalbimda*, *ko'ksimda* so'zlarini shoirning so'z tanlash mahoratini ko'rsatadi. Bu ikki sinonim ham adibning vogelikka ijobjiy baho munosabatini oshkora ifoda etishga xizmat qilgan.

Ishda olov, uyatchan – yuvvosh. (Oybek. «Qizlar»)

Bu misrada *olv* va *uyatchan*, *yuvvosh* leksemalari o'zaro zid qo'yilgan. Misrada antonimlar orqali inson xarakteriga xos bo'lgan xususiyatlar ochib berilgan.

1. Birinchi va ikkinchi misradagi lug'aviy birliklar o'zaro zidlanadi. Masalan: *Ham xirmonda jiddiy chayir u*

Bolalarcha samimiyo sho'x, quv... (Oybek. «Qizlar»)

Berilgan misolning birinchi misrasidagi *jiddiy* so'zi ikkinchi misradagi *sho'x* so'ziga zidlangan bo'lib, antitezani hosil qilgan. Adib antiteza yordamida she'ming ohangdorligini oshirishga, uning ta'sir kuchini kengaytirishga erishgan.

Quyidagi misolda esa o'zaro zidlanuvchilardan biri ko'chma ma'noda qo'llangan:

Kechagi bosmachilar izg'ir har yonda,

Qaybir bo'rida tasbih, sala – taqvodor!

Tunlarda shayxning, boyning uyida mehmon. (Oybek. «Hamza»)

Keltirilgan bu misolda birinchi misradagi *bosmachilar* so'zi ikkinchi misrada ko'chma ma'noda qo'llangan *bo'ri* bilan zidlanib, qarama-qarshilantirishni hosil qilgan.

2. Bir misra tarkibida qo'sh antiteza hosil qilinadi.

«Ko'k suv»ning to'lqinlari yozgi osmonday,

Chaqnar o'ngdan va so'l danyaqin, uzogdan ... (Oybek. «Hamza»)

Adib bu she'riy parchada ayni bir misraning o'zida ikki marta antitezani hosil qilgan. Parchada qo'llangan *o'ng* va *so'l*, *yaqin* va *uzoq* lug'aviy birliklari o'zaro zidlik munosabatiga kirishib, she'ming ta'sir kuchini oshirgan.

Oybek nutqning obrazlilagini, ta'sir kuchini oshirishda ko'chma ma'noli leksik birliklardan ham unumli foydalanadi. Uning asarlarida qo'llangan ko'chma ma'noli so'zlar ko'proq metaforik ma'noni ifodalaydi. Oybek asarlarida metaforik ma'no voqelikning go'zal tavsifida kuzatiladi. Masalan:

Nafis chayqaladi bir tup na'matak

Yuksakda, shamolning belanchagida.

Quyoshta ko'tarib bir savat og gul,

Vigor-la o'shshaygan qoya labida. (Oybek. «Na'matak»)

Ushbu she'riy parchada qo'llangan *nafis chayqaladi, shamolning belanchagi, o'shshaygan qoya, qoya labi* metaforik qo'llanishlari she'ming musiqiyligini, ta'sii kuchini oshiradi.

O'zbek tilida kattalashtirish, ulug'lash, faxrlanish ottenkalarini hosil qiluvchi qo'shimchalar ekspressiv-emotsional ma'noni ifodalashda faol ishtirot etadi. Bu turga -vor, -kon, -don, -g'on, -on kabi shakl yasovchilar hamda egalik qo'shimchalarini kiritish mumkin. Bu qo'shimchalaridan -on arxaik qo'shimcha bo'lsa ham, ba'zan badiiy asarlarda uchrab turadi. Masalan, *o'g'lon so'zi* nutqda yoshlarga nisbatan ishlataladi. Bu so'z orqali nutq egasining shaxsga nisbatan ijobjiy munosabati ifodalananadi. Quyidagi misollarga diqqat qiling:

Chollar aro boladab o'g'lon

O'spirinlar aro bilimdon. (Oybek. Asarlar. II jild. 112-bet.)

Yigit kimdir, kim u pahlavon?

Qay xalqdandir shunday mard o'g'lon? (Oybek. Asarlar. II jild. 148-bet.)

Shuningdek, -kon qo'shimchasi ham sof kattalashtirish ma'nosini hosil qilib, emotsiyal-ekspressiv ma'noni ifodalaydi. Masalan:

Tashir ham qish, ham yoz qo'sqi bir po'stin,

(Unda qolmagandir yamoqsiz o'rinn),

Belida kattakon bir nos qovog'i... (Oybek. «Mashrab»)

Asardan olingen bu parchada ham *kattakon so'zi* emotsiyal-ekspressiv ma'noni hosil qilgan. Bu misolda ham -kon qo'shimchasi predmetni yanada kattalashtirish ma'nosini ifoda etgan.

Oybek asarlarida -don qo'shimchasi ham ekspressiv-emotsional ma'noni ifodalab keladi. Bu qo'shimcha nutqda -li qo'shimchasining ma'nodoshi sifatida ba'zan almashib qo'llanadi. Biroq -don qo'shimchasiya emotsiyal-ekspressiv ma'noni ifodalash xususiyati kuchli. Bu qo'shimchada ortirish, kuchaytirish ottenkasi mavjud. Masalan:

Chollar aro boladab o'g'lon

O'spirinlar aro bilimdon. (Oybek. Asarlar. II jild)

Oybek asarlarida fe'l shakllari qo'shimchalarining ikkilamchi vazifada qo'llanishi nutqning emotsiyonalligini kuchaytiradi. Masalan:

Tog'larda ochildingiz,

Yo'llarda sochildingiz,

Shoirning ko'ngli kabi

Kuldingiz yoyildingiz. (Oybek. «Sozim»)

Bu misralarda *ochildingiz, sochildingiz, yoyildingiz* so'zlaridagi shaxs-son qo'shimchalari ko'plik shaklida, ammo aslida bir kishiga nisbatan qo'llangan.

Oybek asarlarida egalik, ko'plik qo'shimchalarining birlilikda kelishi va ikkilamchi vazifada qo'llanib, emotsional-ekspressiv ma'noni hosil qilishi kuzatiladi. Masalan:

*O'n ikki piyolaning yaltiroq mayi
To 'qingan lablarimda golar bir umr.
Ko'zлari seni o'pgan biron yo'lovchi
Balki bir chog' sevgimni hikoya qilur!* (Oybek. «Tog' sayri»)

Bu misrada qo'llangan lablarimda so'zida ko'plik va I shaxs birlikdagi egalik qo'shimchasi ishtirok etgan. Ko'plik qo'shimchasining juft predmetga nisbatan qo'llanishi bu predmetning ko'pligini hosil qilmaydi, aksincha, ma'noni kuchaytirishga, bo'rttirishga xizmat qiladi. Bu holat keyingi misralarda ham kuzatiladi:

*Porloq va shan o'n ikki ko'zning ishqida
Ko'zлarim xiyla zamon adashib qoldi.
Sevinch qaynar, jildirar sof kumushida,
O'n ikki qiz izidan xayol yo'l soldi.* (Oybek. «Tog' sayri»)

Oybek ko'plik qo'shimchasini mavhum otlar tarkibida qo'llash orqali ham nutqning ta'sirchanligini oshirishga erishadi. Masalan:

*Nurlardan halqachalar oqar, jimirlar,
Toshlarda sinar mayin tabassumlari.
Oltin ipga chizilar jonli injular,
Bo'sadan ham shirindir, ich, yutumlari!* (Oybek. «Tog' sayri»)

Oybek asarlarida ba'zan egalik qo'shimchasi tushib qoladi, bunda ham ekspressivlik yuzaga chiqadi, faxrlanish ma'nosi bo'rttiriladi. Masalan:

*Bog'lar, go'zalravoqlar,
Bizning asarlurbilan.* (Oybek. Tanlanganasarlar. II jild)

Bu parchada aslida *bizning asarlarimiz* tarzida birikma tuzilishi lozim edi. Biroq egalik qo'shimchasini tushirib qoldirish orqali adib g'ururlanish hissini hosil qiladi.

Xullas, Oybek lirikasidagi konnotatsiyani hosil qiluvchi ayrim birlıklarni tahlil qilish asosida shunga amin bo'ldikki, adib nutqida ekspressiv-emotsionallik tilning turli birlıklari orqali ifoda etilgan. Adib badiiy nutq orqali voqelikka baho munosabatini bayon etar ekan, bu jarayonda til birlıklariga turli ekspressiv-emotsional ma'nolarni yuklay olgan va bu bilan asarlarining badiiy qimmatini yanada oshirishga muvaffaq bo'lgan.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. Тошкент: 1987. Б.8.

Z.AMIRQULOVA, o'qituvchi (TerDU) BADIY ASARLARDA FRAZEOLOGIZMLARNING QO'LLANILISH JIHATLARI

Mamlakatimizda demokratik davlat va fuqarolik jamiyatni qurish maqsad qilingan va bu amalga oshirilayotgan ekan, bu jarayonda yoshlarning ta'im va tarbiya olishi alohida hamiyatga ega. Zero, yoshlar bizning kelajagimiz, avlodlardan meros qolgan muqaddas zaminni yuksaltirish, ilg'or davlatlar darajasiga ko'tarish ularning bilimi, istedodi, jasorati, ma'naviy barkamolligiga bog'liq. Bu haqida muhtaram

prezidentimiz I.A.Karimov shunday yozadi: "Biz xalqimizning dunyoda hech kimdan kam bo'lmasligi, farzandlarimizning bizdan ko'ra kuchli, bilimli, dono va, albatta, baxtli bo'lib yashashi uchun bor kuch va imkoniyatlarimizni safarbar etyotgan ekanmiz, bu borada ma'naviy tarbiya masalasi, hech shubhasiz, beqiyos ahamiyat kasb etadi." (I.A.Karimov. Yuksak ma'nviyat- yengilmas kuch. - T.2008-yil, 4 b.)

O'zbek (ona) tilini o'qitish markazida til o'rganuvchilarining o'zaro hamda o'qituvchisi bilan nutqiy muloqoti alohida o'rinda turmog'i lozim bo'ladi. Ammo mana shu muloqot to'g'ri yo'lga qo'yilishi uchun grammatika qonun qoidalaridan to'g'ri foydalanishni yaxshi bilish, shuningdek iboralarining hutqning ta'sirchanligi oshirishdagi ahamiyatini o'rganish ham zarur.

Shu asnoda frazeologizmlarning sevimli adibimiz Hoshimovning "Ikki eshik orasi" asarida qo'llanilishi haqida to'xtalib o'tamiz. Iboralar tilda tayyor bo'lgan birliklar bo'lib, asosan til hodisadir. Biroq, bu holat iboralarning nutqiy imkoniyatlarini cheklamaydi. Binobarin, iboralar til birligi sifatida ma'no ifodalasa, uning manosi lug'aviy ma'no emas. Balki semantik ma'nodir. Shunga ko'ra iboralaraga lug'aviy birlik sifatida emas, balki semantik birlik sifatida yondashish maqsadga muvofiqdir. Chunki, iboralar tarkibidagi so'zlar o'zi butun holda ko'chma ma'no ifodalaydi. Masalan; og'zining tanobi qochdi, kapalagi uchdi, boshi osmonga yetdi, quloqni yorgudek bo'ldi, boshi aylanib qoldi, jimplik cho'kdi kabi iboralarning til tizimidagi o'mi, ulardagi ma'no ko'chish asosida fikr ifodalanişidir. Iboraarning so'zdan farqli bir tomoni borligiga e'tiborni qaratish lozim. Bu iboralaraga xos xususiyatdir. Iboralar nutqda ,shu jumladan badiiy nutqda ham o'zgarmagan holda qo'llaniladi.[Sh.Rahmatullayev. Hozirgi adapib o'zbek tili, 2-86] Shning uchun ham iboralar nutqda o'zining muayyan ma'nosidan tashqari, qo'shimcha ma'no bermaydi. Ammo bu holat iboralarning nutqiy imkoniyatini cheklamaydi. Chunki iboralar yordamida yangi ma'no ifodalaganidek, fikrning ta'sirchanligini kuchaytirishda ham iboralarning ro'li katta. Shu boisdan iboralar badiiy nutqda ko'p qo'lilib, badiiy tilning jozibadorligini ta'minlovchi vositalardan biri sifatida ifodalashadi. Badiiy nutqda iboralar qo'llanilganda ayrim holatlarda iboralarini ham ko'chma, ham to'g'ri ma'nosida tushunish ham mumkin bo'ladi. Masalan: Hammasiga oqsoqol bosh bo'ladi, endi gapning po'st kallasi shu, belida belbog'i bor degani kelaversin.[O' Hoshimov, 3-36] gaplaridagi bosh bo'ladi,belida belbog'i bor kabi iboralarda ikkitadan ma'no bor. Birinchi ma'no „ Boshliq bolmoq” , „Belida belbog' bog'lamoq” ma'nolari to'g'ri ma'no hisoblanadi. Ushbu ma'nolarning ifodalanişiga ko'ra bu lug'aviy birliklarni ibora deb bo'lmaydi. Ikkinchidan „Bosh bo'ladi” deganda „tepada turmoq” ma'nosida „beliga belbog' bog'lamoq” , „Erkak kishi” ma'nosи mavjud. Bu ma'nolarning ifodalashiga ko'ra, ushbu lug'aviy vositalarni iboralar deyish mumkin.

Iboralar aslida nutqda bir tomonlama, yani bir ko'chma ma'no ifodalashi nuqtayi nazardan yondashiladigan hodisa bo'lса ham ulaming ko'chma va to'g'ri ma'nolari mos keladigan tiplarga ham, e'tibor qaratish lozim bo'ladi. Chunki, bunday holatlarda iboralar ikki tomonlama ma'no ifodalab, nutqni semantik jihatdan boyitadi. Iboraarning nutqiy xususiyati semantik ma'no ifodalash bilan bog'liq.

Shu xususiyatiga ko'ra iboralar obrazli va ta'sirchan vositalardir. Chunki iboralarida ko'pincha aslida kutilmagan,obrazli ifoda mavjud bo'ladi. Shunga ko'ra,

iboralarning nutqiy ta'sirchanligi ikki tomonlamadir. Yani iboralar, avvalo ko'chma ma'no ifodalashi asosida nutqiy ta'sirchanlikni taminlasa, ikkinchidan iboralarda mavjud bo'lgan obrazli ifodaning o'zi ta'sirchanlikni ta'minlash vositasidir. Masalan: Ochilboy, oh desa o'pkasida oy ko'rilib yuribdi,[O'.Hoshimov,3-48] Ushbu gapdagi "o'pkasidan oy ko'rinishmoq" iborasi ma'no ifodalashga emas, ifoda xususiyatiga ko'ra xarakterlidir. Chunki bu iboraning ifodasida obrazlilik mavjud bo'lib, nutqning ta'sirchanligi ifodadorligi natijasida kuchaygan. Iboralar shunday til birliklariki, ularning paydo bo'lishining zaminida ijodkor xalq topqirligining, donishmandligining natijasi yotadi. Shu boisdan ko'pgina holatlarda iboralar sinonimiysi vujudga keladi va nutqiy rang-baranglikni ta'minlanadi. Masalan: Boshiga kichginagina salla o'ragan cho'qqi soqol chol, negadir, qovog'ini solib turadi.[O'.Hoshimov, 3-69] gapidagi qovog'ini solib turmoq qovog'idan qor yog'iladi iborasiga sinonimdir. Iboralarda sinonimlaming mavjudligi tilning imkoniyatlari bo'lganligi bilan birga ijodkorning individual so'z qo'llash mahorati tufayli vujudga keladi va lug'aviy takrordan qochish, nutqda hilma-xillikni ta'minlash uchun qo'llaniladi.

Yuqorida ko'rib o'tganimizdek, adibning bu asarida frazeologizmlar asar nutqining rang-barangligi va badiiy ta'sirchanligini oshiruvchi vosita sifatida qo'llanilgan.

Adabiyotlar:

1. Karimov I.A.Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch. - T., 2008.
2. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili(darslik). - T.: Universitet, 2006.
3. Hoshimov O'. Ikki eshik orasi.-T., 2011.

ЎЗБЕК-ИНГЛИЗ ТАРЖИМАСИ МУАММОЛАРИ

К. ЖАЛИЛОВ (Тошдўтау) ТАРЖИМАДА ЭКСТРАЛИНГВИСТИК КОНТЕКСТНИ ЕТКАЗИШ МУАММОСИ

(“Евгений Онегин” шеърий романининг ўзбекча таржималари мисолида)

Бадий асар таржимони олдида турган асосий вазифа - бу нафақат оригинал асарнинг фактологик мундарижасини, балки асар муаллифининг гояси, эмоционал-экспрессив ва маданий мазмунини ҳамда асардаги экстралингвистик контекстни адекват тарзда етказиб беришдир. Экстралингвистик контекст - бу ўкувчи ёки тингловчининг матнидаги тил бирликларининг маъносини тўғри тушуниши учун керакли бўлган замон, макон ва реал воқелик тўғрисидаги маълумотлар йигиндисидир (1). Экстралингвистик контекстни тушуниши - бу сўзлар ортидаги реал воқеликларга ишорани тушунишдир, чунки кўпинча матнда ишлатилган сўзлар маъноларининг йигиндиси экстралингвистик маълумотни англаш учун етарли эмас. Эдвард Сепирнинг фикрича, тил - бу ижтимоий воқеликлар бир-биридан қандай фарқ қиласа, тиллар бир биридан шунчалик фарқ қиласи (2. 36-193). Юрий Лотман бу фикрни давом эттирад экан, хеч қайси тил маданий контекстдан ташқарида яшай олмаслигини таъкидлайди (3). Демакки, матнни бир тилдан бошқа тилга таржима қилаётганда оригинал тилнинг ижтимоий ва маданий контекстини ҳисобга олиш ва бу контекста жо бўлган маълумотларни ҳам таржима тилида етказиб бера олиш мухимдир. Рус ва жаҳон таржимашунослигига бу борада муайян тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, ўзбек таржима мактабида бу масалани назарий жиҳатдан тадқиқ қилишга ҳали етарлича эътибор берилмаган.

Бадий асарни бир тилдан бошқа бир тилга адекват тарзда етказиб беришдек мушкул вазифани муваффакиятли бажариш жараёнида қийинчилик туддирувчи асосий омилларни лингвистик ва экстралингвистик муаммолар гурӯхига ажратиш мумкин. Биринчи (лингвистик) гурӯхгареалияларни (4) таржима қилинаётган тилда бериш муаммоси ҳамда шу ўринда келиб чиқадиган лакуналар (5) муаммосини (6) киритиш мумкин бўлса, иккинчи (экстралингвистик) гурӯхга асардаги аллюзияларни – асарда тасвирланётган воқеалар замони ва маконига боғлик воқеа-ходисаларга ишоратларни киритиш мумкин. Таржимон асарни бошқа бир тилда ифодалашга жазм қиласа экан, оригинал асардаги вербал маълумот билан бирга, асар муаллифининг новербал коммуникатив мақсадини ҳам тушунишга ва уни таржима тилида етказиб беришга ҳаракат қиласи (7).

Жаҳон адабиётида шундай асарлар борки, уларга таржимонлар қайта-қайта мурожаат қиласилар ва ҳар сафар асар мазмуни ва экстралингвистик контекстидаги маълумотларни етказишининг янгича усусларини кашф қиласилар. Буюк рус ёзувчиси Александр Сергеевич Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърий романи шундай асарлар сирасига киради. Роман 19-аср бошларида рус халки ҳаётини реал ифодалайди ва ҳақли равишда рус мунаққиди В.Г.Белинский томонидан “рус ҳаётининг қомуси” дея таъриф

берилган. Асар матнида вербал ва экстраплингвистик маълумот шу даражада бир-бирига чамбарчас боғланиб кетганки (8), Пушкин яшаган давр иокеликларини билмасдан туриб асарни тушуниш ва айниқса таржима қилиш имконсиздир. Асар кўп тилларга, жу жумладан, ўзбек тилига бир неча марта таржима қилинган ва бу таржималарда асарнинг мазмуни, руҳи ва Пушкин даври реалияларини адекват етказиб беришига ҳаракат қилинган. Асар ўзбек тилига Ойбек ва Мирзо Кенжабек томонидан, инглиз тилига Элтон, Юджин, Владимир Набоков ва бошқалар томонидан таржима қилинган. Куйида Ойбек ва Мирзо Кенжабек таржималарида экстраплингвистик маълумотни етказиш муаммоси қандай ҳал қилинганига эътибор қаратамиз.

Асар Онегиннинг амакиси ҳакидағи фикрлари билан бошланади ва Онегиннинг ички монологи орқали унинг қандай инсон эканлиги ҳакида маълумот олишимиз мумкин. Аслиятда ўқиймиз: "Мой дядя самых честных правил, Когда не в шутку занемог / Он уважать себя заставил, / И лучше выдумать не мог." (1, I:1-4). Бу мисраларда Онегиннинг амакиси ва умуман бошқаларга нисбатан белгисанд муносабати, худбинлигини қўришимиз мумкин (9). "Самых честных правил" - буюк рус масалависи Криловнинг "Эшак ва мужик" масалига ишора ("Осёл был самых честных правил"). Онегиннинг фикрича, амакиси жиддий касал бўлиб колганида ўлиб ("уважать себя заставил" - қазо қилди) яхши иш қилди ("Его пример - другим наука"), уни (Онегинни) касалга караш ташвишидан халос қилди ("Но, боже мой, какая скуча / С больным сидеть и день, и ночь"). Ойбек ва Мирзо Кенжабек таржималарида бу маънони қўрмаймиз - таржимани ўқиётган китобхонда Онегин касал амакисини тўғри инсон сифатида билади, лекин унга қарашга мажбурлигидан нолимокда деган хуносага келади: "Тақводор қоидапараст амаким, / Бўларкан касалга чинакам дучор, / Ўзин иззатлаини у кўрди лозим, / Бундан соз тадбирни топмоққа ноchor." (10) (Ойбек таржимаси) "Тартибапараст, покоди амаким, / Чин дардгаки дучор ўлмишлар, / Авою тадбир топмай, қарангким, / Иззаттапаб бўлиб қолмишлар." (11) (Мирзо Кенжабек таржимаси). Мирзо Кенжабек таржимасида киноя синтактик воситалар орқали ифодаланган бўлса-да (қарангким, ўлмишлар, қолмишлар), ҳар иккала таржимада ҳам Онегиннинг амакисига ва унинг ўлимига муносабатини қўрмаймиз. Бунинг сабаблари - Крилов масалига ишоранинг ва "уважать себя заставил" фразеологизмининг сўзма-сўз таржима қилинганидир. Бу ўринда мисралар тахминан қуйидагича етказилса муаллиф етказмоқчи бўлган маъно қисман бўлса ҳам сакланиб қолинган бўларди: *Покдомонгина амакижоним, касал бўлиб ётиб қолмишлар, арига рихлат қўлмоқликни мақбул чора дея билмишлар*.

Асарнинг ўзига хос ҳусусияти - муаллиф (шоир) образи. Шоир асарда нафакат воқеани сўзлаб берувчи, балки уларни шархловчи, уларга муносабатини билдирувчи ва фаол иштирок этувчи ҳамдир. Шунинг учун ҳам асарда Пушкин ҳаётидаги воқеаларга ишоратлар жуда кўп учрайди. Шундай ишоратлардан бири - унинг сиёсий шеърлари туфайли Петербургдан сургун қилинишига ишора: "Там (на берегах Невы, т.е. в Петербурге) некогда гулял и я: / Но вреден север для меня." (1, II:13-14) Ўзбекча таржималарда ушбу мисралар сўзма-сўз таржима қилинганилиги туфайли аслиягдаги маъно йўқолган: "У

срларда мен ҳам кезгандим бурун: / Лекин зааралидир шимол мен учун." (Ойбек) "Сайр этганин мен ҳам бир замон, / Алмо шимол мен учун зиён." (Мирзо Кенжабек) Шу уринда "гулять" фельининг сайр килмокдан ташқари, кайфусафо қилмок (кутить, веселиться (прост.). например: гулять на свадьбе) (12) маъноси ҳам мавжудлигини инобатга олсак, ушбу мисралар тагидаги маъно (яъни муаллифнинг Петербургдан сургун килиниши юзасидан киноя) янада ойдинлашади: Уерда (Петербургда) мен ҳам айшим сурардим, Менга шимолни зарар дейшишмагунча (ёки: шимол ҳавосини менга кўп кўришмагунларича).

Асарда 19-аср рус халки ҳаётининг турли кирралари очиб берилган. Биринчи бобда Онегиннинг ҳаёт тарзини тасвирлаш оркали дворянлар ҳаёти, урф-одатлари кўрсатилади. Онегиннинг театрга ташрифи ифодаланган ўринларда куйидаги мисраларни ўқишимиз мумкин: "Ещё усталые лакеи / На шубах у подъезда спят;" (1, XXII:3-4) Пушкин даврида театрларда гардероблар бўлмаганлиги туфайли лакейлар (кароллар) ўз хожалари театрдан чиққунча уларнинг уст кийимларини қўриклаб туришлари керак бўлган. Набоков романнинг инглизча таржималарини шархлар экан, шундай дейди: "Таржимонлардан ҳеч қайсиси тушунмадики, лакейлар - бу дангаса ва уйқучи халқ - хўжайнларининг уст кийимлари устида бемалол ястаниб ухлаганча ўз вазифаларини адо килишарди" (13) Дарҳакиат, инглизча таржималарнинг аксарида бу мисралар маъноси очиб берилмаган. Ўзбекча таржималарда маъно деярли сақланиб қолинган: "Чарчаган лакейлар ухлаб ётишар / Пустинга ўралиб тош останада" (Ойбек) "Қароллар-чи, ҳориб пўстинлар / ичра ухлар йўлакда бу он" (Мирзо Кенжабек) Лекин бу ўринда икки жиҳатта эътибор қаратиш керак: аслиятда "на шубах" (пўстинлар устида) дейилган, таржималарда эса - пўстинга ўралиб ёки пўстинлар аро дейилмоқда, аслиятда "в подъездах" (киришда) дейилган, Мирзо Кенжабек таржимасида йўлакда (коридорда) дейилган. Ушбу ўзгаришлар сабаб таржималарда экстралингвистик маълумот, яъни Пушкин давридаги театрлар хакидаги маълумот (театрларда гардеробларнинг мавжуд бўлмаганлиги ва лакейларнинг пўстинларни қўриклашганликлари) етказиб берилмаган.

Юқорида келтирилган мисоллардан хулоса қилиш мумкинки, асарни бир тилдан бошқа бир тилга таржима қилиш мураккаб жараён булиб, нафақат аслиятнинг лексик ва грамматик ифодасини ҳамда эмоционал бўёгини таржима тилида етказиб бериш, балки экстралингвистик маълумотларни, яъни муайян халқ маданияти ва турмуш тарзига оид деталларга, ёзувчи ва асарни оригинал тилда ўкувчи китобхонга маълум тарихий воеаларга ва асарларга ишоратларни ҳам иложи борича сақлаб колиши ва асарни таржимада ўкувчи китобхонга ҳам тушунарли қилиб етказиб беришни талаб килади. Бунда таржимон асардаги тагмаъноларни тушуниши, керак ўринларда сўзма-сўз таржимадан воз кечиб, вербал ва новербал маълумотни сақлаб колишнинг бошқа йўлларини қидириши лозим бўлади.

Адабиётлар:

1. Толковый переводоведческий словарь <http://perevodovedcheskiy.academic.ru/1960/>

- Сепир.Э. Язык.. Введение в изучение речи // Избранные труды по языкоизнанию и культурологии. М.: Прогресс.1921/1993: 36, 193)
- Лотман Ю. М. Семиосфера. М.: 2000.
- Реалиялар - муайян халқ маданиятига тегишили бўлган предмет ва тушунчаларни ифодаловчи сўзлар.
- Канадалик лингвист олимлар Ж.Вине ва Ж.Дарбелье томонидан илмга киристилган "лакуна" атамаси бир сўзнинг бошقا бир сўзда мукобили, эквиваленти мавжуд эмаслигини билдиради
- Коптева О.В. Лакунарность и развитие языка. // Актуальные проблемы германистики, романистики и русистики. Часть I. Материалы ежегодной международной научной конференции. 3–4 февраля 2012 года, г. Екатеринбург, Россия.
- Клушина Ю. И. Факторы лакунарности в английских переводах «Евгения Онегина» А. С. Пушкина. // Вестник ПСТГУ III: Филология. 2011. Вып. 4 (26).
- Лотман Ю. Роман А. С. Пушкина «Евгений Онегин». Комментарий. Пособие для учителя. М.:1995.
- Непомнящий В.С. Из наблюдений над текстом "Евгения Онегина". Москва, 2000.
- Пушкин А.С. Евгений Онегин. Ойбек таржимаси. Тошкент, 1979.
- Пушкин А.С. Евгений Онегин. Мирзо Кенжабек таржимаси. Тошкент, 1988.
- Толковый словарь Ожегова. <http://dic.academic.ru/dic.nsf/ogegova/43754>
- Клушина Ю. И. Факторы лакунарности в английских переводах «Евгения Онегина» А. С. Пушкина. // Вестник ПСТГУ III: Филология. 2011. Вып. 4 (26).

N.Z.ABDURAXMONOVA,
N.B.ISMATULLAYEVA (ToshDO'TAU)
**MASHINA TARJIMASI UCHUN ILMIY MATNLARDAGI BARQAROR
BIRIKMALARNING ALGORITMİK TAVSIFI**

Tilshunos olimlarning o'ziga xos yondashuvlari natijasida barqaror birikmalar(BB) turlicha nomlar bilan atalib kelingan: idioma, frazeologizm, frazema, turg'un birikma, frazeologik birliliklar kabi. Barchasining xususiyatlarini hisobga olib "barqaror birikma" degan termin obyektni har tamonlama o'rganishda qo'l keladi. Ingliz tilida BBlar murakkab tabiatlidir, negaki ikki yoki unda ortiq birliliklarning o'zaro semantik, grammatick jihatdan birikuvi natijasidayagona birlik hosil bo'ladi. Ilmiy matnlarda BBlarning qo'llanilishi muallifning shaxsiy uslubiga xosdir. Masalan, iqtisodchi M.Dobb va J.M.Keynslarning 100 betlik sahifasida 21ta idioma ishlataligligi qayd etiladi (1).Ilmiy matnlar boshqa uslublardan aniqligi, qolipga solinganligi, termin va undagi so'zlarning bir ma'noga egaligi bilan ajralib turadi. Ilmiy matnlarning o'ziga xos xususiyatlari to'g'risida bir qator ilmiy ishlar bajarilgan. Biroq ilmiy va texnikaviy matnlarni tarjima qilish borasida ba'zi mulohazalar ko'pincha bahsli munozaralarga sabab bo'ladi. Masalan, Eva Mastnáning "The nature of scientific/technical texts from viewpoint of translation studies" (2010, 38) bakalavrlik ishida tarjimashunoslikda ilmiy matlarning tabiatni tahlil qilingan, shuningdek, ilmiy matnlarni tarjima qilishda mashina tarjimasidan foydalananish samaradorligi, iqtisodiy tejamkorligi bilan kelajakda muhim o'rinn egalashini ta'kidlab o'tadi. Mashina tarjimasida "Ilmiy matnga oid bo'lgan klisherlarni, ya'ni turg'un birikmalarni ajratib olish va ularning mazmuniy tarjimasi bilan maxsus lug'atlarga kiritish lozim. Shuningdek, quyidagi lisoniy qoliplar keltiriladi:

| Phrases | [We+V V+u s our +Noun] | [Verb+suffix] +preposition=>Adj | Adverb | Passive voice | Phrasal verbs |
|--|--|--|---|---|---|
| much limited almost all of which very effective much the same most essential very diverse sorts very far from conservative | we are coming to realize we have taken it to be the tube has shown us we are beginning to see we deal with we are now speaking | to be attendant on to be conducive to to be destructive of to be incidental to to be responsive to to be tolerant of | clearly completel y considerab ly essentially fairly greatly significant ly markedly materially perfectly positively reasonably | the voltage is applied the magnetic field is set up the line is terminated the switch is closed | look for look into look down look up look forward |

Inglizcha ilmiy matnlarni o'zbek tiliga tarjima qiluvchi dasturiy ta'minot uchun matn birliklarini avtomatik tarjima qilishda ana shunday Bblarning ekvivalentligini to'g'ritanlash, lingvistik algoritmini tuzish, qolaversa, quyidagi masalalarni hal etish juda muhim sanaladi:

- kiritilayotgan har bir birlikni lingvistik modeli mukammal holda kiritilgan bo'lishi;
- muayyan leksik birlikning qiymati so'z birikmasi, termin, barqaror birikma, qo'shma so'z tarzida alohida lug'atlarda aks etishi;
- dasturiy ta'minot uchun o'zbek tilida har bir birlikning ekvivalenti tavsifiy xarakterga ega bo'lishi kerak.

Terminlarni kontektg'a bog'liq bo'lmay yahlit ekvivalentligini lingvistik ta'minotga kiritish tarjima jarayonini yengillashtiradi. Bu sohada terminlarni tarjima qilishda leksikgarfiyaning oldiga muhim masalalar qo'yiladi. Terminlarning munosib ekvivalentini topishda yoki ularni ikkinchi bir tilga kalkalashtirishda muhim shartlarga e'tibor qaratish lozim. Shu boisdan ham mashina tarjimasida bilimlar bazasi hamda lingvistik ta'minot tarjima faoliyatini yengillashtirish bilan birga matnda anglashilgan umumiyl konseptni aniqlashtiradi ham.

- Fe'lli frazemalar (FF)ham o'timli va o'timsiz (*transitive and intransitive verbs*) turlargabοlinadi:
- Verb+preposition (transitive) =>*Listen to this record. Listen!*
 - Verb+particle (transitive) =>*Take off your hat. Take your hat off.*
 - Verb+particle (intransitive) =>*Sit down!*
 - Verb+particle +preposition (transitive) =>*We've run out of matches.*

Ingliz tilida predloglarning asosiy vazifasi gap bo'laklarini sintaktik munosabatga kirishiga yordam berishdir. Ular fe'lli frazemaning o'zgarmas qismi

(particle) deb ataladi. Ba'zi o'rirlarda ular o'zi anglatyotgan ma'noni saqlab qolsa, ba'zan semantik yahlitlanib, bir butun leksemani hosil qiladi.

Frazemalarni ma'no ko'chishning o'z va ko'chma ma'no guruuhlariga ko'ra ham ajratish mumkin: a) drop off (to'kilmoq- o'z ma'no); b) drop off (mudramoq, ko'zi ilinmoq-ko'chma ma'no). Ularni yana quyidagi namunalar misolida ham uchratish mumkin: 1. I think, you have picked up a flu (kasal bo'lmoq); 2. I picked up Spain when I was in it (o'rganib olmoq, bilib olmoq); 3. I was picked up for speeding my car (so'roqqa tutilmox); 4. I am picked up at 6 p.m.(olib ketmoq); 5. Fortunately, economy is starting pick up(yaxshilanmoq, o'smoq, yuksalmoq). Frazema fe'llar shunday nozik xususiyatga egaki, o'zgaruvchi qismning tartibini o'zgartirish yoki boshqa u bilan turdosh bo'lмаган leksemaning kelishi ma'noning umumiyligi o'zgartirishi mumkin: blow off -1) uchirib ketmoq, esmoq, esib turmoq; 2) g'azablanmoq, jahli chiqmoq; 3) vaqtini bekor sarflamoq; blow smb. off - e'tiborsiz qoldirmoq, e'tiborga olmaslik, nazar-pisand qilmaslik; blow smth.off-kutilayotgan joyga bormaslik yoki qatnashmaslik, biror kimsa bilan uchrashuvni qoldirmoq. Demak bu kabi frazemalarni tarkibiy qismlari ajralish yoki ajralmasligi mumkin: 1) ajraladigan (seperable- shut down -shut it down; 2) ajralmaydigan (inseperable -go in for)

Shu bois ayrim o'rirlarda fe'lli frazeologik birliklar bilan gumon olmoshlari (GO) (smth., smb., somewhere) birlgilikda berishi maqsadga muvofiq. Bu esa u yoki bu frazemalarni ajralish yoki ajralmasligini ko'rsatishga xizmat qilsa, yana bir tomonidan uni fe'l nisbatlarini ham o'zgarishiga sabab bo'ladi: *wake up -uyg'onmoq; wake smb. up -uyg'otmoq*. Yana bir jihatni gumon olmoshlari (GO) fe'lli frazalar tarkibida bo'lsa, ma'noga ta'sir etmasligi yoki umumiyligi semani o'zgartirib yuborishi mumkin. Masalan, quyidagi jumlalarda ma'noga ta'sir etmaganligini ko'rishimiz mumkin: *I invited him to come to our party but he turned me down. -Men uni kechamizga taklif etdim, lekin u meni rad etdi; I hope my project will not be turned down. -Umid qilamanki, mening loyiham rad etilmaydi*. Yana bir misolda esa GOlarini o'zgartirish bilan ma'noga ta'sir etganini ko'rish mumkin: *perksmb. up -ruhlantirmoq, dalda bermoq, ko'nglini ko'tarmoq; perk smth. up -* 1) tozalamoq, yangilamoq, musaffo qilmoq; 2) (iqtisodni) jonlanirmaq, ko'tarilishiga sabab bo'lmoq (narxni); *perk up -1) (boshini) ko'tarmoq, faollashmoq; 2) (narh-navo haqida) ko'tarilmoq, o'smoq; 3) jonlanmoq, ruhlanmoq, jon kirmoq; 4) (kasallikdan keyin) sog'aymoq, tuzalmoq, sog'ayib ketmoq.*

Shuningdek, GOlari o'mida jonli yoki jonsiz ot leksemlarnig qo'llanilishi ma'nolari bir xil bo'lsa ham predloglar bilan farqlanishi mumkin: **agree with smb.** — biror kishi bilan kelishib olmoq; **to agree to** — biror narsaga kelishmoq, qo'shilmoq; **to be angry with smb.**, **to be angry at smth.** — jahli chiqmoq; **to be sorry for smb.**, cp. **to be sorry about smth.** — kechirim so'ramoq.

Ingliz tilidagi FF o'ziga xos yana bir jihatni o'zbek tiliga tarjima qilishda ko'zga tashlanadi. U yoki bu frazemaning ma'nosini bir leksemaga yoki so'z birikmasiga, hattoki ba'zi o'rirlarda iboralarga teng kelishi mumkin. Masalan, wantsmb. orsmth.outofsmth.-kimningdir ketishini yoki chiqishini xohlamog (so'z birikmasi) yoki wantforsmth. — ehtiyoj sezmoq, muhtoj (hojatmand) bo'lmoq, talab qilmoq (qo'shma fe'l), want for -xohlamog, istamoq (sodda fe'l) tarzida.

FFlar murakkab tabiatli bo'lib, **fe'l+predlog** sifatidagina hisoblash mumkin emas, fe'lidan keyin keladigan otlarning jonli yoki jonsiz turlarining kelishi va hattoki hayvon leksemalarining kelishi ham ma'noga ta'sir etishi mumkin.

Fe'llar **fe'l+leksema** {predlog} tarzida ham nomoyon bo'ladi. Bunday birikmaning murakkab tabiat shunda ko'rindiki, kontekstdagi holatiga qarab uni erkin birikma yoki barqaror birikma tarzida ham tarjima qilish mumkin.

take off one's hat (to smb.)

shiyapishni yechmoq

kimningdir oldida in'zim qilmoq, tashin o'qimoq, tasanno
aytmoq

Yana bir jihat, ba'zi FFlar o'zbek tiliga tarjima qilinayotganda unga qo'shimcha leksemalar qo'shilish holatlari ham kuzatiladi:

think smth. up

*atroflichay tinxsta, obdom,
chuguch* o'ylab ko'tmoq

o'ylab *chizarmoq, istiro almoq*

Buning uchun biz tadqiqotimizda ingliz tilida mavjud 12 mingta fe'lli frazemalarning lug'atini yig'ib, ularning o'zbekcha tarjimasini elektron lug'atga kiritdik. Ularning lingistik modellari quyidagilar (7):

- I. V+ADV=>calm down
- II. V + PREP.=> keep on
- III. V+PREP+PREP=> put up with
- IV. V+ADV+ PREP.=> change out of smth. (kiyimlarni yechib almashtirmoq)
- V. V+N/PRON+ADV =>call smth. down (to smb.)
- VI. V+ADV+pro/N =>pull down smth.
- VII. V+PRON+ADV=> call smth. down (to smb.)
- VIII. V+ N/PRON + PREP=>give something away
- IX. V+a/ an+Noun=>make a noise }
- X. V+a/ an+V=>have a smoke } qo'shma ot

FFlarning yana bir xarakterli tomoni ayrimlari o'tgan zamon shaklida bo'lib, ular sifat yoki sifatdoshta aylangan bo'ladi: **bent on doing smth.; bereft of smb. or smth.** - 1) *ayrilgan, judo bo'lgan;* 2) *bo'sh, quruqdan-quruq, yuksiz.* Shu bois bunday tuzilishdagi birliklar ham lug'atda o'rinn olganbo'lishi lozim.

Fe'lli frazemalarning ba'zilarida o'zgaruvchi qismlar (fe'llar) hamda o'zgarmas qismlar (predloglar) o'rtasidagi sinonimiyanı ham kuzatiladi: **have at smb.-go at smb. (tashlanmoq, hamla qilmoq, hujum qilmoq); turn off -turn out (o'chirmoq).**

Shuningdek, fe'lli frazemalardan hosil bo'lgan otlar ham mavjud bo'lib, ular yahlit holga kelib qolgan. Bu kabi otlar ikki tuzilishga ega: 1) **predlog+fe'l (offspring -a) zot surriyot; b) mahsulot, natija;** 2) **fe'l+predlog{ravish}** (takeover -a) *o'lja; b) davlat to 'ntarilishi.*

Ular og'zaki nuqtda bir xil talaffuz qilingani bois farqlash biroz mushkul, ma'nolari ham o'zga. Shuning uchun ba'zi iboralarda shunday shakllami ham keltirilishi lozim.

Matndagi barcha lingistik holatlar inobatga olingandan so'ng, kiritilgan matnni leksik tahlil qilamiz.

Kiruvchi matnni leksik tahlil qilamiz. Leksmani qidirish algoritmiga ko'ra joriy leksemani leksemalar jadvaliga (LJ) joylanadi. LJ da leksemaning tartib raqami, leksema nomi, kodi, turi va tarjimasi joylashadi.

Joriy leksema (L1) o'qilgandan so'ng, bunday leksema mavjudmi, agar mavjud bo'lsa u qaysi jadvalda joylashgan, kodi qandayligi aniqlanadi. L1 V (verb) jadvalida uchrasa, keyingi leksema (L2) o'qiladi. L2 leksema proN, Prep, Adv jadvallaridan qidiriladi, agar uchrasa, L1+L2 ulanadi, keyingi L3 leksema o'qiladi va keyingi qidiruv ishlari davom ettirilladi. Bu holat L1+...+Ln leksemalar ketma-ketligi VpronAdv, VpronNPred, VPP, VP, VAdv jadvallarida uchraguncha yoki aksi bo'lgan holatgacha davom etadi. Mos jadvalda uchrasa L1+...+Ln leksemalar ketma-ketligi bitta leksema deb qaraladi va LJ ga mos tartibda joylanadi.

Agar uchramasa, L2 leksema artiklmi (a/an)ligi aniqlanadi. L2 artikl bo'lsa, keyingi L3 leksema o'qiladi va u Noun yoki V jadvallaridan qidiriladi, L3 ushbu jadvallarda uchrasa, L1+L2+L3 leksemalar ketma-ketligi bitta leksema deb qaraladi va LJ ga mos tartibda joylanadi. Uchramasa L1 ning o'zi LJ ga V sifatida joylanadi.

Leksemalar jadvali

| T/r | Nomi | Kodi | Turi | Tarjimasi |
|-----|---------|------|------|-----------|
| 1 | I | 102 | N | Men |
| 2 | put off | 254 | VP | |
| 3 | my | 110 | | |
| 4 | meeting | 203 | | |

1-qadam. Joriy leksemani (L_i) o'qiymiz. L_i bo'sh bo'lmasa, 2-qadam, aks holda ishni to'xtatamiz.

2-qadam. L_i ni V jadvaldan qidiramiz, uchrasa 3-qadam, aks holda 1-qadam.

3-qadam. L_{i+1} ni o'qib, uni proN, Prep, Adv jadvallaridan qidiriladi. Jadvallardan birortasida mavjud bo'lsa, 4-qadam, aks holda 6-qadam.

4-qadam. L_{i+2} leksemani o'qiymiz. L_{i+1} leksema ProN jadvalidan topilgan bo'lsa, L_{i+2} leksema Adv, Prep jadvalidan qidiriladi. L_{i+2} ushbu jadvallarda uchrasa 5-qadam, uchramasa L_i ni V sifatida LJ ga joylanadi va 1-qadam.

L_{i+1} Adv jadvalida bo'lsa, L_{i+2} leksema Prep, proN jadvalidan qidiriladi, uchrasa 5-qadam, uchramasa $L_i + L_{i+1}$ bitta leksema sifatida LJ ga joylanadi va 1-qadam.

L_{i+1} Prep jadvalida bo'lsa, L_{i+2} leksema Prep jadvalidan qidiriladi, uchrasa 5-qadam, uchramasa $L_i + L_{i+1}$ bitta leksema sifatida LJ ga joylanadi va 1-qadam.

5-qadam $L_i + L_{i+1} + L_{i+2}$ ulanib, bitta leksema deb qaraladi va L_{i+2} ni LJ ga joylanadi va 1-qadamiga qaytiladi.

6-qadam. L_{i+1} ni artikl ekanligi tekshiriladi. Artikl bo'lsa, L_{i+2} Noun yoki V jadvallaridan qidiriladi. Jadvallardan birortasida mavjud bo'lsa, 5-qadam, aks holda L_i ni LJ ga mos tartibda joylanadi, 1-qadam.


Shunday qilib, LJ jadvalni to'ldirib olinadi. Natijada matndagi barcha Verb, Phrasal Verb larni mos qiymatlari bilan birga ajratib olamiz. Va ular ustida kerakli ishlovlarni amalga oshiramiz.

Leksemalar jadvali

| T/r | Nomi | Kodi | Turi |
|-----|----------------------|------------|-------------|
| 1. | put smth down | 102 | PhSV |
| 2. | put off | 254 | PhV |
| 3. | put | 110 | MV |
| 4. | take a shower | 336 | CV |

Algoritmning blok

sxemasi:



Bu yerda:

S_0 – birinchi leksema

S_m – oxirgi leksema

i – joriy leksema

$n = i + 1$ chi leksema

$j = i + 2$ chi leksema

k – natijaviy leksema

$s1$ – sanagich

$LJ[]$ – leksemalar jadvali

Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, mashina tarjimasi uchun lug'at yoki grammatik qoidalarning berilishidan tashqari ularning semantik bazasi ham berilishi maqsadga muvofiq. Su bois ingliz tilidagi fe'lli frazemalarning o'zbekcha tarjima

Inqilab linguistik ma'lumotlar bazasiga kiritildi. Endilikda ingliz tilidagi barcha so'z mukumlari bilan bog'liq barqaror birikmalarning o'zbek tiliga tarjimasi bo'yicha ishlar amalga oshirilishi nazarda tutilgan.

Adabiyotlar:

1. Вершинина М.И. Идиоматическая фразеология в английском языке делового общения: лексикологический, лексикографический и функциональный аспекты . – Дисс. ... док. филол. наук. – М., С 24
2. Н.З. Компьютерда илмий матнларни таржима қилишнинг асосий масалалари// Илм сарчашмалари журнали № 5. Хоразм, 2013 –Б. 40-45.
3. Н.З. Машнина таржимасининг лингвистик асослари. Тошкент, Академнапр, 2012, 160 бет.
4. Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке / Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М., 1977. – С.140– 161.; Изотова А.А. Деформация английских фразеологических единиц в функциональном освещении. – Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1992.;
5. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – Изд. 2-е, перераб. – М.: Высшая школа, Дубна: Издательский центр «Феникс», 1996.; Луконина Е.К. Идиоматическая фразеология в языке и речи(на материале современного английского языка) – Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1986.;
6. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М.: Московский государственный университет. Филологический факультет, 1998.
7. Oxford Phrasal Verbs Dictionary for learners of English. Oxford university press. 2002

С. ПОЛВАНОВА, КИХИ (ЎЗМУ) ТИЛ ВА МАДАНИЯТНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА

Тил ва маданиятни уйғунликда ўрганиш тилларни қиёслаш асосида олиб бориш учун муҳим ва зарурий вазифалардан бири хисобланади. Шу муносабат билан биз тил ва маданият тушунчасига тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Чунки улар алоҳида масала бўлиб, биз бу мақолада айнан уларнинг ўзаро таъсири ва муносабатини ёритишда инглиз ва ўзбек тилларининг лексик ва фразеологик бирликларига ёндашиш тариқасида кўриб чикишни мақсад килганмиз. Бу эса ўз навбатида лингвокультурология фани билан боғлиқдир.

Лингвокультурология тилда намоён бўладиган миллат маданиятини бирлаштириш масаласини ифодалаш билан шуғулланади (1) деб В.А.Маслова таъкидласа, В.В. Воробьевэса “лингвокультурология - “комплекс синтезловчи илмий таълимот типига кириши билан бирга, тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири ва алоқаларини, маданий бирликлар(нормалар тизими ва умуминсоний қадрияллар), ҳозирги приоритетлар йўналишлари билан тизимли методлар ёрдамида уларнинг лисоний ва нолисоний(маданий) мазмунининг бирлигидаги яхлит структура сифатида бу жараёнларни акс эттирувчи вазифаларини ўрганади” (2) деган фикри билдиради.

В.В.Красных фикрича, лингвокультурология бу тил ва дискурсда маданиятни тўплаш, ифодалаш ва намоён қилишни ўрганувчи таълимот (3)деб хисоблайди. Демак, бу иккала фаннинг уйғунлиги тил, лисон ва нутқнинг маҳсули бўлиб, миллатнинг маданий белгиларида намоён бўлади.

Маданий белгилар деганда унинг семиотик яъни белги функцияси мухим аҳамият касб этади. Ҳар қандай семиотик белги бирор бир этносҳақида маълумот ташувчи вазифани бажаради. Шулардан бири **артефактлар** (лот. *artus-* – factus- қилингган) бўлиб, улар маданий феноменлар ҳисобланади. Улар инсонлар томонидан яратилган нарсалар, ғоялар, топилган услуб ва ҳаракат воситаларининг кўлланилишидир.

Ю.Н.Солоник ва М.С.Каган “Культурология” китобида изоҳлаганидек, маданият феномени бу ўзида маъно олиб келувчи истаган артефакт бўлиб, мазмунга эга бўлган белги сифатида намоён бўлади. Белгилар йигиндиси социал информацияни ўз ичига олувчи матнларни ҳосил қиласди. Демак, инсон томонидан яратилган моддий ва маънавий маданиятнинг ҳар бири алоҳида белгилар ҳисобланиб, улар ўша миллат маданияти ҳакида бизга номаълум бўлган кизиқарли маълумотларни ташибиди. Масалан, ўзбек миллатининг белгиси сифатида дўппини мисол қилиб оладиган бўлсак, у ҳам битта артефактдир.

Дўппи тўртбурчак, думалок шаклли, гулдор ва гулсиз эркак ва аёллар киядиган бош кийим бўлиб, бошни офтоб уриши ва совукдан асрараш вазифаларини бажаради. Бундан ташқари ҳозирда аёллар узун оқ рўмоллар ўраши ва эркаклар дўппи кийиши диний маросимлардан бири, азани англатади. Шу ўринда ўзбек миллатига хос бўлган дўппи билан боғлик бир талай фразеологик бирликларни келтириб ўтиш ўринлидир.

Дўппини алмаштиргандек; дўппини ерга қўйиб; дўппининг тагида одам бор; дўппини осмонга отмоқ; дўпписини ол деса, калласини олмоқ; дўпписи яримта, дўппи тор келганда.

*‘Дўппини алмаштиргандек’ фразеологик бирлик денотат маъноси дўпписини бошқасига ёки янгисига алмаштириб кийиш бўлса, коннотатив маъноси жуда осон, кийинчилик түғдирмайдиган демақдир. Масалан, *Бош омон бўлса, иши топини дўппини алмаштиришига ўшиши бир нарса* (А.Обиджон, Аканг қарағай Гулмат). ЎТИЛ 1 жилд.Б.676.*

Буни ўзбек миллатининг майший ҳаётидан бир лавҳа сифатида хамир артефакти билан келтириш мумкин. ‘Хамирдан қил сугургандек’ фразеологик бирликда хамир белги вазифасида маданий маънога эга. Бу ибора бадиий асарда ёзувчининг ижодий маҳорати орқали матн ёрдамида янада ойдинлашади. ... *Ҳамма ишини хамирдан қил сугургандек қилиб силлиқ битиралидиган, сизлаб туриб, қулиб туриб, жон оладиган, қайнатасичи?*(О.Ёқубов Эр бошига иш тушса. Сайланма.)

Дўппи билан боғлик инглиз тилидаги сўз ва иборалар кўпинча *hatva* саркомпоненти билан берилади ва биз уларни дефинициялари билан келтиришни лозим топдик. *Go hat in hand to sb* – ўта мулоимлик билан бирор бир нарса, айниқса пул сўрамоқ; *keep sth under your hat* – бирор нарсани бировга айтмасдан сир сакламоқ; *my hat* – хайрон бўлмоқ; *hats off to sb/I tip my hat to sb* – бировнинг ишидан завқланганда айтилади; *throw your hat into the ring* – бирор бир мусобақада ёки сайловда катнашишини зълон қилмоқ; *to cap it all* – хунук хабарни етказмоқ.

Дуннинг компонентли фразеологик бирликларнинг инглиз ва ўзбек маданиятига хос муштарак маъноларга эгалиги: *дуннинг тагида одам бор - көр* sit under your hat; *дунни осмонга отмоқ -hats off to sb/I tip my hat to sb.* Иккала маданиятдаги бу артефакт аза семиотикасини англатади. Айниқса, инглизларда *Black cap/Judgement cap* – маҳбусга ўлим ҳукми ўқилганда судья томонидан кийилади. Бош кийимини кийиш бошқа миллатлар, яъни исройликлар, юнон, рим, англо ва саксонлар орасида ҳам аза семиотикасини ифодалайди.

Фақат инглиз маданиятига хос семиотик белгилар *hat/cap* билан қўйидагиларда яқъол қўзга ташланади:

Cap of Liberty – Республикачилар рамзи

Cap of Maintenance – шляпа удум ва маросимларда юқори мансабдаги кишиларни ажратиб туриш учун кийиб юриладиган бош кийим. Бу билан уларнинг социал мақомини ҳам белгиловчи семиотик белгилардан бири ҳисобланади.

Cap of Father days – болалик/ ёшлик давр

The Blue caps – Шотландлар томонидан кийиладиган бош кийимбўлиб, уларни ирланд, инглиз ва уэллесликлардан ажратиб турувчи семиотик рамзи ҳисобланади. Ҳозирда ҳам Бирлашган Қиролликда кўклар спорт жамоаси бўлиб, улар ‘The light Blues’, ‘The dark Blues’ оч ва тўқ кўклар деган ибора билан юритилади.

Cap a pie иборасининг эквиваленти *from head to foot* бошдан-оёқкача деб таржима қилинади.

Cap/hat money-кема эгасига саёҳат охирида соғ-саломат етказиб келгани учун бериладиган миннатдорчилик пули, у шапка, ёки шляпаларга солиб терилган. Бу ўзбек цикр артистларининг гастролларида қўйган томошаси учун йигиладиган хизмат ҳаққига мувофиқ келади.

*To wear caps and bells*бу фразеологик бирлигининг денотати шапка ва қўнғироқ тақмоқ, коннотати эса мазах ва кулги, профессионал масҳарабозлик семиотикасидир. Маълумки, Англия қиролларининг ёнида ҳар доим масҳарабоз бўлиб, у қўнғироқчалар осилган қалпок кийган.

Юқорида келтирилган таҳлиллар шуни кўрстадики, ҳар иккала тилда ҳам тил ва маданият муштараклиги лексик ва фразеологик бирликлар семиотикилигидадир. Чунки семиотик белгилар яширин лисоний ва маданий маълумотларташувчилар ҳисобланади. Тиллар қиёсида улар экстралингвистик омиллар билан тадқики семиотик концептларни келтириб чиқаради. Бу тушунчаларни кенгроқ кейинги мақолаларда ёндашишимизга тўғри келади.

Адабиётлар:

1. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001. - С.27.
2. Воробьев В.В. Лингвокультурология. - М.: Из-во Российского университета дружбы народов. 2006. -С. 37.
3. Красных В.В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология. – М.: Гнозис, 2002. - С.12.
4. Сабитова З.К.Лингвокультурология. - М.: Наука Флинта, 2014. – С.524.
5. Культурология: Учебник/ под ред.Ю.Н.Солонина, М.С.Каган. – М.: Высшее образование, 2007. – С.566.

6. Ўзбек тилиннинг изоҳи луғати. 1- жилди. – Т.: Ўзбекситон Миллӣй Энциклопедијаси, 2006.

7. Cambridge idioms Dictionary / - Cambridge University Press. 2010. -P.489.

Г.Х.ВАЛИЕВА, КИХИ, (ФарДУ)

ПАРЕМАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ ОРҚАЛИ УМУМБАШАРИЙ ТАФАККУР МEZОНЛАРИИ АНИҚЛАШ

Халқ тажрибаси асосида шаклланаби унинг маънавий дунёси, воқеа-ходисаларга муносабатини ўзида мужассамлаштирган паремиологик бирлик сифатидаги мақоллар айни пайтда мазкур халқнинг ментал хусусиятларини ҳам акс эттиради. Улар замирида мужассам ғоялар доимо инсонлар учун тарбия ўчоғи бўлиб хизмат қилиб келган, улар ҳеч бир шубҳасиз мақолларга ишонгандар. Дарҳақиқат, халқнинг турмуш, ҳаёт хақидаги тажрибалар асосида шаклланган қараашларини, маънавий дунёсини акслантирган мақоллар донолик ва тұғрилиқдан йироқ булиши мумкин ҳам эмас. Шунга күра йиллар тұғонини ортда қолдирған, ҳар бир муаммоли вазият ечимини бера оладиган, энг тұғри яшаش назариясини тарғиб қиласидиган мақоллар замирида ётган фикрлар барча халқлар учун умумийлікни касб эта олади.

Яхши ва ёмонни ажратиши, хислатлар ва иллатлар чегарасини билиш, кечаги кундан хулоса чиқариш, эртанги порлок ҳаётта ишониш, меҳнатсеварликни ўзида шакллантира олиш кабилар ушбу мақоллар мундарижасини ташкил этаркан, энг муҳими улар баркамол инсон чизгиларини яратишига хизмат қиласи. Ҳар бир халқ, миллат учун умумий бўлган эзгу ғоялар, улар томонидан кораланган иллатлар бирлиги мақолларни қиёсий ўрганганимизда янада яққолроқ кўзга ташланади. Асрий ҳикматларда яширинган ҳаётий сабоқлар бутун инсониятни тұғри йўлга чорлаётгандығы маълум бўлади. Масалан, бир нодон инсон жамият эмаслигини, унинг фикри кўпчилик қараашларини акс эттираслигини ўзбеклар “Бир қарға билан қиши келмас” мақоли орқали образли далиллайдилар. Айнан шу фикр учун хитойлар “Бир актёр пъесани ўйнолмайды” мақолини, французлар эса “Бир инсон бал ташкил этолмайды” мақолини ишлатадилар. Мазкур намуналардан турли халқлар ўзига хос ментал хусусиятларга эга бўлишига қарамай уларнинг юзага келган вазиятни баҳолашда умумий фикрга эгалигини кўришимиз мумкин. Ушбу мақолларда ифодаланған фикр турфа воқелик асосида шаклланган бўлса, баъзан географик жойлашувдаги узок масофага қарамай турли халқтарнинг яқдил ғояси айнан бир воқелик билан ҳам ифодаланилади:

- { Инглизларда: First think, and then speak (Аввал ўйла, кейин сўйла)
- { Ўзбекларда: Аввал ўйла, кейин сўйла.[1]
- { Ўзбекларда: Кўздан нари-кўнгилдан нари. [2]
- { Русларда: С глаз долой-из сердца вон.[3]

Кардош халқлар орасидаги мақоллар мантиқан бир-бирига жуда яқин бўлиши билан бирга айнан бир хиллари ҳам учрайдики, бу ҳам бўлса ушбу халқлар ўртасидаги маънавий яқинлиқдан дарак беради. Масалан, “Ватансиз инсон -куйсиз булбул” ўзбек халқ мақоли киргизларда “Мекенсиз адам –унсуз булбул” тарзида ифода этилади. Бу эса асрлар давомида яшаш тарзи, ҳаёти бир

бўлған туркий халқлар дунёқарашининг ҳам муштараклигидан дарак беради. Чунки улар яшаган маконларнинг географик жойлашуви, яхлит бир юртда яшаганлиги, давлат тузилмасининг бирлиги ўзаро интеграциялашув жараёнини янада тезластирган.

Баъзан эса қардош халқлар ўртасидаги мақолларни қиёслаш билан мантикий тўғрисига дуч келиниб лингвокультурологик муаммоларга ечим топилади. “Отамнинг (?) ўлишини билсам, бир коп кепакка алмашиб ердим”, “Отамнинг (?) ўларин билсам, чекса кепакка сотиб ердим”, мақоллари халқимиз орасида кенг ишлатилиб келинади. Лекин ушбу мақоллар гояси мантиққа ҳам, одамийликка ҳам, ахлоқий назарияга ҳам тўғри келмайди. Шуни эътиборга олиш керакки халқ бундай файриинсоний ва файрияхлоқий гапни айтмайди ҳам, уни маъкул кўриб мақол тариқасида айтиб юрмайди ҳам. Фақат мақолнинг тилдан тилга кўчиш жараёнида товуш алмасиши ҳодисаси юз бериб автоматик ёдлов юзага келган. Маълум бўлишича мазкур мақолнинг мантиққа тўғри варианти туркман халқида сақланниб қолган ва у: “Атымын олжегини билсем, дуза чалкашардым” (таржимаси: “Отимнинг ўлишини билсам, тузга алмаштирадим”) деб кўлланар экан[4].

Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, маъно моҳиятига кўра бир бўлган мақоллар бошқа бир тилда ўзгача метафорик ўхшатиш билан шаклланган бўлади. Масалан, меҳнат ва меҳнатсеварликни улуғловчи “Элнинг кўрки ер билан, Эрнинг кўрки тер билан”, “Балик сувнинг чуқуруни, Мард ишнинг қийинини излар” мақолларининг турк тилида ўзига хос ифодаланган варианти ишлатилади: “Даг basına kis gelir, insanın basına is gelir” (тоғ бошига қиши келар, инсон бошига иш келар). Лекин ўзбек тилидаги вариантларда меҳнат қилиш шукроналик гояси билан тарғиб қилинса, турк тилидаги вариантда меҳнатга сабр гояси етакчилик қиласи.

Мақоллар халқ донолиги, тажрибаси асосида шаклланган экан, бир халқда мавжуд мақоллар моҳияти ўзга бир халқ тафаккури чегарасидан ташқарида бўла олмайди. Халқнинг ўзигагина хос миллий менталитетини акс эттирган айrim намуналарни хисобга олмаганда, аксарият ҳолларда, мақолларда умумбашарий қарашлар намоён бўлади. Бундай қарашлар сабоги эса ҳар томонлама етук шахсни тарбиялашга хизмат қиласи.

Адабиётлар:

1. Караматова К.М., Караматов X.C.Pronerbs, мақоллар, пословицы. – Тошкент: Меҳнат, 2000. Б. 98.
2. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1989. Б. 220.
3. В.П.Фелицына, Ю.Е.Прохоров. Русские пословицы, поговорки и крылатые выражения. – Москва: Русский язык, 1980г. Стр.84
4. Ш. Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов. Ҳикматнома. – Толкент, 1990. Б. 10.

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

| | | |
|-------------------------------|--|----|
| Сирожиддинов Ш.С. | Ёзма нутқ маданияти – давр талаби..... | 3 |
| Махмудов Н. | Ўзбек адабий тили: алифбо ва имло муаммолари... | 6 |
| Собиров А. | Сўз кўллашда ҳеч кимнинг адашишга ҳакки йўқ... | 11 |
| Йўлдошев И. | Терминологияда диахрон таҳдилнинг аҳамияти... | 13 |
| Акбаров А. | Глобаллашган дунёда ўзбек (давлат) тили ва инглиз (чет) тилларининг муносабати..... | 16 |
| Лутфуллаева Д. | Тил эгалари лисоний заҳирасини ўрганишда ассоциатив тажриба методининг аҳамияти..... | 22 |
| Азимов И. | Она тили таълими тизимининг шаклланишида жадид намояндадарининг ўрни..... | 27 |
| Рахматов М. | Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳабbat” асаридаги ажратилган бўлакларнинг синтактик семантик хусусиятлари..... | 33 |
| Маджидова Р. | Тил ўрганиш муаммолари ва психолингвистика.... | 37 |
| Ҳакимова М. | Абстракт сифатларнинг лексик-семантик гурухланиши..... | 39 |
| Ёдгоров X., Худойкулова Ш. | Қариндошликни ифодаловчи айрим терминларнинг этимологияси хусусида..... | 41 |
| Джаббаров X. | Синонимы в земледельческой терминологии узбекского языка..... | 45 |
| Давлатова Р. | Ўзбек тилида макон дейксиси ва унинг ифодаланиши..... | 46 |
| Пардаев А. | Дискурс ҳақида айрим муроҳазалар..... | 49 |
| Ahmedova N. | Sintaktik birliklarda mo‘tadillashuv..... | 51 |
| Ибрагимова Ф. | “Тилимизнинг тилла сандиги” ҳақида муҳтасар муроҳаза..... | 53 |
| Исмоилов F. | Фразеологизмларда “маънавий код”ларнинг ифодаланиши..... | 57 |
| Курбонова М.А. | Ўзбек болалар нутқининг дейқтик хусусиятлари... | 59 |
| Усмонова С. | Кўкон шаҳри мадрасалари номлари..... | 62 |
| Абдунабииев С.Б. | Араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзларнинг лексик-семантик хусусиятлари..... | 64 |
| Умурзоқова М. | Сегмент курилмаларнинг шеърий асарларда қўлланилиши..... | 66 |

| | | |
|--|---|-----|
| Насонирова Г.Т. | Онтогенез жараёнида лисоний онг тавсифи хусусида..... | 69 |
| Сидинова Н. | Бадий матнда контрастнинг ифодаланиши..... | 73 |
| Валиев Т. | Автойўлсозлик терминларининг тил лексик системасида тутган ўрни..... | 76 |
| Мусаева Ф. | Жинс маъносини ифодалашда миллий қадриятларнинг роли..... | 79 |
| Тўраева Д. | Топишмок-шеърларнинг болалар лексиконига бўлган таъсири..... | 81 |
| Курбонова Б. | Ўзбек тилида “Урин” белгисини ифода этувчи лингвистик бирликлар..... | 85 |
| Сайдирахимова Н., Кабулова У. | Тил, нутқ ва нуткий фаолият концептуал системаси -тилшуносликнинг ўрганиш обьекти сифатида..... | 87 |
| Жуманазарова Г.У., Жуманазарова Д.У., | Лексик-стилистик қатламлар ва уларнинг семантик табииати..... | 90 |
| Усмонова М.С. | Алишер Навоий асарларида дарахт номларининг кўлланилиши..... | 94 |
| Махкамова Д. | Терминологиянинг айрим назарий масалалари..... | 96 |
| Еқубов А. | Тарихий адабий тилимиз тўгрисида мулоҳазалар.. | 100 |
| Ширинова Е. | Ўзбек тили банк-молия терминологиясида гипер-гипонимия..... | 101 |
| Султонова Ш.М. | Лингвистик тадқиқотлар ва корпус тилшунослик борасида..... | 104 |
| Dustmurodov M. | Ilk o'rta asrlarda markaziy osiyoda til vaziyati..... | 106 |

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА ТАЪЛИМ

| | | |
|--|---|-----|
| Менглиев Б. | Ўзбек филологияси бакалаврларининг касбий компетенцияси хусусида мулоҳазалар..... | 109 |
| Ниёзметова Р., Мавлонова К. | Она тили ва адабиёт дарсларини ўзаро интеграциялаш..... | 111 |
| Муҳамедова С.Х., Юлдашева Ш.Ш. | Педагогик дастурий воситалар ва тил таълими..... | 113 |
| Сапарниязова М. | Ўзбек тилини ўқитиш методикаси: муаммо ва ечимлар..... | 117 |
| Абдурашидов З.Ш., Сотиболдиева С.Р. | Шарқ тилларини ўқитишда ўзбек тилидаги манбаларнинг аҳамияти..... | 119 |

| | | |
|--|--|-----|
| Юсупова Т. | Она тили таълимидағи муаммолар ва уларнинг ечимлари..... | 123 |
| Зиядова Т. | МЯБТ-4 модули асосида бадиий матн яратиш технологиялари..... | 125 |
| Юлдашева Ш.Ш., Уразбоева Д.А., Гулманова К.Э., Янгибоева Г.М. | Тил таълими: виртуал ўқув-методик мажмуалар яратиш технологиялари ҳақида..... | 127 |
| Зиёдуллаева Г.Ш. | Мухокамадан татбикқача..... | 130 |
| Ashurova N.A. | Ona tili darslarida maqollardan foydalanish..... | 134 |
| Худайкулова Л.А. | Ўзбек тилини ўргатишида ҳалқ оғзаки ижодининг аҳамияти..... | 137 |
| Nurmonova S. | O'quvchilarni mustaqil fikrashiga o'rgatishda savol- topshiriqlarning o'mi..... | 140 |

НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА УСЛУБИЯТ

| | | |
|------------------------------|--|-----|
| Улуков Н. | Ўзбек ҳалқ маколларида нутқ одоби талкини..... | 144 |
| Kambarova S.I. | Adabiyot fanini o'qitishda virtual laboratoriya tashkil etish masalalari..... | 147 |
| Xolmuradova M. | "Qutadg'ubilig" asaridagi nutq madaniyatiga oid qarashlar..... | 152 |
| Олтинбек О. | Рауф Парфи она тили ҳақида..... | 155 |
| Раджапова Ф. | Қиссалар тилида фраземаларнинг ўрни..... | 158 |
| Ахатова М.С. | Термин ва истилоҳ муаммоси (тасаввуфий маъно иғодаловчи сўзлар мисолида)..... | 161 |
| Ахмедова Х.Т. | Алишер Навоий ва нотиқлик санъати масалалари.. | 164 |
| Махмадиев Ш. | Мақол ва унинг ўзбек ҳалқ достонларида тутган ўрни..... | 166 |
| Жуманазарова Г.У. | Достонлар тилида эмоционал-экспрессив бўёқдорликнинг иғодаланиши..... | 169 |
| Хидралиева З. | Тарихий асарларда эскирган сўзларнинг иғодаланиши..... | 172 |
| Тошева Д. | Зооним компонентли мақолларнинг услугбий- семантик хусусиятлари..... | 174 |
| Анданиёзова Д. | "Ўтмишдан эртаклар" киссасида антропонимларнинг ўрни..... | 176 |
| Soliyeva F., Хо'jayeva I. | Oybek lirikasining lisoniy jozibasi..... | 180 |

ЎЗБЕК-ИНГЛИЗ ТАРЖИМАСИ МУАММОЛАРИ

| | | |
|---|--|-----|
| Жалилов К. | Таржимада экстралингвистик контекстни етказиши муаммоси ("Евгений Онегин" шеърий романининг ўзбекча таржималари мисолида)..... | 186 |
| Abduraxmonova N.Z., Ismatullayeva N.B. | Mashina tarjimasi uchun ilmiy matnlardagi barqaror birikmalarining algoritmik tavsifi..... | 189 |
| Полванова С. | Тил ва маданиятнинг ўзаро боғликлиги ўзбек ва инглиз тиллари мисолида..... | 196 |
| Валиева Г. | Паремаларнинг қиёсий таҳлили орқали умумбашарий тафаккур мезонларини аниқлаш..... | 199 |

Adadi 100 nusxa. Hajmi 12,75 b/t. Bichimi 60x84 $\frac{1}{16}$
 «Times New Roman» garniturası. Ofset usulida bosildi.
 Nizomiy nomidagi TDPU bosmaxonasida nashr qilindi.
 Toshkent, Yusuf Xos Hojib 103.

